

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**ЮРИСПРУДЕНЦИЯ**  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВА  
ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)  
ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА  
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

<b>Тузувчилар:</b>	Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.д. Н.Имомов; ю.ф.н. Х.Азизов.
<b>Такризчи:</b>	Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д. О.Оқюлов

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>20</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>202</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>219</b>
<b>VI.</b>	<b>МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>240</b>
<b>VII.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>244</b>
<b>VIII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>250</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, глобал Интернет тармоғи бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модули ишчи дастури юриспруденциянинг фуқаролик, тадбиркорлик, оила, уй-жой, корпоратив, мулк, инвестиция, хуқуқи каби ўқув предметларини ўқитишида алоҳида ўрин тутади. Мазкур модул мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг қонунияти, бу борадаги қонун ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш амалиётининг узвийлиги қонуниятларини ўрганиш ҳамда шу соҳага оид мавжуд билимларни бойитиб боришни назарда тутади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулининг мақсади:** жамиятни демократлаштириш шароитида фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт тўғрисида педагог

кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг тасаввурларини қайта кўриб чиқиш, қайта баҳолаш асосида уларда фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу соҳа муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш қўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулининг вазифалари:**

Фуқаролик ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;

педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўқитишининг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

ўқув жараёнини фан ва амалиёт билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

**Тингловчи:**

- фаннинг назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни;

- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига хуқуқ соҳаларига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилиш, юридик конфликтларни ҳал қилишнинг хуқуқий усул ва воситаларини;

- фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишининг ўзига хос жиҳатларига, ушбу фанлар бўйича модулли ўқитишизими ва унинг қисмларига, маъруза ўқишининг интерфаол усулларини ушбу фанларан маъруза ўқишида кўллашни, кейс-стади асосида дарс ўтишни;
- фуқаролик хуқуқи ва тадбиркорлик хуқуқи соҳалари ва фанлари ривожланишининг устувор йўналашлари, ушбу хуқуқ соҳаларининг назарий фундаментал асослари бўйича;
- хуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услубларини;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни;
- ўкув жараёнида назарий тайёргарликни хуқуқни кўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўгрисидаги маълумотларни;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-хуқуқ тизимини модернизация қилиш хақидаги маълумотларни;
- хуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўкув жараёнида қўллай олиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли фанларни ўқитишида замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига фаол тадбиқ этиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- хуқуқий ҳужжатлар (норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, процессуал ҳужжатлар, юридик хулосалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишида таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ файланиш;
- хуқуқий фанларга тааллукли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- хуқуқий фанларни ўқитишида амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;
- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги хуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига хуқуқий ахборот тизимларини касбий фаолиятида қўллай олиш;
- маълумотлардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва саралаш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фанлар доирасида тақдимотлар яратиш;
- мустақил ва масофавий таълимни ташкил этишида видео маъruzаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности ҳужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- фуқаролик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий (бизнес хуқуқи) фаолият соҳаларига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- суд хукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш;

- ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моғиятини тўғри тушуниш, тадбиқ этиш ва ўқувчиларга муносиб етказиб бериш;

- фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий (бизнес ҳуқуқи) фаолият соҳаларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш;

- касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- фуқаролик ҳуқуқи ва процесси, тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи), ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича тингловчиларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, тингловчиларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- тингловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- ўқув жараёнida таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда тингловчиларда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптималь қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникумларини шакллантириш;

- махсус фанларни ўқитишида казус ва муаммоли саволлар тузиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модули маъруза, амалий ва қўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, кейс-стади, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт” модули “Жиноий-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Давлат-хуқуқий ва халқаро-хуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўнилмалари”, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар фуқаролик хуқуки ва тадбиркорлик хуқуки муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар таксимоти**

№	Модул мавзулари	Умумий ўқув юкламаси, соат	
		с	л
		Аудитория ўқув	та

			ЮКЛАМАСИ					
			ЖАМИ	ЖУМЛАДАН				
				НАЗАЙ	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ	КҮЧМА МАШГУЛОТ		
1.	Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари	4	4	2	2		-	
2.	Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиши ва уларни хуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлиш хусусиятлари	4	4	2	2		-	
3.	Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба	6	4	2	2		2	
4.	Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари	6	6	2	2	2		
5.	Корпоратив бошқарув ва уни хуқуқий тартибга солиш	8	6	2	2	2	2	
6.	Фуқаролик-хуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) хуқуқий фанларни ўқитища казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари	2	2		2			
	<b>ЖАМИ</b>	30	26	10	12	4	4	

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОЛЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари.**

Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишининг муҳим жиҳатлари. Фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишида қўлланиладиган самарали методлар. Фуқаролик ҳуқуқи модулини ўқитиши тизиминининг ўзига хос жиҳатлари. Маъруза дарсларини ўтишда қўлланиладиган интерфаол усуллар. Семинар ва амалий машғулотларни ўтишда кейс-стади ва ҳуқуқий хужжатларни тайёрлашнинг аҳамияти.

## **2-мавзу: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиши ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлиш хусусиятлари.**

Фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тутган ўрни. Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиришларнинг тадрижий ривожланиши. Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиришларнинг тавсифи ва иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар билан алоқадорлиги. Фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг устувор йўналишлари ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлишининг хусусиятлари.

## **3-мавзу: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба.**

Мулкий, шахсий-номулкий ва ташкилий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишининг фуқаролик ҳуқуқи институтларида ифодаланиши. Хорижий мамлакатларда фуқаролик қонунчилиги асосий институтлари ривожланиши тенденцияларининг тавсифи.

## **4-мавзу: Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари.**

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкил қилиниши. Таъсис этиш ва унинг усуллари. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш. Тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бериладиган ҳужжатлар. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини қайта ташкил этиш тушунчаси ва турлари. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини тугатиш тушунчаси ва усуллари.

## **5-мавзу: Корпоратив бошқарув ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.**

Корпоратив бошқарув тушунчаси, моделлари, корпоратив кодекс, акциядор, имтиёзли акция, оддий акция, олтин акция, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи, директор, дирекция, тафтиш комиссияси, ички ва ташқи аудитор.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари.**

Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишга нисбатан янгича ёндашувнинг зарурати. Фуқаролик-хуқуқий фанлардан маъруза машғулотларини олиб боришининг асосий услублар. Фуқаролик-хуқуқий фанлардан семинар машғулотлари тингловчилар назарий тайёргарлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида

### **2-амалий машғулот: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиши ва уларни хуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлиш хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ривожланишига умумий тавсифи. Фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг устувор йўналишлари ва уларни хуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлишининг хусусиятлари

### **3-амалий машғулот: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба.**

Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатлари. Хорижий мамлакатларда фуқаролик қонунчилиги асосий институтлари ривожланиши тенденцияларига умумий тавсиф.

### **4-амалий машғулот: Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари.**

Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг илмий-назарий муаммолари. Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш масалалари. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва хуқуқий мақоми. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этишнинг

ўзига хос хусусиятлари, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби. “Бир дарча” тамойили

### **5-амалий машғулот: Корпоратив бошқарув ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.**

Корпоратив бошқарув тушунчаси ва моделлари. Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари. Корхонанинг корпоратив бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари.

### **6-амалий машғулот: Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишида казус ва муаммоли саволлар тузиш технологиялари**

Казусни диққат билан ўқиб чиқиш ва таҳлил этиш. Тарафларнинг важлари, эътиrozлари, раддиялари ва талабларини таҳлил этиш. Моддий низони ҳал қилиш юзасидан тарафларнинг талаблари ва эътиrozларига ҳуқуқий баҳо бериш. Кўлланиладиган қонун ҳужжати ёки иш муомласи одатларини аниқлаш. Низо бўйича қонуний ва асослантирилган хulosани шакллантириш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиладиган “бир дарча” марказларида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қиласи.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Ўқитишида қуйидаги шакллар фойдаланилган:

- тақдимот маъruzasi, муаммоли маъruza ва давра сұхбатлари (таклиф қилинган шартларга асосан ҳаракат қилиш, биргаликда ишлаш, эшитиш ва мантиқий хulosса қилиш қобилиятини шакллантиради);
- маъruzalар (кириш маъruzasi, мавзули маъruza, умумлаштирувчи маъruza) ҳамда сұхбатлар (диққатни жамлаш ва ахборотни қабул қилиш қобилиятини шакллантиради);
- баҳс-мунозора (аргумент ва далиллар келтириш қобилиятини шакллантиради).

### **Баҳолаш мезони**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ кейс билан танишиш(матнли шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

**Кейс.** Кичик 10 ёшдаги А исмли бола дўкон сотувчиси Б нинг ташаббуси билан дўкондан 2. 000 сўмлик ўйинчоқ сотиб олди. Уйга қайтгач, А нинг онаси қайси дўкондан ушбу ўйинчоқни харид қилганини сўраб, соту вчи Б нинг олдига боради ва ўйинчоқни топшириб, пулни қайтариб беришни сўрайди.

## Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).

А нинг онасининг ҳаракатлари түғрими? А шартнома тузишда мустақил ҳаракат қила оладими? Бу ҳолат бўйича қандай жавобгарлик қўлланилишини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади;

<b>Ф</b>	• фикрингизни баён этинг
<b>С</b>	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
<b>М</b>	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
<b>У</b>	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

#### **1. Фикр: “Инновация- интеллектуал мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланади”.**

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим оловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникумларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим оловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникумлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

## ТЕСТ

❖ Фуқаролик ҳуқуқининг субъектларини түгри белгиланг?

- A. Фуқаро ва юридик шахс  
B. Давлат  
C. А ва Б

## Қиёсий таҳлил

❖ Тижоратчи юридик шахс тушунчасига миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилигига асосланиб жавоб беринг?

## Тушунча таҳлили

❖ **LLD** қисқартмасини изоҳланг .....

## Амалий кўникма

❖ Юридик шахснинг ташкил топиши ва давлат рўйхатидан ўтиши босқичини баён этинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини

аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Битим (Transaction)</i>	Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик хуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларир.	.
<i>Корпоратив мулк (Corporate ownership)</i>	Корпоратив хусусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк. Корпоратив мулк дивиденд келтирувчи мулқdir.	
<i>Директор (CEO)</i>	Ижро органига раҳбарлик қиласи. Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.	
<i>Мустақил директор (Independent director)</i>	Жамият билан иқтисодий манфаатлар билан боғланмаган кузатув кенгаши аъзоси.	
<i>Олтин акция (Golden share)</i>	қийматга эга бўлмайдиган, бошқа шахсга ўтказилмайдиган, гаровга берилмайдиган, устав фонд миқдорини белгилашдава дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайдиган акция. У давлатнинг маҳсус хукуки ҳисобланади.	
<i>Кузатув кенгаши (Board of directors)</i>	Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи акциядорлар томонидан сайланадиган корпоратив бошқарув органи.	

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик груптардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ❖ тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик груптарга ажратади;

- ❖ тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таниширилади;
- ❖ ҳар бир групга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатилади;

- ❖ ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қиласи;
- ❖ муроҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;

### **Намуна:**

#### **Фуқаролик ҳукуқи субъектларининг турлари**

<b>Фуқаро</b>		<b>Юридик шахс</b>		<b>Давлат</b>	
<b>афзаллиги</b>	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	<b>камчилиг и</b>

### **Хулоса:**

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш. масалалари.**

Режа:

1.1. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишга нисбатан янгича ёндашувнинг зарурати.

1.2. Фуқаролик-хуқуқий фанлардан маъруза машғулотларини олиб боришининг асосий услублари.

1.3. Фуқаролик-хуқуқий фанлардан семинар машғулотлари тингловчилар назарий тайёргарлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида.

**Таянч иборалар:** фуқаролик ҳуқуқи, модул, мулкий ислоҳотлар, кейс-стади, шартнома интизоми, хусусий мулкчилик, фуқаролик муомаласи, фуқаролик ҳуқуқи обьектлари доираси, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик, семинар, амалий машғулот, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

#### **1.1. Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишга нисбатан янгича ёндашувнинг зарурати.**

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида хуқуқий таълимни модернизация қилиш алоҳида рол эгаллайди. Ҳуқуқий таълимни модернизация қилиш босқичма-босқич, давлат ва жамият талабларини чуқур ўрганган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

*Ҳуқуқий таълимнинг вазифаси – глобализация жараёнидаги ҳодисаларни аниқлаш, ўрганиш, жамият қонунларига боғлиқ эканлигини тушиниб етиш ҳамда шунга муносаб, ҳозирги замон шароитида самарали иш юрита оладиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлашидир.*

Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан асослаб берилган тараққиёт ва таълим модели бугунги кунда ўзининг самарасини бермоқда ва халқаро эксперталар томонидан эътироф этилмоқда. “Портлаш эффекти” ҳам ушбу таълим моделига асосланганлиги барчамизга маълум. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда , “биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва маҳсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил “измлар”дан

озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, маълумки ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Албатта таълим – тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди<sup>1</sup>.

Маълумки, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда мамлакат иқтисодий устқурмасини тубдан ўзгартириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кўплаб ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ўтказилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида хусусийлаштириш ва мулқдорлар синфини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар, собиқ иттифоқдан қолган оқсоқ иқтисодиётнинг энг самарасиз воситаларидан бири бўлган колхозлар ва совхозлар ўрнига деҳқон ва фермер хўжаликларининг вужудга келиши, инвестициялар муҳитининг шакллантирилганлиги, хусусий меҳнат бозорининг ташкил этилиши, тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилиши ва бунда кенг имконият ва имтиёзларнинг берилиши, хом ашё тайёрлаш ва уни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни саноат товарлари ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи барқарор иқтисодиётга айлантирилиши, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ер участкаларини фуқароларнинг уй-жой қуришлари ва томорқа хўжаликларини шакллантиришлари учун ажратилиши, қишлоқ жойларида намунали уй-жойларнинг қурилиши ва уларнинг имтиёзли ва қулай шартлар асосида қишлоқ аҳолисининг мулкига айлантирилиши ва шу каби Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ислоҳотлар хуқуқий тадқиқотлар базасини чуқурлаштиришни тақозо этади ва келгусидаги устувор йўналишларини белгилаб берувчи асосий омиллар саналади<sup>2</sup>.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида, хусусан, Англияда ҳам мулк ва шахснинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш борасида янгича ёндашувлар юзага келаётганлиги ва бу ўз навбатида цивилистик қарашларга тубдан ўзгача муносабатлар вужудга келишига олиб келаётганлиги кузатилади. Масалан, Англияда Ҳозирда давлат сиёсати барча яширин заарли оқибатларга сабаб бўладиган қиймат (коммодификатсия<sup>3</sup>) ларга қарши чиқади. Биотехнология, илмий ривожланиш ва инсон танасидаги илмий

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” 2008. – Б. 60-61.

<sup>2</sup> И момов Н.Ф., Эргашев В.Ё., Ашурова Н.А. Хусусий мулкнинг хуқуқий режимини такомиллаштириш. Ахборот-таҳлилий материал. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 3-4 б.

<sup>3</sup>Commodification, инглизча commodity – товар. Инсон фаолиятининг янада кўплаб турлари пул қийматида ифодаланадиган ва амалда бозорда сотилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлган товарга айланадиган жараён.

текширишлардаги инқилоб сабабли мулк ҳуқуқидаги чеклашлар осонлаштирилди (қисқартирилди). Бунинг хавфли томони ўз ичига бошқа савдо муносабатлари каби сотиш, сотиб олиш ва бартер муносабатларини олади, шу ўринда бу илмий музлатилган эмбрионда қонун қандай муносабатда бўлиши мумкин деган савол юзага келади.<sup>4</sup>

Қонуний ҳуқуқлар ва уларнинг бирлашган чегаралари тўплами сифатида шахсий мулкни тасвирлаш тингловчиларни кўпроқ бир йўналишдаги тасвирлар харитасини тақдим этишга ўхшайдиган стратегик доираси билан таъминлайди. Педагогик жиҳатдан, бу тасвирлашдан асосий мақсад тингловчиларга дарснинг асосий мақсадини тушунтириш ва таҳлил қилишга ёрдам берадиган, бир вақтнинг ўзида тингловчиларнинг, “мулк-бу нарса” эканлиги ҳақидаги тушунчасида белгиланадиган “ҳисоб” маъноси маълумотлари билан таъминлашдан иборат. Қонунлар тўпламини алоҳида текширишни қонуний ҳуқуқлар ва ҳукуқ-тартибот қонунлари ролини алоҳида таъкилаш ва аниқлашдан бошлаш фойдали бўлади. Бу моддий ва номоддий нарсаларга эгалик манфаатларини яратувчи юридик тушунчадан ажратилган хусусий мулк бўлади. Қонунийлик ва ҳукуқийлик суд, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи томонидан эътироф этилади. Шундай қилиб, хусусий мулк жамият томонидан қонуний тузатишларни белгилаб тан олишга ва уларни амалга оширишга қизиқтирадиган танлов бўлади.<sup>5</sup>

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишлардан бири бу иқтисодий юксалишга эришиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлаш ҳисобланади. Бунда энг асосий омиллардан бири сифатида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эътироф этилади. Мазкур омил Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ белгиланганди бўлиб, мамлакатнинг мустақил тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, хусусий мулкни ривожлантириш доимо давлат ва жамият эътиборида бўлиб келганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, мустақилликнинг ilk давридаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу борада қуйидагиларни таъкидлаган эдилар: иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришмоқ керак. Хусусийлаштириш, энг аввало, майший хизмат ва савдо корхоналари, маҳаллий саноат корхоналаридан бошланади. Кейинчалик катта корхоналар ҳам акционерлик ва бошқа мулкчилик шаклига ўтказилади.

Бу ишдаги асосий вазифа маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Хусусийлаштириш маҳсулот

<sup>4</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. – p 582-596

<sup>5</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. – p 582-596

ишлиб чиқарувчиларнинг эркинлигига қаратилиши лозим, уларнинг эркинлигини эса хусусий мулк таъминлайди<sup>6</sup>.


Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошланган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда хусусий мулкнинг хуқуқий асослари яратилди, хусусий мулқдорлар синфи шакллантирилди, хусусий мулкка асосланган мулкий конструкциялар ишлиб чиқилди, хусусий мулкчилик борасидаги хуқуқий ва иқтисодий тасаввурлар том маънода бозор қонуниятлари асосида ҳосил қилинди. Бунда асосий ўринни хусусий мулкни мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик эгаллади. Мазкур даврда Фуқаролик, Ер, Оила ва Уй-жой кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунлари ва кўплаб хусусий мулкнинг хуқуқий асосларини ривожлантирига қаратилган қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди<sup>7</sup>.

---

<sup>6</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 24 б.

<sup>7</sup>Масалан, шундай қонун ҳужжатлари жумласига: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартағи №ПФ-789-сонли “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ва 2007 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-3897-сонли “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонларини киритиш мумкин.

## Бозор ислоҳотларини ривожланиш босқичлари



*1-схема. Бозор ислоҳотларини ривожланиши босқичлари*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” эълон қилинди. Мазкур Концепциянинг “Демократик бозор ислоҳотларинива иқтисодиётни либераллаштиришниянада чуқурлаштириш” – деб номланган VI-бўлимида бир қатор қонунлар қабул қилиниши назарда тутилган эди. Ҳозирги кунга келиб уларнинг асосий қисми қабул қилинди.

## **Концепция асосида фуқаролик-хуқуқий йўналишида қабул қилинган қонунлар**

**Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар хуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун  
(2012 йил 24 сентябрь, ЎРҚ-336-сон)**

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун  
(2012 йил 20 декабрь, ЎРҚ-341-сон)

Оиласи тадбиркорлик тўғрисидаги қонун  
(2012 йил 26 апрель, ЎРҚ-327-сон)

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун (янги таҳрири) (2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон)

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон)

Рақобат тўғрисидаги қонун  
(2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон)

Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонун  
(2011 йил 4 октябрь, ЎРҚ-301-сон)

Гаров реестри тўғрисидаги қонун  
(2013 йил 23 октябрь, ЎРҚ-356-сон)

Риэлторлик фаолияти тўғрисидаги қонун  
(2010 йил 22 декабрь, ЎРҚ-269-сон)

Инвестиция ва пай фондлари тўғрисидаги қонун  
(2015 йил 25 августдаги ЎРҚ-392-сон)

Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун (2015 йил 20 август, ЎРҚ-391-сон)

**2-схема. Концепция асосида фуқаролик-хуқуқий йўналишида қабул қилинган қонунлар**

Ишончим комилки, бу вазифаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, хусусий бизнесни ривожлантириш, жамиятимиздаги барқарорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи янги омил ва имкониятлар яратади<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, ана шу ислоҳотлар негизида ҳуқуқий фанларни, хусусан, фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>9</sup> қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди<sup>10</sup>.

Юридик таълим ва ҳуқуқий хулқ-атвор узвий бир-бири боғлиқ категориядир. Глобаллашув шароитида юриспруденция энг зарурий ихтисослик йўналишлардандир. Юридик таълим муассасалари инновацион таълим усулларини татбиқ этиш уни бошқариш тизимининг янада самарадорлигига эришишни зарурият қилиб қўяди. Энг муҳими ҳар бир юридик фан соҳаларини ўқитишда анъанавий ва янги ёндашув нуқтаи назардан баҳо бериш ҳуқуқий таълимнинг сифатига эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Юридик таълимни замонавий лойиҳалаштириш унинг истиқболини белгилаб беради.

Ҳуқуқий таълимнинг сифати уни баҳолаш тизимига узвий боғлиқ бўлиб, мунтазам мониторингини амалга ошириш лозим. Таълимнинг сифати энг муҳими, тингловчи ва магистрнинг ўзлаштириш даражаси интерфаол усулларини самарали татбиқ этишга ҳам узвий боғлиқдир. Шу боис адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ўқитишнинг фаол усулларини қўллаган ҳолда ўтказиладиган маъruzalarга “маъруза-сұхбат”, “маъруза-мунозара”, “ўзаро мулоқотли алоқадорликни қўллаш бўйича маъруза”, “муаммовий маъруза”, “дастурлаштирилган маъруза”, “тақдимот-маъруза”лар киради. Амалий машғулотни ўтказишнинг интерфаол усуллари бўлиб “кейс-усул”, “ролли ўйин”, “ақлий ҳужум”, “психологик ва бошқа тренинг”, “эксперт ва мутахассисларнинг мастер класси” кабилар

<sup>8</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жарабёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи, 2015 йил 18 январь.

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

<sup>10</sup>Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир // Халқ сўзи. 2013 йил 8 декабрь.

ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг юридик таълимининг анъаналари ва хусусиятлари борлигини ҳам инобатга олиш лозим.

Масалан, АҚШлик профессор-ўқитувчилар ўз тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда фанни амалиёт билан узвий уйғунликда саклаш учун “интернетдан фойдаланиш”, “Wikipediaдан фойдаланиш”, “онлайн курс(масофавий таълим)”<sup>11</sup> каби усул ва методларни қўллашни фойдалироқ деб билишади. Хусусан Ирвинг академияси профессори Том Геар шартномаларни (урғу асосан олди-сотди шартномасига қаратилган) маълум миқдорда англаш ва тушиниш учун “интернетдан фойдаланиш” усулидан фойдаланишни тажриби қилган ҳамда уни қуйидагича изоҳлаган: *Ўтган йили биринчи курс талабаларига шартнома ҳуқуқидан таълим берши давомида мен уларнинг кўпчилиги учун бутунлай янгилек бўлган асосий тушунчаларни яхшироқ тушуниши учун ушибу содда, технологияларга асосланган услугуб (Интернет, Word ҳужжатлари, файллардан расмлар жойлаштириши, матнли қутилардан фойдаланиш)ни қўллаганман. Мен билан биргаликда ишлаган талабаларнинг бир-биридан гайриоодий равишда фарқланувчи гуруҳлари ҳуқуқшуносликка, автомобилларга ва интернетга қизиқиши билдиришиган. Барча талабаларда компьютер ва интернетга уланиши имконияти мавжуд, лекин уларнинг компьютер билан ишилаш қобиляти кескин фарқ қиласди. Уларнинг технологиядаги қобиляти турлича эканлиги кўзланган мақсадга эришишига ҳуқуқий ҳужжатларни ишлатиши, шунингдек, эски таълим услубларидан бири ҳисобланмиши ёзув ёзишдаги фарқланишлардан кўра кўпроқ тўсиқ бўладигандек туйилмайди. Талабалар орасида кенг тарқалиб, қизиқишига сабаб бўлган нарса (автомобил)ларнинг ҳуқуқий томондан (шартномавий таклифлар) бир-бирига боғлаш орқали дарс олиб бориши ҳуқуқшуносликни ҳаётга боғлаб ўрганишининг самарали йўли ҳисобланади.*

*Талабалар Word ҳужжати шаклидаги таклифда талаб қилинадиган шартларни тайёрлашиди. Кейинг икки ҳаракат янги Power Point ҳужжатини яратиб, www.cars.com ёки www.autotrader.com сайларидан бирига кириш ва автосавдоғар ёки шахсан эгаси томонидан сотилаётганлигини аниқлашдан иборат. Шунингдек, ҳар бир талаба бош слайдга юқоридаги сайтлардан бирида жойлашган ўнта таклифни жойлаштиришига тўғри келди. Мавжуд шартларнинг рақамини ва уларнинг етарли ҳамда қатъийлигини аниқлашучун бошлангич саҳифа сифатида расм ва матнни учун бўшлиқни ўз ичига олган слайд лозим (настга қаранг). Ҳар бир талабадан \$10,000, \$20,000, \$30,000, \$40,000 ёки \$50,000 қийматда ва ундан юқори қийматда иккى улов ҳақидаги ўнта слайд*

<sup>11</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011. 75-80 р.

*тайёраш талаб этилган. Талабалар талаб қилинган шартларни ўзида ифодалаган матнли жадвални расмнинг ёнида жойлаштириши керак эди.*

**Автомобил: RX-8**

**Сифати:** 2004 йилги модел,  
11,667 мил босиб ўтган

**Микдори:**

JMIFE173740102421 рақамли битта  
автомобил

**Нархи:** \$26,988<sup>1</sup>



Юзга яқин талабалар гурухидаги ҳар бир талаба ушбу топширикни ўз вақтидан олдин ёки ўз вақтида бажарди. Уларнинг изоҳлари ва ўз ишларини ўзаро ҳамда мен билан баҳам кўришга интилишидан менда улар шу йўл билан ўрганишда завқланишади, деган тасаввур шаклланди.

Слайдлар қўйидаги саволларга ишора қилувчи реал мунозараларга сабаб бўлди:

Ушбу шартлар яроқли таклиф яратиш учун етарлими?

Ушбу таклиф харидорларни сотиб олишга ундай оладими?

Қисқача қилиб айтганда ушбу мақолани ёзишдан олдин юқорида айтиб ўтилганидек фақатгина интернетни ўзидан фойдаланган ҳолда янги автомобил харид қилдим. Улов қисқа муддатли танаффус ичиде етказиб берилди<sup>12</sup>.

Англиялик мутахассисларнинг тажрибаси бўйича мулк ҳукуки дарсини қўйидаги усулларда олиб боришда самаралироқдир:

Мулк ҳукуки курси бўйича тингловчилар учун юзага келадиган яна бир муаммолардан бири – уларнинг мулк билан боғлиқ тажрибаларининг камлигидадир. Шунингдек, материаллар билан кам микдордаги танишлилик синфдаги амалиётни сусайтиради. Мулк ҳукуки ўқитувчилари учун таълим билан боғлиқ мақсадлари бу ҳукуқ соҳасидан йироқ ўқувчиларга тушунтириш муаммолар туғдиради. Синфдаги амалиётни жонлантириш учун бутун курсни якуний имтихон учун эмас, ҳаётий касб малакасини ўрганиш мақсадида ўзлаштираётган тингловчиларни рағбатлантириш ва илҳомлантириш фойдалидир. Бу перформатив модел реал дунё тажрибаларига асосланган, холис таҳлил, шунингдек ўқув малака ва

<sup>12</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 76 p .

жараёнини яхшироқ тушиниш учун синфда томонлар ўртасидаги муносабатни юзага келтиради<sup>13</sup>.

Амалий дарслар сифатини ошириш учун, тингловчилар дарснинг яратилиш жараёнида, музокараларда, қонун хужжатлари билан қайта ишлашда иштирок этишлари лозим. Агар қонун хужжатлари тингловчиларнинг кундалик ҳаётларида кўпроқ ўрин олса, янада кўпроқ фойда келтириши мумкин, шунингдек, лизинг сифатида улар имзолаган хужжатлар тўғрисида ҳам шундай фикр билдиришимиз мумкин. Бу лизинглар орқали аудиториянинг реал дунё билан кесишиши тезлиги ортади, тингловчиларда хужжатлар билан тезкор ишлашда рағбатлантириш имкониятини яратади. Матбуотга боғланишда эса, сунъий бўлса-да, ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шу ўринда тингловчилар кундалик ҳаётидан лавҳалар яратишни сўрашлари, ижара шартномалари тузишлари мулк ҳукуқидан амалиёт бажаришлари мумкин. Қулайликларни излаш, мисол учун, тингловчилар ўзларининг ажойиб дунёларини янги дунёқарашлар билан боғлиқ тадқиқотлари юзасидан келиб чиқиши мумкин. Тингловчилар кўзларидан яширган пинҳона сервитутларни топишларидан олдин, газеталарни варақлашлари, қўшни уйлар бўйлаб юриб боришлари ёки йўлларда машина бошқаришлари мумкин.<sup>14</sup>

Хукуқий манбаларда тўғри таъкидланганидек “ўқувнинг ҳамма жараёни қўйидаги тузилишга асосланади: эслаш-фикрлаш-хотирада сақлаш-кўллаш-текшириш. Дарҳақиқат юрист кадрни тайёрлаш ва замонавий ўқитишининг назарияси ва методикасини пухта ўзлаштириб олиш, юксак малакали ҳукуқшунослар авлодини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси юридик таълимни модернизация қилиш шароитида иқтидорли тингловчиларни тарбиялаш орқали юристлар корпусини такомиллаштиришга эришиш лозим. Иқтидор ва қобилият ҳам замонавий ҳукуқшуноснинг сифат мезонларини белгилайдиган ўлчовдир. Инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичи халқаро юридик жараёнларни пухта кузатиб борилиши, тизимли ўрганиб уни мониторингини амалга ошишни тақозо этади. Хукуқий билимлар мониторинги жамият ва давлатнинг ҳукуқ устуворлигини таъминлашнинг ғоятда муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шу боис юридик таълим муассасалари фаолияти мониторинги ҳам муҳим аҳамиятлидир.

<sup>13</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 53 p .

<sup>14</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. – p 582-596

Анъанавий Америка хуқуқий таълими моддий ва процессуал хуқуқни ўргатишида муайян муваффақиятларга эришган десақ, муболага бўлмайди. АҚШдаги кўпгина юридик факультетлар ўқитувчилари (уларнинг кўпчилиги юридик амалиётда, ўқитувчилик соҳасига ўтгунга қадар бой юридик тажрибага эга бўлади) судья ва амалиётчилар билан биргаликдаги ҳамкорлиги мақсадга мувофиқ деган фикрга келинди<sup>15</sup>. Бунда судья ва амалиётчилар адъюнкт-профессорлар сифатида иштирок этиб тингловчилар кўникумаларини янада чуқурроқ шакллантиришга имконият яратади.

Кўпгина ҳолларда хуқуқий мактаблардаги машғулотлар баҳс-мунозаралар кўринишида ўтиб, бунда ҳар бир тингловчи муҳокама қилинаётган масала бўйича ўз фикрини айтиши мумкин. Бундан ташқари, семинарларда бир неча ўқитувчилар қатнашиб, уларга амалиётчи ҳодимни (судьялар, прокурорлар, адвокатлар)ни таклиф қилиш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Маъруза ва семинар машғулотларида аниқ ишларни кўриб чиқишга катта аҳамият қаратилади, шунинг учун ҳам, кўпгина курслар учун асосий манба бўлиб прецедентларга бой бўлган ўқув қўлланмалари хизмат қиласиди. Энг катта эътибор асосан ўқув жараёнини олиб бориш шакллари ва усулларига қаратилади<sup>16</sup>.

АҚШда юридик таълим олишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бунда тингловчиларнинг қанча назарий билим олишига эмас, балки қай даражада асосий амалий кўникумаларга эга бўлишга қаратилади<sup>17</sup>, Америка хуқуқий таълими, асосан тингловчи томонидан битирувчига касбий фаолиятида аскотадиган чуқур амалий билим ва кўникумаларини шакллантиришга йўналтирилган<sup>18</sup>. Америка хуқуқшунослик таълими икки босқичга бўлинади: тўрт йиллик коллеж ҳамда уч йиллик хуқуқ мактаби. Бунинг устига биринчи маълумоти бўйича Америка хуқуқшуноси иқтисодчи, журналист ёки математика соҳалари бўйича касбларни эгаллаши мумкин. Хуқуқ мактабига умумий ва кенг маълумотга эга етарли даражадаги ёшга кирган инсонлар боради ва улар ўзлари учун айнан қандай фанлар кераклигини яхши тушунишади, яъни онгли равишда касбий танловни амалга оширадилар.

Германияда хуқуқшуносларни тайёрлаш номарказлаштирилган тарзда амалга оширилади. Бошқача айтганда, у ягона федерал қонунлар билан

<sup>15</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 61 p .

<sup>16</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 76 p

<sup>17</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 77 p .

<sup>18</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. 81 p .

эмас, балки 16 федерал ерларнинг “Хуқуқий таълим тўғрисида”ги қонунлари билан тартибга солинади. Хуқуқий таълим тўғрисидаги федерал ерларнинг маҳсус қонунлари таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Бунда университетларнинг юридик факультетларида ўқув жараёни икки босқичда амалга оширилади. У университетдаги (академик) таълим ва амалий стажировкадан иборатdir. Қайта тайёрлаш ва юридик кадрларнинг малакасини ошириш Федерал Адлия вазирлиги ва 16 федерал ерлар Адлия вазирликларининг келишувига мувофиқ тартибга солинади. ГФРда ушбу масала бўйича маҳсус қонун ҳужжатлари ёки йўриқномалар мавжуд эмас. Хуқуқий таълимни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юридик кадрларни тайёрлаш бўйича бир қатор масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратади. Ушбу давлатнинг олий таълими, ҳатто чет эл фуқаролари учун ҳам бепул ҳисобланади. Хуқуқшунос касби эса яхшигина обрў-этиборга эга ва юридик олий ўқув юртига кириш учун кириш танлови мавжуд эмас. Бундан ташқари, Германия чет эл фуқароларини кенг миқёсда жалб қилишни эълон қилган давлатлар қаторига киради. Бу хусусан, Германиянинг, шунингдек Европа Иттифоқининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўсиб бораётган роли билан боғлиқdir. Германияда тингловчи 4 йил давомида асосий хуқуқий фанларни ўрганади ва ундан кейин бир қатор назорат ишларини ёзади ҳамда давлат имтиҳонини топширади. Сўнг икки йилда турли юридик касбларнинг амалий ўрганилиши ташкил этилади: 6 ой судда, 4 ой прокуратурада, 4 ой ижтимоий соҳада ва бошқа муассасаларда. Барча стажировкаларни тугатганидан кейин, тингловчи иккинчи давлат имтиҳонини топширади ва шу вақтдан бошлаб хуқуқшуносликнинг исталган соҳасида ишлашга тайёр бўлади, чунки Германияда “универсал” хуқуқшунослар тайёрланади<sup>19</sup>.

Мамлакатимизда юридик кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Шу боис ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олиб ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашнинг хуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>20</sup> Қарорининг аҳамияти бекиёсdir. Ушбу қарор ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий ҳалқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

<sup>19</sup> Қаранг: Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

Юридик таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг модули тизими янгилик бўлиб ўзига хос жиҳатларига эга. Педагогик тадқиқотларда “модул” тушунчасига турли хил таърифлар билдирилган. Хусусан, модул-бу билимларни назорат қилиш билан ҳамоҳанглашган, қандайдир мантиқий яхлитлик ва тугалланганликка эга ўқув ахборотидаги мантиқий белгиланган қисм сифатида эътироф этилган таърифлар мавжуд. Шунингдек, айрим олимлар томонидан ўзгача мазмунда таърифлар билдирилган. Ўқув-модули-ҳар бир ўқув топшириқларини бажариш вақти, назорат ва ҳисобга олиш усуллари, ўқув материаллари (параграф, мавзу, бўлим, фан интеграллашган курс)ни ўрганиш бўйича хос тарзда ўқув модули уни ўрганишнинг кўпроқ оқилона шакл ва методлари билан биргаликда одатий ўқув дастурлари мавзу (бўлим)ларини акс эттиради.

Маълумки, модулли ўқитишнинг моҳияти шу билан изоҳланадики, унга кўра таълим олувчи ўзига тақдим этилган индивидуал ўқув дастури асосида мустақил тайёргарлик қўради. Бу ўқув дастурини бажариш учун ҳаракатларнинг режаси, ахборотлар мажмуаси, ўқитиш натижаларига эришиш бўйича аниқ методик тавсияномалар<sup>21</sup> бўлиши зарур. Модулли ўқитишнинг асосий талаблари жумласига қуйидагилар киради. Ҳар бир модулнинг мазмунига барча материални ўзлаштириб олиш бўйича мақсад белгилашни; модул бир ва бир неча дидактик мақсадга эришишни таъминлашга қаратилиши; модуллар мазмуни мустақил фикрлаш, мантиқий ўйлаш ва амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиши; касбий ижодий фикрлашини ривожлантириш мақсадида модулнинг ўқув материали мазмуни муаммоли тарзда берилишига эришиш шулар жумласидандир. Модулли ўқитишда таълим олувчиларнинг билим, малака, кўникмаси қатъий равишда назоратнинг рейтинги тизимида баҳоланишини зарурият қилиб қўяди.

Ҳар бир модул бўйича тайёрланадиган ўқув материаллари ўз ичига ўқиши даврини тўлиқ қамраб олган модулли дастур, ҳар бир модул бўйича назарий материаллар (маъруза), ўқув-услубий тарқатма материаллар, ҳар бир модул бўйича индивидуал топшириқлар, ўқув илмий адабиётлар

<sup>21</sup> Қаранг: Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011.

рўйхати, ҳар бир модул бўйича мустақил ишлар учун топшириқлар ва ҳар бир модул бўйича назорат топшириқларини қамраб олади<sup>22</sup>.

Юридик таълим тизимида модулли ўқитишнинг жорий этилиши малакали хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ҳар қандай тизимга жорий этилган янгиликнинг самараси унинг иштирокчилари томонидан пухта ўзлаштириб олинган тақдирдагина ўзининг натижасини бериши мумкин. Шу боис юридик таълимни модулли ўқитиш асосида ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш мавжуд субъектив ва объектив муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш имкониятини яратади. Айниқса бу борадаги илғор тажрибаларни семинар-тренинглар асосида муҳокама этиб ташкилий чора-тадбирларнинг кўрилиши модулли ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини юридик таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради.

Юридик таълимга бўлган давлат ва жамиятнинг эҳтиёжи жуда ҳам ортиб бораётганлиги, айниқса миллий ва ҳалқаро хуқуқ нормаларини амалиётда қўллаш тажрибасига эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлашнинг объектив заруриятини инобатга олишни тақозо этмоқда. Энг муҳими бугунги тингловчи ва магистрнинг ўкув дастурларини ўзлаштириш бўйича зиммасига юклатилган вазифасини теран ҳис қилиши, юридик олий ўкув юрти педагог ҳодимларнинг касбий маҳорати шу жумладан уларнинг хуқуқни қўллаш амалиёти бўйича етарли ҳалқаро билим ва тажрибага эга бўлиши зарур. Ривожланишнинг ҳозирги инновацион босқичида юридик таълим соҳасида янги истиқболли даврнинг бошланганини инобатга олсак, ўтмишдан фарқли ўлароқ, нафақат давлат органларига балки фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам малакали юрист кадрларни тайёрлашни зарурият қилиб қўймоқда. Мехнат бозоридаги рақобат, мутахассисдан етук малака ва тажрибага эга бўлиши талаб этмоқда.

Ҳозирги пайтда энг долзарб муаммолардан бири юридик фанларни хусусан, фуқаролик хуқуқи фанини ўқитишнинг назарий ва методикасини такомиллаштириш бўлиб ҳисобланади. Чунки фуқаролик хуқуқи фанини ўқитишнинг илмий-назарий муаммоларини ўрганмасдан кўзланган мақсадга эришиш мушкул масаладир. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик хуқуқи хуқуқнинг энг мумтоз соҳасидир. Фуқаролик хуқуқи мулкий ва у билан боғлиқ номулкий муносабатларни тартибга соладиган нормаларни ўзида мужассамлаштиради. Фуқаролик хуқуқини ўқитиш назарияси ва методига асосан мумтоз таълим методлари маъруза, семинар-

<sup>22</sup> Қаранг: Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011. 53-103 р.

амалий машғулотлар тарзида олиб борилади. Шунингдек уни ўқитишида замонавий ўқитишининг энг илғор ва самарали усулларидан фойдаланилади. Амалдаги таълим стандартларига асосан “Фуқаролик ҳуқуқи умумкасбий фанлар сирасига кириб хусусий ҳуқуқ тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди. Юриспруденция соҳаси бўйича асосий ва маҳсус ўқитиладиган ҳуқуқ соҳасидир.

Фуқаролик ҳуқуқи – Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида энг катта ва муҳим соҳаси сифатида ўрин эгаллайди.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар шахс, давлат ва жамият учун ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Демак, шахс, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга узвий боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларисиз унинг субъектлари фаолияти ва ўзаро муомаласини тасаввур этиб бўлмайди. Мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи институтлари бевосита жамиятнинг иқтисодий негизлари иқтисодий муомала билан бевосита боғлиқлигини назарда тутсак, бу фаннинг шахс, давлат ва жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Метод (*methods* грек тилидан олинган бўлиб) маъноси – тадқиқ этиш йўли назария, таълимот демакдир. Бошқа айтганда, теварак атрофни билиш ёки аниқ мақсадга эришиш усулидир.

Педагогик фаолият инсон меҳнатининг энг мураккаб соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юрист педагогнинг олдида турган энг муҳим вазифа бу предметни яхши билишини ўзи етарли эмас. У ёки бу даражада педагогик маҳоратга эга бўлиши, педагогик жараённинг барча сир асрорларини, унинг шаклларини, тингловчини ўқитиши методларини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Шундай қилиб, юридик олий ўқув юртида педагогик жараён “икки томонлама ўзаро таъсир этишдир. Бундай таълим ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъекти ўқитувчи ва тингловчидир.

*Россиялик цивилист олим Е.А.Суханов фикрича, фуқаролик ҳуқуқи предметини ўқитишини ўзгартириши лозим. У фан сифатида ўқитилиши керак, амалдаги қонунчиликни шарҳлаш тарзида эмас. Шунингдек, бунда ўқув предмети қонуншунослик эмас, балки ҳуқуқшунослик бўлиши зарур. Дарсда қонун нормасини эмас, балки асосий цивилистик тушунча ва конструкциялар ўргатилиши, уларни амалиётда қўллашнинг усул ва шакллари қонунчиликдаги мисолларни кўрсатган ҳолда ўқитилиши лозим.*

Ўтган асрларда фуқаролик ҳуқуқини ўрганиши бўйича ўзгача фикрлар ҳукмронлик қилар эди. XIX аср охирида француз юристи Париж

университетининг вице-ректори Лиарнинг фикрича, “Хуқуқ- бу ёзилган қонун. Шу сабабли юридик факультетларнинг асосий вазифаси қонунни шарҳлашга ўқитшиидир, унинг методи эса дедуктивдир. Қонуннинг моддаси назарияни ўз ичига олиб унга боғлиқ ҳолда оқибатларига нисбатан қўлланилади. Бўлажак юрист – бу геометр, юридик тарбия – соф диалектикадир. Бу нуқтаи назар ўша давр учун хос бўлиб бугунги ҳаққонийликка тўғри келмайди. XIX аср – XX бошларидағи кодификацияланган қонунчилик яхлит ёпиқ бўлиб барча ижтимоий ҳаётдаги хуқуқий масалаларга ундан жавоб олиш мумкин бўлган. Шу боис юристнинг вазифаси кодекслардан бу жавобларни излаб топишдан иборат бўлган.

Бошқача айтганда, қонун қабул қилиган пайтдаги турғунлик илғор гояларни унга киритиши имконини бермаган. Яъни қонуншуноснинг дунёқарашидан четга чиқши мумкин бўлмаган.

Бугунги кунда миллий фуқаролик қонун ҳужжатлари босқичмабосқич такомиллаштириб борилмоқда. Шу боис бугунги кунда тингловчи ҳар доим ҳам уларни ўзлаштиришга улгура олмай қолиши мумкин. Қолаверса келажақдаги қонунчилик ҳолати ҳақида билим бериш ҳам мушкул масала бўлиб ҳисобланади. Бугунги хуқуқшунос ўзи олган билимларини такрорлаш, янгилаш, ўқиган материалини умумлаштириш эвазига бўлажак касбий фаолиятга ўзини тайёрлаб бориши керак. Ушибу ўринда американлик олим М. Ноулзанинг фикрини келтириб ўтиши дикқатга сазовордир. “Ваҳоланки кишиларни тайёрлаш бундай шахслар ўзгараётган шароитда ўз билимларини қўллашга қодир бўлади ва асосий ваколатлилик шундаки, ўзининг бутун ҳаёти мобайнида доимо ўз билимини ошириб бориши салоҳияти ва кўникмасига эга бўлиши лозим”<sup>23</sup>. Фуқаролик хуқуқи ўқитшии методикаси ўқитувчи раҳбарлигида олинган билимларни мустаҳкамлашга, тингловчининг мустақил ижодий ишини ташкил этишига хизмат қиласди. Ўқитувчи ва тингловчининг ўзаро ҳамкорлиги фуқаролик хуқуқ фанини ўзлаштиришининг асосий тамойилидир.

<sup>23</sup> Қаранг: Malcolm Shepherd Knowles, Elwood F. Holton, Richard A. Swanson. : The Adult Learner: The Definitive Classic in Adult Education and Human Resource Development// Elsevier, 2005. 378 p.

## Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишида қўлланиладиган методлар

Тушунтириш-кўрсатиш методи. Унинг моҳияти шундаки, педагогик ходимлар турли воситалар билан тайёр ҳуқуқий ахборотни беради, талаба эса уни тушуниб, англаб ўзига муҳим жиҳатларни қайд қилиб олади.

Репродуктив метод. Унга кўра, педагогик ходим олинган ахборотни, кўрсатилган воситалар орқали ҳосил қилинган билимларни ўзлаштиришини ташкил этади.

Муаммони баён қилиш методи. Бунда педагог ходим ҳуқуқий дарсни олиб бориша үзи муайян муаммони қўяди, үзи ечади, уни ҳал қилиш йўлини кўрсатади, ҳуқуқий ходисани илмий билишнинг намунасини изоҳлайди.

Хусусий – изланиш ёки эвристика методи. Педагог ходим ушбу методни қўллашда ҳуқуқий масала ёки топшириқни жавоб топишга йўналтиради.

Тадқиқот методи. Ушбу метод, билимни ижодий қўллашни таъминлайди, илмий билиш методи орқали билим эгаллашга имконият яратади. Бу *казуслар, амалий масалалар, ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш, педагог ходим раҳбарлигида муайян мавзуни тадқиқ этиб ўрганиши* орқали амалга оширилиши мумкин.

**З-схема. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишида қўлланиладиган методлар**

Билимни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти машқлар асосида илмий йўналишларни ҳосил қилишга эришишдир.

Маълумки, вербал муроқот ёки сўзлар ва ҳаракатлар инсонга таъсир этишининг энг таъсирчан воситасидир. Шу боис педагог ходим ва ўқувчи ўртасида фанни ўзлаштиришнинг қудратли, керак бўлса мўжиза яратувчи ижодий кучи фикрлар орқали фаннинг туб моҳиятини тушуниш ва англашдир.

Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўзлаштириш даражаси ҳам, ўқитувчининг педагогик маҳоратига узвий боғлиқдир. Анализ (таҳлил) муайян яхлит ҳодисани уни ташкил этувчи қисмларга бўлиб таҳлил этиш маъносини англатади. Синтез унинг акси бўлиб ҳисобланади. Унинг алоҳида элементи тимсолида яхлит ҳодиса ҳақида тасаввур ҳосил қиласди. Қиёслаш – ҳуқуқий ҳодисани таққослаш асосида унинг моҳияти тушуниб олинади. Умумлаштириш – ҳуқуқий ҳодисага ёки барча элемент ва компонентлар умумлаштирилиб ўрганилади. Далил – воқеа ва ҳодисага хос барча далилий исботлар тўпланиб, у ҳақда муайян аниқ амалий билим ва кўникма шакллантирилади. Хулосаларни шакллантириш – олинган билимларни ўзлаштириш баробарида муайян воқеа ва ҳодисаларга хос тегишли илмий, амалий хулосалар ишлаб чиқишга муваффақ бўлинади.


Эвристик метод йўли билан ўқитишининг моҳияти шундаки, ўқитувчи раҳбарлигига тингловчига доклад орқали чиқиш қилиш, мавзу бўйича вазифа ва машқларни бажариш, баҳс ва музокара юритиш асосида тингловчи ҳуқуқий ҳодисани билиш ва тушуниш ва англаш имконига эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишида қўлланиладиган эвристик метод орқали педагогик жараёнга ақлий фаолият рухиятини беради. Хусусан тингловчилар билан “ақлий хужум”, маъруза, консультация, сухбатлар ўтқазишдан тубдан фарқ қиласди. Эвристик методда устуворлик тингловчининг ўзига берилади. Ўқитишининг эвристик методи асосан икки шаклда амалга оширилиши мумкин. *Биринчиси*, тингловчи уйга берилган вазифа ва машқни мустақил ечиб, семинар ва амалий машғулотларда уни таҳлил қиласди ва ўз жавобларини беради. *Иккинчиси*, тингловчи ўқитувчи томонидан берилган муаммоли масалаларни ечиш, семинар машғулот доклад билан чиқиш қилиши ва мустақил реферат мавзуларини бажариш орқали муҳокама ташкил этилиб ўтказилади. Ўқитишининг бундай шакли қадимги Греция ва Рим мактабларида кенг қўлланилган, яъни ўқитувчининг шархи ва хулосалари асосида ўқув машғулотлари олиб борилган.<sup>24</sup>

<sup>24</sup> Қаранг: Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011.

Фуқаролик ҳуқуқини ўрганишнинг роли ва аҳамияти тобора ортмоқда. Чунки, бўлажак юристнинг юриспруденция соҳаси бўйича малакали кадр бўлиб етишишида бу фаннинг тутган ўрни бекиёсdir. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича чуқур ва мустақил билимга эга бўлиш ҳуқуқшуносликнинг барча йўналишлари учун зарурдир. Яъни, судья, адвокат, прокурор, нотариус, юрисконсульт, терговчи, участка инспектори, божхона, солиқ ходими ва бошқа соҳа мутахассислари ҳам фуқаролик ҳуқуқи фани соҳаси бўйича билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб этилади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанидан маъруза дарсларида турли жадваллар ва схемалардан фойдаланиш методи тингловчиларни муайян мавзуларни ўзлаштиришда самарали таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, бу метод хорижий мамлакатларда кенг қўлланилади ва уларнинг ўкув адабиётларида самарали фойдаланилади. Масалан, 2011 йилда Англияда нашр этилган “*Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches’ Business Law. Pearson Education Limited. 2011*” китобида мулк шакллари хусусида қўйидаги изоҳ ва схема берилади:

Инглиз ҳуқуқида мулк кўчар ҳамда кўчмас мулкка бўлинади. Тадбиркорлик активи ушбу икки мулк туридан ташкил топади. Қўйида келтирилган схемада Инглиз ҳуқуқида мулкнинг классификацияси кўрсатилган.<sup>25</sup>



**4-схема. Инглиз ҳуқуқида мулкнинг классификацияси**

<sup>25</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches’ Business Law. Pearson Education Limited. 2011. p 431

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи курси анъанавий икки қисмга ажратилиб ўрганилади. Биринчи қисми, фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи қисми, мажбуриятнинг алоҳида турлари, шартномада ташқари мажбуриятлар, муаллифлик ҳуқуқи, мерос, ворисликни ҳуқуқи каби маҳсус ҳуқуқий институтларни ўзида ифода этади.

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларини қўллашда амалиётчи мутахассис ўзининг кундалик амалий иш фаолиятида кўп маротаба дуч келади. Шу боис педагог ходим фуқаролик ҳуқуқининг назарий асосларини билиб қолмасдан, фуқаролик қонун хужжатларини амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Бошқача айтганда, фуқаролик ҳуқуқи нормаларини аниқ ҳаётий вазиятларда татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиш зарур. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича педагогик жараён педагог ходимнинг узоқ муддатли, тизимли равишда тингловчининг келгусида амалиётда, фойдаланиладиган билимни олиш, тафаккурини ҳосил қилишга таъсир этишнинг бутун босқичини ўзида ифода этади. Юридик олий ўқув юртларидағи педагогик жараён, икки томонлама “жараён” икки томонлама ҳаракат жараёни бўлиб бу таълим ҳуқуқий муносабат марказида ўқитувчи ва тингловчи (магистр) туради. Юрист педагог ўз предметини мукаммал билишининг ўзи етарли эмас. Унинг асосий вазифаси педагогик маҳоратнинг сир-асрорларини ҳар томонлама пухта эгаллаб олган бўлиши лозим. Яъни, юрист-педагог у ёки бу даражада педагогик жараённинг ўзи нима, унинг шакл ва усувлари нималардан иборат маъруза ўқиш ва семинарларни ўтказиш методикаси қандай бўлиши керак. Буларни жуда пухта ўзлаштириб олган бўлиши зарур.

Фуқаролик ҳуқуқини ўқитишнинг турли хил туркумланишига эга бўлган *маъруза, семинар ва амалиёт машғулотлар* орқали амалга оширилишини назарда тутсак, замонавий ўқитишнинг шаклланган энг илгор методларини педагогик фаолиятда самарали қўллашни талаб этади.

Ўқитишнинг алоҳида турларини таҳлил этиш асосида уни фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

## **1.2. Фуқаролик-ҳуқуқий фанлардан маъруза машғулотларини олиб боришининг асосий услублари**

Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда юридик педагогиканинг асосий вазифаларидан бири тегишли ҳуқуқ соҳалари бўйича маърузаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтиш ҳисобланади.

Олий ўқув юртлари ўқув жараёнининг муҳим қисми – бу маъruzadir. Маъруза (лотинча lactio) ўқитувчи (маърузачи) томонидан тизимли, узлуксиз монолог тарзида ўқув материалини, (одатда назарий тусдаги) баён этишdir.

Педагогик маҳорат малакасига эга бўлиш учун маъруза: *лойиҳалашибирши, конструкторлик ва ташкилий* қисмларга ажратилиб тайёрланиши мақсадга мувофиқ<sup>26</sup>.

*1. Лойиҳалашибиршида билимнинг намоён бўлиши:*

- ўқитилаётганлар мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ўз маъруза курсини режалаштириши қобилияти;
- тингловчиларнинг мазкур курсни ўзлашибиршидаги қийинчиликларни назарда тутиши;
- талабларнинг қийинчиликларни бартараф этиши учун зарур метод ва методик усулларни аниқлаши;
- ўқитиши жараёнида талабларнинг эътиrozларини англаш ва ҳисобга олиш ва келгусидаги педагогик фаолиятида ундан тегишли хуносалар чиқарии;
- ўзининг маърузасида турдош фанларнинг алоқасини ўрнатиши.

*2. Конструкторлик билишининг намоён бўлиши:*

- битта дарсга материалларни танлаш;
- мавзунинг асосий ўзагини ташкил этувчи тушунча ва қонуниятларни ажратиб ифода этиши;
- ушибу дарсда норматив ва назарий материалларнинг тўғри нисбатини топиши;
- дарснинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини мантиқий режалаштириши;
- назарий материалларни енгил ва оддий жойлашибиршини қийин ва мураккаб изоҳлаши;
- мазкур мавзуга хуносалар қилиб бошқасига ўтиши;
- аудитория зерикишини ва тингловчининг ҳиссиётларидағи тоқатсизликни олдиндан кўра билиши.

3. Ташкилотчиликни билиш ўқитувчининг ўз вақтини ташкил этиш кўниумасига эга бўлиш, талаблар билан якка тартибда ва жамоа бўлиб ишлашда, ўқув ишларида ўзаро ҳаракатда бўлишда улар фаолиятини тизимли назорат қилиб боришда намоён бўлади.

Маърузага тайёргарлик муайян фан бўйича ишчи маъруза курсини тузишдан бошланади. Ҳар бир таълим муассасининг хусусиятлари инобатга


---

<sup>26</sup> Қаранг: Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011

олинган ишчи ва фан дастурларига асосан маъруза материаллари тайёрланади.

Маъруза курси тузилиши жиҳатдан кириш, асосий ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши мумкин. Маърузага тайёргарлик кўриш методикаси қуидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

- маъруза учун материалларни йиғиши;
- маъруза ҳажми ва мазмунини аниқлаши;
- маърузани баён қилишининг кетма-кетлиги ва мантиқий изчиллигини танлаш;
- кўргазмали материалларни тўплаши;
- маъруза ўтиши жараёнида маърузачининг ўзини тутиши ва педагогик маданияти<sup>27</sup>.



Маъруза тингловчига тежамли вақтда жуда кўп ахборотни етказиб беришнинг усулидир. Маърузачининг индивидуаллиги шу факт билан изоҳланадики, ўз тадқиқотлари, янги қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, унинг лойиҳалари, долзарб адабиётлар, ҳамкасларнинг илмий ишларини ҳисобга олиб, мунтазам такомиллаштириб боради. Маъруза бошқа ўкув ахборот манбаларига нисбатан амалий жиҳатдан унинг ўрнини боса оладиган ўзга материал билан алмаштириб бўлмайди.

<sup>27</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011

*Масалан, ўқув маърузасидан фарқли равишда маърузачи билан бевосита мулоқотга киришиши, турли хил нуқтаи назарларни ифода этиши, тингловчи ва ўқитувчи учун тақоролаш имкониятини яратиши, вазиятларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш, тингловчининг ўрганилаётган фан билан жонли мулоқот ўрнатишга шароит*

Маърузани турли хил асосларга кўра туркумлаш мумкин: маърузанинг ўқув курсидаги ўрнига қараб (кириш, белгиловчи, умумий, якуний ва бошқалар); маърузачининг аудитория билан ўзаро мулоқотига қараб (тизимли, циклли ва ҳакозо; материални баён қилишининг муаммолик даражасига кўра (ахборот, муаммовий, мунозарали ва ҳакозо.) шулар жумласидандир<sup>28</sup>.

Ҳар бир туркумга кирадиган маърузаларга қўйилган методик талаблар мавжуд. Шу боис ҳар бир хуқуқшунос педагогик маъруза шаклини танлашда методик талабларга риоя этиши унинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради.



Мутахассисларнинг таъкидлашларича, хусусий-хуқуқий фанларда хуқуқшунослик материалларининг кўплиги назарий хуқуқий материя, балки

<sup>28</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011

турдош соҳаларга энг аввало цивилист ўқитувчи – иқтисодий материяга мурожаат қилиши лозим. Фуқаролик хуқуки бўйича деярли барча маърузаларда у ёки бу жиҳатдан ушбу хуқуқ соҳаси жамиятнинг иқтисодий негизлари билан узвий боғлиқлигини назарда тутиб унга мурожаат қилиши лозим. Чунки унинг асосий предметини мулкий иқтисодий муносабатлар ташкил этади. Шу сабабли тегишли мавзу бўйича маъруза режасини тузишда энг аввало ушбу институт асосига қурилган мулкий муносабатларнинг қисқача таҳлилига биринчى ўринда аҳамият берилиши керак. *Х.Р.Рахмонқулов ҳам тўғри таъкидлаганидек, иқтисодиёт ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабат ўзаро таъсир характерига эга ва боғлиқлик механизмини тўғри тушуниб ва англаб этиши бу механизмдан оқилона фойдаланиши иқтисодиётда давлат вазифаларининг тўғри ҳал этишига имконият яратади*<sup>29</sup>.

Маъруза мавзулар мазмуни ўқув дастурларига мос тарзда ёритиб берилиши лозим. Ушбу динамик ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб, цивилистик тафаккурлар моҳияти янги манбалар асосида баён этиб борилиши лозим.

Тингловчиларнинг мавзуларни ўзлаштириш фаоллигини ошириш мақсадида маърузачи томонидан бир қатор усуслар қўлланилиши мумкин:

- тингловчилар олдига бир қатор масалаларни қўйиш, булар риторик ёки реал жавоб бериш талаб этиладиган бўлиши мумкин;
- маърузани сухбат элементлари билан қўшиб олиб бориш;
- у ёки бу ҳолатни ёки таърифни изоҳли таклиф этилиши;
- аудиторияни кичик гурухларга ажратиб маъруза натижаларини қисқача муҳокама этиш ва фикр алмашиш;
- тингловчилар учун тарқатма материаллар тайёрлаб уни тарқатиш ва ҳакозо<sup>30</sup>.

Маърузани якуний қисмига жиддий эътибор қаратиш лозим. Айнан маърузачи маърузанинг қайси қисмига келиб тўхталган бўлса кейинги маърузада шундан бошлиши керак. Ўтилган машғулотга якун ясаб уни умумлаштириш учун энг муҳим хulosаларни аргументлаш тарзида ифода этиб бориш зарур. Шунингдек, тингловчиларнинг мустақил ишлаши учун топшириқлар ва йўналтирувчи ўқув-услубий маслаҳатлар берилиши лозим. Шу боис тегишли мавзуни ўрганишга оид ўқув адабиётлари тавсия этилиши мумкин. Қайси масалаларни семинар машғулотида қайсиларини амалий ёки

<sup>29</sup>Иқтисодиётни эркинлаштиришни хуқуқий таъминлаш муаммолари. Х-А. Рахмонқулов ва бошк./ проф. О.Оқюлов ва проф. Ш.Н.Рўзиназаровнинг умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮУ, 2015. 53 б.

<sup>30</sup>Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011

мустақил равишда ўрганишга оид тавсиялар берилиши даркор. Маъруза якунида маъруза бўйича тингловчилар томонидан билдирилган саволларга жавоблар берилиши (tinglovchinинг бундай имкониятга эга эканлиги олдиндан огоҳлантирилиши лозим) фикр-мулоҳазани давом эттириш учун тингловчини консультацияга таклиф этиш мумкин. Ўқитувчи курс тугаганидан сўнг якуний машғулотни ўtkазиб талабларнинг маъруза ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, истаклари ва келгусида маъруза курсини такомиллаштириш бўйича таклифларини олиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу мақсадга эришиш учун дарсга қатнашган социологик сўров ўтказиш, маърузачининг барча маърузаларини қиёслаш ва объектив баҳолаш имкониятини яратади.

Шу боис анкета сўровлари муайян нусхада тайёрланиб маърузалар олиб борилган гурӯҳ тингловчиларига тарқатилади. Ўқитувчи берилган умумий баҳо олти йўналишдаги дифференциал баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкин.

- 1. Илмийлиги;*
- 2. Қулайлиги, тушунни осонлиги;*
- 3. Амалиёт билан узвий боғлиқлиги;*
- 4. Янги педагогик технологияларни қўлланилганлиги;*
- 5. Маъруза ўқишининг жозибадорлиги;*
- 6. Аудиториянинг фаоллиги<sup>1</sup>;*

Сизнинг фикрингизча деган графага маъруза ҳақида қўшимча ностандарт фикрлар ёзилиши мумкин. Агар маъруза турли маърузачилар томонидан олиб борилган бўлса, “Маърузачи номи” деган графадан сўнг “Маърузачи фамилияси” деган графа билан тўлдирилиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини баҳолаш қўйилган саволлар бўйича беш баллик баҳолаш тизими билан амалга оширилади. Битта анкетани бутун гурӯҳга ҳам бериш мумкин. Бу маърузани ҳар бир параметрини биргаликда муҳокама қилиш имконини беради ва нохолис баҳолашнинг олдини олишга ёрдам беради. Тўпланган анкета дикқат билан таҳлил қилиб чиқилади ҳар бир маъруза бўйича ўртача арифметик ҳисоб-китоб қилиниб умумий балл чиқарилади. Ёки бўлмаса ҳар бир маъруза бўйича умумий балл ҳам чиқарилиши мумкин. Агар беш баллдан кам олинган маърузалар бўйича уни келгусида такомилига етказиш учун аниқ ўқув-услубий чоралар ишлаб чиқилиб аниқ хulosалар ясалади.

Ўқитувчининг педагогик маҳоратини тингловчилар томонидан социологик сўровлар асосида назарот қилишни ўз навбатида, ўкув жараёнида улар ўзаро ҳаракатининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Энг муҳими, таълим жараёнида илғор педагогик тиехнологияларни қўллашнинг шаклланиши, ўкув материалларини ўзлаштиришнинг ҳиссаси тингловчилар зиммасига ҳам юклангандигини инобатга олиб юридик таълим муассасаларида педагогик жараённинг самарадорлигига эришиш учун тингловчилар ва ўқитувчилар ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиб маҳсус тадқиқот ишларини амалга оширишгни объектив заруриятдир.

Ўқитишининг назарий билиш ва англаш методи – одатда маъруза машғулотларида кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда маъруза машғулотларини олиб бориша ушбу методни қўллашни такомиллаштириш ғоятда муҳимдир. Энг аввало шуни таъкидлаш зарурки, фуқаролик ҳуқуқини ўқитиша кириш маъруzasининг аҳамиятига баҳо бермасдан бўлмайди, чунки фуқаролик ҳуқуки курсини ўрганишни бошланишида бундай маърузадан фойдаланиш тингловчининг предмет билан таништиришга, ҳамда талбада яхлит тасавурнинг пайдо бўлишига ва ушбу курс бўйича ишлаш тизимиға мўлжал олиш имкониятини яратади. Фуқаролик ҳуқуқига кириш маъруzasида уни ўрганишнинг мақсади, вазифалари, унинг тизими ва мазмунини очиб бериш бўйича қисқача саёҳат бўлиши зарур. Шунингдек, кириш дарси доирасида тингловчиларга курсни ҳуқуқий илмий асосларини, фойдаланиш учун тавсия қилинадиган манбалар ҳақида тегишли тушунтиришлар берилиши лозим.

Айнан биринчи кириш маъруза дарсида тингловчиларни фанга қизиқтириш, фуқаролик қонун хужжатларининг қундалик ҳаётимизда қўллаш, тингловчилар билан ҳуқуқни қўллаш айниқса, суд амалиёти мисоллари асосида ўзаро фикр алмашиш асносида фаннинг юриспруденция соҳаси бўйича етук малакали кадр бўлиб етишишида уни ҳар томонлама пухта ўзлаштириб олишнинг заруриятини англаб олишга йўналтириш айни муддаодир. Бунда билимларни соддалаштирилган тартибда бериш муҳимдир. Бу борада хорижий мамлакатларда чоп этилган дарсликларда яхши амалиётга йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, патент тушунчаси дарсликда қуйидагича содда изоҳланади ва тингловчига тушунтирилади:

## **Нима патентланиши мумкин?**

Ҳар қандай ёрқин ғоя патент объекти бўлиши мумкин. Патент олиш учун мурожаат қилинаётганда патент обектигининг аниқ ҳамда муҳим хусусиятлари кўрсатилиши керак. Патент объекти кўплаб инсонлар томонидан ҳали кузатилмаган ва янги бўлиши керак. 1977 ва 1988 йиллардаги Актлар ихтирони аниқ таърифини келтирмайди, лекин ушбу актга кўра патент объекти саноат учун яратилган ва ишлатилдаган бўлиши талаб этилади.

1977 йилги Актга кўра, айрим обектлар патент орқали ҳимоя қилинмайди. Булар қаторига кашфиётлар хусусан, ер тортишиш кучи назариясини ривожлантирган биринчи инсон бўлган бўлсангиз (аслида бу Ньютон бўлган) сиз тортишиш кучи тамойилини патент қила олмаган бўлардингиз. Аммо, тортишиш кучи билан ҳаракатланадиган маятникили соатни ихтирочиси эса патент қилдира олиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керак, патент патент эгасига ўз ихтиросидан фойдаланиш хуқукини бермайди. Мисол учун, патент қилинган дори агар савдо жойларидан хукumat талабларига мос келмаган тақдирда чиқариб ташланиши мумкин. Патент орқали берилган хуқуқ патент эгасига ўз ихтиросини назорат қилиш хуқукини беради, яъни патент эгаси ўз ихтиросини бозорда монополияга айланишини ҳамда бозорнинг бошқа иштирокчилари ушбу ихтиродан патент эгаси томонидан белгилаб берилган шартлар асосида фойдаланишига рухсат бериши мумкин.<sup>31</sup>

Фуқаролик хуқуқи бўйича маъруза машғулотининг самарадорлиги шунда кўринадики, агар педагог ходим маъруза материалларини олий ўкув юртининг электрон-методик комплексида олдиндан жойлаштирган бўлса яъни тингловчи олдиндан у билан танишишига ва дастлабки ўзлаштириш даражасига эга бўлади. Бундай ҳолда ўқитувчи ва тингловчи маъруза машғулоти давомида мунозарали ва муаммоли масалаларни муҳокама қилишга, диолог режимида мавзуни ўзлаштириш имконияти яратилади. Афсуски, ҳозирги пайтда шаклланган ўкув амалиётида маъруза дарслари асосан монолог режимида олиб борилмоқда. Таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларининг самарали ташкил этилиши ва маъруза машғулотларида ҳам тингловчиларнинг фаоллигини кучайтириш масаласи педагогик жараёнида муайян ютуқларга эришишнинг асосий шартидир.

<sup>31</sup>Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. p 442

Мутахассисларнинг фикрича фуқаролик хуқуқи фани бўйича маъруза машғулотларини олиб боришга ушбу олий ўқув юртини тугатган хуқуқни қўллаш амалиётининг турли мутахассисларини кенг жалб этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, банк, сұғурта, юридик хизмат кўрсатиши соҳаларидаги, нотариус, адвокат, судья, прокурор каби мутахассисларни жалб этишни тизимли ташкил этиш зарур. Шу мақсадда олдиндан яъни, фуқаролик хуқуқи кафедрасида йиғилишига таклиф этилиши лозим бўлган амалиётчи мутахассисларнинг рўйхати ва улар тайёргарлик қўриши лозим бўлган мавзулар ва уларга қўйиладиган талаблар белгиланган тартибда расмийлаштириб бу ҳақдаги ўқув машғулотларини ташкил этиш чоратадбирлари ҳақида тегишли мутахассисни огоҳлантириш ва кафедрада уни ташкилий таъминлаш мақсадида бирон ўқитувчи зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

### **1.3. Фуқаролик-хуқуқий фанлардан семинар ва амалий машғулотлари тингловчилар назарий ва амалий тайёргарлигини мустаҳкамлаш воситаси сифатида.**

Фуқаролик хуқуқ фани бўйича амалий билим ва англаш методикасини роли шундаки, семинар машғулотида модулли ўқитишининг турли усулларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Маълумки, семинар ва амалий машғулотларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад тингловчининг маъруза назарий курсини чукур ўзлаштириб олишига эришишдан иборатдир. Шунингдек, фуқаролик хуқуқи фани бўйича ўтказиладиган семинар ва амалий машғулоти тингловчини, мустақил фикрлашга, назорат қоидаларини мушоҳада қилишга, кўникмаларни шакллантиришга, тегишли асослантирилган хulosалар чиқариш ва нуқтаи назарини ҳимоя қилишга ўргатади.

Фуқаролик хуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган семинар машғулотларини ўтказишининг энг муҳим усуллари ҳақида турли хил нуқтаи назарларни билдириш мумкин. Биринчиси, ўтган мавзу бўйича колликумлар ўтказиш орқали ўқитувчининг қўйган муаммосини илмий-назарий таҳлил қилиш асосида ўз қарашларини ифода этиб беради. Тингловчи нафақат дарслик, ўқув-қўлланмаларни ўрганиш асосида балки илмий материаллардаги фуқаролик хуқуқига оид манбаларни ўрганади, тизимли таҳлил этади, қиёсий-хуқуқий услубдан фойдаланиб, у ёки бу фуқаролик –хуқуқий ҳодисанинг юридик табиатини аниқлайди ва шу аснода ўзининг назарий билимларини янада бойитади. Афсуски, семинар машғулотларида масаланинг ушбу жиҳатига етарли аҳамият берилмайди.

Фуқаролик - ҳуқуқий ҳодисанинг назарий жиҳатларини пухта ўзлаштириш фактик амалиёт бўйича тўғри хulosаларни чиқаришга ёрдам беради<sup>32</sup>.

Яна бир шаклланган усул семинар ва амалий машғулоти даврида казуслар, муаммоли саволларнинг ечимини топиш, турли хил фуқаролик ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларни мустақил тузиш ва ўз хатолари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги кўнилмаларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича семинар ва амалий машғулотларида ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу боис олдиндан семинар машғулотини ўтказишининг олдиндан тайёрланган тематик режаси, технологик картаси ёки ўкув сценарийси ишлаб чиқилса ўтказилаётган семинар ва амалий машғулотининг самарадорлик даражаси шунча ортади. Шу боис, юридик педагогика бўйича шуғулланаётган олимларнинг фикрича, ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Айрим манбаларда устувор бўлган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Ролли ўйинлар фақат жиноят процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанлари бўйича семинар ва амалий машғулотларини ўтказища эмас, балки бизнинг фикримизча хўжалик, ҳакамлик процесси бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича бундай ўкув усулларидан оқилона фойдаланишга эришиш лозим.

Хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб изоҳласак, фуқаролик ҳуқуқи фанида семинар ва амалий машғулотларини олиб борища маҳсус хусусий ахборот стендлари, цивилистик фаннинг етук ва атоқли намоёндалари, фуқаролик ҳуқуқи кафедрасининг маҳсус ўкув-методик кабинетларида ўтказиш зарур. Бу гарчи муайян ташкилий тусга эга бўлсада, фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бунда тингловчиларнинг иқтидорини дикқат марказига қўйиш уларнинг истеъдодини казусларни шунчаки ўқиб чиқишдан то ҳуқуқий масалаларни ойдинлаштиришгача бўлган жараёнда намоён бўлади. Масалан, мулк ҳуқуқи курслари, ўз навбатида, кўплаб талабларни юзага келтиради. Жумладан, қулайликларни яратиш ва тайёрлаш, ижара, харид ва савдо келишувлари мулк диспозитсияси сингари муносабатларда ифода топади.<sup>33</sup>

---

<sup>32</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. – p 582-596

<sup>33</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. – p 582-596

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортиб тобора ривожланиб бормоқда. Шу боис, семинар ва амалий машғулоти мобайнида фуқаролик ҳуқуқи манбаларидан қандай фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш учун *Lex.uz*, *Yurida*, *Norma* ва бошқа электрон норматив-ҳуқуқий базадан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш лозим. Бу эса ўз навбатида, тингловчининг фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш бўйича билимларини оширишга

Энг муҳими, фуқаролик ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқий-ҳужжатлар, хорижий давлатларнинг фуқаролик қонун ҳужжатлари, тизими билан танишиш кўникмаларига эга бўлиш, фуқаролик-ҳуқуқий қиёсийшунослик соҳаси бўйича муайян билимларни эгаллаш учун шароитни вужудга келтиради, кези келганда шуни таъкидлаш керакки, бўлажак ҳуқуқшунос нафақат натижа бўлиши, балки ҳар бир у томонидан ёзиладиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжати грамматик ва стилистик жиҳатдан хатосиз ёзилган бўлиши керак.

Тингловчилар томонидан бажарилаётган оралиқ, мустақил, курс иши, битирув малака ишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, улар томонидан юридик тилда баён этиш усули ва кўникмаси бугунги қўйилган талаб даражасига жавоб бермайди. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича атамашунослик ва тематик тусдаги ёзма ишларни олиш уларни бу борадаги амалий кўникмаларини шакллантиришга қўмак беради.

Case–метод интерфаол усуллардан бири ҳисобланади. Бакалавриат ва магистрлар учун фуқаролик-ҳуқуқий бўйича кейс тузиш бўйича турли хил ёндошувлар мавжуд. Уни қўллаш бўйча турли технологиялардан фойдаланилади. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, кейинги бир неча йиллардан буён ўқитувчилар ўртасида кейс методини қўллаш бўйича муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Музокаралар асосан интерфаол методларнинг шакли ва технологияси анъанавий ўқитиши билан унинг ўзаро нисбати, ўқув жараёнида уни қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари кабилар шулар жумласидандир. Ҳозирги ҳуқуқий ҳаққонийлик даврида ижодий фикрлайдиган ва мувафаққиятли меҳнат фаолиятини юритадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашда интерфаол усулларнинг роли ва аҳамияти тобора ортмоқда. Улар турли хил бўлиши мумкин. Муаммовий маърузалар ва амалий машғулотларни ўтказишида давра сухбати, мунозара (дебат), ақлий хужум, кейстехнология, ролли ўйинларни кенг қўллаш мумкин. Бироқ улар асосий мақсад бўлмаслиги лозим, унинг тайинланиши асосан

тингловчини юридик амалиётга йўналтирилган бўлади. Айнан у ҳуқуқни қўллаш амалиётида (ҳуқуқ динамикаси) қотиб қолиш (догма) ва қонунчиликни транс шакллантиришни (трансформируется) тавсифлайди. Муҳими шундаки, тингловчи биринчи курсдан бошлаб ҳуқуқнинг реал ҳаёти бу ҳақиқатан ҳам судларда, ҳокимят ва бошқарув органларида, кишилар ўзаро муносабатларида намоён бўлишини яхши тушуниб олиши зарур<sup>34</sup>. Ушбу ўринда ўқитувчининг асосий вазифаси фикримизча тингловчини “тирик” амалдаги ҳуқуқ билан таништиришдан иборат бўлмоғи лозим. Ўқитишининг интерфаол усуллардан бири бўлиб case-metod бўлиб (ёки case-study), аниқ вазиятлар методи, вазиятли таҳлил методи ҳисобланади. Ушбу методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи тингловчига фикрлаш учун аниқ касбий вазиятни таклиф этади. Тингловчи эса ўз навбатида, уни тизимли таҳлил қилиб муаммони аниқлайди (ёки у дастлаб ўқитувчи томонидан шакллантирилади) уни ҳал қилиб тингловчи ўз қарорини бошқача айтганда, ечимини билдиради. Мазкур метод олинган назарий билимни амалий вазиятни ечишга йўналтиради, тингловчи таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиради, ўз нуқтаи назарида қолиш ёки уни шакллантириш кўникмасига, жамоа бўлиб гуруҳларда ишлаш, охироқибатда инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасига мутахассисни тайёрлашга эришилади<sup>35</sup>.



**5-схема. Кейс методларининг шакллари.**

<sup>34</sup> Lisisun V.V. Klinicheskoe obrazovanie – effektivnaia model obucheniiia pravu // Sudia 2008. №10.

<sup>35</sup> Имомов Н.Ф. “Фуқаролик ҳукуки”дан “кейс-стади” асосида дарс ўтишнинг айрим масалалари/Ўзбекистон Республикасида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 63-68.

*Case-staty-metod* – қўллашдан асосий мақсад – курснинг муайян мавзусини (ёки унинг қисмини) чуқур мустақил ўрганишига йўналтиришидир.

*Case-incident-metod* – ҳуқуқни қўллаш амалиётига яқин метод ҳисобланади. У тингловчининг муайн даражада тайёргарлик кўришини талаб этади. Курснинг у ёки бу мавзусини тугаллаш босқичида ёки турдоши мавзуларни оралиқ назорати шакли сифатида қўлланилиши мумкин<sup>36</sup>.

Магистрларга кейсларни ишлаб чиқишида нафақат мураккаб кўп томонлама вазиятларни балки қонунчилик техникасидаги камчиликлар, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги бўшликлар, суд амалиётининг бир хиллиги мавжуд эмаслиги кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу метод “Case-problem-metod” деб номланиб турли хил технологиялардан фойдаланилган ҳолда қўлланилади. Ушбу кейс методининг мақсади шундан иборатки, турли хил юридик хужжатлар моҳиятига танқидий ёндошиб, илмий таҳлил асосида ўз касбига нисбатан кўникумаларни шакллантиришга ёрдам беради. Масалан, хўжалик судлари томонидан бир хил низо предметига нисбатан турли хил қарорлар қабул қилингандиги ушбу методда ўрганишнинг масаласи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, “Мажбурият ҳуқуқи” фанини ўрганишда ФКнинг 326-моддасини қўллаш бўйича яъни неустойка микдорини камайтириш бўйича турли хил амалиёт мавжудлигини ўқитувчи баён этиб, магистрларга суд амалиёти материалларини ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорларини тўғри қўллашда қандай муаммолар мавжудлигини аниқлаб унга юридик баҳо бериш ҳақида кейс масалалари тузилиши мумкин.

*Case – методнинг фуқаролик ҳуқуқи фанини ўрганишда аҳамиятини бир қатор объектив омилларга қараб тавсифлаб бериш мумкин.* Биринчидан, юридик фанлар шу жумладан, қивилистика фанини ўқитишидан кўзланган асосий мақсад эришишида яъни, тингловчининг олган назарий билимларини ҳуқуқни қўллаш амалиётнинг эҳтиёжига монанд тарзда малака ва амалий кўникумаларни шакллантиришида ёрдам беради. Иккинчидан, тингловчининг реал ҳуқуқий ҳаққонийликни англаши унинг назарий билишини амалий машгулот мавқеини ошириши, мутахассислик бўйича муқстақил жавобларни излаб топиш қобилиятини ўстиришига, кичик ўқув гурӯҳларида ишилаш кўникумаларини ҳосил бўлишига имкон беради.

Шу билан биргаликда кейс-метод фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишининг анъанавий усулларининг ўринини тўлиқ боса олмайди, албатта.

<sup>36</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011

Қолаверса, фуқаролик ҳуқуқининг барча мавзуларини ўқитишида ҳам уни қўллаб бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқи фундаментал юридик фан бўлиб фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш ҳақидаги илмий билиш тизими сифатида ўқилишига эришиш лозим. Ўқув фақат амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини шарҳлашга асосланмаслиги зарур. Бу шуни англатадики, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шу жумладан case – метод қўллаш мустаҳкам фундаментал назарий билимга асосланиши зарур. Бу билимни тингловчи маъруза, семинар машғулотларида олади.

Замонавий цивилистларни тайёрлашнинг мувафаққияти, ўқитишида анъанавий ва инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш<sup>37</sup> ва уни мутаносиб тарзда уйғунлаштиришга узвий боғликдир.

Юридик таълимда хусусан, фуқаролик ҳуқуқини ўқитишида ўқитувчининг назорат функцияси ва ваколати муҳим ўрин тутади. Олий ўқув юрти тингловчиси билимни эгаллаши, олий таълим муассасаси ўқув режаси ва таълим дастурида назарда тутилган барча дарсларни белгиланган муддатда бажариши, олий ўқув юртининг уставига ҳамда ички тартиб ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши лозим.

Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиши жараёнда ўқитувчи педагогик бошқарув бўйича бир қатор ҳуқуқларга, тингловчининг билим олиши ва ўзлаштириши устидан назорат; семинар ва амалий машғулотларда тингловчиларнинг билимини модул тизими талаблари асосида баҳолаши”ахлоқий таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши; тингловчини интизомий жавобгарликка тортиш бўйича иш юритувни амалга оширишида ташаббус кўрсатиш каби ҳуқуқларга эга.

Педагог ва тингловчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабат субординация, мувофиқлаштирувчи, реординацион тусда бўлиши мумкин. Масалан, семинар машғулотларида педагог ва тингловчи ўртасидаги муносабат субординация тусига эга бўлади; ўқувчи мавзу бўйича масалани ўзлаштирилганлигини қатъий назорат қиласи, масалани таҳлил қилиш билим ва қобилиятини текширади, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни билиш доирасини баҳолайди ва ҳ.к. Бундан ташқари яхши ўзлаштирган тингловчиларни мавзуни ёки масалаларни билиш, такрорлаш учун консультация олишга таклиф этади. Афсуски, педагогик жараёнда бундай амалиётга етарли аҳамият берилмаяпти.

Маъруза машғулотларида ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат мувофиқлаштирувчи тусга эга бўлиб ҳисобланади. Маъруза ўқишида ҳеч қандай “команда бўлмайди” барча маърузани ёзиши лозим”. Бу

<sup>37</sup> Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law2. Carolina Academic Press. 2011. –p 53-55

тингловчининг ҳуқуқи – нимани ёзади, қандай ёзади ва ҳ.к. Ўқитувчи маъруза мобайнида асосий тушунчалар ва категориялар ва илмий таърифларга аҳамият бериб, унинг мазмунини тингловчи пухта ўзлаштириб олиши учун ёздириши мумкин. Мувофиқлаштирувчи назоратнинг маъруза ўқиш жараёнида қўлланиши ўқитучи томонидан биргаликдаги фаолият самарадорлигига эришишни таъминлайди.

Реординацион педагогик ҳуқуқий муносабат бошқарувчи субъект (tinglovchini) бошқарувчи (ўқитувчи)нинг аксинча таъсирини таъминлайди. Бунда тингловчи ўқитувчининг ўтилган маъруза бўйича, оралиқ ва якуний назорат олдидан ўтказилаётган консультацияларида, мустақил ишлар, курс иши, битириув малакавий ишини бажаришда саволлар билан мурожаат қиласи. Яъни, бундай ҳолда янги материалларни ўзлаштириш зарурлиги аниқланади. Бу жиҳат қадимга греция педагоглари томонидан эътироф этилган “ўқиб биз ўзимиз ҳам ўқиймиз” деган ҳикматни рўёбга чиқаришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Тингловчига таъсир кўрсатишнинг турли шакллари орқали ўқитувчи назорат ваколатини амалга оширади. Тингловчига мураббийлик маслаҳатини бериш дидактик, илмий, фан характеристи нуктаи-назаридан амалга оширилиши лозим. Бундай таъсир тингловчига нисбатан ўқув одобахлоқи доирасида ҳазил-мутойиба кўринишида бўлиши педагогик амалиётда исботланган, масалан, тингловчининг ўқув партасида тўғри ўтириши унда ортиқча нарсалар бўлмаслиги, эътиборини ўзига жалб этмаслиги, гаплашиб дарс машғулотини олиб боришга халақит бермаслиги, ўқув партасида фақат ўрганиладиган фанга оид материаллар бўлишлиги ва ҳ.к. Бу гарчи “майда-чуйда” бўлиб кўринсада, тингловчининг тафаккури ва хотирасига ижобий таъсир кўрсатади<sup>38</sup>.

Тингловчига ўқув машғулотлари жараёнида кўрсатма ва танбеҳлар бериш эҳтиёткорлик билан бажарилиши лозим. Бошқача айтганда, ўқув аудиториясида ҳарбий интизом ўрнатишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Қайд этилган назорат ва таъсир чораси қатъий ва жуда ҳам муомала маданиятига бўйича риоя этилган ҳолда амалга оширилиши, башарти тингловчи ўтилаётган дарсга алоқадор бўлмаган китоб ўқиётганлиги аниқланса, унга таъсир этувчи овоз билан “Сиз оралиқ ёки якуний назорат ишини ушбу детектив роман ёки бошқа китобдан топширмайсизку” деб уни огоҳлантириш мақсадга мувофиқ.

<sup>38</sup>Юридик фан ва таълимни модернизация қилиш масалалари / Мухамедов Ф.Э., Рўзиназаров Ш.Н., Мамасидиков М.М. – Тошкент: “Komron press”, 2014. – 260 б.

Тингловчига жазолаш орқали таъсир чорасини қўллаш агар унинг томонидан ўқув жараёни олиб боришга ҳалақит берса, ҳатто уни ўтказиши барбод қилган тақдирда ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам педагогик маҳорат шуни талаб этадики, тингловчининг шаъни ва қадр-қимматини камситишга йўл қўйилмаслиги лозим. Агар тингловчи билдирилган фикр-мулоҳазалардан хulosалар чиқариб олмаса, бундай ҳолда тингловчини ўқув аудиториясидан чиқариб юборишга ҳақли. Қайд этилганларга асосан айтиш мумкинки, юридик ўқув юртларида педагогик фаолиятни олиб борувчи ўқитувчи тегишли жараённинг барча босқичларида юксак маданиятга эга эканлигини намоён этиши кеарк. Педагогик маҳорат ва маданият юридик таълимнинг ажралмас атрибутидир. Шу боис юридик таълим жараёнида рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар барча юридик фанлар бўйича шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқ курси бўйича ўқитувчилар педагогик жараённинг самарадорлигига эришиш учун барча саъии ҳаракатларни қилишлари лозим. Замонавий юрист педагог ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишда илғор таълим технологияларини пухта ўзлаштирган тақдирда бугунги кун талабига жавоб берадиган етук кадрларни тайёрлаш имкониятини яратади. Юридик педагогик фаолият бугунги тингловчининг онгу-тафаккуридаги ўзгаришларни уларнинг интилишларини ва инновацион жараёнларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўтмишдан фарқли равишда ҳуқуқшунослик соҳасида таълим олаётган тингловчининг у ёки бу предметни ўрганиш доираси тобора кенгайиб бормоқда. Агар илгари тингловчи билимларни асосан дарслик, ўқув қўлланма ва тегишли қонун ҳужжатларидан олган бўлса, ўқув жараёнига ахборот коммуникация технологияларининг қўлланилиши, глобал интернет тармоғидан турли хорижий тиллардаги илмий мақолалар, чет эл қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти материаллари, халқаро тижорат арбитражи, ҳакамлик судлари амалиётидан кенг фойдаланиш имкониятига эга. Шу боис кам меҳнат сарф қилиб кўпроқ натижага эришиши мақсадида тингловчиларни фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича билимларини олиш, мустаҳкамлаш ва тегишли малака ва кўникумаларга эга бўлиши учун фуқаролик ҳуқуқий манбашунослик соҳасида бир қатор арзигулик ишлар қилинганлигини эътироф этиш жоиз. Энг муҳими, бўлажак ҳуқуқшунос юридик таълим олиш жараёнида тегишли илмий ва ҳуқуқий манбалардан самарали фойдаланиб бугунги кун тингловчиларига жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишишдан иборат. Ўқитувчи ва тингловчини ўзаро ҳаракати эса ўз навбатида уларни

замонавий мутахассис сифатида тайёрлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Таълим ислоҳотлари жараёнида университет тингловчилари билимларини баҳолаш ва назорат қилишнинг асосий мақсади – юқори малакали рақобатбардош, мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг юқори талабларига, замонавий халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юридик кадрларни тайёрлашдир. Қайд этилган Низомга кўра, модул – фаннинг алоҳида соҳасини қамраб олиб ўзида назорат ҳамда касбий жиҳатларни ўзида ифода этади. Уларни ўзлаштириш натижасида тингловчиларда шаклланган билим ва касбий кўникмаларни тегишли тарзда назорат қилиш имкониятини яратади. Тингловчилар билимини баҳолаш ва назорат қилишнинг асосий вазифаси *бириңчидан*, тингловчиларда Давлат таълим стнадартларига мувофиқ билим, малака ва кўникмаларига мувофиқ билим, малака ва кўникмалар шакллантиришни назорат ва таҳлил этиш, *иккинчидан*, тингловчилар билим, малака ва кўникмаларини баҳолашнинг асосий талабларига амал қилиш, *учинчидан*, тингловчилар томонидан ўқув материалларини тизимли равишда ва ўз вақтида ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиб бориш, *тўртинчидан*, тингловчиларда мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантириш, ахборот ресурс манбаларидан самарали фойдаланиш, *бешинчидан*, тингловчилар билимини холис ва адолатли баҳолаш ва уларни ўз вақтида эълон қилиш кабилардан иборат.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг?
- 2.Фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишда қайси интерфаол усулларни кўллаш самаралироқ, фикрингизни амалий мисоллар ёрдамида асосланг?
- 3.Кейс-стади дарс ўтиш методининг моҳияти ва фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишдаги афзалликларини кўрсатинг?
- 4.Фуқаролик-ҳуқуқий фанлардан тақдимот (слайд) асосида маъруза ўтишда нималарга эътибор қаратиш зарур?
5. Дарс машғулотларда назарий ва амалий материаллар уйғунлиги қандай таъминланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.
3. Lisisun V.V. Klinicheskoe obrazovanie – effetivnaia model obucheniiia pravu // Sudia. 2008. №10.
4. Иқтисодиётни эркинлаштиришни хуқуқий таъминлаш муаммолари. X-А. Рахмонкулов ва бошқ./ проф. О.Оқюлов ва проф. Ш.Н.Рўзиназаровнинг умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮУ, 2015. 53 б.
5. Имомов Н.Ф. “Фуқаролик хуқуқи”дан “кейс-стади” асосида дарс ўтишнинг айрим масалалари/ Ўзбекистон Республикасида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 63-68.
6. Имомов Н.Ф., Эргашев В.Ё., Ашуррова Н.А. Хусусий мулкнинг хуқуқий режимини такомиллаштириш. Ахборот-таҳлилий материал. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 3-4 б.
7. Юридик фан ва таълимни модернизация қилиш масалалари / Мухамедов Ф.Э., Рўзиназаров Ш.Н., Мамасидиков М.М. – Тошкент: “Komron press”, 2014. – 260 б.
8. Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale, Florida. 2002. – p 582-597.
9. Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches’ Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 431,442.
10. Gerald F. Hess, Steven I. Friedland, Michael Hunter Schwartz, and Sophie Sparrow. Techniques for teaching law 2. Carolina Academic Press. 2011. – p 53-101

## **2-мавзу: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиши ва уларни хуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлиш хусусиятлари.**

Режа:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ривожланишига умумий тавсиф.

2.2. Фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг устувор йўналишлари ва уларни хуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлишининг хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** *Фуқаролик кодекси, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ва обьектлари, мулк ҳуқуқи, кўчмас ва кўчар мулклар, мажбурият ҳуқуқи, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, шартнома ҳуқуқи, шартномалар тизими, интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқи, фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг устувор йўналишлари.*

### **2.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ривожланишига умумий тавсиф.**

Миллий ҳуқуқий тизимда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг роли беқиёсdir. Маълумки, мазкур кодекснинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрда, икkinchi қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилинган. Фуқаролик кодексининг ҳар иккала қисми 1997 йил 1 мартаңдан кучга кирган. Ушбу кодексни тайёрлаш жараёни далолат берганидек, у кўп йиллик тинимсиз Фуқаролик қонун ижодкорлиги фаолиятининг натижаси, десак муболага бўлмайди. Унинг лойиҳасини ишлаб чикишда ва тайёрлашда нафақат мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчи мутахассислари, балки ривожланган давлатлар етук ҳуқуқшунос олимлари ҳам жалб қилинганлиги ва бир қатор давлатларда халкаро ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Цивилистик тафаккурнинг кодификациялаштирилган қоидаларини ўзида мужассамлаштирган Фуқаролик кодекси бозор муносабатларига монанд бўлган қонун ҳужжати эканлигини намоён этмоқда.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФКнинг яратилиш тарихига эътибор берадиган бўлсак, у атоқли цивилист олимлар С.С. Алексеев, А.Л. Маковский, В.Ф. Яковлев, Ю.Г. Басин, М.И. Брагинский, В.Ф. Чигир, М.К. Сулейманов, Х.Р. Рахмонкулов, О.У. Усмонов, Н.С. Кузнецова, А.С. Довгерт, С.А. Хохлов ва бошқалар томонидан тайёрланган МДҲ учун

ФКнинг Модел кодекси асосида ишлаб чиқилган<sup>39</sup>.

Модел кодекси лойиҳаси Санкт-Петербург, Москва ва Голландиянинг Лейден шаҳрида бир неча маротаба муҳокама қилинган. МДҲ давлатлари учун тавсиявий тусдаги ушбу Модел кодекси асосида ва Германия техник ҳамкорлик жамияти томонидан Фуқаролик қонун нормаларини ишлаб чиқишида ижодий ҳамкорлик ва кўмак асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Айниқса, Германия техник ҳамкорлик жамияти томонидан республикамизда ва Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган конференция ва семинарларда унинг энг муҳим институтлари, хусусан мулк ҳуқуқи, шартномалар, хўжалик жамиятлари ва бошқаларнинг ҳар томонлама муҳокама этилганлиги унинг нормаларини белгилашнинг самарадорлигига эришишга ёрдам берди. Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси 1199 моддадан иборатdir.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси кенгқамровли иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши билан бошқа кодекслардан ажралиб туради. Шу билан бирга ФК ижтимоий муносабатларни тартибга солища, диспозитив йўналтирилганлик, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилиши каби мезонларга таянадики, бу ҳолат бозор иқтисодиёти қонуниятлари билан ҳамоҳангдир.

Эътироф этиш лозимки, ФК қабул қилиниб, кучга киритилганидан сўнг ўтган давр (18 йилдан кўпроқ)да ижтимоий муносабатларда содир бўлган ўзгариш, ҳуқуқий тартибга солишдаги изчилликни ошириш ва ҳуқуқий механизmlарни янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларидағи дуалистик ёндашувларни ҳамда ҳуқуқий бўшлиқлар ва “оқ доғларни” бартараф этиш мақсадида ФКга ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгаришлар умумий маънода фуқаролик ҳуқуқининг барча институтларига у ёки бу даражада дахлдор бўлиб, улар босқичма-босқичлик ва муайян тизимилилк ҳамда мақсадли йўналтирилганилиги билан ажралиб туради. Шу боис ФКга киритилган ўзгартиришларни уларнинг киритилиш вақти ва санасидан келиб чиқиб эмас, балки ФК қисмлари ва ундаги ҳуқуқий институтлар доирасида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>39</sup><http://pravo.levonevsky.org>

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Қитъа ҳуқуқ тизимида икки асосий йўналиш Германия ва Франция фуқаролик қонунчилиги фарқланади. Европа давлатлари ўз фуқаролик қонунчилигини шакллантирганда ушбу давлатлар қонунчилигидан ўrnak олганлар. Фуқаролик ҳуқуқининг роман гурухи асосида 1804 йилда қабул қилинган Франция фуқаролик кодекси<sup>40</sup> (у Наполеон фуқаролик кодекси деган ном билан ҳам машҳур), герман гурухи асосида эса 1896 йилда қабул қилинган Германия фуқаролик тузуклари<sup>41</sup> ётади.

### **I. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Умумий қоидалар” бўлими.**

Умумий тарзда мазкур бўлимнинг 22 та моддасига турли даврларда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган бўлиб, ушбу қўшимча ва ўзгартишларнинг аксарияти, ҳуқуқий тартибга солишнинг янги механизмларини шакллантириш, қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш ёки бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган.

Жумладан, муайян атамаларни аниқлаштириш ва қонун хужжатлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ФКнинг 10, 38, 43, 58, 64, 96, 107, 137-138-моддаларини киритиш мумкин. Бунда 10-моддага Республикада ҳакамлик судлари жорий этилиши ва бу борадаги қонунчилик қабул қилиниши муносабати билан “ҳакамлар суди” сўзи “ҳакамлик суди” сўзи билан алмаштирилган бўлса, 38-модда қайд этилиши керак бўлган фуқаролик ҳолати хужжатлари аниқлаштирилди

Бунда фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинснинг ўзгартирилиши каби ҳолатлар асосий тўртта хужжат: туғилиш, ўлим; никоҳ тузилганлиги ва никоҳдан ажралишга тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан ифодаланадиган бўлди. ФКнинг 43-моддаси 3-қисмiga эса, жойлашган ери атамаси аниқлаштирилиб қавс ичida почта манзили ибораси киритилди ва шу асосда почта манзилини аниқ кўрсатиш ҳам юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис хужжатларида ифодаланиши лозим бўлган талаб сифатида назарда тутилди. Бундай аниқлаштириш эса ўз навбатида, юридик шахсларга ёзма мурожаатларни юбориш, улар тузилган шартномаларда аниқ манзилларни акс эттириш каби муносабатлар учун муҳим аҳамият касб этди. 58-моддадаги “акциядорлар

<sup>40</sup> Dernière modification du texte le 18 février 2015 - Document généré le 06 mars 2015 - Copyright (C) 2007-2008 Legifrance

<sup>41</sup> Каранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p

жамияти” ибораси амалдаги қонунчиликда атамаларни бир хиллаштириш мақсадида “акциядорлик жамиятлари” ибораси билан, 58-модданинг 10-қисмидаги “мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши керак” ибораси эса, “баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак” ибораси билан алмаштирилган. ФКнинг 64-моддасидаги “акциядорлар жамияти” ибораси ҳам худди шу мақсадда “акциядорлик жамиятлари” ибораси билан алмаштирилди.

ФКнинг 96-моддаси 3-қисмидан “тақдим этувчига деб номланган қимматли қофозлар” чиқарилди ва бу ҳолат банк қонунчилигига рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқдир. Чунки, тақдим этувчига деб номланган қимматли қофозлар эгасининг номи ёзилган қимматли қофозларга нисбатан ҳимояси заифлиги ва банк муомаласида ноҳақликлар келтириб чиқаришининг олдини олиш учун муомаладан чиқарилди. 97-модданинг 2-қисмидаги “розилиги” сўзи эса “рухсати” сўзи билан алмаштирилиб, интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлақ хуқуқ эгаларининг ваколатлари янада аниқлаштирилди, уларнинг асардан фойдаланишни учинчи шахсга топшириш борасидаги хатти-ҳаракатларига нисбатан хукукий атама қўлланилди<sup>42</sup>.

ФКнинг 107 ва 138-моддаларига киритилган ўзгартириш аниқловчи характеристига эга бўлиб, бунда битимга, шу жумладан ишончномага муҳр босиш ҳаракатини аниқлаштириш мақсадида, муҳр босиш муҳр мавжуд бўлганда амал қилиш лозим бўлган талаб эканлиги белгиланган.

ФКнинг 137-моддасидаги “кашфиётчиларга” атамаси “ихтиорчиларга” атамаси билан алмаштирилди. Зоро, амалдаги қонунчиликда кашфиётларнинг тушунчаси ва уларга нисбатан нормалар мавжуд бўлмаган ҳолда, “кашфиётчиларга” иборасининг қўлланилиши мантиқий ва хукукий асосга эга эмас эди.

Фуқаролик қонунчилигидаги янги нормалар ва новеллалар сифатида ФКнинг 15, 40, 44, 46, 48, 53-55, 57, 64-65, 68, 75, 77, 83, 136-моддаларни киритиш мумкин.

Албатта 15-моддага киритилган ўзгартириш билан бир вақтда ФКнинг 990 ва 991-моддаларига ҳам қўшимча ва ўзгартириш киритилиб, янги новелла сифатида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган хужжат чиқарилиши натижасида фуқарога

<sup>42</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 11-12 б.

ёки юридик шахсга етказилган заар нафақат давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан, балки тегишли мансабдор шахсларининг айби билан етказилган заарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги белгиланди. Эндиликда заарни қоплаш мажбурияти давлат органи билан бирга, мансабдор шахснинг зиммасига юкланишига оид тартиб жорий этилди.

Таъкидлаш лозимки, республикамизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида юридик шахслар алоҳида ўрин тутади. Юридик шахслар ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида етакчи куч ва иктиносидий муомаланинг асосий субъекти ҳисобланади. Бинобарин, капиталлар, иш кучи ва меҳнат сарфини бирлаштириш юридик шахсларнинг иктиносидий имкониятларини оширади ва бу ўз навбатида иктиносидий самарадорликни таъминлайди. Юридик шахслар нафақат иктиносидий муомалани таъминлашга хизмат қилувчи субъект балки, ижтимоий ҳимоя ва иш ўринларини яратувчи субъект сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга юридик шахсларнинг иктиносидий муомаладаги фаолиятини фуқароларнинг бу муносабатларидаги иштирокига нисбатан қулай ва ҳар томонлама самарали воситалар орқали тартибга солиш мумкинлиги ҳам халқаро иктиносидий муаммоларнинг интеграциялашуви жараёнида эътиборга молик ҳолат сифатида баҳоланади. Шу муносабат билан ФК кучга киритилганидан кейинги даврларда унинг юридик шахсларга оид умумий нормаларига ҳам бир қатор муҳим ҳамда концептуал аҳамиятга молик қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, ФКнинг 40-моддаси 5-қисмига киритилган ўзгартириш асосида, юридик шахслар илгаригидек нафақат уюшмалар (иттифоқларга), балки бошка бирлашмаларга ҳам қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкинлиги белгиланди. Юридик шахсларнинг турларига берилган бундай имконият ва улар манбаатларини таъминлашнинг кенгайтирилган йўллари ҳозирда улар томонидан турли хилдаги ассоциациялар, трансмиллий компаниялар ҳамда бошқа бирлашмаларга бирлашиш имкониятини бермоқда<sup>43</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 апрелдаги қонуни билан ФКнинг 44-моддаси 2-қисмига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда расмиятчиликларни камайтириш мақсадида амалиётга жорий этилган, юридик шахсларни рўйхатдан ўtkазишнинг янги тартиби бўлган “хабардор қилиш тартибида”

<sup>43</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 152

рўйхатдан ўтказишни рад этиш фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилди.

Юридик шахсларнинг жойлашган ерини белгилашнинг янги тартиби сифатида ФКнинг 46-моддаси янги 4-қисми билан бойитилиб, юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шартлиги қоидаси мустаҳкамланди.

Юридик шахслар институтига киритилган энг муҳим ўзаришлардан бири бу юридик шахсларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ янги қоидалар ҳисобланади. Мазкур қўшимча ва ўзгартириш натижасида юридик шахс ва унинг муассислари ёки мулкдорининг юридик шахс мажбуриятлари юзасидан жавобгарлигини белгилашнинг муҳим ҳолатлари аниқлаштирилди. Жумладан, дастлаб қабул қилинган ФК 48-моддасининг 4-қисмида юридик шахс ҳаракатлари учун жавобгар шахслар доирасига муассис, юридик шахс мол-мулкининг эгаси, шу юридик шахслар учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳукуқига эга ёки унинг ҳаракатларини белгилаш учун бошқа имкониятларга эга бўлган ўзга шахслар киритилган бўлса, киритилган ўзгартиришлар натижасида жавобгарлик субъектлари ҳамда уларнинг айнан қайси ҳолатлар учун жавобгарлиги аниқлаштирилди. Жумладан, бунда жавобгарлик субъекти юридик шахс учун мажбурий кўрсатма бериш ҳукуқига эга муассис ва ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли жавобгарлик келиб чиқсан юридик шахс мулкдори бўлиши белгиланди. Қолаверса, муассис ва мулкдор фақат юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардаги мажбурий кўрсатмалар бериш ҳукуқига эгалиги назарда тутилди. Бундан ташқари ФКнинг 48-моддасига 6-қисм сифатида киритилган нормага кўра, бундай муассис ва мукдор юридик шахс банкрот бўлишини олдиндан билиб, ўз ҳукуқидан ана шу мақсадда фойдаланган ҳоллардагина юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) учун жавобгар бўлиши назарда тутилди. Жавобгарликнинг бу тарзда ифодаланиши хорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳам учрайди<sup>44</sup>

Юридик шахсларни тугатиш субинститутига оид ФК нормаларига турли йилларда (1999, 2003, 2007, 2014 йиллар) бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, юридик шахсни тугатиш асосларини аниқлаштириш мақсадида ФКнинг 53-моддаси 2-қисми 2-банди аниқлаштирилиб, қуйидаги янги асослар киритилган:

<sup>44</sup> Қаранг: Hamilton Robert W. The Law of Corporations. 3-th edition. – St. Paul, Minn., USA: West Publishing Co., 1991.

1) олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхонаси эса - уч ой мобайнида) банк ҳисобвараклари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, дехқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно;

2) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис хужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда.

Бундай ўзгартириш, хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юридик шахсларнинг фаол ҳаракатда бўлишларини таъминлаш ҳамда паст рентабелли корхонлар ёки ўз фаолиятини доимий равишда амалга оширмайдиган юридик шахсларнинг иқтисодий муомала учун номақбул эканлиги сабабли уларни тугатиш зарурлигидан келиб чиқади.

ФКнинг 54-моддасига 2007 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-127-сонли қонуни билан қўшимча ва ўзгартишилар киритишдан олдин юридик шахсни тугатиша тугатувчи (тугатиш комиссияси)ни тайинлаш бевосита юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тайинланиши назарда тутилган эди. Киритилган қўшимча ва ўзгартишилардан кейин эса, тугатиш факат суднинг қарори билан амалга оширилаётгандагина тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланиши амалиёти жорий этилди. Бундан ташқари, илгари тугатиш ишлари факат тугатиш комиссияси томонидан олиб борилиши қатъий белгиланган бўлса, қўшимча ва ўзгартишилари киритилганидан сўнг янги хукукий категория – “тугатувчи” категорияси киритилди ва тугатувчи сифатида иккита шахс – тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс тайинланиши белгиланди. Хусусий мулкнинг устуворлиги ва хусусий тадбиркорликка кенг имтиёзлар хорижий мамлакатлар қонунучилигига ҳам назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин<sup>45</sup>.

ФКнинг 55-моддасига айнан 2007 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-127-сонли қонуни билан бир қатор атамалар ва ҳолатлар аниқлаштирилди ҳамда янги новелла киритилди. Жумладан, 55-модданинг 1-7-қисмларидағи “тугатиш комиссияси” атамаси ФКнинг 54-моддаси 2-қисмига киритилган ўзгартишилардан келиб чиқиб “тугатувчи” атамаси билан алмаштирилди ҳамда 55-модданинг 4 ва 7-қисмлари 54-моддаси 2-қисмига ҳамоҳанг тарзда юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, “оралиқ тугатиш баланси” ва “тугатиш баланси” юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда

<sup>45</sup> Қаранг: Chan M.F., Simester A.P. Equity and the Priority of Property Law // New Zealand Journal of Law and Policy. –1991. –Vol.6.

тасдиқланиши киритилди. Бундан ташқари, 55-моддага янги 10-қисм сифатида “давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш, шунингдек уларни муассислари йўқлигига тугатиш таомили ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши” қоидаси киритилди.

Маълумки, юридик шахслар тугатиша юридик шахсларнинг ночорлиги (банкротлиги) институти алоҳида аҳамиятга эга. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан банкротлик таомиллари ҳам ривожланиб бориши, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг янги авлоди амал қилаётганлиги ва банкротлик қонунчлигини такомиллашиб бориши билан ҳамоҳангликда ФҚдаги банкротликка оид битта модда – 57-моддага ҳам қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Хусусан, банкротликка оид ФҚда белгиланган умумий қоидани аниқлаштириш ҳамда илгари амалда бўлган ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиш қонуниятларига жавоб бермайдиган қоида – юридик шахс ўзининг ночорлиги ҳақида кредиторлар билан бирга қарор қабул қилиши ўрнига, банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда бу ҳақда судга мурожаат қилиши киритилди (ФКнинг 57-моддаси 3-қисми). Банкротлик фақат суднинг қарори билан белгиланиши ва унинг тартиби маҳсус қонун билан белгиланиши ФКнинг 57-моддаси 4-қисмiga ўзгартиш ва қўшимча сифатида киритилди.

2014 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли Қонуни қабул қилиниши муносабати билан ФКнинг акциядорлик жамиятиларига оид нормаларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, янги таҳрирдаги акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда акциядорлик жамиятлари илгаригидек турларга, яъни очиқ ва ёпиқ турларга бўлиниши амалиёти қабул қилинмади. Шу муносабат билан ФКнинг 65 (очиқ акциядорлик жамияти) ва 66 (ёпиқ акциядорлик жамияти)-моддалари кодексдан чиқарилди<sup>46</sup>.

ФКнинг 68-моддасига “акцияларнинг” атамасидан кейин қавс ичига “улушнинг” сўзи киритилиб, атама аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 621-II-сон Қонуни билан ФКнинг 75-моддаси жамоат фондлари моддасига бир қатор ўзгаришлар киритилди:

1) фонднинг номи “ижтимоий фондлар” атамаси “жамоат фондлари” атамаси билан ўзгаририлди;

---

<sup>46</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-372-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотган — ЎРҚХТ, 2014 й., 20-сон, 222-модда

2) фонднинг мол-мулкини шакллантиришнинг янги манбаси – васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк киритилди;

3) фонд мол-мулкидан фойдаланиш аниқлаштирилиб, ундан маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланиш қоидаси белгиланди;

4) фонднинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда тижорат ташкилотларининг устав фондидаги иштироки асослари ва тартиби аниқлаштирилди;

5) фонднинг уставида киритилиши лозим бўлган маълумотлар доираси кенгайтирилди ва аниқ белгиланди;

6) фонд турлари ҳукуқий ҳолатининг хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланиши мустаҳкамланди.

Бу қўшимча ва ўзгартишлар, аввало “ижтимоий фонд” номининг жуда мавхум ва ноаниқлиги сабабли, “жамоат фонд” номига алмаштирилганлиги ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш қоидаларининг яна аниқлаштирилиши билан боғлиқдир<sup>47</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сон Конуни билан эса, ФКнинг юридик шахсларнинг алоҳида ташкилий-ҳукуқий шакли ҳисобланган “Юридик шахслар бирлашмалари” номли 77-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Натижада аввалги қоидалардан тубдан фарқ қилувчи янги новеллалар юридик шахслар бирлашмаларига нисбатан жорий этилди:

**Биринчидан**, юридик шахслар турларидан келиб чиқиб юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш фарқланди. Яъни, илгари умумий тартибдан фарқли равишда тижорат ташкилотларининг ва нотижорат ташкилотларининг юридик шахс бирлашмаларини ташкил этиши алоҳида нормаларда ифодаланди.

**Иккинчидан**, аввалги қоидаларда юридик шахслар бирлашмалари факат уюшма (иттифоқ) шаклида мавжуд бўлиши назарда тутилган бўлса, киритилган ўзгаришлар юридик шахслар бирлашмаларининг тури қонун билан чекланмаслигидан келиб чиқиб, юридик шахс бирлашмалари уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмалар шаклида ташкил этилиши белгиланди.

**Учинчидан**, юридик шахслар бирлашмаларининг нотижорат ташкилот туридаги юридик шахс эканлиги қатъий ўрнатилди.

**Тўртинчидан**, тижорат ташкилотларининг юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш мақсади сифатида янги қоида “ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак


<sup>47</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 19-20 б.

мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсади” аниқлаб қўйилди.

Мол-мулкнинг тури сифатида кўчмас мулкнинг тушунчасини ифодалайдиган ФКнинг 83-моддаси 2-қисми аниқлаштирилиб, кўчмас мулк объектлари санаб ўтилгани ҳолда, кўчмас мулк объектларининг барчаси учун хос бўлган умумий хусусият – “ер билан узвий боғланганлик, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмаслик” қоидаси киритилди. Аввалгидан фарқли равишда кўчмас мулк объектлари доираси қатъий белгиланмасдан, бу рўйхат очиқ қолдирилди ва белгиланган мезонга мос келадиган ҳар қандай обьект кўчмас мулк бўлиши мумкинлиги ўрнатилди.

Нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ишончномаларга оид қоидаларни назарда тутувчи ФКнинг 136-моддасига аниқлик киритилиб, шу усулда тасдиқланадиган ишончномалардан “автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар мустасно эканлиги” киритилди. Бошқа айтганда, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар ФКнинг 136-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан тасдиқланиши мумкинлиги бекор қилинди.

**I. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик  
кодексининг “Умумий қоидалар” бўлимига  
киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар  
(жаъми 22 та моддага)**



**II. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар” бўлими.**

Фуқаролик кодексининг мазкур бўлимидағи 10 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Яъни, 83, 205-206, 211-212, 214-215, 219, 221, 229-моддаларига бозор муносабатлари шароитида хусусий мулкнинг ҳуқуқий режимини такомиллаштириш нуқтаи назаридан бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилган.

Жумладан, ФКнинг 83-моддаси 2-қисмига кўчмас мулк жумласига қандай обьектлар кириши санаб ўтилиб, ушбу рўйхат очиқ қолдирилган ҳолда, қўйидаги қўшимча қўшилди: “ер билан узвий боғланган бошқа молмулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган обьектлар киради”. Мазкур

ўзгартириш кўчмас мулк тушунчасини янада аниқлаштиришга хизмат қилди<sup>48</sup>.

Маълумки, мулкий ҳуқуқлар ҳам доим шахсга бериладиган муайян имкониятлар ва чегараларни ифодалайди. Бундай ҳолат Англия ҳуқуқи ўзига хос тарзда ифоладанади. Масалан, Англия ҳуқуқига кўра, маҳсус юридик ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши, ўша ҳуқуқларнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал чегараларидағи чекловларни ифодалаш учун осондир. Ўша вақт давомидаги горизонтал чегараларни ҳам хисобга олиш керак бўлади. Масалан мулкга эгалик қилиш ҳуқуқи 2 даврга бўлинади: ҳозирги ва келажақдаги. Вертикал чегаралар эса шу вақтдаги нуқтада киритилган чегараларнинг мутлақ бўлмаган ҳуқуқ тушунчасини ўз ичига олади. Ўз мулкига бўлган ҳуқуқ тушунчаси, масалан, ўз мулкига бўлган эгалик ҳуқуқини ифодалайди. Бу чекловларни бошқача йўл билан тасвиirlайдиган бўлсак, мулк эгасининг шу мулк билан боғлиқ қўплаб вазифа ва мажбуриятлари мавжуд .<sup>49</sup>

ФКнинг 205-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришга кўра, мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қийматини белгилашнинг янги тартиби жорий қилинди. Илгари бундай мол-мулкнинг қиймати “мулк ҳуқуқи бекор бўлган пайтда амал қилиб турган шу ёки шунга ўхшаш мол-мулкнинг баҳоси асосида белгиланиши” қоидаси амал қилган бўлса, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг мазкур умумий ва мавҳум ҳамда ҳуқуқни қўлловчи учун чалкашликлар ҳамда бир вазият учун турли хилдаги ёндашувларни бартараф этилиб, бундай мол-мулкнинг қиймати баҳоловчи ташкилот томонидан мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтда белгиланиши ўрнатилди. Бу ҳолат судларнинг ишини янада енгиллаштириш ва улар томонидан ФКнинг 205-моддаси 1-қисмини бир хилда қўллаш даражасини янада оширишга хизмат қилди.

ФКнинг 206-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб қўшимча ва ўзгартишлар киритилган<sup>50</sup>. Жумладан, 206-модданинг 1-қисмига “тeng мол-мулк берилади” ибораси мулқдор ҳуқуқларини янада мустаҳкам кафолатлаш

<sup>48</sup> Эргашев В.Ё., Имомов Н.Ф. Кўчмас мулк обьектлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 18 б.

<sup>49</sup> Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. 2002. – p 582-597.

<sup>50</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 авгуstdаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда

мақсади “тeng қимматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади” ибораси билан алмаштирилди.

ФКнинг 206-моддаси 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-336-сонли Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан мувофиқлаштириш ҳамда бозор қонуниятлари талабларига мослаштириш мақсадида 2-3-қисмлар билан тўлдирилди. Бунда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг у ёки бу турдаги эмас, айнан бозор қийматида аниқланиши ва бу баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, бозор қиймати бевосита ушбу мол-мулкни олиб қўйишдан олдинги ҳолатга кўра ёки келгусида олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматига таъсир қилган пайтдаги ҳолатга кўра аниқланиши киритилди. Шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки экинларни бузиб ташлашга заарларнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қоплангунига қадар йўл қўйилмаслиги белгиланди.

ФКнинг 211-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар кўп квартирали уйдаги тураг жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқдорларининг умумий мол-мулкига доир қоидалар ва умумий мулкнинг ҳуқуқий режимини аниқлаштириш мақсадида ифода этилди. Жумладан, мазкур модданинг 1-қисми кўп квартирали уйдаги тураг жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқдорларнинг умумий мол-мулки объектлари доираси кенгайтирилиб, уларнинг тўлиқ рўйхати санаб ўтилган ва бу рўйхат қатъий тус касб этган. Ушбу модданинг 2-3-қисмларига эса атамаларни аниқлаштириш ва норма мазмунини янада тушунарли талқин этилишига қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Яъни, аввалги таҳрирда “уйнинг умумий мол-мулкига эгалик ҳуқуқидаги квартира эгалари” атамаси “кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка эгалик ҳуқуқидаги тураг жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқдорлари” атамаси билан алмаштирилган бўлса, 3-қисмдаги айrim ноаниқ атамалар ҳам аниқлаштирилган.

ФКнинг 212-моддаси 4-қисмига киритилган ўзгартириш киритилиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан суд томонидан мулк ҳуқуқини бериш асоси аниқлаштирилган ва критилган ўзгартишга мувофиқ, фақатгина ўзбошимчалик билан қурилган иморат ер участкаси иморатни қурган шахсга белгилангандар тартибда келгусида бериладиган бўлсагина

эътироф этилиши мумкинлиги белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декбардаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш (дехқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомларда ер участкалари туман ҳокимликлари томонидан берилиши назарда тутилган бўлиб, ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган шахсга кейинчалик шу ер участкаси иморат қуриш (якка тартибда уй-жой қуриш) учун туман ҳокимининг қарори асосида берилганидан сўнг суд шу шахснинг иморатга нисбатан хуқуқини эътироф этиш ҳакида қарор қабул қилиниши мумкин.

Республика мулки ва муниципал мулкнинг хуқуқий режимини белгилашга оид ФКнинг 214-215-моддалари 4-қисмларидан республика мулкининг шаклланиш манбалари таркибидан “йигимлар” номли манба чиқарилди. Айнан “йигимлар” сўзи ФКнинг 221-моддаси 1-қисмидан ҳам чиқарилди.

ФКнинг 219-моддасига киритилган ўзгартиш нормани янада тушунарли қилиш ундаги атамалар ва ибораларни аниқлаштиришга қаратилган. Жумладан, мазкур модданинг 1-қисмидаги битта жумла, норманинг мазмунини аниқлаштириш нуқтаи назардан иккита жумлага бўлиб, шакллантирилган.

ФКнинг 229-моддаси 4-қисмига ўзгартиш киритилиб, ФКнинг 96-моддаси 3-қисми қоидаларидаги каби “такдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар” ибораси чиқарилди.

Хорижий мамлакатларда, хусусан, Франция гражданлик кодексининг 2-титутли “мулк тўғрисида” – деб номланади<sup>51</sup>. ФГКнинг 544-моддасига кўра, мулк ашёдан янада мутлақ тарзда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқи бўлиб, бундай фойдаланиш қонун ёки регламент билан тақиқланган бўлмаслиги лозим.

Германия гражданлик кодекси (тузук)да фуқаролик хукуқи катта бўлимлар китоб шаклида жамланиб у 5 та китобдан яъни, умуий қисм, мажбурият хукуқи, ашё хукуқи, оила хукуқи, мерос хукуқидан иборат. Хусусан ГГКнинг учинчи қисми ашёвий хукуқлар деб номланиб у 9

<sup>51</sup> Каранг: Henry Dyson. French property and inheritance law//Oxford University Press 2003, - 469 р.

бўлимдан иборат. Улар “Ер участкаларига оид умумий қоидалар”, “Мулк ҳуқуқи”, “Ворислик ҳуқуқи”, “Сервитут”, “Имтиёзли харид ҳуқуқи”, “Ашёвий ҳуқуқлар”, “Ипотека”, “Ер ва рента қарзлари”, “Кафолат ҳуқуқи”<sup>52</sup> каби бўлимлардир.

**II. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг  
“Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар” бўлимига  
киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар  
(жаъми 10 та моддага)**

<b>83-модда</b>	↔	⇒	205-модда
<b>206-модда</b>	↔	⇒	211-модда
<b>212-модда</b>	↔	⇒	214-модда
<b>215-модда</b>	↔	⇒	219-модда
<b>221-модда</b>	↔	⇒	229-модда

**III. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг  
“Мажбурият ҳуқуқи” бўлими.**

**1-Кичик бўлим. Мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар**

Мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар кичик бўлимининг фақатгина б та моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Мазкур қўшимча ва ўзгартишлар ҳам факт мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг ўзига хос усули бўлган гаровга оид нормаларни такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган. Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ипотека муносабатларининг ривожланиши ҳамда 2006 йилда “Ипотека тўғрисида” ги Конунининг қабул қилиниши ҳамда гаров муносабатларининг такомиллашиши натижасида ФКнинг гаровга оид нормаларидаги тақорглашларни бартараф этиш ҳамда бўшлиқларни тўлдириши мақсадида қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан, ФКнинг 269-моддаси 2-қисмидаги “ипотека билан белгиланган мол-мулк”

<sup>52</sup> Каранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p

ибораси “Ипотека тўғрисида” ги Қонуннинг 4-моддаси 2-қисми сифатида “Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади” қоидаси киритилиши муносабати билан ФКдан чиқарилди<sup>53</sup>.

ФКнинг 269-моддаси 3-қисмига, шунингдек 288-моддаси 4-қисмига 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-83-сонли Қонуни билан “мухрланган” ва “мухрларини босиб” сўзидан кейин қавс ичида муҳр мавжуд бўлган тақдирда ибораси қўшимча қилинди ва муҳр мавжуд бўлмаган ҳолларда гаров нарсаси гаровга қўювчида қолдирилганда муҳрлаш талаб этилмаслигини англатадиган бўлди.

ФКнинг 279-моддаси 2-қисми қатъий қоида сифатида ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш асослари келтирилган эди. Ўзгартиш ва қўшимча сифатида “қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно” қоидасининг киритилиши эса бу қатъий ва ёпиқ норманинг ҳам ўзгариши олиб келди ва қонунда назарда тутилган ҳолларда ФКнинг 279-моддаси 2-қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган вазиятларда ҳам ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш рад этилмаслиги мумкинлиги йўлга қўйилди.

ФКнинг 280-моддаси 2-қисмини аниқлаштириш ва тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг шартлари устуворликка эгалигини белгилаш мақсадида “қондиришга” сўзидан кейин “агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд” ибораси киритилди. Бундай қўшимча киритилишидан мақсад, гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондириш асоси аввалги таҳрирдаги каби фақатгина тарафларнинг ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин ўзаро нотариал тасдиқланган келишуви эмас, балки тарафлар ўртасидаги гаров шартномасида бундай шартнинг мавжудлиги ҳам ҳисобланиши тартибини белгилаш бўлди.

ФКнинг 282-моддаси 2-қисмига янги 4-банди сифатида янги новелла киритилиб, илгари таҳрирда мавжуд бўлган ундирувни гаров нарсасига қаратишнинг Зта асосига қўшимча равишда “суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган бўлса” қоидаси киритилди. Бу қоиданинг киритилиши гаровга олувчининг ундирувни гаров нарсасига қаратиш борасидаги ҳукуқларини кенгайтирди ва гаровга қўйилган мол-мулкка суд

<sup>53</sup> Абзалов А.А. Мажбуриятда шахслар ўзгаришининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2013. – 65 б.

хужжатлари ва бошқа органларнинг хужжатлари асосида ундирув қаратилган бўлса, гаровга оловчи ҳам ўз ҳуқуқларини билдириши лозимлиги белгиланди.

ФКнинг 283-моддаси 1-қисмига киритилган қўшимча ҳамда ФКнинг 282-моддаси 2-қисмига 4-банд сифатида киритилган қоидадан келиб чиқади. Аввалги таҳрирдаги ФКнинг 283-моддаси 1-қисмида мавжуд бўлган 4 та бандга 5-банд сифатида “агар гаровга оловчи ушбу Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланмаган бўлса, бундан гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги ва талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги ҳоллари мустасно” қоидаси киритилди. Яъни, бу ҳолатда гаров гаровга оловчи “суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилган ҳолларда” гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилиш, агар унинг талаби қондирилмаганда, ундирувни гаров нарсасига қаратиш ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, гаров бекор бўлиши белгиланди. Бироқ бу ҳолатга нисбатан қўйидаги икки ҳолат истисно сифатида назарда тутилди ва бу истисно ҳолатлар мавжуд бўлганда гаров бекор бўлмаслиги назарда тутилди:

1) гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинмаганлиги;

2) талаблари гаров билан таъминланмаган кредиторларнинг ўз талабларини қаноатлантириш учун мазкур мол-мулкни қабул қилишни рад этганлиги.

Шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳам мажбурият тўғрисидаги умумий ва маҳсус қоидалар тўлиқ белгилаб берилган. Жумладан Франция<sup>54</sup> ҳамда Германия фуқаролик қонунчилигидаги<sup>55</sup> мажбуриятлар ҳақидаги нормалар бошқа қитъа ҳуқуқ тизимидағи давлатлар учун дастуруламал бўлиб ҳисобланади.

**Иккинчи қисм. З-кичик бўлим. Мажбуриятларнинг айрим турлари.** ФКнинг маҳсус қисмига, хусусан “Мажбуриятларнинг айрим турлари” кичик бўлимiga турли даврларда мазмуни, аҳамияти ва долзарблиги нуқтаи назардан бир қатор муҳим, янги қоидаларни ва тартиби ўзида ифодалайдиган, айрим ҳолларда эса ҳуқуқий атамаларни тўғри изохлаш, амалдаги янги қонун хужжатлари билан мувофиқлаштириш

<sup>54</sup> Қаранг: John Cartwright, Stefan Vogenauer, Simon Whittaker. Reforming the French Law of Obligations// Hart, 2009, 930 р.

<sup>55</sup> Қаранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 р

ҳамда бўшлиқларни тўлдириш мақсадида қўшимча ва ўзгартишлар киритилган.

Хусусан, олди-сотди шартномасининг турлари ва обьектлари билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштириш мақсадида ФКнинг 386-моддаси янги 4-қисм киритилган. Унга кўра, қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Айрим хорижий давлатлар қонунчилигига<sup>56</sup> ҳам мазкур нормалар учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан автотранспорт ишлаб чиқарувчи корхоналардан, уларнинг вакилларидан, воситачи ташкилотлардан, шунингдек, кимошли савдоларидан сотиб олинган автомототранспортни рўйхатга олиш давлат нотариал идорасида харид қилиш-сотиш шартномасини тасдиқламасдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида амалга оширилади.

Энергия билан таъминлаш муносабатларида тадбиркорларнинг манфаатларини таъминлаш, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги турли тўсиқлар ва сунъий узилишларни олдини олиш мақсадида ФКнинг 477-моддаси 1-қисмига ўзгартиш киритилди. Яъни, илгари шартнома бажарилмаганда энергия билан таъминловчи ташкилот ва абонент ҳам факат ҳақиқий зарарни қоплаши лозим бўлган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-325-сон Қонуни билан киритилган ўзгартишга асосан, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт эканлиги белгиланди. Масалан, энергия таъминоти шартномаси бажарилмаганда энергия билан таъминловчи ташкилот абонент бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектига ҳақиқий зарар билан бирга бой берилган фойдани ҳам тўлаши лозимлиги жорий этилди.

Корхонани сотиши шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга оид қоидаларни назарда тутувчи ФКнинг 490-моддаси 2-қисмига қўшимча сифатида “Ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган корхонани сотиши шартномаси нотариал гувохлантирилиши шарт эмас, ушбу Кодекснинг 110-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” жумласи

<sup>56</sup> Қаранг: Reinhard Zimmermann. The New German Law of Obligations: Historical and Comparative Perspectives // Oxford University Press, 2005. 240 p.

киритилди. Мазкур модда 1-қисмининг биринчи жумласида корхонани сотиш шартномаси нотариал тасдиқланиши шартли қоидаси белгиланлигини ҳисобга олсак, иккинчи жумла сифатида киритилган мазкур қўшимча янги тартибни жорий этгани ҳолда, бундан истисно сифатида тарафлардан бири талаб қилганда, корхонани сотиш шартномаси ваколатли давлат органининг қарорига биноан танлов (тендер) асосида тузиладиган ҳолларда ҳам нотариал гувоҳлантирилишини тақозо этишини белгилади.

ФКнинг 491-моддаси 2-қисмида келтирилган корхонани сотиш шартномаси имзолангунга қадар тарафлар тузиши ва қўриб чиқиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар рўйхатининг номига ўзгартиш киритилиб, улар аниқлаштирилди. Жумладан, мазкур нормадаги “мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини” ибораси “аудиторлик хулосасини, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни” ибораси билан алмаштирилди.

ФКнинг 497-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 320-П-сон Қонунига мувофиқ учинчи қисм билан тўлдирилган. Зеро, илгариги таҳрирда автомототранспорт воситаларининг айирбошлиш предмети сифатидаги хусусиятлари киритилмаган эди. Киритилган ўзгартишга мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини айирбошлиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Айнан шундай қоида ФКнинг 504-моддасига янги 5-қисм сифатида киритилган ва автомототранспорт воситалари ҳадя қилинганда айирбошлиш қилингандаги каби нотариал расмийлаштирилиши лозимлиги белгиланган.

Маълумки рента фуқаролик ҳуқуқидаги янги шартномалардан бири ҳисобланади ва бу шартнома ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқи ўтишини назарда тутади<sup>57</sup>. Рента шартномасининг тушунчасини назарда тутувчи ФКнинг 512-моддасидаги ноаниқликни бартараф этиш ҳамда, кодекс ушбу моддасининг ўзбек тилидаги таҳририни рус тилидаги матнига мувофиқлаштириш мақсадида “мулк қилиб” ибораси киритилди ва аввалги таҳрирдаги ноаниқ бўлиб қолган, “кўчмас ёки кўчар мулк қилиб беради” иборасига эндиликда аниқлик киритилиб, мулк қилиб берилиши назарда тутилди.

ФКнинг 565-моддасининг 1-қисмига Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ-56-сонли Қонуни билан ўзгартиш киритилган бўлиб, мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги 320-П-сон Қонунига мувофиқ 2-қисм билан тўлдирилди. Ушбу модданинг 1-

<sup>57</sup> Раҳмонқулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 8 б.

қисми қўшимча ва ўзгартиш киритилишидан олдин иккита жумладан иборат бўлган бўлса, ўзгартиш киритилганидан сўнг у битта жумладан ташкил топадиган бўлди ва ундаги иккинчи жумла чиқариб ташланди. Яъни, “бундай шартномага ушбу Кодекс 539-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди” жумласи чиқарилди. Зоро, ФКнинг 539-моддаси 2-қисмида “Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим” лиги белгиланган бўлиб, бу қоида умуман транспорт воситалари билан алоқадор бўлмагани ҳолатда, ундан истисно сифатида ФКнинг 565-моддаси 1-қисмида ифодаланиш мантиқий ва ҳукуқий жиҳатдан асоссиз эди. Чунки, кўчмас мулкка қандай объектлар кириши ва уларнинг асосий мезонлари ФКнинг 83-моддаси 2-қисмида санаб ўтилган бўлиб, унда транспорт воситалари кўчмас мулк таркибига киритилмаган.

Мазкур модданинг янги иккинчи қисм билан тўлдирилиши ФКнинг 386, 497, 504-моддаларига киритилган ўзгаришлар билан монанд бўлиб, “автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши” талабини белгилайди.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасининг шакли ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабларини белгилайдиган ФКнинг 574-моддаси ҳам бу муносабатлардаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш мақсадида янги 3-қисм билан тўлдирилди. Чунки, мазкур моддада фуқаролар ўртасида тузиладиган мазкур шартноманинг шаклига доир талаблар белгиланмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сон Конуни билан ФКнинг 574-моддаси 3-қисми сифатида киритилган қоидага кўра, фуқаролар ўртасида тузилган бино ёки иншоотни ёхуд унинг бир қисмини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда миллий ҳукуқшунослигимиз учун янги институт бўлган лизинг муносабатларини ҳукуқий тартибга солиш амалиётининг ривожланиб бориши<sup>58</sup> натижасида ФКнинг лизинг муносабатларини тартибга солувчи 34-боби 6-параграфига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Мазкур қўшимча ва ўзгаришларнинг аксарияти лизинг шартномасини тўғри тушуниш ва талқин этиш ҳамда мавжуд ноаниқликларни бартараф этиш, шунингдек бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган эди. Бунда энг аввало ФКнинг 34-боби 6-параграфи номи ҳам

<sup>58</sup> Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳукуқий тартибга солиш муаммолари. –Т.: Noshir, 2014. -4 б.

ўзгартирилди. Илгари амалда бўлган “Лизинг (молия ижараси)” дан қавс ичидаги “молия ижараси” сўз бирикмаси чиқарилди. Бунинг боиси “молия ижараси” атамаси фақат лизинг англатмаслигини, айрим ҳолатларда бу атама қарз, кредит ва шу каби пул мажбуриятларнинг бошка турлари учун ҳам иқтисодий маънода қўлланилиши мумкинлигидан келиб чиқилди. Қолаверса, “Лизинг тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида ҳам “лизинг – молиявий ижарапининг алоҳида тури” эканлиги қайд этилганлиги, молиявий ижарапининг лизинг башқа турлари ҳам мавжудлигини англатади. Шу билан бирга, “лизинг” атамасининг ўзи ҳам алоҳида хуқуқий конструкцияни англатади ва унга нисбатан қўшимча изоҳ сифатида “молия ижараси” иборасини ишлатилиши муайян “норматив юкни” кўтартмайди.

Лизинг шартномасининг таърифини ифодаловчи ФКнинг 587-моддасини аниқлаштириш ва ўта мураккаблаштириб юборилган атамалар ва қонунчилик техникаси соддалаштириш мақсадида унга ўзгартиш киритилиб, “ишлаб чиқарувчи (сотувчи)” атамаси соддалаштирилиб, фақат “сотувчи” атамаси қолдирилди ҳамда нормадаги “ўз маблағи ҳисобига” ибораси чиқарилди.

ФКнинг 589-моддаси (лизинг субъектлари) 3-қисми қоидаси янада соддалаштирилди ва илгари амалда бўлган ғализ ва тушунарсиз норма (лизинг обьектини бевосита ўзи ишлаб чиқарувчи ҳам, шунингдек уни сотувчи ҳам ишлаб чиқарувчи деб ҳисобланади) содда ва тушунарли бўлган қоида “лизинг берувчи лизинг обьектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилиши” қоидаси билан алмаштирилди. Мазкур модданинг 4-қисмига ҳам ўзгартиш киритилиб, юқорида таъкидлаганимиздек, “ишлаб чиқарувчи” “сотувчи” атамаси билан алмаштирилди.

“Лизинг тўлови” номли ФКнинг 590-моддаси моҳияти тубдан ўзгартирилиб, янги қоида киритилди. Ушбу модданинг аввалги таҳририда лизинг тўлови сифатида лизинг обьекти сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ва лизинг ставкаси белгиланган бўлса, янги таҳрирда лизинг тўлови сифатида лизинг обьекти қийматининг қопланиши ва лизинг берувчининг фоизли даромадини тушуниш лозимлиги назарда тутилди. Мазкур қоида айрим европа давлатлари қонунчилигига ҳам ўз аксини топган<sup>59</sup>.

ФКнинг 595-моддаси 1-қисмига “агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса” ибораси қўшилиши билан мазкур хуқуқ диспозитив тусга ҳам эгалигини ва тарафлар шартномада бошқача қоида

<sup>59</sup> Қаранг: Ole Lando. Principles of European Contract Law // Kluwer law international, 2003. 291 р.

ҳам назарда тутишга ҳақли эканликлари ҳамда ана шу ўзлари шартномада белгилаган қоида асосида ҳаракат қилишлари мумкинлиги назарда тутилди. Ушбу модданинг 2-қисми қоидалари аниқлаштирилди ва бунда “бошқа суммалар” деб номланадиган ва тушунарсиз бўлган, айнан қандай суммалар эканлигини англатмайдиган тўловдан воз кечилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 447-П-сон Конуни билан ФКнинг 597-моддаси 1, 3-4-қисмларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Мазкур ўзгартиришлар асосан аниқлаштириш ва модда мазмунини соддалаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ҳисобланади. Хусусан, ушбу модда 1-қисмидаги “фойдаланувчи” сўзи “лизинг олувчи” атамасига ўзгартирилган бўлса, 3-қисмидаги “ўз мажбуриятларини” ибораси “лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини” ибораси билан алмаштирилди ҳамда “вақти-вақти билан” ибораси матнидан чиқарилди. Мазкур модданинг 4-қисмидаги “бўлажак мунтазам тўловларни” ибораси ўрнига “бўлажак лизинг тўловларини” ибораси қўлланилди.

Уй-жой ижараси муносабатларини самарали тартибга солиш ҳамда бу соҳадаги турли суиистеъмолликларни олдини олиш мақсадида ФКнинг “уй-жойни ижарага бериш шартномасининг шакли”га оид 603-моддаси 2-қисм билан тўлдирилиб, фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги қоидаси қатъий ўрнатилди.

ФКнинг банк омонат шартномасига оид нормаларига Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги 360-П-сонли “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Конуни қабул қилиниши муносабати бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, банкларга қўйилган омонатлар ва уларга нисбатан фоизлар тўлаш кафолатлари кучайтирилди ҳамда банкларнинг бу борадаги “ўзбошимчалик қилишларининг” олди олинди ва бошқа “суиистеъмолликларга” йўл қўйилиш ҳолати минималлаштирилди. Қолаверса, айрим ўзгартишлар қонунчилик техникасига риоя этиш ва норма мазмунини янада тушунарли ифодалаш мақсадида таҳрир қилинди. Жумладан, ФКнинг 762-моддаси 3-қисмидаги “омонатчи талаб қилиши биланоқ” ибораси “омонатчининг талаби билан” иборасига ўзгартирилди<sup>60</sup>. Ушбу модданинг 4-қисмига жумланинг давоми сифатида “муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишининг қонун хужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан” қоидаси киритилди. Мазкур қоиданинг киритилиши омонатчи фуқаронинг омонатга қўйган ўз пул маблағларини ҳар қандай ҳолатда ҳам

<sup>60</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 33 б.

қайтариб олиш ҳуқуқига эгалигини ва банк томонидан унинг омонатга қўйилган пул маблағларини қайтариб олиш ҳуқуқидан воз кечишига оид ҳар қандай шартнинг киритилиши ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслигини таъминлади<sup>61</sup>.

Мазкур 762-модда янги 5-қисм билан тўлдирилди ва омонат сақлаш муносабатларида ўзгаришлар содир бўлганда ёки омонатчи ўз омонатини қайтариб олишни истаганда банкни хабардор қилишнинг аниқ ва қатъий муддати ўрнатилди. Унга кўра, агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд банк омонати шартномасида кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши шарт.

Аввалги тахрирда ФКнинг 762-моддасининг 5-қисми бўлган норма 6-қисм сифатида ифодалаб қўйилди ва унга муддатли банк омонати шартномаси қатъий тусда эгалиги ва агар шартномада бошқа ҳолат белгиланмаган бўлмаса, омонатчи омонатни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилган ҳолларда унга фоизлар тўланмаслиги белгиланган. Аввалги тахрирда эса бундай ҳоллар учун “талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар юзасидан тўланадиган фоизлар миқдорига teng бўлган миқдорда фоизлар тўланиши” назарда тутилган эди.

ФКнинг 769-моддаси 4-қисмининг аввалги тахририда омонат дафтарчасининг иккита тури: эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчаси ва тақдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчаси мавжуд эди. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-223-сон Конуни билан ушбу нормага ўзгартириш киритилганидан сўнг тақдим этувчига пул тўланадиган омонат дафтарчасига оид қоидалари ФКнинг 769-моддаси 4 ва 7-қисмидан чиқарилди.

Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ФКнинг 770-моддаси 1-2-қисмлари ҳам ўзгартирилди ва 1-қисмга “эгасининг номи ёзилган” ибораси билан аниқлик киритилган бўлса, унинг 2-қисми моддадан чиқарилди ва эндилиқда бу модда аввалги тахрирдаги каби 3-қисмдан эмас, балки 2-қисмдан иборат ҳолда ифода этилди.

Банк ҳисобварағи шартномасида мижознинг ўз пул маблағларини тасарруф этиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш ва кафолатлаш мақсадида ФКнинг 773-моддаси 3-қисм билан тўлдирилиб, қуидаги қоида мустаҳкамланди: мижознинг банқдаги ҳисобварақда турган пул маблағлари

<sup>61</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 33 б.

қонун хужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олиниши мумкин. Олдинги таҳрирда мазкур моддада бу қисм (3-қисм) мавжуд эмас эди ва шу боис банкхисобварағи шартномаси бўйича мижознинг ўз ҳисобрақамидаги пул маблағларини нақд пул шаклида олиш ҳуқуқи белгиланмаган эди. Мазкур қўшимчадан кейин мижознинг ушбу ҳуқуқининг кафолатли аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Банк ҳисобварағи шартномасини тузиш ва банкларда очиладиган ҳисобрақамларнинг муайян руйхатини юритиш ҳамда бу борадаги солик ва бошқа ҳисботлар тизимини соддалаштириш, шунингдек банк-молия соҳасидаги турли суистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида ФКнинг 775-моддаси 2-қисми бир қадар соддалаштирилди ва олдинги таҳрирда мавжуд бўлган “ҳамда битта банк билан ҳам, шунингдек бир нечта банк билан ҳам банк ҳисобварағи шартномаларини тузишлари мумкин” деган қоида унинг матнидан чиқарилди.

Банк ҳисобварағи бўйича операцияларини амалга ошириш муддатлари қонун хужжатларида ҳам назарда тутилиши мумкинлигидан келиб чиқиб ҳамда ушбу ҳолатни аниқлаштириш мақсадида ФКнинг 778-моддасига агар сўзидан кейин “қонунда ёки” ибораси киритилди ва мазкур қўшимча операцияларни амалга ошириш муддатлари шартнома билан бирга қонунда ҳам белгиланиши мумкинлигини ўрнатди.

ФКнинг 784-моддасидаги “ҳисобваракдан пул маблағларини ўчириш навбати”га оид қоидалар тубдан ўзгартирилди ва бунда асосий ўринга бюджет, бюджетдан ташқари фонdlар, меҳнат муносабатлари ва алимент мажбуриятлари бўйича тўловлар биринчи навбатида тўланиши лозимлиги белгиланди. Мазкур моддага киритилган қўшимча ва ўзгартишнинг моҳиятини янада яққол ифодалаш учун қўйидаги таққослама жадвал тарзида ифода этиш мақсаддага мувофиқ:

<b>Олдинги таҳрир</b>	<b>Амалдаги таҳрир</b>
<b>784-модда. Ҳисобваракдан пул маблағларини ўчириш навбати</b> <b>2-қисм</b>	<b>784-модда. Ҳисобваракдан пул маблағларини ўчириш навбати</b> <b>2-3-қисмлар</b>
Ҳисобваракдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қўйидаги навбатда ўчирилади:  биринчи навбатда меҳнатга оид ҳуқукий муносабатлардан келиб	Ҳисобваракдаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари қўйидаги навбатда ўчирилади:  биринчи навбатда мутаносиб равишида бюджетга, бюджетдан

чиқадиган талабларни, алиментлар ундириш тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлаш, шунингдек ҳаётга ва саломатликка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобваракдан пул ўтказишни ёки пул беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича учирлади;

иккинчи навбатда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

тўртинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь тартибида пул ўчирилади.

ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳаки тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундиришга доир талабларни қондириш учун ҳисобварагидан пул маблағларини ўтказиш ёки пулни беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлар бўйича, муаллифлик шартномаларига биноан мукофотларни тўлаш бўйича, шунингдек ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича, бюджетга тўловлар бўйича ҳамда меҳнатга оид ва унга тенглаштирилган хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар бўйича хўжалик субъектларининг мажбуриятлари тенг даражада бажарилишини таъминловчи ижро ҳужжатлар бўйича пул ўчирилади;

иккинчи навбатда бошқа пул талабларини қондиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул ўчирилади;

учинчи навбатда бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича календарь навбат тартибида пул ўчирилади.

Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларга пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган микдорда ҳисобдан чиқариш, календарь навбат тартибидан ташқари навбатда амалга оширилади.

“Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” қоидаси ФКнинг 785-моддаси 1-2-қисмларига қўшимча сифатида киритилиши, банк қонунчилигидаги талаблар асосида банкнинг жавобгарлигини бир қадар “юмшатиш”ни назарда тутади. Чунки, ФКнинг 785-моддаси 1-қисмида

банкнинг жавобгарлиги қатъий қоида сифатида ўрнатилган эди. Бу қоиданинг киритилиши билан эса, ФКнинг 785-моддаси 1-2 қисмларида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар учун банкларнинг жавобгарлигини истисно этувчи ҳолат назарда тутилди.

Илгари амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 355-I-сонли “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни 2012 йил 7 январь қуни ўз кучини йўқотиб, унинг ўрнига 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ-319-сонли “Raқobat tўғrisida”ги Қонун кучга кириши муносабати билан ФКдаги айrim атамаларнинг номлари ҳам ушбу қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартирилди. Хусусан, ФКнинг 868-моддаси 2-қисмидаги эски қонунга мос келадиган “монополияг қарши” ибораси, янги қонунга мос равища “рақобат тўғрисидаги” сўzlари билан алмаштирилди.

ФКнинг 932-моддаси 1-қисмига ҳам аниқлаштирувчи ва норма мазмунини янада тушунарли ифодалаш мақсадида ўзгартиш киритилди ва “зарурият бўлган тақдирда” ибораси ўрнига “зарурат бўлганда эса”, “экспертиза тайинлашга ҳақли” жумласи эса “баҳолашдан ўтказишни ташкил этишга ҳақли” жумлалари билан алмаштирилди.

ФКнинг 934-моддаси 3-қисмига эса “қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” қоидаси киритилди ва шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пули қонун ҳужжатларида ҳам белгиланиши мумкинлиги назарда тутилди. Бундай қўшимчанинг киритилишига сабаб эса, кетма-кет 3 та фуқаролик жавобгарликни мажбурий суғурта қилишга оид қонунлар қабул қилиниши бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, 2009 йил 16 апрелдаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ва 2015 йил 26 майдаги “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилиниши суғурта пулнинг миқдори нафақат тарафларнинг келишуви билан шартномада балки, қонунларда ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Хорижий мамлакатлар фуқаролик қоунунчилигига ҳам қонун ҳамда шартнома бўйича суғурта миқдори тўғрисида тўлиқ белгилаб қўйилган<sup>62</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-109-сонли Қонуни билан ФКнинг 984-моддаси номи ва мазмунига бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Олдинги таҳрирда мазкур модда “Лотереялар,

<sup>62</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

тотализаторлар ва бошқа ўйинларни давлат томонидан ўтказилишининг ўзига хос хусусиятлари” – деб номланган бўлса, ўзгариш киритилганидан сўнг модданинг номи “давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланди. Яъни, бунда давлат томонидан фақат лотереялар ўтказилиш, тотализаторлар ва бошқа ўйинлар ўтказилмаслиги қатъий белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқаасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сонли қарори билан тасдиқланган “Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ фаолиятнинг бу тури лицензиялаш белгиланди ва уни амалга ошириш учун лицензия олишга нисбатан муайян талаблар белгиланди. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига оид ФКнинг 984-моддаси қоидалари ҳам бир қадар соддалаштирилиб, ундаги нормаларнинг ифодаланиши тушунарли ва қонунчилик техникаси нуқтаи назардан “мақбуллаштирилди”. Хусусан, моддадаги “лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинлар ташкилотчиси” атамаси “лотереялар ташкилотчиси” атамаси билан алмаштирилди ва мавжуд сўз бирикмалари ҳам шунга мослаштирилди.

Фуқаролик ҳуқуқида деликт мажбурият асосан ғайриқонуний ҳатти-харакатлардан вужудга келади. Бундан англашиладики, даъвогар жавобгарнинг атайлаб ёки эътиборсизлик билан ҳаракат қилганини ва шунинг учун уни айбдор эканлигини исботлаши керак. Деликт мажбурият жавобгарнинг қонунга зид ҳатт-харакатларни содир этишдаги сабаб ва мотивларини ўз доирасига қамраб олмайди. Шунга қарамай, баъзи деликтлар қасднинг мавжуд бўлиш ҳолатини ўз доирасига қамраб олади. Айрим деликтларнинг муҳим элементи қасд ҳисобланади, мисол учун қонунга зид мақсадларни кўзланган ҳолда тузилган шартномада жавобгарнинг ҳуқуқий манфаатлари янада бойитиш тўғрисидаги эмас, балки айнан даъвогарга нисбатан зарар етказилишини кўзлаган мақсади тўғрисидаги далиллар талаб қилинади<sup>63</sup>.

“Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” – деб номланувчи ФКнинг 57-бобидаги 7 та моддага қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Мазкур ўзгаришларнинг аксарияти ўзига хос янги қоидаларни белгилаганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, “зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларини” белгиловчи ФКнинг 985-моддаси 1-қисмига ФКнинг 14-моддаси 2-қисми талабларидан келиб чиқиб, “шу жумладан бой берилган фойда” ибораси киритилди. Яъни, бунда зарар

<sup>63</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 213-214

етказган шахс нафақат ҳақиқий зарарни, балки бой берилган фойдани ҳам тўлиқ ҳажмда қоплаши лозимлиги назарда тутилди. Мазкур қоидалар бир қатор МДҲ давлатлари фуқаролик қонунчилигига белгилаб берилган<sup>64</sup>

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни билан ФКнинг 988-моддаси 1-қисми матни охирига, қўшимча сифатида “бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно” жумласи киритилди. Бундай ўзгартиш киритишнинг асоси сифатида қонун доирасида ҳаракат қилиб, охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган бўлса зарарни қоплашни рад этиш ҳисобланади. Масалан, жиноятчи қўлида қуроли билан учинчи шахсга ёки зарар етказувчининг ўзига таҳдид солиб турган бўлса, уни заарлантириш мақсадида унинг соғлиғига шикаст етказган шахс уни тўламаслиги қоидаси киритилди.

ФКнинг 990-991-моддаларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар хусусида ФКнинг 15-моддасига ҳавола этиб киритилган қўшимча ва ўзгартиришга монанд тарзда ифодаланди. Бироқ бу ҳолатга шуни қўшимча қилиш мумкинки, олдинги таҳрирда ФКнинг 990-моддаси битта қисмдан иборат бўлган бўлса, амалдаги таҳрирда мазкур модда З та қисмдан иборат қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонунига асосан ФКнинг зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга оид 57-бобига киритилган яна бир қўшимча ва ўзгартиш ФКнинг 1001-моддасига 4-қисм сифатида янги норманинг киритилиши бўлди. Унга кўра, террорчиликка қарши операция ўтказишиш натижасида етказилган заарнинг ўрнини қоплаган давлат содир этилган айбли ҳаракатлари террорчиликка қарши операция ўтказилишига сабаб бўлган шахсга нисбатан тўланган товоң миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳукуқига эга. Мазкур норманинг вужудга келишига Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 167-II-сонли “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонуни билан янги 1-қисм сифатида “террорчиликка қарши операция ўтказишиш натижасида шахсга ёхуд жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан қопланади” қоидасини киритиш зарурати туғилди ва асосли равища бундай ўзгариш мустаҳкамлаб қўйилди.

ФКнинг 1007 моддасига йўқотилган даромадлар тури аниқлашга оид қоидаларга аниқлик киритиш мақсадида “даромад солиги олинадиган”

---


<sup>64</sup> <http://pravo.levonevsky.org>

ибораси “жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солинадиган” ибораси билан алмаштирилди.

ФКнинг 1015-моддасига юридик шахслар бекор бўлганда ходимларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заараларни тўлашни кафолатлаш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, айнан ан шу мақсадда ФКнинг 1015-моддаси янги 2-қисм билан тўлдирилиб, унда куйидаги қоида белгиланган: ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарар учун жавобгар бўлган, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қайта ташкил этилаётган юридик шахсда маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур суммалар давлат томонидан тўланади<sup>65</sup>.

Мазкур модданинг 3-қисмига эса грамматик хатони тузатиш мақсадида ўзгартиш киритилди.

**III. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг  
“Мажбурият ҳуқуқи” бўлимига киритилган ўзгартиш ва  
қўшимчалар**  
**1-Кичик бўлим. Мажбуриятлар тўғрисида умумий қоидалар**  
**(жаъми 6 та моддага)**



<sup>65</sup> Эгамберидева Н.Х. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига заарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. – 239 б.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Интеллектуал мулк” бўлими.**

Фан ва техниканинг ривожланиб бориши билан ижтимоий ҳаёт ҳам шиддат билан янгиликлар, илғор ютуқлар ва инсон учун қулай бўлган техник имкониятлар билан бойиб бормоқда. Ҳаётимизга янгидан-янги муносабатларнинг кириб келиши билан бирга илгари мавжуд бўлган турли ижтимоий муносабатларнинг мазмун жиҳатидан ўзгариши ва янгича маънога эга бўлиб боришини таъминламоқда. Айниқса, электрон ҳисоблаш машиналари, янги авлод компьютерларнинг инсон ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга кириб келиши, ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи қонун ҳужжатларини ижтимоий ҳаётдан муайян маънода орқада қолишига замин яратмоқда. Бу эса ўз навбатида, қонунчилик базасини муттасил янгиланиб боришини тақозо этади<sup>66</sup>. Айнан мазкур омиллар таъсири ФКнинг IV бўлимига ҳам бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш заруриятини юзага келтиради. Бунда интеллектуал мулк муносабатларига оид айрим қонун ҳужжатларининг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан 10 та модданинг кодексдан чиқарилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Интеллектуал мулк обьектларининг турларини санаб ўтадиган мазкур бўлимнинг дастлабки моддаси – 1031-моддаси 1-қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларига атамаларни тўғри қўллаш ҳамда шу турдаги обьектлар доирасини аниқлаштириш мақсадида қўшимча ва ўзгартиш киритилди. Масалан, ушбу норманинг 3-хатбошиси олдинга таҳрирда “эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ва эшиттиришлари” жумласи “ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари” кўринишида ўзгартирилган бўлса, 4-хатбошисига қонунчилик техникаси қоидаларига мослаштириш мақсадида “электрон ҳисоблаш машиналари” иборасидан кейин қавс ичида аниқлаштирувчи ҳолат “бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади” ибораси киритилди.

ФКнинг 1034-моддаси 2-қисмидаги “розилиги” сўзи “руҳсати” сўзи билан алмаштирилган бўлса, мазкур модданинг 5-қисмидаги “нормал фойдаланишга зарар етказмаган” ибораси “нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган” иборасига, “қонуний манфаатларини камситмаган тақдирда йўл қўйилади” ибораси “қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади” иборасига ўзгартирилди. Бундай

<sup>66</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 5 б.

ўзгартиришлар ҳам қонунчилик техникаси ҳамда норма мазмунини янада аниқлаштириш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адабий ва бадий асарлар тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилиши ҳамда 2006 йил 20 июлда “Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан ФКнинг 60-61-боблари қоидалар мазкур қонун билан мослаштирилди ва натижада кодексда 10 та модда – 1052, 1053, 1054, 1055, 1057, 1064, 1071, 1072, 1080, 1081-моддалар чиқарилди ва мазкур бобларнинг деярли барча моддаларига янги таҳрирдаги қонун билан мувофиқлаштирилган ҳолда қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Фақат айрим моддаларга – 1045, 1047, 1050, 1069, 1070 ва 1073-моддаларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилмаган, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги №ПҚ-1536-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори билан Давлат патент идораси ҳамда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк агентлиги”ни ташкил этилиши муносабати билан ФКнинг 1082, 1088, 1089-моддаларига тегишинча ўзгартиш киритилиб, “патент идораси” атамасининг ўрнига “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги” атамаси қўлланилди<sup>67</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-52-сонли Қонуни билан ФКнинг 1098-моддаси 2-қисмига ўзгартиш киритилиб, олдинги таҳрирдаги “юридик шахснинг фирма номи унинг уставини тасдиқлаш вақтида белгиланади” ибораси “юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади” ибораси билан алмаштирилди ва 2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-51-сонли “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонун нормалари билан мувофиқлаштирилди.

ФКнинг 1102-моддаси 2-қисми қоидаларини аниқлаштириш мақсадида олдинги таҳрирдаги “товар белгисига бўлган ҳуқуқ гувоҳнома билан тасдиқланади” жумласи “Товар белгисига бўлган ҳуқуқ товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланади” тарзида ўзгартирилди.

Олдинги таҳрирда ФКнинг 1103-моддаси факат 2-қисмдан иборат бўлган бўлса, янги таҳрир 4 та қисмдан иборат қилиб белгиланди. Қолаверса, унинг 1 ва 2-қисмларига аниқлаштириш ҳамда товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуки доирасини кенгайтиришга қаратилган қоидалар

<sup>67</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий макомининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2004.

киритилди. Хусусан, мазкур модданинг 1-қисмига иккинчи жумласи сифатида олдинги таҳрирда мавжуд бўлмаган “Товар белгисига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишдан иборат алоҳида ҳукуқ ҳам товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишлидир” жумласи киритилди. Шунингдек, 2-қисмидаги “ҳар қанақасига” ибораси “ҳар қандай тарзда” ибораси билан алмаштирилди.

Ушбу модданинг 3-4-қисмлари сифатида эса қўйидаги муҳим нормалар мустаҳкамланди:

Товар белгисини нашр этганда, уни қўпчилик олдида ижро этганда ёки ундан ўзгача тарзда фойдаланганда товар белгисининг ўзига ҳам, унинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга факат унга бўлган ҳукуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Товар белгисининг дахлсизлигига бўлган ҳукуқ товар белгисига бўлган ҳукуқ эгасига тегишлидир.


ФКнинг 1105-моддаси 3-қисми ва 1106-модданинг 1-қисмидаги “патент идораси” атамаси юқоридаги асослар қўра, “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги” атамаси билан ўзгартирилди. Айнан шундай ўзгартишлар ФКнинг 1108-моддаси 5-қисми ҳамда 1110-моддасининг 2-қисмларига ҳам киритилди.

Айрим хорижий давлатларда, хусусан Францияда интеллектуал мулк ҳукуқи соҳасидаги ҳукукий муносабатлар алоҳида кодекс билан тартибга солинади<sup>68</sup>.

---

<sup>68</sup> Қаранг: Nicolas Bouche. Intellectual property law in France// Alphen aan den Rijn : Kluwer Law International, cop. 2011, 300 р.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик  
кодексининг “Интеллектуал мулк” бўлимига  
киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар  
(жаъми 23 та моддага)**



**V. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ворислик ҳуқуқи” бўлими.**

ФКнинг V-бўлими унинг бошқа бўлимларига нисбатан камроқ ўзгартишларга киритилган бўлим бўлиб ҳисобланади. Кодекс амалга киритилганидан буён мазкур бўлимнинг фақатгина 5 та моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонунига мувофиқ, ФКга мутлақо янги прим модда сифатида 1140<sup>1</sup>-модда киритилди ва у “Меросни қабул қилиб олиш

хукуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)” – деб номланди. Мазкур модда 1140-моддада келтирилган “Тақдим қилиш хукуки бўйича ворислик”дан фарқли равища меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган ҳолларда меросни қабул қилишни назарда тутади. Тақдим қилиш хукуки бўйича ворислик эса меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда юзага келади. Шу билан бирга, тақдим қилиш хукуки бўйича ворисликдан фарқли равища мерос трансмиссияси васиятнома бўйича ворисликда ҳам ёки қонун бўйича ворисликда ҳам қўлланилади. Шунингдек, мерос трансмиссиясининг муҳим жиҳатлари сифатида “мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш хукуки бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибиға кирмаслиги” ҳамда “вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш хукуки унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин”лиги ҳақидаги қоидаларини кўрсатиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги 671-II-сон Қонуни билан ФКнинг 1143-моддаси киритилган ўзгартишга кўра мазкур модданинг иккинчи қисми чиқариб юборилди. Бунга сабаб эр хотин ўртасидаги мерос муносабатларига нисбатан истисно ва қонуний асосларга зид келувчи ҳолатнинг белгиланганлиги эди. Агар олдинги таҳрирдаги ФКнинг 1143-моддаси 2-қисмига эътибор қаратадиган бўлсак, унда эр ёки хотиннинг қонуний никоҳда бўлиб турганликларига қарамасдан меросдан четлатиш ҳолати назарда тутилганлигини кузатиш мумкин эди. Жумладан, мазкур ўз кучини йўқотган нормада белгиланишича, “агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос очилгунга қадар амалда бекор бўлган бўлса ва мерос очилгунга қадар камида беш йил мобайнида эр хотин алоҳида алоҳида яшаганликлари исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 1142-моддаси асосида мерос олиш бундан мустасно”.

ФКнинг 1147-моддаси 1-қисмига киритилган ўзгартириш олдинги таҳрирдаги мерос воз кечишнинг олти ойлик муддатини бекор қилди ва эндиликда меросхўр мерос очилганидан кейин исталган вақтда меросдан воз кечиш хукуқига эга бўлди<sup>69</sup>.

ФКнинг 1147-моддаси 5-қисмининг олдинги таҳрири унинг олдинги таҳрирдаги 1-қисми оқибатларини назарда тутганлиги сабабли ҳам мазкур 5-қисм ФКнинг 1147-моддасидан чиқарилди ва ҳозирда мазкур модда 4-қисмдан иборатdir.

<sup>69</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016.

ФКнинг 1147-моддасига киритилган ўзгаришларга мувофиқлаштириш мақсадида ФКнинг 1151-моддаси 2-қисмидан “ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичида” жумласи чиқарилди.

ФКнинг 1157-моддаси 2-қисмидаги мерос очилган кундан муайян муддат ўтгач суднинг қарори асосида эгасиз деб топиш қоидаси, олдинга таҳрирда 1 йил қилиб белгиланган бўлса, янги таҳрирда ушбу муддат 3 йилга ўзгартирилди.



## **2.2. Фуқаролик қонунчилигининг ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлишининг хусусиятлари.**

Фуқаролик қонунчилиги ўзаро боғланган, ўз навбатида тарқоқ бўлган мулкий ва шахсий-номулкий, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи институтлар йигиндисидан ташкил топган.

Кейинги йиллардаги илмий ишланмалар шуни кўрсатадики, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқни қўллаш

амалиёти ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда мулкчилик соҳасидаги хуқуқий муносабатлар, фуқаролик-хуқуқий муносабат субъектларининг ташкилий-хуқуқий шакли, шартнома мажбуриятлари, интеллектуал мулк ва ворислик соҳасида етарли даражада бўшликлар ва коллизиялар вужудга келмоқда.

### **Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш механизми ва уни ривожлантириш истиқболлари.**

Мулқдор ва давлат манфаатларининг оқилона хуқуқий мутаносиблигини яратиш мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий мақсади деб тан олиш лозим, чунки унинг мувафақиятли ечими мамлакатимиз иқтисодий тизимининг самарали ишлашига олиб келади.

Шу сабабли Ўзбекистондаги мулкий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш тизимиға қўйиладиган талаблар қуйидаги фундаментал тамойилларга таяниши керак: рационаллик, оптималлик, адолатлилик, фуқаролик муносабатларида эркин иштирок этиш, мулкчилик тўғрисидаги қонунчиликнинг барқарорлиги, мулк хуқуқи обьектларидан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш бўйича аниқлик. Кўриб чиқилаётган соҳадаги хуқуқий ислоҳотлар билан бирга мулкий муносабатлар даражасини ошириш оммавий хуқуқий онгни ўзгаришига боғлиқ<sup>70</sup>.

Шунингдек, фуқаролик муомаласида номоддий активларни иштироқи тўғрисидаги масалалар ҳам ишлаб чиқилишни талаб этади. Маълум бўлишича ҳозирги кунда инновация тадбиркорлик субъектлари мулкий мажмуининг катта қисмини номоддий неъматлар (ноу-хау, гудвилл ва бошқалар) ташкил этмоқда. Ҳозирги кунда кўрсатиб ўтилган неъматларни тижорат муомаласидаги иштироқи етарли даражада назарий жиҳатдан таъминланмаган, бу ҳолат хуқуқни қўллаш соҳасида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, номоддий неъматларни фуқаролик муомаласидаги иштироқи билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш заруратини ҳамда уларни хусусий хуқуқ тизимидағи аҳамияти ва ўрнини аниқлашни талаб этади.

### **Фуқаролик хуқуқи тармоқлари ва институтларини ривожлантириш босқичлари.**

Бугунги кунда виртуал хуқуқий майдон вужудга келгани обьектив реалликдир. Виртуал майдонда фуқаролик-хуқуқий муносабатлар амалга оширилмоқда. Юридик ҳаракатлар содир этилмоқда ва у юридик оқибатларни вужудга келтирмоқда. Электрон тижорат, электрон ракамли имзо ахборот- коммуникация технологиялари ушбу виртуал майдонни ўзига хос курилмаларига айланди. Келгусида

<sup>70</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016.

виртуал майдонда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар амалга ошиш жараёнинг ҳажм ва суръатлари кескин равища ошиши башорат қилинмоқда. Бинобарин, цивилистика фани виртуал ҳуқуқий майдоннинг ўзига хосликларини, унинг ҳуқуқий асосларини, унга хизмат қилувчи инфратузилма ушбу майдонда субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишининг юридик воситалар билан боғлиқ илмий муаммолар соҳасида илмий тадқиқотлар амалга ошириш талаб этилади. Амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал майдонда қўллашга мослаштириш, электрон битимлар, электрон тўловлар, виртуал майдонда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш, турли ахборот тизимларининг фуқаролик-ҳуқуқий режимларини белгилаш, ахборотларни виртуал майдонда турли битимлар предмети сифатида тўлақонли муомалада бўлишига эришиш, виртуал майдонда рўй берадиган ҳукуқбузарликларнинг ўзига хосликлари ва уларни олдини олиш, шунингдек уларга қарши курашининг ҳуқуқий-техник воситалари тизимини ишлаб чиқиш вазифалари бу борадаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган шахсий-номулкий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир механизми масаласи бўйича доктринал назария қайта кўриб чиқилиши лозим. Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи субъектлари томонидан шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилиши тартибга солинмайди, балки улар бузилган тақдирдагина ҳимоя қилинади қабилидаги назарий ёндашув танқидий қайта кўриб чиқилиши шарт. Бугунги кунда айрим шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёни атрофлича ёки умумий тарзда фуқаролик-ҳуқуқий нормалар томонидан тартибга солиниши кузатилмоқда. Шу сабабли ҳам ижтимоий манфаатлар тақозосига кўра ёхуд шахс хатти-ҳаракатларини йўналтириш юзасидан айрим турдаги шахсий-ҳуқуқ ва эркинликларнинг вужудга келиш асослари, уларнинг мазмуни, уларни амалга ошириш усул ва воситалари ҳуқуқий тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир<sup>71</sup>. Ижтимоий тараққиёт ва фан-техника ривожи шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари, ҳажми ва мазмунини доимий равища бойитиб бормоқда. Кутимаган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар вужудга келмоқда. Жумладан, ўз ҳаётини тасарруф этишга бўлган ҳуқуқ (эвтоназия), жинсини ўзгартиришга бўлган ҳуқуқ, нудизм ва ҳакозо. Шу муносабат билан янги шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар эътироф этилиши ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши бошланғич нуқтасини аниқлаш методологик ёндошувларга муҳтож бўлади. Фуқаролик ҳуқуқи назарияси бу борада муайян концептуал ғоялар тизимини ишлаб

<sup>71</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016.

чиқиши талаб этилади. Ушбу концептуал асослар нафақат инсон ҳукуқ ва эркинликларининг халқаро стандартлари ва умуминсоний қадриятларга, балки халқимизнинг муайян миллий менталитети ва қадриятларига ҳам таяниши лозим. Акс ҳолда, инсон ҳукуқ ва эркинликлари чексизлиги ниқоби остида ғайриахлоқий, ёт, тубан туйғулар асосида шаклланган ҳар хил “сохта ҳукуқ ва эркинликлар” вужудга келишига йўл очилиши мумкин.

Фуқаролик-ҳукуқий жавобгарлик масалалари бўйича тадқиқотлар чуқурлаштирилиши талаб этилади. Айниқса, фуқаролик жавобгарлик асослари, уларни ФКдаги конструкцияси ва алоҳида қонун ҳужжатларидағи мужассами назардан ўтказилиши талаб этилади. Шартномавий ва деликт мажбуриятларда айбни намоён бўлиш хусусиятлари қонунларда ниҳоятда умумий тарзда ўз ифодасини топмоқда. Кўп ҳолларда айб ҳукуқбузарни ўз ҳукуқбузарлигига нисбатан субъектив муносабати тарзида талқин этиш ҳолатлари учраб туради. Фуқаролик ҳукуқи назариясида айб масаласи бўйича яхлит концептуал асослар ишлаб чиқиш ва бунда нафақат руҳий психологик муносабат, балки ҳукуқбузарни ҳукуқбузарликка йўл қўймаслик бўйича ният – мақсади ва саъй-ҳаракатларини қўшимча мезонлар сифатида уйғунлаштириш илмий муаммо ечимиға туртки бериши мумкин.

Жавобгарликнинг бошқа асослари, шу жумладан, қилмишнинг ҳукуққа хилофлиги, зарар ёки зиённинг мавжудлиги ва уларни зарурий ёки қўшимча асос сифатида қўлланиш ҳолатлари, гарчи, қонунчиликда ўз ифодасини топган бўлса ҳам, бироқ ҳукуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув асосида таъсирчан ва самарали мезонлар сифатида ўз ўрнини топгани йўқ. Миллий цивилистика доктринаси фуқаролик жавобгарлик аввалги нормал ҳолатнинг тикланиши ёхуд ҳукуқбузар учун қўшимча ноқулайликлар, салбий оқибатлар вужудга келтириши бўйича аниқ позицияга эга эмас. Бу ҳолат қонун ҳужжатларида ҳам, суд амалиётида ҳам ўзининг муайян салбий таъсирини кўрсатмоқда. Гарчи, хўжалик шартномалари соҳасида жаримали неустойкалар белгиланган бўлса ҳам бироқ амалда судлар ҳисобга ўтказиладиган неустойкаларга асосий мўлжал олмоқдалар. Холбуки, моҳиятан олганда, ҳукуқбузарликдан аввалги нормал ҳолатни тиклашда жавобгарлик мавжуд эмас. Бу эса амалда жавобгарлик тушунчасини аввалги нормал ҳолат билан алмашишига олиб келади.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш талаб даражасида эмаслигини қайд этиш лозим. Гарчи, бу соҳада турли қонунлар унификациялаштирилганига қарамасдан, қонуности ҳужжатларининг ҳажми камайгани йўқ. Ва улар ўзларининг муҳим таъсир кучини саклаб қолмоқда. Албатта, қимматли қоғозлар ҳукуқий асослари ва инфратузилмасини шакллантиришда яқиндагина бўлиб ўтган жаҳон глобал молиявий инқирози

иккиламчи қимматли қоғозлар пирамидаси ва улар билан қилинган чайқовчиликлар ҳисобга олиниши шарт. Бироқ бу омил қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнига асло тўсиқ бўлмаслиги керак. Муайян қимматли қоғозлар (вексел, чек)нинг муомаласи чеклангани, шунингдек кенг тарқалган қимматли қоғоз бўлган акцияларни чиқариш ва уларнинг фуқаролик муомаласида бўлиши қатъий маъмурий назорат остига олинганлиги, акцияларнинг қоғоз шакли тугатилганлиги ва электрон шакли жорий қилинганлиги амалда аҳолини потенциал акциядор бўлиши мумкин бўлган кенг оммасини чўчитиб қўйди, деб айтиш мумкин. Бинобарин, қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш соҳасида либераллаштириш, эркинлаштириш чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш даври келди. Ушбу тадбирлар охир-оқибатда аҳолининг бўш маблағларини қимматли қоғозларга жалб этиш бўйича мотивация асосларини яратиши оддий фуқаро назарида қимматли қоғозга нисбатан бойлик сифатида муносабатда бўлиш тасаввурини вужудга келтириши, нафақат олди-сотди, балки ҳадя, мерос муносабатлари тизимида уларнинг салмоғини ошишини таъминлаши лозим. Ҳатто бу борада муайян радикал чора жорий этилиши тўғрисида ҳам ўйлаб кўрилиши керак. Яъни, қимматли қоғозлар муайян ҳолатларда тўлов воситаси функциясини бажара олсин. Айни пайтда қимматли қоғозлар эмиссиясида моддий ресурслар билан таъминланмаган ёхуд муайян тижорат режалари билан боғланмаган иккиламчи қимматли қоғозлар чиқарилишига нисбатан превентив чоралар ўз кучини сақлаб қолиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон фуқаролик хуқуқи тизими монистик тизимга мансуб, яъни дуалистик тизимдан фарқли равишда Фуқаролик кодекси билан параллел равишда Савдо кодекси ёки Тадбиркорлик кодекси (мазкур кодекслар айrim хорижий мамлакатларда амал қиласиди<sup>72</sup>) амал қилмайди. Бироқ илмий жамоатчилик орасида цивилист олимларимизнинг муайян қисми Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нуқтаи назарини илгари сурмоқдалар ёки бунга мойиллик билдиromoқдалар. Агар келгусида бундай кодекс қабул қилиниш зарурияти етарли даражада асослаб берилса, ва қонун чиқарувчи томонидан маъқулланса бу ҳолда Фуқаролик кодекси билан Тадбиркорлик кодекси ўртасидаги нисбатни белгилаб олиш масаласи вужудга келади. Шу сабабли ҳам, келгуси илмий тадқиқотларда ушбу масала чукур илмий асослантирилган, хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама ишлаб чиқилиши талаб этилади.

---

<sup>72</sup> Каранг: Hugh Collins. The European Civil Code// Cambridge University Press. 2008. 257 р.

Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси асосида ягона яхлит ҳуқуқий майдон мавжуд. Ушбу муҳим майдоннинг энг муҳим сегменти бўлиб фуқаролик-ҳуқуқий нормалар таъсир доирасидаги ҳуқуқий майдон ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий майдонда турли ҳуқуқ тармоқлари категориялари, институтлари амалда бўлади. Ва муайян ҳолларда улар ўртасида мутаносибликни ва уйғунлаштиришни таъминлаш муаммолари вужудга келади. Жумладан, мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, фойда, даромад, зарар ва шартномаларнинг алоҳида турлари бўйича институционал категориялар ҳам фуқаролик, ҳам солиқ, ҳам божхона, ҳам жиноят, ҳам маъмурий жавобгарлик бўйича ҳуқуқий майдон сегментларида амалда бўлади. Албатта, ҳар бир ҳуқуқ тармоғи ўз предмети ва ҳуқуқий тартибга солиш усулига эга. Ва худди шу сабабли ҳам улар ўзига хосдир. Бироқ юқоридаги тушунчалар, категориялар ва институционал тузилмаларга нисбатан имконият даражасида ягона ёндашув мавжуд бўлиши ўринли бўлур эди. Бунинг учун юқоридаги тармоқлар бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни фақат тор доирадаги мутахассисликлар томонидан эмас, балки кенг спектрал ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Бунда юридик шахс, мол-мулк, мулкий ҳуқуқ, қимматли қоғоз, фойда, зарар, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати каби тушунча ва категориялардан бошқа ҳуқуқ тармоқларида фойдаланганда ФҚда белгиланган фундаментал қоидалар даҳлсизлигига риоя этилиши шарт.

Хизматлар бозорида хусусий тузулмалар билан биргалиқда оммавий тузулмалар, шу жумладан, давлат муассасалари ҳам иштирок этмоқда. Бугунги кунда Европа мамлакатларида давлат ва унинг органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга кўрсатиладиган интерфаол ва бошқа хизмат турларини тартибга солиш масалалари бўйича фуқаролик ҳуқуқи нормаларини қўллаш жараёни кузатилмоқда. Айниқса, бу борада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун нормалари тўлақонли қўлланилмоқда. Хизматлар бозоридаги ушбу ҳолат цивилист олимлар томонидан жиддий тадқиқотларга муҳтоҷ.

Фуқаролик муомаласининг динамикаси ва статистик ҳолати фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солища ҳисобга олиниши талаб этилади. Айниқса, ривожланган мамлакатларда фуқаролик муомаласининг барқарорлиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Фуқаролик кодекси тизимида даъво муддати, хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўрилмаслиги каби ҳолатлар бунга хизмат қиласди. Бироқ битимларнинг ҳақиқий эмаслигини қўллашда бир неча йиллар ўтиб кетганлиги еттинчи, саккизинчи “халқада”ги битимларнинг ҳақиқий эмаслиги фуқаролик муомаласи инсофли иштирокчиларининг зарар

кўришига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат илмий муомалада йиқилаётган дамино тошлари эффициент номи билан машхур. Англо-саксон ҳукуқ тизимида фуқаролик муомаласи барқарорлигини саклаш мақсадида инсофли иштирокчиларни ҳимоя қилиш ва инсофсиз иштирокчиларга нисбатан ноқулай оқибатларни юклашда ўзига хос ёндашув мавжуд<sup>73</sup>. Ислом ҳукуқида ҳам бу борада муайян ижобий тажриба мавжуд. Келгусида ушбу соҳада ҳам мақсадли илмий изланишлар амалга оширилиши ўрунли бўлар эди.

Мамлакатимизда мулқдорлар қатламининг шаклланганлиги ва улар аҳолининг асосий қисмини қамраб олганлиги фуқаролик ҳукуқининг назарий ва ҳукуқий асосларини ривожлантиришда назардан қочирмаслик керак бўлган ҳолатдир. Бу ўринда нафақат мулқ ҳукуқини ҳимоя қилиш, балки мол-мулқдан мулқдор томонидан ўз манфаатларини кўзлаб, самарали фойдаланиш, уларни бошқариш ва бу билан боғлиқ кўрсатиладиган хизматлар турлари ва сифатини яхшилаш долзарб масала ҳисобланади. Мулқдорда ўз мол-мулкини бошқариш хоҳиши бўлмаган ёки бунга монелик қиласидиган ҳолатлар мавжуд бўлганда анъанавий ижарадан ташқари ишончли бошқариш, рента каби фуқаролик-ҳукуқий мажбуриятлар конструкциялари мавжуд. Бироқ улар амалда кенг қўлланилмаяпти. Цивилистика фани ушбу ҳолатлар билан боғлиқ муаммоларга ҳам эътибор қаратиши лозим.

Замонавий фан-технологиянинг жадал ривожланиши нафақат уларни амалда қўллаш, уларнинг фойдали ва самарали натижаларини татбиқ этиш ҳамда мавжуд заарларни камайтириш муаммосини кишилик жамияти олдидаги ҳал этилиши лозим бўлган вазифа сифатида қўйди, балки ақлий-ижодий ва илмий фаолият ютуқларининг ҳукуқий нуқтаи назардан ўрни ва мақомини белгилаш заруратини ҳам долзарб аҳамиятли ҳолат сифатида белгилади. Бунда айниқса, ҳукуқшунослик фанларининг назарий ва фундаментал қоидаларига таяниб, яратилаётган янги объектларнинг ҳукуқий мақомини белгилаш ва улар билан боғлиқ муносабатларни ҳукуқий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Фикримизча, бу вазифа биринчи галда ҳукуқшунослик фанлари орасида фуқаролик ҳукуқининг зиммаси тушади ва бунда интеллектуал мулқ ҳукуқи қоидалари ва нормалари асосий таянч вазифасини ўтайди.

Шу сабабли фан ва техниканинг замонавий ютуқлари сифатида яратилаётган янги натижалар интеллектуал мулқ ҳукуқининг объекти сифатида кўрилиши ва уларнинг ҳукуқий мақоми айнан интеллектуал мулқ

<sup>73</sup> Қаранг: Catherine Elliott and Frances Quinn. Tort law. Eighth Edition// Pearson Education Limited 2011. 407 p  
98

хукуқининг қоидаларидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Қолаверса, яратилаётган янги объектлар билан боғлиқ муносабатларни хукуқий тартибга солишга қаратилган нормалар ҳам интеллектуал мулк хукуқига оид мавжуд нормалар ва тамойиллар асосида ишлаб чиқилиши ва шакллантирилиши зарур. Ўз навбатида, фуқаролик хукуқи соҳасининг бошқа институтларидан фарқ қилиб, интеллектуал мулк институти янгидан-янги объектлар билан бойиб бориши ҳаётй зарурат эканлигини ва инсониятнинг ижодкорлик фаолияти тўхтаб қолмаслигини ҳисобга олиб, келажакда юзага келадиган бу борадаги муносабатларни тартибга солишга оид нормаларни яратиш ҳам долзарбдир.

Эътироф этиш керакки, интеллектуал мулк хукуқи фуқаролик хукуқининг алоҳида институти сифатида тан олиниши ва шу ном остида ақлий-ижодий фаолиятнинг барча натижалари битта хукуқий институтга бирлаштирилиши цивилистиканинг бошқа институтларига қараганда нисбатан кечроқ юз берди. Бироқ шунга қарамасдан, “интеллектуал мулк” хукуқий институт сифатида кундан-кунга ривожланиб ва кенгайиб бормоқдаки, бу ҳолат ижодкорларнинг илмий тадқиқотларга нисбатан бўлган интилишларини оширмоқда ва натижада интеллектуал мулкнинг янгидан-янги объектлари юзага келмоқда. Бунда давлатлар ва уларнинг иқтисодиёти интеллектуал мулкнинг янги объектлари вужудга келишидан манфаатдорлиги ва бу борада илмий тадқиқотларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги мазкур соҳадаги янгидан-янги ютуқларга эришишга туртки бўлмоқда. Бироқ айрим ўринларда илмий тадқиқотлар инсониятнинг мавжудлиги ва дахлсизлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган йўналишларни ҳам юзага келтирдики, бу ҳолат хукуқий тартибга солишнинг қатъий ва аниқ чегараларини белгилаш лозимлигини англатмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам интеллектуал мулкнинг янги объектлари инновация ва нанотехнологиялардан фойдаланишини йўлга қўйиш ва бунда мақбул хукуқий воситаларни ишлаб чиқиши муҳимдир. Ўз навбатида, мазкур ҳолат интеллектуал мулкнинг инновациялар, нанотехнологиялар каби объектларининг хукуқий мақомини аниқлаштириш ва уларни хукуқий муҳофаза қилиш тизимини ишлаб чиқиши тақозо этади<sup>74</sup>.

---

<sup>74</sup> Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг хукуқий асослари. Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 8 б.

Шунингдек, интеллектуал мулк янги объектларининг тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш, уларнинг интеллектуал мулк анъанавий объектлари билан ўзаро нисбатини белгилаш ва ушбу объектларни хуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчиликни яратиш ва мавжуд нормалардан фойдаланиш истиқболларини кўриб чиқиш бугунги цивилистика олдиаги янги йўналишлардан биридир.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги амалдаги қонунчилигига нанотехнологиялар ва улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар учрамайди. Нанотехнологиялар интеллектуал мулкнинг обьекти эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, интеллектуал мулкни хуқуқий тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун хужжатларида (“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар) ҳам нанотехнологиялар оид қоидалар мавжуд эмас<sup>75</sup>. Қолаверса, нанотехнологияларнинг илм-фаннынг бир йўналиши эканлиги ва уларнинг яратилиши ҳамда амалда қўлланилиши билан боғлиқ масалалар ҳам шаклланиш босқичида бўлиб, улар борасида муайян бир тўхтамга келинмаганлиги ҳам ҳуқуқий нормаларни шакллантириш ва қонун хужжатларини ишлаб чиқиш зарурияти ва эҳтиёжини мавҳум қилиб қўймоқдаки, бу ҳолатлар нанотехнологиялар соҳасидаги хуқуқий нигилизмни юзага келтирмоқда. Албатта, мазкур жараён догматик кўринишга эга эмас ва бу борадаги тасаввур ва қарашлар ҳам муайян давр ўтгач ойдинлашади ва нанотехнологияларни хуқуқий тартибга солиш асосларини яратиш зарурати янада равшанлашади ва масаланинг долзарблиги яққол кўзга ташланади. Бироқ бу дегани юридик фан ижтимоий воқеликлардан четда қолавериши мумкинлигини ёки хуқуқий майдондаги бўшлиқ доимо шундай қолаверишини англатмайди. Аксинча, юриспруденция соҳаси замонавий воқеликлар билан ҳамоҳанг, айrim ҳолларда эса ундан олдинда бориши ва хуқуқий тартибга солиш асослари ва тартиботини белгилаб қўйиши зарур. Бундай амалиёт келгусида юзага келиши мумкин бўлган юридик конфликтларни олдини олиш билан бирга, хуқуқ нормаларини замонавий воқеликлар билан бирга ривожланиб боришига хизмат қиласи.

Шу нуқтаи назардан интеллектуал фаолиятнинг янги натидаларини хуқуқий тартибга солиш масалалари хусусида ҳозирда бош қотириш, бу борадаги илмий ёндашувлар ва фаразларни шакллантириш талаб этилади.

<sup>75</sup> Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг хуқуқий асослари. Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 10 б.

Илмий қарашлар ва гепотезаларни ишлаб чиқишида юриспруденция соҳаси халқаро ва хорижий тажрибага, муайян соҳа ривожланган давлатларнинг қонунчилигига шу соҳа нечоғли ҳуқуқий тартибга солинганлигига эътибор қаратиш лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Фуқаролик қонунчилиги ривожланиши босқичлари ва уларнинг мазмунини тавсифланг?
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг умумий тавсифини келтиринг?
3. Фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг устувор йўналишларини санаб беринг?
4. Фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатларини изохланг?
5. Фуқаролик қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларни тавсифланг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 19-20 б.
2. Эргашев В.Ё., Имомов Н.Ф. Кўчмас мулк обьектлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 18 б.
3. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 8 б.
4. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. –Т.: Noshir, 2014. -4 б.
5. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 5 б.
6. Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг ҳуқуқий асослари. Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 8 б.
7. Steven Friedland. Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale, Florida. 2002. – p 582-597.
8. Hamilton Robert W. The Law of Corporations. 3-th edition. – St. Paul, Minn., USA: West Publishing Co., 1991.
9. Chan M.F., Simester A.P. Equity and the Priority of Property Law // New Zealand Journal of Law and Policy. –1991. –Vol.6.

### **3-Мавзу: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба.**

Режа:

- 3.1. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденценциялари миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатлари
- 3.2. Хорижий мамлакатларда фуқаролик қонунчилиги асосий институтлари ривожланиши тенденцияларига умумий тавсиф

**Таянч иборалар:** *фуқаролик қонун ҳужжатлари, Фуқаролик кодекси, юридик шахснинг жавобгарлиги, жамоат фаонди, ишончнома шакли, битим турлари, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, кўчмас мулк, хусусий мулкни ҳимоя қилиши, хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатлари, ўзбошимчалик билан иморат қуриши ва унинг оқибатлари, мажбуриятлар бажарилишин таъминлаши, гаров, олди-сотди шартномаси, лизинг, комплекс тадбиркорлик лицензияси, сугурта, интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, тижорат сири, меросни эгаллаши.*

#### **3.1. Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденценциялари миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатлари.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида татбиқ этилиши унда ўзини оқлаган нормалар ифода этилганлигидан далолат беради. Фуқаролик кодексида шартнома институти марказий ўринни эгаллайди. Ўтмишдаги Фуқаролик кодексидан фарқли равишда 2-кичик бўлим шартнома тўғрисида умумий қоидаларга бағищланган бўлиб, унинг 26-боби шартнома тушунчаси ва шартларига бағищланган. Фуқаролик кодексининг 353-моддасига кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзgartiriш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шунингдек, унинг 354-моддасида фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндиrlар. Бу қоида шартнома конструкциясида рўй берган энг муҳим аҳамиятга молик янгилик бўлди. Бу норманинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали қўлланилаётганлиги фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишда мақбул асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, қайд этилган бобда ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар, баҳо, шартноманинг амал қилиши, оммавий шартнома, шартноманинг намунавий шартлари, кўшилиш шартномаси, учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома ва

шартномаларни шарҳлашга оид нормаларнинг назарда тутилиши қонун ижодкорлик фаолиятнининг улкан ютуғи бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Қайд этилган кичик бўлимнинг 22- боби шартнома тузишга бағишлиланган бўлиб унинг амалий жиҳатларига оид моддий нормаларни ўз ичига қамраб олганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, ушбу Кодекснинг 364-моддасига кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар “қонун хужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Энг муҳими, Фуқаролик кодексида назарда тутилган шартноманинг тузилиши пайти, шартноманинг шакли, оферта, офертанинг чақириб олинмаслиги, офертага таклиф этиш, оммавий оферта, акцепт, акцептни чақириб олиш, акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш, акцепт муддати, кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш, кечикириб олинган акцепт, бошқа шартлар асосидаги акцепт, шартноманинг тузилган жойи, мажбурий тартибда шартнома тузиш, шартнома олдидан бўладиган низолар, кимошди савдосида шартнома тузиш, кимошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби ва ким ошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатларига оид нормалар мустаҳкамланган<sup>76</sup>.

Бундан ташқари, ушбу Кодекс 2-кичик бўлимнинг 28-боби шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга бағишлиланган. Ушбу бобда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари, вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ва унинг оқибатларига оид нормалар шартномавий муносабатларнинг ривожланиш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш талаб ва заруриятдан келиб чиқиб ғоятда муҳим бўлган нормалар ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 3-кичик бўлими мажбуриятларнинг айрим турларига бағишлиланган, унда бир қатор шартномалар яъни олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти, айирбошлаш, ҳадя, рента, мулк ижараси, уй-жой ижараси, пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи багаж ва юк ташиш, қарз ва кредит, банк омонати, банк хисоб-варафи, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг), омонат сақлаш, суғурта, оддий ширкат кабилар ифодасини

<sup>76</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 47-48 б.

топди. Фуқаролик кодексининг шартномаларга оид нормаларнинг таҳлили ва уларни амалиётда қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Ҳозирги пайтда Фуқаролик кодексини такомиллаштириш йўналишлари қўйдагилардан иборат бўлиши мумкин. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасини корпоратив муносабатлар хисобига янада кенгайтириш лозим. Чунки, ФКнинг 2-моддасида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар сирасига корпоратив муносабатлар киритилмаган. Ўхша什 нормалар Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган. ФКнинг 8-моддасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларнинг вужудга келиш асоси сифатида “қонунда назарда тутилган ҳолларда йиғилиш қарорлари”ни ҳам мустаҳкамлаш лозим. Миллий қонун ҳужжатларининг ривожланиши тенденциясини ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олиб (Россия Федерацияси) такомиллаштирилиши ФКдаги бундай ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришнинг имкониятини яратади. ФКга 8-моддадан сўнг алоҳида 8<sup>1</sup>-модда сифатида “Мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтиши”га оид норма билан тўлдириш лозим. Бизга маълумки, миллий қонунчилик нормаларидан маълумки, айрим мулкка нисбатан ҳуқуқлар фақатгина у давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг вужудга келади. Қолаверса бу ҳақидаги нормалар хорижий давлатлар Фуқаролик кодексида (хусусан, РФ ФК) маҳсус тарзда ифода этиб берилган.

Дарҳақиқат ЎзР ФКнинг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш алоҳида норма ифода этилган. Шу билан биргаликда ушбу моддада фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш чегарасига оид айрим қоидалар ҳам назарда тутилган. Хорижий давлатлар ФКда фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш чегараси ҳақида маҳсус нормалар алоҳида-алоҳида тарзда тутилган. Рухсат берувчи ва тақиқловчи нормаларнинг юридик моҳиятидан келиб чиқиб ва ФКнинг нормаларини амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида янгича ёндашувда ФКни қайд этилган нормаларини такомиллаштириш зарур. ФКда фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг усули сифатида “йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш” белгиланмаган. Шу сабабли, ФКнинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларига бағишлиланган 11-моддасига қайд этилган усулни киритиш, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада кенгайтиришга хизмат қиласди. ФКнинг 39-моддасида юридик шахснинг тушунчasi кўзда тутилган. Бироқ, “корпоратив ташкилот” деган тушунча ишлатилмаган. Корпоратив ҳуқуққа эга бўлган иштирокчиларга нисбатан корпоратив ташкилот мақомидаги

юридик шахслар ҳақидаги нормани ифода этиш мақсадга мувофиқ<sup>77</sup>. Қолаверса, ФКда махсус корпоратив юридик шахслар тўғрисида махсус нормаларни (хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари, оддий ширкат, жамоат ташкилотлари, уй-жой мулқдорлари ширкатлари, уюшмалар (ассоциация, иттифоқ ва ҳ.к.) мустаҳкамлаш лозим. Шунингдек, тижоратчи корпоратив ташкилотлар ва тижоратчи бўлмаган корпоратив ташкилотлар ҳақида ҳуқуқий нормаларни ифода этиш талаб этилади. Бундан ташқари, ФКда корпоратив шартномалар тузишга оид махсус нормаларни ифода этиш зарурати вужудга келмоқда.

ФКда фуқаронинг тасвирини муҳофазаси бўйича махсус ҳужжатни назарда тутиш талаб этлмоқда. Электрон коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши фуқаронинг тасвири (шу жумладан фотосурати, видеоёзувлар ёки унинг тасвири туширилган санъат асари) фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши, агар вафот этган тақдирда болалари, у билан истиқомат қилган эр ёки хотин розилиги талаб этилиши билан боғлиқ нормаларни ифода этиш лозим. Хорижий давлатларнинг бу ҳақдаги ФК нормаларидан фойдаланган ҳолда ифода этилиши шахснинг ҳаёти ва дахлсизлигини таъминлашнинг фуқаролик ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиласи. Шунингдек, фуқаронинг хусусий ҳаёти ҳақидаги нормаларни янада такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

ФКнинг 4-кичик бўлими битимлар ва вакилликка бағишлиланган. Бироқ йиғилиш қарорларига оид нормалар унда мустаҳкамланмаган. Шу боис, қайд этилган бўлимда йиғилиш қарорига оид нормаларни назарда тутиш ўз навбатида, юридик фактлар билан боғлиқ қоидаларни янада такомиллаштириш имкониятини яратади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ички тузилишидаги ўзгаришлар *бир томондан* анъанавий нормалар, *иккинчи томондан*, мутлақо янги ҳуқуқий институтлар эвазига ўзига хос ички соҳавий бирикув жараёнинг уйғунлашуви ва ажратуви рўй бераётганлигидан далолат беради. Фуқаролик ҳуқуки нормаларининг бундай уйғунлашуви, хусусан, мулкни тасарруф этиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг турли хил ҳуқуқий шаклларда намоён бўлишини кўрсатиш мумкин (масалан, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, энергия таъминоти, олди-сотди шартномасининг алоҳида турлари сифатида, пудратга оид нормалар каби бир қатор ҳуқуқий институтларни кўрсатиш мумкин). Яъни, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар, майший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва қидирав ишлари пудрати, илмий текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати кабиларни қамраб олади. ФКга ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид

<sup>77</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 33-34 б.

янги боб киритилди. Аммо бу институт ФҚда янада ривожлантирилмоғи лозим. Ҳақ әвазига хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари ҳақида нормаларни белгилаш зарурияти вужудга келмоқда. Фуқаролик қонунчилигига киритилган янги нормалар ҳақида кўплаб мулоҳазалар билдириш мумкин<sup>78</sup>. Аммо ҳозирги шароитда уни такомиллаштириш нуқтаи назаридан қандай янги норма ва институтларга эҳтиёж борлигини аниқлаш муҳим ва устувор масала бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси Концепциясини такомиллаштиришда энг долзарб масала миллий ҳуқуқий тизим тараққиёти нуқтаи назаридан унинг хусусий ҳуқуқка оид қонунчилиқда тутган ўрни ролини аниқлашдир. Ана шу масалага аниқлик киритиш орқали Фуқаролик қонунчилиги шаффофлигини таъминлаш, унинг таъсири кўламини кенгайтириш, Фуқаролик ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш баробарида унинг тўғридан-тўғри амалда бўлишига эришишни талаб этади. Бу эса Фуқаролик қонун ижодкорлигига янги шакл ва усулларни татбиқ этишни уни соддалаштириш ҳамда эркинлаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилашга ёрдам беради<sup>79</sup>.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг бевосита ўзида кўрсатилган уни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш зарур. Бундай ва унга алокадор қонунлар жумласига: давлат иммунитета ва унинг мулки, юридик шахсларни давлат руйхатидан ўтказиш, давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш, давлат стандарт хизмати тўғрисидаги, суғуртанинг маҳсус турлари тўғрисидаги, ўзаро суғурта қилиш тўғрисидаги, комиссия шартномасининг алоҳида турлари тўғрисидаги, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги, унитар корхоналар, якка тартибдаги уй-жой қурилиши, ижара (янги таҳрирда), аукционлар, оммавий танлов, хусусий мулк, муассасалар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш (янги таҳрирда), урф-одатлар, хўжалик бирлашмалари, тижорат вакиллиги, транспорт экспедицияси фаолияти кабилар киради. Бундан ташқари, тегишли қонун ҳужжатларида ҳавола қилинган қонунларни аниқлаш ва босқичма-босқич уларни қабул қилиш зарур.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари тадрижий ривожланиш нуқтаи назаридан, банк, инвестиция ва суғурта соҳасида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, оиласвий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳолати, фуқаролар жамғармаси, мажбурий

---

<sup>79</sup> Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 51-52 б.

сүғурта фонда кабиларнинг хуқуқий асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуддир.

Айниқса, давлат мулки хуқуқий мақоми билан боғлиқ хуқуқий асосларни такомиллаштиришга заруриат вужудга келмокда. Давлат мулкини бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадида давлат мулкининг бошқаруви тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш зарур. Юқорида қайд этилганидек, давлат мулки хуқуқий мақомини белгилаш баробарида унитар корхоналар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш жараёнини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалиётга қўллаш тажрибаси, унинг нормаларини тизимли таҳлил этиш, хорижий ва ҳамдўстлик давлатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш далолат беришича, уни янада такомиллаштириш зарурдир. Фуқаролик кодекси нормаларини миллий қадриятлар, айниқса одоб-ахлоқ қоидалари билан мазмунан бойитиб бориш баробарида фуқаролик қонун ҳужжатларини эркинлаштириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

- Фуқаролик кодексининг хусусий мулкка оид бўлган нормаларини янада такомиллаштириш лозим. Шунингдек, Фуқаролик кодекси нормаларини алоҳида ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш зарурати мавжуд. Бундан ташқари, уй-жойга бўлган мулк хукуки ва бошқа ашёвий хукуқларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ нормаларни (171-модда) кенгайтириб бу ҳақда алоҳида бобда тегишли қоидалари ифода этиш лозим. (Бундай тизимли ва яхлит нормалар масалан, РФ ФКнинг 18- боби 288-293-моддаларида назарда тутилган).

*Шу сабабли бундай ҳуқуқ муайян фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъектига ёки тегишили ташкилий ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини юритувчи шахсга, акциядорга белгиланган тартиб ва муддатда жорий этилиши мумкин. Шуни инобатга олиб, разбатлантирувчи нормаларнинг, шу жумладан "имтиёзли ҳуқуқ"нинг фуқаролик қонунчилигида тутган ўрни ва ролини аниқдаши масаласи унинг қоидалари эркинлаштиришига ёрдам беради. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан разбатлантирувчи нормаларни, тушунчаси, моҳияти, турлари, кўллаши асослари, принципларини тадқик этиши ва унинг ўзига ҳос табиати ва ҳусусиятларини очиб берииш фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришида муҳим тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг тузи ва ҳусусиятларини инобатга олиб, унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиши баробарида разбатлантирувчи нормаларнинг ҳозирги холати, муаммолар ва уни хал қилиши буйича асослантирилган хулоса таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим вазифа бўлиб хисобланади.*

Бозор муносабатлари тизимини қарор топтириш товар пул муносабатларини хуқукий шакли бўлган шартномаларга (битимлари) оид нормаларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Энг аввало, маъмурий бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишда шартномаларни тузишни моҳияти ва асосларини илмий-амалий таҳдил этиш ўта долзарб масаладир. Ривожланган давлатлар илғор тажрибасини инобатга олиб ва эркин тадбиркорлик фаолиятининг амалда бўлишига хизмат қиласиган янги турдаги шартномаларни фуқаролик муомиласи амалда бўлиш доирасини янада кенгайтириш устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига алоҳида бобда ташкилий хуқукий тусдаги корпоратив шартномаларнинг хуқукий табиатини очиб берадиган нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. қонун ҳужжатларида шартномани тузилмаганлик фактини тан олиш билан боғлиқ масалани ҳал қилиш лозим. Хуқукий ҳимоя воситаси сифатида бундай даъвога йўл қўйиладими ёки шартнома бўйича тарафлардан мажбурият қабул қилиб олган контрагентларни бундай даъвони тақдим этишини чеклаш мумкинми? Бу масалалар ечимини топмаганлиги сабабли бу ҳақидаги нормаларни Фуқаролик кодексида ифодалаш зарурияти вужудга келмоқда. Шартноманинг олдиндан вужудга келган муносабатга татбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Маълумки хуқуқ назариясида шартномалар эркинлиги шартномалар тузишнинг ҳар бир босқичида муҳим аҳамият касб этади<sup>80</sup>. Бироқ қонунчиликда шартномалар эркинлиги тамойили ҳар доим ҳам мутлоқ тус касб этмайди. Чунки бундай талаб тарафларнинг шартнома тузиш эркинлигини ҳам бир мунча чеклайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 357-моддаси 2-қисмида тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади деб, белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шу боис қайд этилган асосга кўра шартнома эркинлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи норма сифатида унинг мазмунини қайта кўриб чиқиш лозим. ФКнинг 358-моддасида мустаҳкамланган оммавий шартнома ҳақидаги норманинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, унинг 2-қисмини ўзгартириш талаб этилади. Яъни, ушбу моддага кўра товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл

<sup>80</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 255

қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно. Ушбу тахрирни қўйидаги тахрирда ўзгартириш тавсия этилади. Оммавий шартноманинг баҳоси ҳамма истеъмолчилар ва тарафлар учун бир хил назарда тутилади. Оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзаллик ёки тарафларнинг мақомидан келиб чиқиб белгиланмаслиги лозим.

Фуқаролик кодексининг 360 моддаси 3-қисми ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузатсанлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш хақида қўйган талаби қондирилмайди. Бу нормани чиқаришнинг асоси шу билан изоҳлаш мумкинки, қўшилиш шартномаси конструкциясидан фойдаланиш орқали “актив томон” ўзи учун қулай шартлар асосида шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш бўйича талаби қондирилмаслик ҳукуқидан маҳрум бўлади. Бу эса ўз навбатида, шартномавий мажбуриятда “актив томон” ва “пассив томон” ларнинг шартнома шартлари бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тенг равишда фойдаланиш имконини беради. Қайд этилган ҳолатларга кўра, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш хақида қўйган талаби қондирилмаслиги “актив томонга” сезиларли тарзда ўзининг таъсирини кўрсатади. Шу сабабли таклиф этилаётган ўзгартириш қўшилиш шартномавий муносабатларда тенглик принципини таъминлашга хизмат қиласи. ФКнинг 361-моддасида назарда тутилган “Дастлабки шартнома” конструкциясидан янада самарали фойдаланиш мақсадида, дастлабки шартномада мажбурий ифодаланиши лозим бўлган шартлар, дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини бир тарафнинг талаби бўйича келишувга эришилган шартлар, уни тузиш пайти бошқа муҳим шартларни келишиши билан боғлиқ шартларни бир мунча соддалаштириш лозим. Шунингдек, 361-моддага асосий шартномани тузишни суд тартибида мажбурлаш ҳамда шартномани тузишдан бош тортаётган тарафдан заарларни ундиришни кўзда тутувчи нормани белгилаш лозим. Бу эса ўз навбатида, қонун талаблари асосида дастлабки шартнома асосида тузиладиган шартноманинг хизмат ролини янада оширади. Қолаверса, шартнома интизомини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Шартнома тузиш ҳамда мулокотлар олиб боришида тарафларнинг виждонсизларча хулқ-атворининг олдини олиш мақсадида хорижий ҳукукий тартиботнинг бир қатор қоидаларини назарда тутиб, шартнома олди жавобгарлиги деб аталмиш (*culpa in contraneude*) маҳсус қоидаларни белгилаш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. ФКга

дастлабки шартнома конструкцияси билан бир қаторда “ҳадли шартнома” ҳақидаги нормаларни киритиш масаласини мұхокама этиш лозим. Бу шартноманинг табиати дастлабки шартномадан фарқ қиласы. Ҳадли шартнома келгусида шартнома тузиш мажбуриятини келтириб чиқармайды. Шартнома тузилган ҳисоблансада бироқ шарти келгусида шартномада қўлланиши ёки айнанлаштирилиши мумкин. Яъни “очик шартнома” ҳисобланади, келгусидаги шартлар билан келишишга йўл қўйилади. ФКнинг 364-моддаси таҳририни қўйидаги тарзда баён этиш тавсия этилади: оммавий шартномада баҳо бир хил тоифадаги истеъмолчилар ёки контрагентларни ҳаммаси учун ягона тарзда белгиланиши мумкин. Бунда оммавий шартноманинг бошқа шартлари шахсий афзалликлар ёки мақомдан (хусусиятлардан) келиб чиқиб белгиланиши мумкин эмас. Қоғоз ҳужжатлар ва электрон алоқа воситалари шу жумладан, интернетдан фойдаланган ҳолда битим тузишни ҳуқуқий режимини унификация қилиш мақсадида ФК нинг 366 моддаси 2-қисмининг қўйидаги таҳрирда баён этиш лозим. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан шунингдек, электрон ҳужжат ёки алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини шончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин. Шу сабабли алоқа тармоғи бўйича бериладиган ахборот сифатида электрон, магнит ёки оптика, ёхуд ўхшаш воситалар асосида тайёрланадиган, жўнатиладиган, олинган ёки сақланадиган шу жумладан, маълумотни электрон айирбошлиш, электрон почта, телеграмма, телекс ёки телефон башарти, улар ушбу белгилардан ҳеч бўлмаса бирортаси бўйича талабларга жавоб берса тан олиниши мумкин.

Қонун ёки тарафлар келишувида тарафлар имзолайдиган факат битта ҳужжатни ёзма ҳолда тузиш зарурияти белгиланиши мумкин. Ушбу нормани акцептга бағищланган (ФКнинг 370-моддаси) қоидалар билан ўзаро мувофиқлаштириш зарур.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркорлик субъектларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва хўжалик шериклик билан боғлиқ муносабатларини янада ривожлантириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни (оддий ширкат)ни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш лозим. Фуқаролик кодекси нормаларини амалиётда қўллаш ҳолати далолат беришича, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ шартномавий муносабатларга оид нормалар ўзининг ифодасини топмаган. Шу сабабли ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланадиган, сув ресурслари бошқа ва табиат обьектлари билан боғлиқ фуқаролик ҳуқуқий шартномавий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш талаб этилади.

ФК даги бундай ҳуқуқий бўшлиқни инобатга олиб табиий ресурсларга оид шартномаларга багишлиланган ҳуқуқий нормаларни тизимли тарзда баён этиш зарур. Бозор муносабатлари шароитида шартнома эркинлигининг таъминланганлиги, цивилистик тафаккурнинг ютуғи бўлиб амалда рўёбга чиққанлиги ва қонунчиликда ифодаланишининг муҳим объекти бўлиб хизмат қилмоқда.

ФКнинг 359-моддасида шартноманинг намунавий шарти тўғрисидаги нормалар назарда тутилган. Шу боис ушбу моддага мажбурий тузилишига оид қоидаларни ифода этиш лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши, электрон имзо ва электрон тўлов электрон савдоларга оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб электрон битимлар бўйича нормаларни белгилаш заруриятини келтириб чиқармоқда. ФКда электрон битимлар ҳақида алоҳида нормаларни ифода этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ривожланган давлатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибасидан самарали фойдаланиб, тегишли нормаларни назарда тувиш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг фуқаролик муомиласида ахборот комуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Мамлакатимизнинг жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиши тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятида иштирокининг тобора кенгайиб бориши ФКга ташқи иқтисодий битимларга оид нормаларни ифодалаш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу боис ФКда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ташқи иқтисодий битимларига оид қоидаларнинг белгиланиши, уни оқилона ва самарали тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг “Пудрат ҳақида”ги бобига “Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш тўғрисидаги янги қоидаларни киритиш лозим. Хорижий давлатларнинг бу борадаги фуқаролик қонунчилиги тажрибасини ўрганиб, тегишли нормаларнинг ФКда ифода этилиши давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларни бажаришга оид муносабатларни мақсадга мувофиқ тартибга солишга ёрдам беради. ФКда инкасация шартномасига оид нормалар назарда тутилмаган. Гарчи, ҳуқуқни қўллаш амалиётида инкасация шартномасидан келиб чиқадиган низолар учраб турсада, уларни ҳал қилиш учун хизмат қиласидан устивор қонун нормалари Фуқаролик кодексида белгиланмаган. Шу боис, хорижий давлатлар тажрибасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб бу ҳақдаги маҳсус нормаларни ФКда белгилаш, уни самарали тартибга солишга хизмат қиласи. Масалан Англияда маҳсус шартномалар гурухи

амал қиласи<sup>81</sup>. ФКда амалиётда кенг қўлланилаётган қўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномалари ҳақидаги нормалар мустахкамланмаган, бу борадаги муносабатлар тарқоқ айрим қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қайд этилганларга асосан ФКга “Қўриқлаш шартномаси ва консигнация шартномалариға оид маҳсус нормаларни ифода этиш лозим. Мамлакатимизда фуқаролик-хуқуқий муносабатлар субъектлари иштирокида концессия шартномасининг кенг қўлланилаётганлигини инобатга олиб ва бу борадаги маҳсус қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлигини хамда хуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, концессия шартномасига оид нормаларни ФКда белгилаш заруратини вужудга келтириб чиқармоқда. Айниқса, ФКдаги бу ҳақдаги нормаларни тизимли ўрганиш ФКда ўхшаш нормаларни ифода этиш, концессия шартномавий муносабатларни устувор жихатдан хуқуқий тартибга солишга ёрдам беради. ФКнинг текинга тузиладиган шартномаларга оид нормаларини ҳомийлик тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш уни амалда қўллашнинг фуқаролик-хуқуқий воситаларни янада кенгайтиради. Ўзбекистон Республикаси “Ҳомийлик тўғрисидаги” қонунининг қабул қилиниши ҳомийликнинг хуқуқий шакли сифатида ҳомийлик шартномасига оид қоидаларни ифодалашни тақозо этмоқда. ФК “Ҳақ эвазига оид хизмат кўрсатиш”га оид 38-боби янада такомиллаштиришга муҳтож. Чунки, хуқуқни қўллаш амалиётидан маълумки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш доираси янада кенгайиб бормоқда. Яъни коммунал хизмат, кўп қаватли уйларга лифт хизмати, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизмати, тиббий хизмат, риэлторлик хизмати, гаров реестри хизмати, санитария-эпидемиология кабилар шулар жумласидандир. Шу боис ривожланган давлатларнинг Фуқаролик кодексидаги ўхшаш қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг хуқуқий тартибга солишни янада кенгайтиришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда суғурта бозорининг тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бориши ФКнинг суғурта шартномасига оид маҳсус нормаларни янада такомиллаштириш лозим. Айниқса, бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, уни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни ФКга мажбурий суғурта турига оид нормаларни киритиш лозим. ФКда маҳсулот тақсимотига оид битимлар ҳақидаги нормалар белгиланмаган. Шу боис бу борадаги маҳсус қонуннинг мавжудлигини инобатга олиб алоҳида бобда “Маҳсулот

<sup>81</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches’ Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 452-453

тақсимотига оида битимларга бағишланган нормаларни назарда тушиш лозим. Шунингдек, ФКда энергия таъминоти шартномаси тўғрисидаги қоидалар умумий тарзда ўз ифодасини топган. “Энергетика тўғрисида”ги ва муқобил энергияга оид қонуни хужжатларининг ривожланиши, унинг алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб уни такомиллаштиришнинг эҳтиёжи вужудга келмоқда. Таракқий топган давлатлар тажрибасини инобатга олиб хусусий электр таъминоти шартномавий муносабатларини ривожланиб бораётганлиги назарда тутиб келгусида истеъмолчиларни хусусий энергия таъминоти ташкилотлари билан эркин шартномавий муносабатларни қарор топтириш буйича тегишли нормаларни ифода этиш мақсадга мувофиқ. ФКнинг фуқаролар иштирокидаги улушли қурилиш шартномаси тўғрисидаги маҳсус бобни киритиш лозим. Бундай шартномавий алоқадорликда қурилиш ишларини бажариш фуқароларнинг уй жойга бўлган эҳтиёжларни қондиришда ҳам муҳим ҳуқуқий восита бўлиб ҳисобланади. Бу миллий қадриятларимизга ҳам мос келади. Фуқароларнинг “хашар” асосида қурилишни ўз ҳиссаларини қўшиб амалга ошириши нафақат уй-жой балки, тадбиркорлик мақсадида корпоратив шартномаларга асосланган, қўчмас мулк сирасига кирадиган, бино, иншоатларнинг қурилишини янада кенг кўламда амалга ошириш имкониятини яратади. ФКга қўшимча равишда текинга хизмат кўрсатиш шартномаси ҳақидаги нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай шартномалар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, маҳсус ҳуқуқий қоидаларни назарда тушишни тақозо этади. ФКнинг олди–сотди шартномасига бағишланган бобига биржада олди–сотди шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларни мустаҳкамлаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Фуқаролик кодекси нормаларининг такомиллаштирилиши, уни келгусида амалиётда кўллаш самарадорлигини ошириш учун хизмат қиласи.

Фуқаролик қонун хужжатларини ривожланиш тенденценциялари миллий тажрибанинг ўзига хос жиҳатлари				
↓ <b>МАҚСАД</b>				
<b>Фуқаролик қонун хужжатларини бозор иқтисодиёти шароитида янада ривожлантириш, халқаро стандарт ва талабларга мослигини таъминлаш</b>				
↓				
<b>илмий:</b> - ҳуқуқий муаммоларни, бўшлиқларни аниқлаш; - суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти материалларини тахлил қилиш; - халқаро қонун хужжатлари, амалий тажрибаси ва стандартларни ўрганиш; - илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.	<b>ВАЗИФАЛАР</b>		<b>амалий:</b> - ҳуқуқий тажриба ва амалий кўникмаларни ривожлантириш; - ҳуқуқий амалиёт билан боғлиқликни таъминлаш; - амалиётни ўргангандан ҳолда қонун хужжатларини такомиллаштиришга эришиш.	
- юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми ва жавобгарлиги; - ваколат ва вакиллик; - битим ва унинг турлари; - мулк ҳуқуқи ва бошка ашёвий ҳуқуқлар; - кўчмас мулк, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатлари; - ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари; - мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.	<b>ЙЎНАЛИШЛАР</b>		- олди-сотди шартномаси; - лизинг; - комплекс тадбиркорлик лицензияси; - супурта; - интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи, тижорат сири; - меросни эгаллаш.	

### **3.2. Хорижий мамлакатларда фуқаролик қонунчилиги асосий институтлари ривожланиши тенеденцияларига умумий тавсиф.**

**АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ.** Англияда шаклланган прецедент ҳуқук тизими кейинчалик Америкада табиқ этилиб, АҚШнинг фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг асосини белгилади. Бундай табиқ этилиш нафқат ҳуқук нормалари ва институтларни тушуниш ва мазмунини белгилашда, балки хозирги кунга қадар сақланиб келаётган суд прецеденти усулини қуллаш билан белгиланади.

I. Прецедент ҳуқуқи АҚШ фуқаролик ҳуқуқининг ягона манбай бўлиб ҳисобланмайди. Англиядаги каби кўплаган институтлар (айниқса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ институтлар) алоҳида қонуний тартиб билан тартибга солинади<sup>82</sup>.

АҚШнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги қонуний тартиби деярли штатларнинг ваколатлари билан белгиланади. Фақат патент ҳуқуқи, товар белгиси, муалифлик ҳуқуқи, хўжалик юритувчи субъектларнинг ночорлиги ва ҳалқаро савдо билан боғлиқ масалаларнинг ҳал бўлиши Федерациянинг ваколатига киритил-ган. АҚШнинг бир неча шталари ўз Фуқаролик кодексига эга. Улар ўз мазмунида умумий ҳуқуқга (common law) тегишли бўлган кодификация нормаларини ифодалайди ва унинг умумий концепцияларига асосланган. Улар ичида 1873 йилда қабул қилинган Калифорниянинг фуқаролик кодекси дикқатга сазовор дейиш мумкин, чунончи у бошқа штатларнинг фуқаролик кодекс-ларининг асосини белгилаб берган. Франция ҳуқуқи таъсири остида шаклланган Луизиана штатининг фуқаролик ҳуқуқи ҳам алоҳида ўринни эгаллади. Бу ҳолат Луизиана штатининг кўп йиллар давомида Франциянинг колонияси бўлиб келгани билан белгиланади. Ҳозирги кунга қадар бу штатда 1825 йили қабул қилинган Наполеон кодексининг амалий нусхаси ҳисобланган фуқаролик кодекси амал қилиб келмоқда<sup>83</sup>.

Аксарият штатларда фуқаролик кодекслари мавжуд бўлмаса хам фуқаролик ҳуқуқининг айрим институтлари алоҳида қонунлар билан тартибга солинади, масалан корпоорациялар, ширкатлар, мол-мулкни ишончли бошқарув ва хоказо тўғрисидаги қонунлар.

АҚШнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормаларининг шаклланишида Нью-Йорк штатининг қонунчилиги катта аҳамият касб этган. Айнан шу штатда бошқалардан илгари катта корхона-ларнинг эҳтиёжларига мослаштириш мақсадида фуқаролик ва савдо ҳуқуқида йирик ислоҳотлар амалга

<sup>82</sup> Қаранг: Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011.

<sup>83</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

оширилган. Кейинчалик ушбу штатда қабул қилинган нормалар бошқа штатлар томонидан қабул қилиниб ягона савдо кодексининг қабул қилинишига асос яратган.

Хорижий доктринада мулк ҳуқуқининг турли конструкцияларни классификация қилишнинг ягона универсиал асоси белгиланмаган. Шу билан бирга, прецедентларга йўналтирилган инглиз умумий ҳуқуқини қабул қилган АҚШда муносабатлар гарчи Конституция даражасида назарда тутилсада (АҚШ Конституциясига V, XIV қўшимчалар), бироқ унинг ривожланиши ва кенг ифодаланиши алоҳида штатларнинг қонунчилиги ва суд қарорларида мустаҳкамланган. Қолаверса, фуқаролик ҳуқуқи назарияси нуқтаи назаридан америка мулк ҳуқуқи моделининг асосида ушбу ҳуқуқнинг субъектив таркиби масаласи ётади. АҚШ мулк ҳуқуқи моделини оддий ва мураккаб тузилишли турларга ажратиш мумкин<sup>84</sup>. Оддий ёки соддалаштирилган модел “битта ашёга – битта тўла ҳуқуқли мулкдор” тамойилига асосланади. Бу конструкцияда мазкур ашёга у ёки бу даражада боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа шахслар “бошқа ҳуқуқли” шахслар ҳисобланади ва ашёнинг мулкдори ўзининг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррӯф этишга диор ваколатлари якка ўзи амалга оширади. Шу маънода мулк ҳуқуқи мутлақ тус (fee simple absolute) касб ётади.

Мулк ҳуқуқининг мураккаб конструкциялари эса ерга нисбатан эгалик қилиш ҳамда умумий мулкка нисбатан эгалик қилишда кўзга ташланади ва ашёга нисбатан ҳар бир эганинг ҳуқуқлари тақсимоти ва уларнинг узаро нисбатида ифодаланади<sup>85</sup>.

II. Фуқаролик ва савдо муносабатларини тартибга соладиган қоидалар аксарият ҳолларда Федерация қоидалари эмас, балки алоҳида шталар қоидалари билан тартибга солинганлиги сабабли, АҚШ худудида коллизия ҳуқуқи нормалари (Law of conflicts of law) алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Улар бир штат доирасидан чиқсан низоли муносабатларнинг қайси штат нормалари билан тартибга солиниши мумкинлигини аниқлаб беради. Ҳар бир штатнинг коллизия нормалари турлича бўлганлиги сабабли, амалиётда айрим муаммоларни вужудга келтирди. Шу сабабли ўтган асрнинг охирги йилларида АҚШда фуқаролик-ҳуқуқий нормаларини қисман унификациялаштириш (бирхиллаштириш) бўйича чоралар амалга оширилган. Шу сабабли хусусий кодификацияга учраган прецедент ҳуқуқининг (Restatement of the Law of the USA) қўйидаги фуқаролик-

<sup>84</sup> Joseph William Singer. Introduction to property. Aspen Publishers. — NY, 2005. -13-15,20-22 р.

<sup>85</sup> Тягай Е.Д. Модели права собственности в современном праве США // Вестник РУДН, серия Юридические науки. 2009.- № 4. – С. 41-42, 45

хуқуқий институтларини белгилаш мумкин: шартномалар (Restatement of the Law of Contract), вакиллик (Restatement of the Law of Agency), молмулкни ишончли бошқариш (Restatement of the Law of Trust), деликтлар (Restatement of the Law of the torts) ва хоказо. Шуни айтиш жоизки, келтирилган кодификациялар ҳуқуқ манбай бўлиб ҳисобланмаса ҳам улар катта аҳамиятга эга бўлиб, суд фаолиятида кенг доирада қўлланилмоқда. Судлар, шу жумладан АҚШ Олий суди ҳам ўз қарорларида уларга ҳавола этмоқда<sup>86</sup>.

III. Хусусий кодификацияларнинг фуқаролик ҳуқуқини бирхиллаштиришга ўзининг таъсирини ўтказмаганлиги сабабли, АҚШ қонун чиқарувчи кейинги усуулларга ўтишга мажбур бўлди: АҚШ Конгресс қошида барча штатларнинг вакиллари иштирокида мақсади бир-хил қонунларнинг лойиҳаларини (uniform acts) ишлаб чиқиш бўйича Миллий ваколатли шахслар конференцияси ташкил топган. Улар томонидан тайёрланган бир-хил қонун лойиҳалари кейинчалик штатларнинг қонун чиқарувчи органларига тақдим этилади, ва ушбу органлар бу қонунларни қабул қилиниши максадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Шу тартибда бирхиллаштирилган қонунлар, шу жумладан, бирхиллаштирилган “Ширкатлар тўғрисида (Uniform Partnership Act)”ги, “Муомаладаги ҳужжатлар тўғрисида (Uniform Negotiable Instruments Law)”ги қонунлар қабул қилинган.

1958 йилда иш муомаласининг асосий масалаларини ўзида ифода қилган бирхиллаштирилган савдо кодекси (Uniform Commercial Code) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда ўн йил давомида бу кодекс барча (Луизиана штати, Виргин ороллари ва Колумбия федерал округи бундан мустасно) штатлар учун қонун сифатида тан олинади. Мазкур кодекснинг қабул қилиниши бир нечта монополистик гурӯҳлар орасида мавжуд қарама-қаршиликларга қарамасдан муайян даражадаги унификацияга олиб келди.

АҚШнинг бирхиллаштирилган савдо кодекси континентал Европанинг аънанавий савдо кодексларидан етарли даражада фарқланади. У биринчи навбатта банк тузулмалари шуғулланадиган савдо битимлари (депозитлар, инкассо, аккредитивлар, қимматбаҳо қоғозлар ва б.) билан чекланиб, фақатгина савдо ҳуқуқининг алоҳида институтларини ўз ичига қамраб олади. Айнан шундан келиб чиқиб амалиётда у “банкирлар кодекси” деб ном олган. Унинг қабул қилиниши ва амалиётда бўлишида энг аввало АҚШнинг йирик банклари манфаатдор бўлган.

---

<sup>86</sup> Қаранг: Jon W. Bruce, James W. Ely, Jr. Cases and materials on modern property law. Thomson / West. St. Paul. — MN, 2007

Кодекснинг маҳсус бўлими олди-сотди шартномасига бағишлиланган. Муҳим бўлган корпорациялар, ночорлик, савдо вакиллиги каби институтлар унинг назаридан четда қолган. Шу билан бирга Бирхиллаштирилган кодекс яратувчилари кодекс ичида савдо ҳуқуқи нормаларини ҳам модернизация қилишга ҳаракат қилган ва шу мақсадда чақириб олиб бўлмайдиган офертали олди-сотди шартномаси, шартноманинг ўзгаришида муқобил қаноатлантиришдан бош тортиш, денгиз орқали олди-сотди шартномаси каби институтларни мазмунига киритган<sup>87</sup>.

Кодекснинг қоидалари ҳар битта штатнинг ҳуқуқини мужассамлаб АҚШнинг федерал ҳуқуқининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Табийки, АҚШнинг ҳуқуқ тизими хозирги кунгача бўлган ривожланиш жараёни натижка-сида Англия ҳуқуқидан деярли фарқланиб қолди. У Англия ҳуқуқига қараганда йирик сармоялар эҳтиёжиларини қаноатлантиришга қаратилди, ва айрим соҳаларда (масалан, тадбиркорлик корпоорацияларнинг ҳуқуқий мавқеи, трестларга қарши қонунчилик ва бош. вужудга келиши) Англия ҳуқуқ тизимида бўлмаган институтларни вужудга келтирди. Шу билан бирга Англия ҳуқуқига тегишли бўлган умумий ва адолат ҳуқуқи нормалирининг айрим феодал тусга эга бўлган институтларини бутунлай инкор этди (масалан, кўчмас мулкга бўлган ашёвий ҳуқуқлар ва хоказо).

Англия ҳуқуқининг қоидаларини қўллаш ва шарҳлаш жараёнида АҚШнинг ўз прецедент ҳуқуқи шаклланиб борди. Ҳозирги кунга келиб Англиянинг прецедент қоидаси (*stare decisis*) ҳаракатда бўлса ҳам АҚШнинг Олий суди ва штат судлари уни қўлламасликка ҳуқуқли бўлиб ҳисобланади.

Янада аниқ қоидалар юқори ва қуйи судлар орасидаги мунособатлар бўйича белгиланган. Қуйи судлар юқори судларнинг қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлмаса ҳам, амалиётда уларининг кўп холларда бир-бирига қарши келадиган қарорларини қўллаб “чекланмаган суд хоҳишини ўрнатмоқда”.

---

<sup>87</sup> Каранг: Joseph William Singer. Introduction to property. Aspen Publishers. — NY, 2005. -13-15,20-22 p.

Прецедент хуқуки АҚШ фуқаролик хуқукининг ягона манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Англиядаги каби кўплаган институтлар (айниқса тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ институтлар) алоҳида қонуний тартиб билан тартибга солинади.

### Америка Қўшма Штатлари фуқаролик қонунчилиги нинг асосий хусусиятлари

Фуқаролик ва савдо муносабатларини тартибга соладиган қоидалар аксарият ҳолларда Федерация қоидалари эмас, балки алоҳида шталар қоидалари билан тартибга солинганлиги сабабли, АҚШ ҳудудида коллизия ҳуқуки нормалари (Law of conflicts of law) алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Хусусий кодификацияларнинг фуқаролик хуқукини бирхил-лаштиришга ўзининг таъсирини ўтказмаганлиги сабабли, АҚШ қонун чиқарувчи кейинги усуулларга ўтишга мажбур бўлди: АҚШ Конгресс қошида барча штатларнинг вакиллари иштирокида мақсади бир-хил қонунларнинг лойиҳаларини (uniform acts) ишлаб чиқиш бўйича Миллий ваколатли шахслар конференцияси ташкил топган.

**АНГЛИЯ.** Аввало, шуни таъкидлаш керакки ҳуқук тизимлари анъанавий равишда англо-америка, романо-герман (қитъа), мусулмон ҳуқуки тизимларига бўлинган ҳолда ўрганилади. Бунда асосий жиҳатларга эга бўлган англо-америка ҳуқук тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Англия ҳуқук тизимида манбаларнинг умумий доираси бир хил – қонунлар, суд амалиёти, одатлар бўлса ҳам, уларнинг нисбати ўзгариб туради.

Кейинги вактларда қонунлар күпроқ қабул қилинаётганига қарамасдан, улар хукуқ тизимида қитъа хукуқ тизими дагидек роль үйнамайды. Англияда фуқаролик қонунчилигини кодификациялаشتырған хужжатлари – кодекслар мавжуд әмас. Қонунлар фуқаролик хукуқининг алоҳида институтлари – юридик шахслар, мулк хуқуқи, олди-сотди ва шу кабиларга нисбатан, яъни улар тұғрисида қабул қилинган, лекин улар тизимга солинмаган. Фақат у ёки бу даражада тизимга солинган хужжатлар мавжуд, бирок барибир улар фуқаролик хукуқининг айрим институтларига тааллуқли холос.

Хозирги кунда ҳам Англия хукуқи прецедент ҳукуқининг ҳал қилувчи таъсири остида ривожланмоқда. Агарда қитъа хукуқида юрист учун амалиёт эхтиёжларига унчалик тұғри бўлмаса ҳам минтақавий ва қатъий тизимли нормалар яратиш ҳисобланади, инглиз тизими юристи эса амалиётнинг ҳар бир сўқмоғи бўйича боришга тайёр. Доктрина алоҳида прецедентларни умумлаштириш йўли билан казуистик равища ривожланади.

Англия хукуқида ҳам шахслар ҳақидаги қоидалар жисмоний ва юридик шахсларга бағишлиланган нормаларга бўлинади<sup>88</sup>. Шахсларнинг хукуқ субъектлигини тартибга солиш позитив хукуқда унчалик аниқ әмас. Асосий эътибор хукуқ субъектлигини амалиётда эхтиёж сезилган таркибий қисмлари мазмунига қаратилади.

Хукуқ лаёқати ва муомала лаёқатини фарқлаш амалга оширилмайди. Унинг ўрнига хукуқ субъектлигининг ягона тушунчаси (legal capacity) амал қиласи. Тўғри, амалиётда пассив ва актив муомала лаёқати мавжуд. Бошқача айтганда, хукуқий ҳаракатларни мустақил содир этиш лаёқати сифатида талқин этилади. Хукуқ субъектлиги формал жиҳатдан тенг ҳисобланиб, умумий қоидага кўра шахс туғилиши билан бошланиб, ўлими билан тугайди. Инглиз-америка хукуқ тизимида шахсни бедарак йўқолган, деб топиш ва ўлган, деб эълон қилиш мустақил хукуқий институтлар сифатида мавжуд әмас.

Юридик шахсларга келганда шуни таъкидлаш ўринлики, уларнинг моҳияти етарли ишланмаган. Универсал категориядаги юридик шахслар ўрнига юридик шахсларнинг икки асосий тури, ширкатлар (partnerships) ва компаниялар (Буюк Британияда) ёки корпорациялар (АҚШда, Буюк Британияда оммавий корпорациялар) мавжуд. Ширкатларнинг бир неча тури бўлиб, улар асосан бир-биридан ширкат мажбуриятлари, қарзлари бўйича, шерикларнинг (иштирокчиларнинг) жавобгарлик белгилари бўйича фарқланади. Тўлиқ ширкатлар юридик шахс ҳисобланмайди.

<sup>88</sup> Каранг: Ole Lando. Principles of European Contract Law // Kluwer law international, 2003. 291 р.

Ширкатларнинг турларидан бири коммандит (limited partnerships) ширкат юридик шахс ҳисобланади.

Мулк (property, ownership). Бу инглиз ҳуқуқининг энг асосий, муҳим тушунчаларидан биридир. Шахсларнинг ашёга нисбатан муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар тизими сифатида ашёвий ҳуқуқ мавжуд эмас. “Ашёвий ҳуқуқ” ўринини “мулк” категорияси эгаллади. Мулкдорнинг ўзининг ашёлари ва ўзганинг ашёсига нисбатан ҳуқуқлари ҳам мулк ҳуқуки таркибига киради<sup>89</sup>. Қитъа ҳуқуқ тизими бўйича кўчмас мулк ҳам ўз ашёсига нисбатан бўлган ҳуқуқ ҳисобланмайди, чунки ерни олий мулкдори бўлиб давлат ҳисобланади. Шу маънода олганда ернинг ҳар бир эгаси мулкдор эмас.

Мулк ҳуқуқини бўлиш нафақат горизонтал ҳолатда–маконда, балки вертикал ҳолатда–замонда ҳам йўл қўйилади. Масалан, бир мулкдор ер участкасини ижарага беришдан даромад олиш ҳуқуқига эга бўлса, бошқаси ундан фойдаланишдан даромад олиш ҳуқуқига эга. Қандайдир ашё бир мулкдорга умрбод берилиши мумкин, у вафот этгандан кейингина бошқа мулкдорга берилиши мумкин, ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳозирги ва келгуси мулкдорлар ўртасида тақсимланадиган мулк ҳуқуки тўғрисида гап боради. Демак, ушбу турлича мулк ҳуқуқининг мазмuni дастлабки мулкдор эрки ёки мулкдорлар келишуви бўйича белгиланади.

Мулк (property) жуда ҳам кенг маънода талқин этилади. Аннанавий ҳуқуқлардан ташқари унга баъзи талаб қилиш ҳуқуқларини (масалан, пенсиялар, нафақалар, алиментларга ва ш.к. бўлган ҳуқуқлар), мутлақ ҳуқуқлар айниқса, улар бегоналаштирилиши мумкин бўлса (интеллектуал мулк) ҳам киритилади. Бу ўринда фикр юритиш қуйидаги мантиқий ҳолатлар билан боғлиқ: агарда ҳуқуқ бегоналаштирилиши мумкин бўлса, гарчи ўзига хос хусусиятли бўлса ҳам, ашё ҳисобланади, демак, мулк обьекти бўлиши мумкин.

1985 йилда Англияда уй-жой қонунчилигига ислоҳотлар ўtkazilgan. Асосий қонун ҳужжати бўлиб, уй-жой тўғрисидаги 1985 йилдаги қонун ҳисобланади (Housing Act 2004)<sup>90</sup>.

Англияда мулк ҳуқуқини тартибга солувчи қонунчилик, ерга нисбатан ва унда жойлашган қурилмаларни бир шахсдан бошқа шахсга ўтишини белгилайди ва ушбу ҳуқуқ ҳимоя қилинади (The law of Property Act 1925, Land lord and tenant Act, 1985).

<sup>89</sup> Қаранг: Roger Smith. Property Law // Pearson Education Limited 2014. 614 p.

<sup>90</sup> Қаранг: Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011.

Буюкбританияда ашёларни кўчар ва кўчмас мулкка ажратишнинг аниқ мезони мавжуд эмас. Замонавий инглиз ҳуқуқида миллий ҳуқуқ тизимида амал қиласиган “кўчмас мулк” тушунчасига яқинроқ бўлган тушунча “real property” атамаси билан номланади. Замонавий инглиз ҳуқуқига мувофик, кўчмас мулк сифатида фақат эркин эгаликда бўлган ер (freehold estate), унинг устида ва остида жойлашган барча нарсалар, фойдали қазилмалар, минерллар, иморатлар, уларнинг қисмлари, дараҳтлар, олинадиган даромадлар, шунингдек ерга табиий ёки сунъий қўшилган барча нарсалар эътироф этилади. Мазкур таъриф ҳар бир аниқ олинган ҳолатда бир қатор саволларни юзага келтиради: у ёки бу предмет ернинг бир қисмими (fixture) ёки ер участкасини яхшилайдиган (fittings) мустақил кўчар мол-мулкми? Мазкур саволга жавоб топиш учун даставвал қўйидагилар аниқланиши лозим: 1) предметнинг ер билан боғлиқлик даражаси; 2) предметнинг ер билан боғланниш мақсади. Даствлаб, агар предмет ернинг устида фақат ўз оғирлиги ҳисобидан ўрнашиб турган бўлса, у ер билан боғланмаган (fixture), деб ҳисобланган. Бироқ кейинчалик предметнинг ерга боғлиқлиги мақсади кўпроқ аҳамият касб эта бошлади ва бунда асосий масаласи бўлиб, объект ер участкаси ёки қурилмадан янада қулайроқ фойдаланиш учун жойлаштирилганлиги ёки фақат объектдан фойдаланиб даромад олиш учунлиги ҳисобланди. Натижада битта предмети турли ҳолатларда алоҳида кўчар мулк ёки ер участкасининг бир қисми ҳисобланниши мумкинлиги англашилади. Бундай бўлиниш кўчмас мулклар билан боғлиқ битимлаар нуқтаи назаридан муҳимдир. Зоро сотувчи фақат олди-сотди шартномасида алоҳида назарда тутилган ҳоллардаги ер участкасининг бир қисмига нисбатан ҳуқуқни сақлаб қолиши мумкин, бошқа ҳолларда эса кўчмас мулкнинг ер билан боғлиқлиги ва ер участкасининг ўзига нисбатан ҳам ҳуқуқ сотиб оловчига ўтади. Объектнинг яхшилаш ҳуқуки ҳар доим сотувчидан сақланиб қолади, унга нисбатан битимлар эса кўчмас мулклар билан боғлиқ асосий битимлардан алоҳида ҳолда контракт ҳуқуқи нормаларига мувофик амалга оширилади. Инглиз ҳуқуки бўйича бинолар кўчмас мулк обьекти ҳисобланмайди.

Англияда 1925 йилда “Мол-мулк тўғрисида” ги Қонун (Law of Property Act 1925) қабул қилинган. Мазкур қонунда мулк ҳуқуки мутлақ тусга эгалиги назарда тутилган.

Англиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, инглиз мулк ва эгалик қилиш ҳуқуқи рим ҳуқуқидаги айний тушунчаларга мос келмайди, инглиз ҳуқуқи мутлақ эмас, устувор ваколатларни блегилаш тизими ҳисобланади<sup>91</sup>.

Майнц (Германия)даги Иоганн Гутенберг номидаги университетнинг ҳуқуқ ва иқтисодиёт бўлими илмий ходими Кристин Квитман ўзининг “Мулк ва эгалик қилишнинг герман ва инглиз ҳуқуқида ҳимоя қилиниши: мулк ва эгалик қилиш ўртасидаги кескин алоқадорликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили” номли монографиясида<sup>92</sup> таъкидланишича, герман ашёвий (мулк) ҳуқуқи илмий асослантирилган падект тизими асосида шакллантирилган бўлса, феодал анъаналар базасида тарихан шаклланиб борган англия ҳуқуқида “ашёвий ҳуқуқ” атамасини унинг том маъносида фойдаланиб бўлмайди, чунки бу атама шахснинг ўз ашёсига нисбатан хўжалик ёки бошқача “хукмдорлигини” у ёки бу даражада расмийлаштирамайди.

Шу билан бирга К.Квитманнинг қайд этишича, ownership атамаси (одатда бу атама таржима “мулк” маъносини англатади) инглиз ҳуқуқида шаклланган тушунчага қўра қўчар мулкларга нисбатан ҳам “кулайлик” ёки “кўпроқлик” мақоми сифатида талқин этилади, шунингдек ашёга эгалик қилиш ҳуқуқи (better right to possession)да эгалик қилувчи ўз ваколатларини бенефициар манфаатлари учун эмас, балки ўз манфаатлари учун амалга оширади<sup>93</sup>.

Англияning “Компаниялар тўғрисида”ги қонуннинг 1-бўлимига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахс компанияни қонуний мақсадлар йўлида рўйхатдан ўтказиши мумкин. Компания муассислар томонидан улушни олиши эвазига қўшилган маблағлар ҳисобига шакллантирилади.

Англия ҳуқуқ тизимида мулк талқинини юқорида кўрсатилган хусусиятлари ишонилган мулқда (trust) яққол намоён бўлади. Ишонилган мулкнинг моҳияти шундан иборатки, траст муассиси–дастлабки мулқдор (setilor) ашёни ишонилган мулқдор (trustee) бошқарувига топширади, ишончли бошқарувчи бу мулқдан фойдаланиш натижасида олинган ашёлар ёхуд даромадларни манфаат кўрувчига (beneficiary) топшириши лозим. Манфаат кўрувчи сифатида траст муассиси ҳам учинчи шахслар (кенг маънодаги омма, оломон ҳам) бўлиши мумкин. Ишонилган мулқдор ҳам, манфаат кўрувчи ҳам мулқдорлар ҳисобланади, бироқ уларнинг ҳуқуқлари

<sup>91</sup> "...the English law of ownership and possession unlike that of Roman Law, is not a system of identifying absolute entitlement, but of priority of entitlement" / Bridge M. G. Personal Property Law. 3rd ed. London, 2002. P. 28 - 29

<sup>92</sup> Quitmann K. Eigentums - und Besitzschutz im deutschen und englischen Recht. Rechtsvergleichende Analyse des Spannungsverhältnisses zwischen Eigentum und Besitz. Berlin, 2011

<sup>93</sup> Quitmann K. Eigentums - und Besitzschutz im deutschen und englischen Recht. Rechtsvergleichende Analyse des Spannungsverhältnisses zwischen Eigentum und Besitz. Berlin, 2011. – P. 63.

ҳажман фарқ қиласи, ишонилган мулкдор ўзига топширилган мол-мулкни бошқаришни (фойдаланиш) амалга оширса, манфаат кўрувчи даромад олишга ва ашёни қайтариб олишга бўлган ҳукуқларга эга бўлади. Ҳар бир мулкдорнинг ҳукуқлари ҳажми траст қандай шартларда таъсис этилганига қараб (у қонунда, шартномада ёхуд бир томонлама битимда белгилаб қўйилиши мумкин) ўзгариши мумкин. Масалан, ишончли бошқарувчига манфаат кўрувчига даромаддан улуш ажратиш ёки ажратмаслик ҳукуқи берилиши мумкин. Айни вақтда шундай ишонилган мулк бўлиши ҳам мумкинки, унинг доирасида ҳар қандай вақтда бу ҳукуқни тугатиш ва ашёни ўзига қайтариб олиши мумкин. Бинобарин, трастнинг бундай “резина” конструкцияси турлича шаклларга киритилиши ва модификациялаштирилиши мумкин. Шу сабабли ҳам уни энг кутилмаган вазиятларда—асосиз бойиш ҳолларида, компания ва унинг директорлари, принципал ва агенти ўртасидаги, ворислик ва шу каби муносабатларда қўллайдилар. Бироқ унинг энг асосий тайинланиш, вазифаси—ўз мол-мулкини бошқаришни хоҳламайдиган ёхуд унга қодир бўлмаган шахслар мол-мулкини бошқалар томонидан самарали бошқаришни таъминлаш ҳисобланади. Худди шу маънода ва худди шу сабабларга кўра ҳам ушбу конструкция бошқа ҳукуқий тизимлар томонидан ҳам ўзлаштирилмоқда.

Англия ҳукуқ тизимида шартнома (contract) ҳамда деликт (tort) муҳим ва асосий тушунчалардан ҳисобланади. Ҳар қандай мажбуриятларга қўлланадиган мажбурият ҳукуқининг умумий қисми мавжуд эмас. Умумий қисм шунда ҳам легал кўринишда эмас, балки доктринал кўринишда факат шартнома ва деликт ҳукуқида мавжуд.

Мажбуриятнинг мавхумлаштирилган (формаллаштирилган) тушунчаси ҳам мавжуд эмас. Асосий эътибор деликт ва шартномага қаратилган. Мажбуриятларнинг легал классификации (таснифи) ҳам йўқ. Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари бўлиб шартнома, квазишартнома (шартномасифат) мажбуриятлар –асосиз бойиш, ўзгалар манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш ва деликт ҳисобланади.

Англия ҳукуқи бўйича шартнома – бу санкция билан таъминланган (судга ҳимоя сўраб мурожаат қилиш имконияти назарда тутилган) тақдим этиш (қаноатлантириш) эвазига берилган ваъда ҳисобланади. Демак, шартнома муқобил талабларни қаноатлантиришни (consideration) назарда тутади: талаб қилиш ҳукуқини олиш учун кредитор олдин қарздорга у ёки бу ҳақда ваъда берган бўлиши лозим. Бундан оферта (шартнома тузиш ҳақидаги таклиф) акцептланмагунча тарафларни бир-бири билан боғламайди деган қоида келиб чиқади (баъзи истисно ҳолатлардан

ташқари). То акцептланмагунча оферта эркин равища чақириб олиниши мүмкін.

Шартнома ҳуқуқи<sup>94</sup> амалиёт өхтиёжларига жавоб тариқасида ривожланиб борган. Шартномаларни легал туркумлаш мавжуд әмас. Амалий өхтиёжларга күра вужудга келган шартномаларнинг алоҳида турлари алоҳида қонунлар (масалан, товарлар олди-сотдиси түғрисидаги қонун) билан тартибга солинади, у ёки бу аниқ ва бир хил мезонлар ёрдамида уларни ажратиш мүмкін әмас.

### **Англия қонунчилиги бўйича шартноманинг муҳим жиҳатлари:**

- Томонлар ўртасидаги келишув ( яни бир тараф таклифининг иккинчи тараф томонидан қабул қилинганлигини кўрсатувчи факт)
- Келишув билан юридик жиҳатдан боғлиқ бўлган мақсад ( бу ҳуқукий муносабатларни вужудга келтирувчи мақсад дейилади)
- Келишув(шартнома) шартларидаги аниқлилик
- Шартнома тузиш қобилияти- тарафлар шартнома тузишга киришишга қобилиятли бўлиши керак.
- Тарафлар муҳокамаси- тарафлар бошқа томонга нимадир қилиш ёки беришни ваъда қилувчи таклифларини кўрсатишлари лозим.
- Белгиланган шаклга эга бўлиши- баъзи бир шартномаларни тузишда белгиланган шаклга риоя қилиш керак.
- Келишувнинг ҳақиқийлиги- шартнома мустақил ҳамда муомалага лаёқатли шахс томонидан тузилишини англатади.
- Қонунийлик- шартноманинг мақсади ноқонуний ёки давлатга, жамиятга қарши қаратилган бўлмаслиги лозим.

Бу талабларга жавоб берадиган шартнома ҳақиқий ҳисобланади. Агар тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаса, иккинчи тараф уни шартнома шартларини бузганлик учун судга бериши мүмкін.

<sup>94</sup> Карап: Catherine Elliott, Frances Quinn. Contract law//Longman. 2011. 420 p.

Шартноманинг бирор муҳим элементи мавжуд бўлмаслиги уни ҳақиқий эмаслиги, низоли ёки қонуний кучга эга эмаслигига олиб келади.<sup>95</sup>

Деликт ҳуқуқи суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган маҳсус деликтлар йифиндиси сифатида намоён бўлади. Бош (генерал) деликт мавжуд эмас, фақат унинг доктринал моделларигина мавжуд. Деликт дейилганда, шахсга ёки мол-мулкка зиён етказиш тушунилади. Маҳсус деликтларнинг легал таснифи ҳам мавжуд эмас.

Деликтларнинг қуйидаги турлари фарқланади: шахсга ҳам, унинг мол-мулкига ҳам зиён етказишга тааллуқли бўлган бостириб кириш, тажовуз (*trespass*); муайян шахс ёхуд номуайян доирадаги шахсларни мол-мулқдан ҳотиржам фойдаланишни бузадиган ёмон зиёнкорлик (*nuissance*); ўзгалар бизнесига зиён етказиш мақсадини кўзлайдиган бўйтон (*libellastander*), фитна (*conspiracy*); бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларига лоқайдлик билан муносабатда бўлинганини ифодаловчи бепарволик (*negligence*) ва шу кабилар. Умумий қоидага қўра, ушбу деликтлар учун жавобгарлик зиён етказувчининг айби бўлган тақдирда рўй беради.

Деликт мажбурият асосан ножўя хатти-ҳаракатлардан вужудга келади. Бундан англашиладики, даъвогар жавобгарнинг атайлаб ёки эътиборсизлик билан ҳаракат қилганини ва шунинг учун уни айбдор эканлигини исботлаши керак. Деликт мажбурият жавобгарнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатларни содир этишдаги сабаб ва мотивларини ўз доирасига қамраб олмайди. Шунга қарамай, баъзи деликтлар қасднинг мавжуд бўлиш ҳолатини ўз доирасига қамраб олади. Баъзи деликтларнинг муҳим элементи қасд ҳисобланади, мисол учун қонунга зид мақсадларни кўзланган ҳолда тузилган шартномада жавобгарнинг ҳуқуқий манфаатлари янада бойитиш тўғрисидаги эмас, балки айнан даъвогарга нисбатан зарар етказилишини кўзлаган мақсади тўғрисидаги далиллар талаб қилинади.

Ўз навбатида иккита ҳолат мавжуд бўлиб, бу ҳолатларда жавобгарнинг айбли йўқлигига қарамасдан деликт мажбурият ишга тушади.

1. Оғир жавобгарлик. Даъвогар кейинг таъраф ҳисобланмиш жавобгарнинг айбини ёки унинг мақсадини исботламасдан зарар ёки етказилган зиён учун суд томонидан компенсатсия олиши мумкин. 1987 йилдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 1-бўлимига мувофиқ, мисол учун бут бўламаган товарлар натижасида етказилган зарар учун ишлаб чиқарувчи жавобгар ҳисобланади.

---

<sup>95</sup>Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 213-214

2. Субсидиар жавобгарлик. Айрим ҳолатларда бир шахс бошқаларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади. Иш берувчи ўз ишчилари олдида уларнинг иш фаолиятида давомида амалга оширилган ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгардир.<sup>96</sup>

Англия ҳуқуқ тизимида ворислик қатор ўзига хос белгиларга эга. Ворислик ўз моҳиятига кўра универсал ҳуқуқий ворислик ҳисобланмайди, чунки мерос қолдирувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари учинчи шахснинг ишонилган мулкига (trust) ўтади, ишонилган мулкдорнинг асосий вазифаси мерос қолдирувчининг (бевосита ифодаланган ёки тахмин қилинган) эрки-иродасини бажариш ҳисобланади. Васият бўйича ворислика еxecutor ва қонун бўйича ворислика administrator, деб аталадиган бу ижрочининг вазифаси мерос қолдирувчининг қарзларини тўлаш, қолган мол-мулкни меросхўрларга бериш, меросхўрлар манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишдир. Меросхўрлар мол-мулкни қарзлардан тозаланган ҳолда олганлари учун улар мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар эмаслар. Шундай қилиб мерос билан легат ўртасида фарқ йўқ ва шу сабабли ҳам легат конструкцияси мавжуд эмас.

Қонун бўйича ва васият бўйича ворислик фарқланади. Бироқ васиятноманинг фақат бир шаклига йўл қўйилади–васиятнома ёзма бўлиши, мерос қолдирувчи томонидан имзоланиши ва энг камида икки гувоҳ ҳозирлигига тасдиқланган бўлиши шарт. Агар меросхўрлар бўлмаса ёки меросдан воз кечилса, у ҳолда барча мол-мулк давлат ихтиёрига ўтади. Бунда мол-мулк низоли мулк бўлган ҳолда давлатга бирон бир чекловларсиз, эгасиз мол-мулк сифатида унинг ихтиёрига ўтади.

Ушбу ҳуқуқ тизими негизида умумий ҳуқуқ (common law) ётади, умумий ҳуқуқ Буюк Британияда қироллик судлари фаолияти натижасида вужудга келиб, бунда қироллик судлари учун мажбурий бўлган. Судлар томонидан янгидан-янги қарорлар қабул қилиш асосида олдин умумий ҳуқуқнинг ривожланиши таъминланади, унинг ривожи тўхтагач эса, канцлер суди фаолияти натижасида таркиб топган адолат ҳуқуки (equity) ривожи таъминланди. Бундай дуализм Рим хусусий ҳуқуки доирасидаги цивил ва претор ҳуқуқлари дуализмига ўхшайди. Кейинчалик умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуки йиғиндисидан прецендент ҳуқуки вужудга келди ва унга парламент томонидан қабул қилинадиган статут ҳуқуки (statute law) қўшилди. Бироқ, прецендент ҳуқуки статут ҳуқуқига нисбатан мустақил

---

<sup>96</sup>Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 346-347

ривожланишга эга бўлди ва ҳатто бутунлай статут хуқуқининг ҳам қўлланиш тартибини белгилай бошлади.

Худди шундай кўринишдаги инглиз хуқуки Буюк Британия колонияларига – АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зелландияга, бошقا мамлакатларга ҳам ўтказилди ва бу мамлакатларда модификациялаштирилди.

Фуқаролик хуқуки мазмунини белгилашда прецедент хуқуки шаклида намоён бўладиган суд амалиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Прецедент хуқуки – юқори суд инстанциялари ҳал қилув қарорлари йифиндисининг тизимлаштирилган доктринаси бўлиб, улар худди шундай ўхшаш ишларда қўлланиши лозим бўлади. Шундай қилиб, прецедентлар хуқуқ манбаи бўлиб қолади. Суд ҳал қилув қарорларини ўзгартириб боради. Хуқуқ фойдали анъаналарини сақлаган ҳолда аста-секин ривожланади. Чунки ишни ҳал этишда қўлланиши мумкин бўлган манбалар доираси ҳаддан ташқари кенг ва катта ҳажмли бўлади. Бироқ илмий-техника тараққиёти бу борада ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда ЭХМда ўқиладиган прецедентлар тўпламлари мавжуд бўлиб, бу эса улардан фойдаланишни анча енгиллаштиради.

Одатларда ҳам, айниқса, янги прецедентларни шакллантиришда етарли даражада катта эътибор берилади. Иш муомаласи одатларига келганда шуни қайд этиш ўринлики, Англияда уларнинг аҳамияти етарли даражада катта, бунда улар хусусий характердаги тавсиявий хужжатлар асосини ташкил этади (шартнома хуқуки, агентлар, ишониб қўйилган мулк ва шу кабиларга бағишлиланган), улар алоҳида штатлар учун модель вазифасини ўтайди.

The law of  
Property Act  
1925

Англия  
фуқаролик  
қонун  
хужжатлари

Housing Act 2004

Land lord and  
tenant Act 1985

Bills of exchange  
Act 1882

Consumer Credit  
Act 1974

The employment's  
rights Act 1996

**ГЕРМАНИЯ.** Германия Федератив Республикаси (ГФР) хуқуқ тизими Роман-Герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлиши билан бир қаторда, унинг вужудга келишида пойдевор вазифасини ўтайди. ГФР фуқаролик қонунчилигининг мазмуни ушбу мамлакат ижтимоий-иқтисодий моделидаги ўзига хосликлар билан аниқланади. Асосий иқтисодий муносабатлар (биринчи навбатда, мулкчилик муносабатлари) Конституциявий даражада мустаҳкамланган. ГФРнинг 1949 йил 23 майда қабул қилинган ва 20 май 1997 йилдаги таҳрирининг 20-моддаси 1-қисмида қайд этилишича, “Германия Федератив Республикаси социал ва демократик республика бўлиб ҳисобланади.” Конституциянинг 14-моддаси 1-қисмида белгиланишича, “Мулк ҳуқуқи ва мерос ҳуқуқи кафолатланади. Улардан фойдаланиш мазмуни ва тартиби қонун билан белгиланади” дея, 2-қисмида, “Мулк ҳуқуқи эгасининг зиммасига юкланди. Мулкдан фойдаланишда умумий манфаатлар ҳисобга олиниши лозим”лиги, модданинг 3-қисмида эса, “Мулкни шахсдан мажбурий бегоналаштириш учун фақат оммавий манфаатларни қондириш учунгина рухсат этилади” деб мустаҳкамлаб қўйилган. Германия Гражданлик тузукларининг 905-параграфи қуйидаги нормани ифодалайди: ер участкасига мулк ҳуқуқи участканинг остки ва устки қатламидаги маконга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бироқ, мулкдор унинг учун муайян манфаатдорлик ифода этмайдиган ер участкасидаги шундай баландлик ва чуқурликка нисбатан таъсирни тақиқлаши мумкин эмас.

Бу шуни англатадики, бу ҳолатда устуворлик ер участкаси мулкдорининг манфаатларига қаратилади ва унинг учун муайян манфаатдорликка эга бўлган ер участкасидаги ҳар қандай нарса унинг эгалигida бўлиши лозим.

ГГТларнинг 93-95§ нормаларини таҳлил қилар экан Я.Шапп қуйидагиларни билдиради: қонун алоҳида ҳуқуқлар предмети бўла олмайдиган ашёларнинг алоҳида таркибий қисмлари тушунчасини қўллайди, яъни улар шу ашёга нисбатан ягона мулк ҳуқуқини қамраб олади. Муҳим таркибий қисм ҳуқуқий маънода ҳар доим ашёнинг элементи ҳисобланади<sup>97</sup>.

ГГТнинг 93§ мувофиқ, бир-биридан ажратилиши мумкин бўлмаган ва бундай ажратиш улардан бирортасини бузилиши ёки ўзгаришига олиб

<sup>97</sup> Шапп Я. Система германского гражданского права: Учебник / Пер. с нем. С. В. Королева. М.: Международные отношения, 2006. С. 76.

келса, ашёning таркибий қисми алоҳида ҳуқуқларнинг предмети бўлиши мумкин эмас.

Германия Гражданлик Тузуклари (ГГТ) да мулк ёки хусусий мулк атамасиларнинг изоҳи берилмаганлиги кўзга ташланади. Германия фуқаролик қонунчилигига кўра, мулк ҳуқуқи кенг мазмунли ашёвий ҳуқуқнинг бир тури бўлиб, факат эгасига ўзига тегишли мол-мулқдан фойдаланиш йўналишини белгилаш, мол-мулкка нисбатан тўлиқ ҳўжалик ҳукмронлигини амалга ошириш имконияти беради. ГГТда мулк ҳуқуқи тушунчаси берилмаган, аксинча, мазкур тушунча мулк ҳуқуқининг мазмунини баён этиш йўли билан изоҳланган. Шунга қарамасдан, ГГТнинг 903-моддасида мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий таъриф мавжуд. Унга кўра, ашёning эгаси қонун ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўсқинлик қилмайдиган даражада ашёни ўз хоҳиши бўйича тасарруф этиши ва бошқа шахс томонидан ҳар қанжай таъсирни бартараф этиши мумкин. Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, ГГТда мулк ҳуқуқи алоҳида ваколатларнинг оддий йифиндиси эмас, балки ўзига хос алоҳида ҳуқуқ сифатида белгиланган<sup>98</sup>.

Дастлаб, мулк ашёга нисбатан чекланмаган ҳукмронлик сифатида талқин этилган. 19 асрнинг иккинчи яримида айрим немис юристлари мулк ҳуқуқини “чекланмаганлик” (*jus in finitum*) ёки “ашёни тасарруф этишга нисбатан ҳар томонлама тўлиқ ҳукмронлик” ҳуқуқи сифатида таърифлашган. Германияда мулк ҳуқуқининг мазмuni тарихан ижтимоий қв иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб ўзгариб турган. 20 асрнинг бошларида Германияда шиддатли техник ривожланиш кузатилган. Мазкур ривожланиш натижасида кўчар ва кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини аниқ ажратиш зарурияти юзага келган. Мулкка нисбатан оммавий-ҳуқуқий чекловлар, масалан, телеграф хабарлари (1899 йил 18 декабрдаги Қонун билан киритилган) ва ҳавол йўллари (1922 йил 1 августдаги Қонун билан жорий этилган) билан боғлиқ чекловлар, асосан ер участкаси мулкдорларига тааллуқли бўлган. Қонун чиқарувчи кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларга катта эътибор қаратади, чунки ГГТнинг асосий вазифаларидан бири ерга нисбатан мулкчилик бўйича феодал муносабатларни тубдан ўзгартириш ҳисобланган, бошқача айтганда, ГГТ эски феодал тартибларни бекор қилиб, ўрнига янги ҳуқуқий тартиботни назарда тутган. Натижада ерга нисбатан мулкчиликни тартибга солища давлатнинг роли ортди. Бу эса ўз навбатида Германия фуқаролик қонунчилигига анъанавий рим ҳуқуқидан келиб чиқсан мулк ҳуқуқи тубдан

<sup>98</sup> Қаранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p

ўзгарган. Масалан, ГГТ 226-моддасида мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг чекланиши маҳвум тарзда шакллантирилган. Унга кўра, ҳуқуқни амалга ошириш, агар уни амалга ошириш мақсади фақат бошқа шахсга заар етказиш бўлса, йўл қўйилмайди. Умумий норма билан бирга ГГТнинг 906-моддаси мулк ҳуқуқини чеклашга нисбатан маҳсус нормани ҳам назарда тутади. Унга мувофиқ, ер участкасининг мулқдори бошқа ер участкасидан чиқаётган газ, буғ, ҳид, тутун, туёқ товуши, иссиқлик, шовқин, титраш ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларнинг таъсирини, агар унинг ер участкасидан фойдаланишига халақит қилмаса ёки сезиларли даражада қилмаса тақиқлаши мумкин эмас. Шунингдек, ГГТнинг 907-моддасида мулқдорга талаб қилиш ҳуқуқи шаклидаги кафолат берилган бўлиб, унга биноан, мулқдорнинг ер участкасига йўл қўйиб бўлмайдиган даражада таъсир этадиган қўшни ер участкасига иншоотларнинг қурилмаслиги ёки мавжуд бўлмаслигини талаб қилиш ҳуқуқи белгиланган. Р.Книпер Германия фуқаролик қонунчилигига мулкчиликни тавсифлар экан, унинг Э.Кантнинг хусусий мулк тўғрисидаги қарашлари асосида шакллантирилганлигини, унга кўра ҳар ким ашёга, шу жумладан, ерга нисбатан мулқдор бўлиш ҳуқуқига эгалигини таъкидлайди<sup>99</sup>. Шу жиҳатдан, айтиш лозимки, ГГТда мулк ҳуқуқи нисбатан чуқур ишлаб чиқилган ва таҳлил қилинган хусусий ҳуқуқ категориясидир. Мулк ҳуқуқ ашёвий ҳуқуқлар тизимида марказий ўринни эгаллайди ва “немислар оммавий эркинлигининг буюк хартияси” сифатида эътироф этилади.

ГФР узоқ тарихий ислоҳотлар натижасида тасдиқланиши лозим бўлган якуний ижтимоий модел шаклида буганги кунда мавжуд. Бинобарин, ФРГ бир аср илгариёқ ўзининг барқарор фуқаролик қонунига эга бўлиш билан бир қаторда қитъа ҳуқуқининг ройдевори учун ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Германия фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбааси бўлиб, 1896 йил 18 августда қабул қилинган ва 1900 йил 1 январда кучга кирган Германия фуқаролик тузуклари (кодекси) хизмат қиласи. Ушбу кодекс (тузук)да фуқаролик ҳуқуқи катта бўлимлар китоб шаклида жамланиб у 5 та китобдан яъни, умуий қисм, мажбурият ҳуқуқи, ашё ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, мерос ҳуқуқидан иборат. Германия фуқаролик тузуклари Франция фуқароик кодекси билан бир қаторда қитъа фуқаролик ҳуқуқининг шаклланишига ўзининг катта таъсирини ўтказган. Ўз навбатида, Германия фуқаролик кодекси (тузуклари)га қабул қилинганидан бери жуда кўп ўзгартириш ва

<sup>99</sup>Книпер Р. Назначение гражданского права: защита субъективных прав или инструмент товарооборота? // Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства: материалы международного научно-практической конференции. – Ташкент: 2005. – 102 с.

қўшимчалар киритилган. Асосий ўзгартиришлар кодекс (тузук)нинг қўйидаги институтларига киритилган:

мулк ҳуқуқи; шартномавий муносабатлар (кўчмас мулкни ижарага олиш, ижарага оид муносабатлар ва б.); зарар етказганлик ва зарарни тўлашни талаб қилиш; мерос ҳуқуқи. Германия ҳуқуқий тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири оила ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ажралиб чиқмай фуқаролик ҳуқуқининг таркибига киради. Германия фуқаролик кодекси (тузук)нинг тизими қўйидагича:

1. Умумий қисм, 7 бўлимдан иборат:
  - ❖ Шахслар;
  - ❖ Ашёлар ва ҳайвонлар;
  - ❖ Битимлар;
  - ❖ Муддатлар;
  - ❖ Даъво муддатлари;
  - ❖ Ҳуқуқни амалга ошириш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш;
  - ❖ Манфаатларни муҳофаза қилиш;
2. Мажбурият ҳуқуқи, 7 бўлимдан иборат:
  - ❖ Мажбурият мазмуни;
  - ❖ Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар;
  - ❖ Мажбуриятнинг бекор бўлиши;
  - ❖ Талабнинг қаноатлантирилиши;
  - ❖ Мажбуриятнинг ўтиши;
  - ❖ Кредитор ва қарздорларнинг мажмуи;
  - ❖ Алоҳида турдаги мажбуриятлар;
3. Ашёвий ҳуқуқлар, 9 бўлимдан иборат:
  - ❖ Кириш;
  - ❖ Ер участкаларига оид умумий қоидалар;
  - ❖ Мулк ҳуқуқи;
  - ❖ Ворислик ҳуқуқи;
  - ❖ Сервитут;
  - ❖ Имтиёзли харид ҳуқуқи;
  - ❖ Ашёвий ҳуқуқлар;
  - ❖ Ипотека, ер ва рента қарзлари;
  - ❖ Кафолат ҳуқуқи;
4. Оила ҳуқуқи, 3 бўлимдан иборат:
  - ❖ Фуқаровий никоҳ;
  - ❖ Васийлик;
  - ❖ Туғилиш;
5. Ворислик ҳуқуқи, 9 бўлимдан иборат:

- ❖ Ворислик ҳуқуқи тартиби;
- ❖ Вориснинг ҳуқуқий мақоми;
- ❖ Мұхокама;
- ❖ Мерос шартномаси;
- ❖ Мажбурий ҳақ;
- ❖ Номақбул ворис;
- ❖ Ворислик ҳуқуқидан воз кечиш;
- ❖ Ворислик ҳуқуқини тасдиқлаш;
- ❖ Меросни (мерос бўлган мол-мулкни) сотиб олиш;

Германия фуқаролик кодекси (тузуки) ҳам “пандект” тизим асосида, яни қонуннинг умумий ва маҳсус қисмларга бўлиниши тизимиға асосланган<sup>100</sup>.

Германия фуқаролик кодекси (тузуки) билан бир қаторда, 1965 йил 6 сентябрда қабул қилинган “Акционерлик жамиятлари тўғрисида”ги, 1933 йилги “Вексел ва чеклар тўғрисида”ги, 1978 йил 9 декабрдаги “Шартномаларнинг асосий шартлари тўғрисида”ги, 1974 йил 14 апрелдаги “Шахсий ва мулкий суғурта тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқининг манбааси сифатида хизмат қиласи. Айни пайтда Германия фуқаролик ҳуқуқий тизимида шахснинг жамиятдаги фуқаровий-ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи, унинг муомала лаёқати 21 ёшдан этиб белгиланганлиги унинг ўзиг хос хусусияти ҳам ҳисобланади. Лекин шу билан бир қаторда ГФК 476-моддасига мувофиқ, шахснинг вояга етмасдан (21 ёшга) туриб никоҳ қуриши ёки ГФК 478-моддасига биноан шахснинг эмансипация қилиниши унинг тўла муомала лаёқатига эга бўлишига имкон беради.

Германия фуқаролик ҳуқуқида шахслар доираси аниқ белгилаб қшийилган. Мулк шакллари – давлат, жамоа, хусусий мулк, уларнинг тартиби ва шу каби қоидаларнинг муайян даражада ривожланиши мустаҳкамланган. Аммо, Германия Конституциясида, унинг давлат тузилиши шакли федератив шаклда бўлганлиги учун ҳам, асосан федерация ва унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳал этиш воситалари хусусида тўхтаб ўтилиб, хусусий мулк шакллари ҳақида фикр юритилмаган<sup>101</sup>.

Айни пайтда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг кўплаб ҳуқуқий талаблари ГФРда ҳал этилган. Чунончи, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни моддий ва процессуал ҳал этиш учун кодекслар ва бошқа зарур ҳужжатлар мавжуд бўлиб бу соҳада масала ўз ечимини топган.

<sup>100</sup> Қаранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p

<sup>101</sup> Қаранг: Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p

ГФР кўпгина халқаро хужжатларга ҳам аъзо бўлиб уларнинг қоидаларини ўз ҳудудида амлга киритган. Жумладан, 1931 йилги Ягона чек қонунуни тўғрисидаги Женева конвенцияси, Вексел қоидаларини ягоналаштириш тўғрисидаги Женева конвенцияси каби халқаро қоидалар Германия қонунчилигига акс эттирилган.

Германиянинг асосий қонунини яъни Конституцияси суд ишларини юритишнинг, маъмурий, меҳнатга оид, молиявий ва ижтимоий каби турларини фарқлайди. Фуқаролик суд ишларини юритиш яъни процесси эса, барчасининг асосини ташкил этади. ГФР фуқро лик суд ишларини юритишнинг асосини 30 январ 1877 йилда қабул қилинган ва тегишли тартибда ўзгартиришлар киритилиб келинаётган Германия фуқаролик процессуал кодекси ташкил этади. Шунингдек, ГФП ҳуқуининг манбааси сифатида, “Немис судлари тўғрисидаги”, “Судлар тузилиши тўғрисида”ги, “Федерал адвокатура тўғрисида”ги қонунлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Германия фуқаролик судларининг 1-инстанцияси участка судлари, 2-инстанциясини – жойлардаги судлар, олий инстанциясини эса, жойлардаги Олий Суд ва ГФР Федерал Суди ташкил этади.

Биринчи суд инстанциясида 5 минг евродан кўп бўлмаган фуқаровий даъволар шунингдек суммасидан қатъий назар уй-жой билан боғлиқ ва ворислик ҳуқуқига оид даъволар кўрилади. 1-инстанция судларида, Оиласий ишлар бўйича, Васийлик, Ворислик бўйича бўлимлар мавжуд. ГФРда юқори, яъни иккинчи ва олий суд инстанциялари апелляция инстанцияси, шунингдек умумий қиймати 5 минг евродан ортиқ суммадаги ишларни кўради. Юқори судларда Фуқаролик ишлари бўйича катта сенат фаолият юритиб улар ишларни 3 нафар ёки 5 нафар аъзодан иборат таркибда ревизия тартибида кўрадилар.

### Германия фуқаролик кодекси (тузук)ининг тизими

- Умумий қисм, 7 бўлимдан иборат
- Шахслар
- Ашёвий ҳуқуқлар, 9 бўлимдан иборат
- Оила ҳуқуқи, 3 бўлимдан иборат
- Ворислик ҳуқуқи, 9 бўлимдан иборат

**ФРАНЦИЯ.** Дунё мамлакатлари фуқаролик қонунчилигини кодификациялашда асосий ўрин эгалловчи 1804 йилда қабул қилинган Франция Фуқаролик кодекси муҳим ўрин эгаллади ва у институциявий, деб номланади (Юстиниан кодификациясининг бир қисми бўлган рим ҳуқуқи бўйича оддий дарсликнинг институцияларидан ўзлаштирилган). Институциявий тизим фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қуидаги қисмларга гурухлаштиради: 1) шахслар (яъни ҳуқуқ субъектлари); 2) ашёлар (ҳуқуқ обьектлари) ва ашёвий ҳуқуқлар; 3) даъволар ва ушбу даъволар бўйича мажбуриятлар. Ушбу тизим такомиллашуви натижасида ундан процесуал нормалар чиқарилиб, соф моддий ҳуқуқ нормалари қолдирилган, умумий қоидалар ва бошқа муҳим бўлимлар билан бойитилган<sup>102</sup>.

Францияда дауалистик тизим мавжуд яъни, фуқаролик ва савдо кодекслари қабул қилинган. Шу билан бирга Интеллектуал мулк кодекси ҳам амал қиласи<sup>103</sup>.

Франция ҳуқуқ тизимида асосий манба қонунлар ҳисобланади ва улар ичида Фуқаролик кодекси марказий ўринни эгаллади. Фуқаролик кодекси ва қонунларнинг нормалари умумийликдан хусусийликка, мавхумликдан аниқликка йўналтирилади.

Шахслар тўғрисидаги нормалар икки қисмга бўлинади: 1) жисмоний шахслар тўғрисида; 2) юридик шахслар тўғрисида. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати уларнинг ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати, муомала лаёқати, қобилияти сифатида таърифланади. Ҳуқуқ лаёқати барча учун бўлиб, унинг мазмuni позитив ҳуқуқ билан белгилаб қўйилган. Инсоннинг соғлиғи ва ёшига қараб муомала лаёқатининг бир қанча даражалари белгиланган. Муомала лаёқатининг ҳажми позитив ҳуқуқ билан белгиланади<sup>104</sup>.

Юридик шахслар ҳакида батафсил ишлаб чиқилган таълимот (доктрина) мавжуд. Юридик шахс ўзига хос мавхумлаштирилган тоифа (категория) бўлиб, юридик шахсларнинг эҳтимол тутилган, мумкин бўлган барча турларини қамраб олади. Юридик шахсларнинг моҳияти ва белгиларига (улар қонунларда белгилаб қўйилган), шунингдек уларни таснифлаш – туркумлашга алоҳида аҳамият берилади. Ушбу турлар рўйхати қатъий тизимга солинган. Юридик шахсларни вужудга келтириш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг барчаси учун умумий бўлган қоидалари белгилаб қўйилган. Юридик шахсларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва

<sup>102</sup> Қаранг: Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

<sup>103</sup> Қаранг: Nicolas Bouche. Intellectual property law in France// Alphen aan den Rijn : Kluwer Law International, cop. 2011, 300 p.

<sup>104</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

бекор бўлиши норматив-мурожаат тартибида амалга оширилади ва давлат рўйхатидан ўтказилади.

Франция қонунчилиги юридик шахсларга классификация берар экан, уларни асосан хўжалик жамиятлари ва ассоциацияларга ажратади. Хўжалик жамиятлари-хусусий ҳуқуқ юридик шахслари, ассоциациялар эса-оммавий ҳуқуқ юридик шахслари ҳисобланади.

Давлат мулкига асосланган субъектлар Франция ҳуқуқий тизимида ҳам назарда тутилган. Ушбу юридик шахслар нафақат хўжалик жиҳатидан, балки молиявий жиҳатдан ҳам давлат билан тўлиқ боғлиқдир, чунки кўпинча уларнинг даромадлари ва харажатлари давлат бюджети орқали ўтади (шу боис улар солиқ тўламайдилар).

Ашёвий ҳуқуқлар моҳияти ашёнинг шахс билан боғлиқлигига ётади, шахснинг шахслар билан боғлиқлигига эмас. Ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида турлари мавжуд бўлиши билан бирга, барча ашёвий ҳуқуқлар учун умумий қоидалар ҳам мавжуд.

Ашёвий ҳуқуқлар шахснинг ўз ашёларига бўлган ҳуқуқларига (булар жумласига мулк ҳуқуқи ҳам киради) ва шахснинг ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқларига (булар жумласига сервитутлар, эмфитеувис, гаров, қурилиш қилиш ҳуқуқи ва шу кабилар киради) бўлинади. Ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқлар бегонанинг мол-мулкига бўлган таъсирнинг усувлари, ҳажмлари, қуввати ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқланади. Ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқлар мулқдорга бурчлар юклагани сабабли ашёвий ҳуқуқлар доираси қатъий белгилаб қўйилган (*numenis clausus*). Бу эса рўйхатдан ташқари ўзбошимчалик билан ашёвий ҳуқуқлар вужудга келмаслигини билдиради. Ҳар қандай ҳолда ҳам ашёвий ҳуқуқ мазмуни позитив ҳуқуқ билан белгиланади.

Ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида турлари билан бирга эгаллаш шахсни ашё билан боғланганлиги фактик ҳолати (шахсни ашё устидан ҳукмронлиги) эканлигига катта эътибор қаратилади. Қитъа ҳуқуқи доирасида эгаллаш маҳсус эгалик қилишни таъминлаш даъволари билан ҳимоя қилинади, муайян мезонларга жавоб берадиган эгалик қилиш бузилганда, ҳуқуқбузарни айбидан қатъи назар бундай даъволарни қўллаш мумкин.

Табиийки, мулк ҳуқуқи асосий ашёвий ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Ашёвий ҳуқуқ нормаларининг асосий қисми унга бағишлиланган. Ҳар бир мамлакатда мулк ҳуқуқининг мазмuni ўзига хос бўлишига қарамасдан, уларнинг барчаси учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Мулк ҳуқуқини талқин этишда Рим анъаналарига ва энг аввало, “бир ашёга нисбатан иккита тўлиқ мулк ҳуқуқи бўлиши мумкин эмас” деган

асосий тамойилдан келиб чиқилади<sup>105</sup>. Мулк ҳуқуқи ягона ва бўлинмасдир. Бўлинган ёки иккиланган мулк бўлиши мумкин эмас. Мулк ҳуқукини ушбу доирасига сифмайдиган ҳаётий вазиятларнинг хусусиятлари ё ўзгалар мулкига бўлган ҳуқукларда ёки у ёки бу обьектга нисбатан у ёки бу субъектнинг мулк ҳуқуқининг ўзига хосликларини белгилаб кўйишда ифодаланиши мумкин<sup>106</sup>.

Франция Гражданлик кодекси (ФГК) да ГГТга қараганда, нисбатан кенг ва аниқроқ қоидалар шакллантирилган. Хусусан, ФГКнинг “Мол-мулклар ва мулк кўринишининг турли ўзгаришлари тўғрисидаги” иккинчи китоби, “мол-мулкларнинг ажратилиши” номли 1-ти тулида кўчмас мулк (1-боб) ва кўчар мулклар (2-боб) тўғрисидаги қоидалар белгиланган бўлса, 3-боб “кимлардир эгалик қиласиган мол-мулкларга нисбатан” қоидаларга бағищланган. Мазкур бобнинг дастлабкт нормаси – 537-моддасига қўра, хусусий шахслар қонунда белгиланган ўзларига тегишли мол-мулкни ўзгарган кўриниши билан эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир.

Хусусий шахсларга тегишли бўлган мол-мулк бошқача эмас, айнан маҳсус тартибида ва алоҳида қоидага мувофиқ бошқарилиши ва бегоналаштирилиши мумкин<sup>107</sup>.

ФГКнинг 2-ти тутили “мулк тўғрисида” – деб номланади. ФГКнинг 544-моддасига қўра, мулк ашёдан янада мутлақ тарзда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи бўлиб, бундай фойдаланиш қонун ёки регламент билан тақиқланган бўлмаслиги лозим.

Мазкур норманинг мазмунидан шу нарса англашиладики, мулкдорнинг ўз ашёсига нисбатан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш ва уни тасарруф этиш имконияти мулк ҳуқуқидир. Мулк ҳуқуқининг ядроси сифатида “ашёдан мутлақ тарзда фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи” олиниши ўз ашёсига нисбатан мулкдорнинг ваколатлари чексизлигини ангалатади, бироқ мазкур мутлақликдан истисно қонун ёки регламент сифатида белгиланишини назарда тутади.

ФГКнинг 545-моддасида “хеч ким ўз мулкидан мажбурий тарзда воз кечишига агар бу ижтимоий фойда ёки адолатли ва олдидан қоплаш учун амалга оширилмаса йўл қўйилмайди” – деб белгиланган. Мулкдорнинг ўз мулкига бўлган ҳуқукини мажбурий бекор қилиш ёки ашёни унинг эгалигидан мажбурий олиб қўйиш тақиқланиши, “мулк ҳуқуқининг

<sup>105</sup> Карап: Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 р.

<sup>106</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 р

<sup>107</sup> Карап: Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 р.

дахлсизлиги” тамойилидан келиб чиқади ва унга нисбатан истиснолар мавжуд бўлиши табиий ҳол албатта.

Шартномалар, энг аввало, ижтимоий-иктисодий мазмуни бўйича турларга бўлинади – мол-мулкни мулк сифатида топшириш, фойдаланишга топширилган шартномалар, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар ва х.к. Шартнома ҳуқуқида шартномаларнинг барча турлари учун қўлланиладиган умумий қоидалар ҳам мавжуд.

Деликтлар бош ва маҳсус деликтларга бўлинади. Бош деликт стандарт қоидаларга киритилган ҳар қандай зиённи қоплаш учун асос бўладиган умумий қоидалардан иборат. Маҳсус деликтлар зиённинг алоҳида характеристи (мулкий зиён, маънавий зиён, шахсга етказилган зиён, соғликка етказилган зиён), зарап етказиши манбаи (оширилган хавф манбаи), айби (айбли ёхуд айбсиз жавобгарлик), зарап етказувчининг шахси (масалан, ёлланма ходим, давлат хизматчиси) ва бошқа ҳолатлар бўйича ўз хусусиятига эга.

Қарздор томонидан мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликтан озод бўлишига асос бўлувчи ҳолатларга назария ва амалиётда “форс-мажор” дейилади. Француз ҳуқуқида бу ибора “енгиб бўлмайдиган куч” ва “тасодиф” тушунчасини ўз ичига қамраб олади.

Францияда даъво муддати Фуқаролик Кодекси нормалари билан белгиланади (2219-2281-моддалар). Франция фуқаролик ҳуқуқида шартномада қисқартирилган даъво муддатларини белгилашга йўл қўйилади.

Ҳосил олишда шу назарда тутиладики, ҳосил берувчи ашё, унинг “ҳосили” ишлаб чиқилган ашёлар, табиий маҳсулотлар, масалан, ҳайвон боласи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосили ва бошқалар ёхуд ундан фойдаланиш натижасида олинадиган ашёлар юридик даромад, хусусан ижара ҳаки ва шу кабилар (Франция Фуқаролик Кодексининг 547-550-моддалари).

Умумий қоидага кўра, Рим ҳуқуқи асосида қабул қилинган (*superficies solo cedit*) ва барча ўрганилаётган ҳуқуқий тизим давлатларида амалда бўлган, мулкдор участкасида бажарилган курилиш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа ишлар ва улар билан боғлиқ бўлган натижалар ер билан “бирлашган” ҳолда ҳисобланиб, акси исботлангунга қадар ер мулкдорига тегишлидир (Франция Фуқаролик Кодексининг 553-555-моддалари).

Франция Фуқаролик кодексида мажбурият суммаси муайян миқдордан кўп бўлганида шартноманинг ёзма шаклда бўлиши шарт эканлигини *ad probationem* шарти асосида белгиланаар экан, ушбу қоида савдо битимларига нисбатан татбиқ этилмаслиги назарда тутилади.

Хозирги пайтда "комиссионер" тушунчасининг энг умумий таърифи Франция Савдо кодексида берилган. "Комиссионер" атамаси (франц. *commissionnaire*) ўзининг ёки жамиятнинг номидан комитент фойдасига (франц. *commettant*) ҳаракат қилувчи шахсни англатади. Баъзи давлатларнинг қонунларида "комиссионер" тушунчаси унинг фаолият соҳасини ҳам қайд этиш орқали кенгайтирилади.

Францияда 1673 йилда "Савдо ҳақидаги ордонанс (*Ordonnance de commerce*), қабул қилиниши билан одат нормаларига қонун кучини бериш бошланган. XIX аср бошларида миллий савдо ҳуқуқини кодификациялашда янги давр бошланди. Францияда буюк француз инқилобидан кейин сиёсий тузум ўзгариб, янги савдо қонунчилиги вужудга келтирила бошланди. Шу туфайли 1807 йилда француз Савдо кодекси қабул қилинди (*Code de Commerce*)<sup>108</sup>.

Франция қонунчилигига савдо агенти деганда, шундай ишончли шахс (франц. *mandataire*) тушуниладики, у доимий ва мустақил қасбий фаолияти ва ишга ёлланиш шартномаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи номидан ва ҳисобидан савдо-сотик, ижара ёки хизмат кўрсатиш соҳаларидаги шартномаларни муҳокама қилиш ва тузиш билан шуғулланади.

Вакилликнинг мазкур шакли турли давлатлар қонунчилигига ҳар хил номлар билан аталади. Францияда уни ифодалаш учун *concessionnaire de vente exclusive, concessionnaire, agent general, agent exclusif, Италияда – vend fore con exclusiva, rivenditore autorizzata, rappresentante esclusivo, concessionario* каби атамалар ишлатилади.

"Франчайзинг" термини французчадан келиб чиқкан. "Франшиза" (фр. *franchise*) – имтиёз, афзаллик. Бироқ термин инглизча бўлмаса ҳам, франчайзинг муносабатларининг ўзи Европа минтақасида эмас, балки АҚШда юзага келган. АҚШ ҳуқуқида "франшиза" термини турли хил муносабатларни тавсифлаш учун қўлланилади. Масалан, "спорт франшизаси" муайян ҳудудда спорт командаси тузишга рухсат берган лиганинг ҳомийлигига бундай командани тузиш учун берилган рухсатдир.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асоси бўлиб қонунда белгиланган шартларга жавоб берадиган тарзда мулкка эгалик қилиш факти ҳисобланади (Франция Фуқаролик Кодексиининг 2229, 2262-2265-моддалари. Шуни эътироф этиш керакки, хорижий давлатларда кўчар ва кўчмас мулкларга мулқдор бўлишлик эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат

<sup>108</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

шартлари ва мулкни эгаллаб туриш муддати бир хилда ҳал этилмаган. Масалан, француз қонунчилигига асосан, ФФК 2162-2265-моддалари фақат кўчмас мулкларга эгалик қилиш хуқукини вужудга келтирувчи муддат 30 йил белгиланган.

Францияда виндиқация ва негатор даъво ҳақидаги қоидалар Кодексда назарда тутилмасада, балки инсофли ва инсофсиз эгаллаш ҳақидаги Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодекслари нормаларини шарҳлаш асосида даъво ва бошқа муддатлар қўллаш бўйича доктрина ва суд амалиётида амал қиласди.

Францияда Интеллектуал мулк кодекси мавжуд бўлиб, унда муаллифлик хуқуки, субъектлари, турдош хукуқлар, уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қоидаларни белгилайди<sup>109</sup>.

2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик хуқуки ва турдош хукуқлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик кодексининг айрим моддалари ўз кучини йўқотган.

Мутлақ хукуқлар (интеллектуал мулк) инсон тафаккури, ижодий фаолият натижалари қатор халқаро конвенциялар – муаллифлик хукуқига бағищланган Берн ва Женева, патент тартибга солувчи Париж ва бошқа халқаро конвенциялар асосида яратилган, ривожланган қонунчилиқда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли ҳам, бу масалада хуқуқ тизими билан боғлиқ ўзига хос хослик мавжуд эмас. Конвенциялар асосида бир хилдаги моделлар (қолиплар, андозалар) асосида таркиб топди.

Хуқуқ тизимида одатда, муаллифлик ёки патент хукуқлари тушунчаларидан фойдаланилади, баъзан улар “мутлақ хукуқлар” номи билан умумлаштирилади. Инглиз-америка хукуқида эса адабий (бадиий) ва санъат мулки деган иборалар қўлланади, интеллектуал мулк тушунчаси уларни бирлаштирувчи ибора ҳисобланади. Бундай талқин мулк тушунчаси доирасини кенгайтиришга мойил бўлган мавжуд доктринага мос келади. Шуни ҳам эътироф этиш ўринлики, бундай ибораларни қўллаш халқаро конвенцияларда ҳам, қитъа хуқуқ тизимининг баъзи мамлакатларида (хусусан, Францияда) ҳам мавжуд.

Франция қонунчилигига ворислик хуқуки ўзига хос хусусиятларга эга.

Васият бўйича ва қонун бўйича ворислик фарқланади. Васият бўйича ворисликда мерос васиятда кўрсатилган шахсларга ўтади. Васиятнома турли шаклларда тузилиши мумкин – мерос қолдирувчини ўз қўли билан ёзилган ёзма васиятнома, давлат мансабдор шахси (нотариус) хузурида

<sup>109</sup> Қаранг: Nicolas Bouche. Intellectual property law in France// Alphen aan den Rijn : Kluwer Law International, сор. 2011, 300 р.

(иштирокида) тантанали равишда эълон қилган васиятнома, гувоҳлар хузурида сақлаш учун қонун бўйича ворисликда меросхўрларнинг муайян навбати белгиланади (разрядлар, поротеллар), демак, мерос қолдирувчига яқинроқ бўлган ворислар навбати мавжуд бўлганда, қолган меросхўрлар меросга чақирилмайди<sup>110</sup>.

Францияда қонун (ФКнинг 968-моддаси) ҳам биргаликдаги ҳам ўзаролик васиятномаларни тўғридан-тўғри ман этади.

Қонунчилик васиятноманинг қуидаги асосий шаклларини назарда тутади.

Оммавий ҳужжат шаклидаги васиятнома – бу ерда қонунда белгиланган тартибда расмий мансабдор шахс (одатда нотариус) иштирокида васиятнома тузилади (Францияда васиятнома икки нотариус ёки икки гувоҳ иштирокида тузилади). Бу шаклнинг асосий устуворлиги шундаки, васиятноманинг ҳақиқийлиги кафолатланади ва васиятноманинг мазмуни васият қилувчининг иродасига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тузилади. Васиятноманинг сақланиши, қонунчиликда кўзда тутилганидек, нотариус ёки бошқа мансабдор шахсга расмий топшириш билан таъминланади.

Махфий васиятнома васият қилувчи томонидан тузилиб имзоланади ва елимланган хатжилдда одатда гувоҳлар иштирокида нотариусга топширилади. Бу шакл васиятнома махфийлигини сақлайди ва бу ҳақда Франция ва Германия қонунчиликларида тўғридан-тўғри айтилган (ФКнинг 969 ва 1007-моддалари) (ГФТ 2232-параграфи).

Ўзбекистон Республикасида бу шаклга ФКнинг 1125-моддасин 4 ва 5-қисмлари бағишланган.

Агар вафот этган шахс ўзининг мол-мулкига ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлар бўйича васиятнома тузмаган бўлса қонун бўйича ворислик амал қиласди. Бу ерда меросни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доирасини белгилаган ҳолда, қонун васият қолдирувчининг ҳозир бўлмаган иродасини қоплашга ҳаракат қиласди.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасига биринчи навбатда мерос қолдирувчининг энг яқин қариндошлари киритилади. Шу борада, таъкидлаб ўтиш жоизки, қонун бўйича меросхўрлар доираси ва уларнинг навбати турли хил мамлакатларда бир-бирига ўхшамайди.

Франция ҳуқуқи тизимида одат ҳуқуқи манбалар сифатида жуда кам аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тартибга солишда асосий таянч маркази қонун

<sup>110</sup> Қаранг: Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 р.

ҳисобланади. Моҳиятан олганда, одатлар амалдаги позитив ҳуқуқни тўлдирувчи иш муомаласи одатлари кўринишида намоён бўлади.

Маълумки, қитъа ҳуқуқ тизимида прецедент ҳуқуқи мавжуд эмас. Тўғри, баъзи мамлакатларда суд амалиёти ҳуқуқ манбай сифатида эътироф этилса ҳам, бу факат тор доирада, қонун билан тартибга солинмаган ёхуд тўлиқ тартибга солинмаган муносабатларга нисбатангина қўлланади.

Айни вақтда ҳуқуқдаги камчиликларни қонунчилик ёрдамида бартараф этишнинг аниқ йўллари мавжуд, бу эса камчиликларни амалиёт орқали бартараф этишга зарурат қолдирмайди.

Эгаси бўлмаган ашё мулқдори бўлмайди (*res nullius*) ёхуд ихтиёрий равишда ҳуқуқидан воз кечиб мулқдор мулкни эгасиз қолдиради (*res derelictace*). Франция суд амалиётига асосан хусусий шахслар фақат кўчар ашёларни олувчи субъект бўлиб ҳисобланиши мумкин<sup>111</sup>. Давлат нафақат кўчар, балки кўчмас ашёлар, хусусан, ерга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини олиши мумкин.

Франция ФКнинг З-моддасида “*capacite*” термини кўлланилади ва бунда муомала лаёқати ва ҳуқуқий лаёқат тушунилади. ФФКнинг 488-моддасида вояга етган фуқаро фуқаролик ҳаётининг барча хатти-ҳаракатларига лаёқатли бўлиши тўғрисидаги норма акс эттирилган. Суд амалиётида ва юридик адабиётларда муомала лаёқати (*capacite d.exercice*) ва ҳуқуқий лаёқат (*capacite de jouissance*) бир-биридан ажратилади<sup>112</sup>.

Қонунларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишга доир мажбурий талаблар белгиланади. Одатда улар суд ёки маъмурий органлар амалга оширадиган савдо реестрларида қайд этилади. Масалан, Францияда бундай реестрларни савдо судлари юритади.


Қитъа ҳуқуқ тизимида киравчи хорижий мамлакатлар ҳуқуқи ва амалиётини ўрганиш ва уни миллий қонунчиликка асосланиб таҳлил қилиш муҳим вазифа саналади. Зеро, фуқаролик ҳуқуқига доир асосий қоидалар ва кўплаб институтлар айнан қитъа ҳуқуқи тизимида киравчи мамлакатларда пайдо бўлган ва бир неча йиллардан мазкур мамлакатлар ҳуқуқида амал қиласи.

Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексини ишлаб чиқишида, энг аввало, фуқаролик қонунчилиги нинг таркиби тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бунда, асосан, Европа мамлакатларининг баъзи олимлари Ўзбекистонда ФКдан Савдо кодексини алоҳида ажратиб чиқаришни таклиф этдилар. Хусусий ҳуқуқ тизимини иккига ажратадиган дуалистик тизимда

<sup>111</sup> Қаранг: Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 p.

<sup>112</sup> Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p

фуқаролик ҳуқуқи ва савдо ҳуқуқи алоҳида-алоҳида ҳуқуқ сифатида мавжуд бўлади ва бу қатор ривожланган мамлакатларда амал қиласан, Франция Савдо кодекси (1807й.), Германия Савдо тузуклари (1896й.), АҚШ Намунавий Савдо кодекси (1958й.). Бироқ бу нуқтаи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини кодификациялаштириш жараёнида сезиларли таъсир кўрсата олмади ва рад этилди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Биринчидан, мамлакатимиз да маъмурий буйруқбозлик тизими оқибатларини бартараф этиш, бозор муносабатлари тизимига ўтиш босқичида бирданига фуқаролик қонунчилигини иккига бўлиш, уни қўллаш амалиётда жиддий қийинчиликлар, англашилмовчиликларни келтириб чиқариши, цивилист олимлар гурӯҳида ихтисослашув, бўлинишга олиб келиши ва бу эса фуқаролик ҳуқуқи фани ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Иккинчидан эса, ҳозир бутун дунёда фуқаролик ва савдо ҳуқуқи нормаларининг яқинлашуви, унификациялаш жараёни кетаётган бир вақтда мамлакатимизда фуқаролик ҳуқуқини иккига ажратиш дунё мамлакатларидаги фуқаролик қонунлари умумий ривожланиш йўналишига мос келмасди.



Францияда Интеллектуал мулк кодекси мавжуд бўлиб, унда муаллифлик ҳуқуки, субъектлари, турдош ҳуқуқлар, уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қоидаларни белгиланган.

Қитъа ҳуқуқ тизимида ҳам ягоалик, бир хиллик мавжуд эмас. Унда икки асосий йўналиш Германия ва Франция фуқаролик қонунчилиги фарқланади. Европа давлатлари ўз фуқаролик қонунчилигини шакллантирганда ушбу давлатлар қонунчилигидан ўрнак олганлар. Фуқаролик ҳуқуқининг роман гурухи асосида 1804 йилда қабул қилинган Франция фуқаролик кодекси (у Наполеон фуқаролик кодекси деган ном билан ҳам машҳур), герман гурухи асосида эса 1896 йилда қабул қилинган Германия фуқаролик тузуклари ётади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси VI та бўлимдан ташкил топган (Умумий қоидалар, Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, Мажбурият ҳуқуқи, Интеллектуал мулк ҳуқуқи, Ворислик ҳуқуқи, Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий нормаларига нисбатан татбиқ қилиш) бўлиб, фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари сифатида иштирокчиларнинг тенглигини эътироф етиш, мулкнинг дахлсизлиги, шартноманинг эринлиги, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўз бошимчалик билан аралашибга йўл қўйилмаслиги, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликларсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар тикланиши, уларнинг суд орқали ҳимоя этилишини таъминлаш, белгиланган ва амалда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинаётган барча қонун ҳужжатлари мазкур негизларга бўйсундирилган.

Шунингдек, “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусилаштириш тўғриси да”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солади.

## **Назорат саволлари**

1. Қитъа ҳуқуқ тизими ва англосаксон ҳуқуқ оиласи фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хослигидаги асосий жиҳатларни изоҳланг?
2. АҚШ фуқаролик ҳуқуқининг умумий тавсифини келтиринг?
3. Англияда мулк ҳуқуқининг ўзига хослиги нимада?
4. Франция интеллектуал мулк қонунчилигини тавсифланг?
5. Германия фуқаролик ҳуқуқида ашёвий ҳуқуқлар институти қандай ифодаланган?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

2. Bridge M. G. Personal Property Law. 3rd ed. London, 2002. P. 28 – 29
3. Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 346-347
4. Quitmann K. Eigentums - und Besitzschutz im deutschen und englischen Recht. Rechtsvergleichende Analyse des Spannungsverhältnisses zwischen Eigentum und Besitz. Berlin, 2011. – P. 63.
5. Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p
6. Joseph William Singer. Introduction to property. Aspen Publishers. — NY, 2005. -13-15,20-22 p.
7. Jon W. Bruce, James W. Ely, Jr. Cases and materials on modern property law. Thomson /West. St. Paul. — MN, 2007
8. Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754
9. Nicolas Bouche. Intellectual property law in France// Alphen aan den Rijn: Kluwer Law International, cop. 2011, 300 p.
10. Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 p.
11. Книпер Р. Назначение гражданского права: защита субъективных прав или инструмент товарооборота? // Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства: материалы международного научно-практической конференции. – Ташкент: 2005. – 102 с.
12. Тягай Е.Д. Модели права собственности в современном праве США // Вестник РУДН, серия Юридические науки. 2009. - № 4. – С. 41-42, 45
13. Шапп Я. Система германского гражданского права: Учебник / Пер. с нем. С. В. Королева. М.: Международные отношения, 2006. С. 76.

## **4-мавзу: Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари.**

Режа:

- 4.1. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг илмий назарий муаммолари.
- 4.2. Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари.
- 4.3. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва хуқуқий мақоми.
- 4.4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.
- 4.5. Тадбиркорлик фаолиятини шартномавий-хуқуқий тартибга солиш

**Таянч иборалар:** тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, якка тартибдаги тадбиркор, ширкатлар, хўжалик жамиятлари, масъулияти чеклаган жамият, акциядорлик жамият, ягона дарча, имтиёз, преференция, шартнома, хўжалик шартномалари, тадбиркорлик субъектларини солиқча тортиши.

### **4.1. Тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг илмий назарий муаммолари.**

Бугунги кунда мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгариши, бозор тизимиға асосланган инфратузилмаларнинг вужудга келиши ва фаолият юритиши, тадбиркорлик субъектлари хуқуқий мақомини белгилаб қўйилишида тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи фани ютуклари ўзига хос негиз бўлди, деб айтиш мумкин. Шу маънода олганда, бугунги кунда тадбиркорлик (бизнес) хуқуқи фани иқтисодий ислоҳотларни хуқуқий таъминлаш соҳасида муҳим ўрин эгаллади. Мамлакатимиз мутақилликка эришгандан буён амалга оширилган иқтисодиётни хуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар, диссертацияларнинг жуда катта қисми цивилист олимлар томонидан амалга оширилди. Бунга мулк хуқуқи, мажбурият хуқуқи, шартнома интизоми, юридик шахслар хуқуқий ҳолати, мулкий жавобгарлик бўйича амалга оширилган ўнлаб илмий тадқиқотларни мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Бу борада фуқаролик хуқуқи томонидан эришилган натижалар салмоқли эканлигини қайд этиш билан бирга, фуқаролик хуқуқий тадқиқотлар доираси чегаралангандигини қайд этиш лозим. Гап шундаки фуқаролик хуқуқи иштирокчиларнинг тенглиги, мулкий мустақиллиги ва эрк муҳториятига асосланган муносабатларни тартибга солади. Бироқ иқтисодий тизимда ушбу муносабатлар доирасига кирмайдиган, бироқ иқтисодиётнинг ривожланишида, бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқача муносабатлар гурухи ҳам мавжуд. Бундай муносабатлар гуруҳига тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда вужудга келадиган муносабатлар, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисобга қўйиш, лицензиялар бериш, турли имтиёз ва афзалликлар бериш, монополистик ҳаракатни

чеклаш, корпоратив бошқаришни ташкил этиш, солиқ, божхона ва бошқа муносабатлар киради. Албатта бу муносабатларни қисман маъмурий ҳуқуқ, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, молия ҳуқуқи ҳам ўрганиши мумкин. Бироқ мамлакатимиздаги ушбу соҳалар бўйича илмий тадқиқотлар иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ равишда ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи жуда улкан ишларни амалга ошириши мумкин.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилиши, унинг қонуниятларининг жамият ҳаётига кенг қўлланилиши республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига замин яратди. Бунда иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида тадбиркорлик (бизнес) (бундан буён матнда тадбиркорлик деб юритилади) фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари муҳим ўринга эга. Улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, бизнес юритиш асослари барча шахслар, жумладан хорижий бизнесменлар учун бир хил қилиб белгиланган.

*Масалан: Ҳиндистонда “МанСин” корпорациясини таъсис этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Деҳли шаҳрида жойлашган. “МанСин” корпорацияси комп’ютерлар ишлаб чиқарши билан шугулланади ва Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ҳудудларида фаолият юритади. Тошкентда бўлиб ўтган “ИКТЭКСПО – 2014”да ярмаркасида қатнашган “МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Синх Ўзбекистонда ҳам ИКТ соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларга ҳам эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлди ва ўз бизнесини Ўзбекистонда ҳам амалга оширишига қизиқиб қолди. Шу сабабдан “МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Синх корпорациянинг юридик департаменти бошлиги Ранжит Синхга Ўзбекистон Республикасида бизнесни амалга ошириши тўғрисида, умумий маълумот тайёрлаб беришини сўради.*

Ўзбекистонда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлигини кўрсатди. Бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик субъектларининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Жумладан:

Мамлакатимиз 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш

объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсади. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юкори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир. 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди.

Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуси 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидағи кўрсаткичлардан сезиларли даражада юкоридир

Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуси 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами ахолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. [*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузазаси*].

“Doing business 2016: measuring regulatory quality and efficiency. Annual report of World Bank group”

Жаҳон банкининг бутун дунёда бизнес юритишни тартибга солишининг сифати ва самарадорлигини баҳоловчи йиллик рейтинг ҳисботи ҳисобланади. 2016 йилда унинг ўн учинчи ҳисботи эълон қилинди. Ҳисботда 11 йўналиш бўйича тадбиркорликка оид давлатлар қонунчилиги баҳолаб борилади.

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган бундай ютуқлар жаҳоннинг устацил нифузли рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг “Doing Business” <sup>113</sup> (Бизнес юритиш) ҳисоботидаги рейтинги бўйича:					
T/P	Кўрсатгичлар	DB-2014	DB-2015	DB-2016	Ўзгариш 2015 йилга нийсбатан
1.	Корхонани рўйхатдан ўтказиш	65	64	42	+22
2.	Курилиш учун рухсатномалар олиш	149	149	151	-2
3.	Электр тармоқларига уланиш	145	108	112	-4
4.	Мулкка ҳукуқни рўйхатидан ўтказиш	143	113	87	+26
5.	Кредитлаш	154	105	42	+63
6.	Инвесторлар ҳимояси	100	87	88	-1
7.	Солиқ солиш	118	117	115	+2
8.	Халқаро савдо	189	158	159	-1
9.	Шартномалар ижросини таъминлаш	28	32	32	0
10.	Тўлов қобилияти	77	75	75	0
<b>Умумий рейтинг</b>		<b>141</b>	<b>103</b>	<b>87</b>	<b>+16</b>

Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган.

Юқорида келтирилган фикрлар ва маълумотлар мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасига, жумладан тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар, шарт-шароитлар, имтиёз ва қулийликлар, тадбиркорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизими яратилганлигини тасдиқлайди.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини тараққий этишининг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий

---

<sup>113</sup> Doing business 2016: measuring regulatory quality and efficiency. Annual report of World Bank group. 13th edition.

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Бозор ва тадбиркорлик ўзаро бир-бири-билинг боғлиқдир.

**Бозор** – бу муайян товар ёки хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини бир жойда бирлаштирадиган ҳар қандай институт ёки механизм.<sup>114</sup>

Бозор (инглизча – market, русча – рынок) – товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатлар тизимиdir. Демак, бозорда тадбиркорлик субъектлари ўртасида мустақил равишда қарорлар қабул қилишдаги эркин муносабатлар амалга оширилади. Бозор тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришлари учун кенг шарт-шароитлар яратиб, эркин рақобат муҳитининг, экспорт ва импорт имкониятларининг бозор қонуниятлари асосида амалга оширилишини таъминлайди.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан қарашиб керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билишиб керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳукуқка зид хатти-харакатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак”,<sup>115</sup>.

Хўш, “тадбиркор”, “тадбиркорлик” тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган. Унинг фикрича, **тадбиркор** – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

**Тадбиркорлик** (инглизча – enterprise, enterprising, русча предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолиятидир.

Соҳибқирон Амир Темур тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва тадбиркорларни улуғлаб, уларнинг нафақат ўзи балки жамият учун ҳам катта нафи тегишини, инсон доимо фаол бўлишини таъкидлаб, ўз тузукларида “Ишбилармон, мардлик ва шиҷоат соҳиби, азми қатъий,

<sup>114</sup>K. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992. p 138.

<sup>115</sup>(Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқтол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 28- бет.)

тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд қишилардан яхшидир”, деб кўрсатади.<sup>116</sup>

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир бирини тўлдиради.

“Бизнес” сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик соҳасида бизнес фойда берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар бизнесмен сифатида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига, аҳоли фаравонлигининг ошишига хизмат қиласи.

**Бизнесмен** (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънони билдиради.

Англияда бизнесни ташкил этишни қуйидаги шакллари бор:

The sole trader (ЯТТ)

The partnership (шерикчилик)

The company (компания)<sup>117</sup>

**Бизнес** (инглизча – business; русча – дело, антерпренерство – иш, машғулот) – таваккалчилик ва ўзининг жавобгарлиги остида хусусий ёки қарзга олинган воситалари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббускор иқтисодий фаолиятдир.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллабқувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишидир.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов қайд этганидек “Соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва хуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равища ёрдам кўрсатилаётганлигини таъкидлаш лозим”.<sup>118</sup>

Бозор муносабатларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар бир қатор қонунларида, жумладан, *Фуқаролик кодекси*, *Солик кодекси*, *Бојжона кодекси*, *Ер кодекси*, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи

<sup>116</sup>(Темур тузуклари. //Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Ахмедов таҳрири остида. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 15 бет.)

<sup>117</sup>Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.75.

<sup>118</sup> (Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” халкаро конференциядаги маъruzаси. //Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь).

(ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ушбу ҳуқуқий муносабатларни тадбиркорлик ҳуқуқи модул фани ўрганади, у бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнида муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган нормативхуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини тадбиркорлик ҳуқуқи фани ўрганади.

**Тадбиркорлик фаолияти** тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.<sup>119</sup>

*Мисол учун, фуқаро бир ўзи таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, болалар ички кийимлари ишлаб чиқарии мақсадида банкдан кредит олиб, чет элдан тикиши ускуналарини хорижий валютада харид қилди ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлиди.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқи** – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилиш чоратадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборатdir.

Демак, тадбиркорлик ҳуқуқи ўзига хос муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасими?

Унда, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби: биринчидан, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси; иккинчидан, қонунчилик тармоғи; учинчидан, фан соҳаси; тўртинчидан, ўкув предмети ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат.

*Мисол тариқасида, “Иқтисодий фаолият” термини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида, шунингдек. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида қўлланилган.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини** тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, субъектнинг ички тузилмалари ўртасидаги, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фарқланади.

<sup>119</sup>(Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида ( янги таҳрири) 2012 йил 02 май, 328-сон.

Аввало, **фуқаролик ҳуқуқи** фани мулкий муносабатларни ҳамда мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги вертикал ва горизонтал, бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик муносабатларини тартибга солса, **мехнат ҳуқуқи** эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ички тартиб қоидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солади.

**Маъмурий ҳуқуқнинг** предмети маъмуриятнинг буйруқ ҳамда ижро фаолияти билан, яъни ҳокимият ва итоат этиш, бир бирига бўйсиниши соҳасидаги фаолият билан боғлиқ муносабатдир. Бундай муносабат итоат этувчи қуи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари орқали таъсир этиш, бошқариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик муносабатларида эса маъмурий бўйсиниши фаолиятлари кам учрайди.

*Мисол учун, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлатнинг умумий раҳбарлиги, яъни давлат назорати, солиқлар билан таъсир этиши, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар.*

**Молия ҳуқуқининг** предметини молия бюджети кирим-чиқими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан боғлиқ муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбайнини тартибга солиш ва улардан қайта ишлаб чиқариш муомаласида фойдаланиш кабилар Тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этади.

Барча ҳуқуқ соҳалари каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган **асосий қоидалардир**. Ушбу тадбиркорлик ҳуқуқига оид асосий принциплар республикамиизда бозор муносабатларининг ривожланишида барча тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.

Тадбиркорлик (бизнес) қонунчилиги тизими ва уни кодификациялаштириш муаммолари.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности хужжатлари тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилади.

*Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши тартибини белгиловчи асосий қонун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи қонуности хужжатлари.*

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи –** бу тадбиркорлик субъектлари

ўртасида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий хужжатлардир.

### **Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди пленум қарорлари. Тадбиркорлик қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ва кодификациялаштириш масалалари ҳақида фикрлар.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тизимининг манбаи ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа қонуности хужжатлардир.

### **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бизнес фаолиятини олиб боришнинг кафолати сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан:

“Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмажил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуки устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлади”. (*Конституциянинг 53-моддаси*).

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкининг бошқа мулк шакллари билан бир қаторда давлат ҳимоясида бўлиши, мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ер, еrosti бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик бўлиши каби нормалар *Конституциянинг 53-55-моддаларида* белгиланган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турларидан бири қонунлардир.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муҳим аҳамиятга эга. У мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, мулк ижараси, лизинг, пудрат, қурилиш пудрати, ташиш, кредит, ҳисобкитоб ва шунга ўхшаш тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган шартномаларга оид қоидаларни ўзида бирлаштириб, бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига манба ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолият олиб боришига хизмат қилувчи ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган “Давлат тасарруфидан чиқарии ва хусусийлаштириши тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиши ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати “Масъулияти чекланган ҳамда қўшиимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оиласий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида ружсат берииш тартибқоидалари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиши чоралари тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Буюк Британияда тадбиркорлик фаолияти 2006 йилдаги “Компаниялар тўғрисида”ги қонун (Companies act), 1998 йилдаги “Рақобат тўғрисида”ги қонун (Competition act), 2000 йилдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонун (Insolvency act), 1990 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун (Environmental protection act), “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонун (Financial service act), “Мулкчилик тўғрисида”ги қонун (Law of property act) ва бошқа бир қанча қонунлар билан тартибга солинади<sup>120</sup>.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларидан бири **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари**дир. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-453 II-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги давлат бюджети, давлат мақсадли жамгармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишилари тўғрисида”ги қарорини келтириб ўтиш мумкин.

Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуқининг бозор муносабатлари ривожланишида **Ўзбекистон Республикасининг Президенти** томонидан қабул қилинган ҳуқуқий хужжатлар, яъни **фармонлар, қарорлар ва фармойишлар** муҳим аҳамиятга эга.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишибилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришига доир қўшиимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли фармони, 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада тақомиллаштириши чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сон қарорини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаларидан яна бири **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**, яъни 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки обьектларини хусусийлаштириши тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли, 2014 йил

<sup>120</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, .p.3-9

2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тұғрисида” ги қарорлари ҳисобланади.

Шунингдек, вазирликлар ва давлат құмиталари, агентликтарнинг ўз ваколатлари доирасыда белгиланган тартибда қабул қылған ҳуқуқий ҳужжатлари, яғни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат құмитасининг 2010 йил 23 июндеги 4-сон қарори билан тасдиқланган “Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тұғрисидаги Низом (2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125) ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи манбаси сифатида кўрилади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз худуди доирасыда кучда бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик қонунчилигига қўйидагича таъриф бериш мумкин.

**Тадбиркорлик қонунчилиги** – бу тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисидан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси **Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорлари** ўзига хос ўринга эга. Улар тадбиркорлик ҳуқуқи учун манба бўлмаса-да, қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларини ҳўжалик судлари томонидан тўғри қўллашда, ҳўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда судларга тушунтиришлар бериб, муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Мисол учун**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сон “Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” ги қарори судлар ва ушбу масала таалкуқли барча шахслар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Буюк Британияда тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда асосий ўринни суд прецедентлари эгаллайди.<sup>121</sup>

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ субъектлар ўртасида вужудга келадиган, яғни тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, уни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, уни бошқариш, фаолият олиб бориши, шартномалар тузиш, уларни ижро этиш, мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик каби муносабатларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиши зарурати вужудга келади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

“Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари)

<sup>121</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, .p.51-64

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир”. (*Конуннинг 4-моддаси*).

#### **4.2. Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари.**

##### **Тадбиркорлик субъектлари кимлардан иборат бўлиши мумкин?**

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиш учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. ФКнинг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгазилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши учун тегишли тартибда давлат рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олиниши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Англияда тадбиркорлик субъектлари фаолияти тижорат ва саноатни ўз ичига қамраб оловчи уч асосий турга бўлинади.

1. Якка тартибдаги тадбиркор.
2. Шерикчилик
3. Компания<sup>122</sup>

Юқоридагилар билан биргаликда тадбиркорлик (бизнес) хуқуқининг қўйидаги масалаларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Тадбиркорлик фаолиятини хуқуқий тартибга солувчи норматив массив илмий адабиётларда жуда кўплиги, бесунақайлиги ва ички зиддиятларга тўлибтошганлиги эътироф этилади. Шу муносабат билан ҳозирда тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик хужжатларини кодификациялаштириш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Бунга қўра, Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси илгари сурilmоқда. Ушбу кодекс қўйидаги қонунларни: “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавийхуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Банкротлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш тартибтаомиллар тўғрисида”ги Конунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 357-сонли ҳамда Вазирлар Мажкамасининг 357-сонли қарорларини тизимлашган ҳолда қамраб олиши керак. Агар бундай кодекс қабул қилинса, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш, амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича тўлиқ жавоб олади.

2. Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасидаги норматив базани инвентаризация қилиш лозим. Бунда тадбиркорлик соҳасига оид норматив

<sup>122</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, .p.75

хуқуқийхужжатларни қабул қилувчи органларнинг ваколатларини аниқлаштириш ҳамда идоравий меъёрий хужжатларни қабул қилиш тубдан қисқартириш чораларини белгилаш зарур.

3. Тадбиркорларнинг тегишли мурожаатлари, ўз фаолиятлари учун зарур бўладиган тегишли рухсатномалар ва ҳужжатлар олишда ваколатли давлат органлари ходимлари билан бевосита, юзма-юз мулоқотга киришишларини минималлаштириш ва шу орқали коррупцияни олдини олиш лозим. Бунда электрон коммуникация технология воситаларидан, электрон мурожаатлар ва электрон ҳужжат алмашинувидан фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

4. Патент асосида иш олиб борувчи якка тадбиркорлик фаолияти турларини янада кенгайтириш зарур. Бу ҳолат молия бухгалтерия ҳужжатларини юритиш ва турли ҳисоботларни топшириш, даврий солиқлар тўлаш мажбуриятидан озод қиласди.

5. Ўзбекистонда ҳам айrim ривожланган хорижий мамлакатларда (Россия Федерациясида)ги каби тадбиркорларнинг касб байрами кунини жорий этиш ва нишонлаш ҳамда буни кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. 9 йиллик умумий ўртатаълим мактабларида ўқитиладиган “Давлат ва хуқук” фани доирасида тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида соатлар ажратиш, коллежлар ва лицейлар ўқув режасига алоҳида “Тадбиркорлик ҳуқуқий асослари” ўқув курсини жорий этиш зарур.

7. Тадбиркорлик ҳақидаги билимларни, илфор тажрибани оммалаштириш мақсадида тадбиркорларга бағишлиланган алоҳида маҳсус радиоканал ва телеканалларни ташкил этиш лозим.

8. Тадбиркорларнинг касбий уюшмалари буйича нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини жорий этиш зарур.

9. Тадбиркорлик тушунчасининг қонунчилиқда берилган таърифини қайта ишлаб чиқиш, бунда тижорат субъектларида қарорлар қабул қилишга таъсир қўрсатувчи қимматбаҳо қоғозлар эгаларини тадбиркор сифатида баҳолаш ёки баҳолаш масаласи бўйича ёндашув ишлаб чиқиш. Бу борада манфаатлар қарамақаршилиги бўлмаган ҳолда давлат органлари мансабдор шахсларига ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва қимматбаҳо қоғозлар эгаси бўлишга рухсат бериш зарур.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий адабиётларни тизимли асосда тайёрлаш, нашр этишни қўллабқувватлаш давлат дастури тузилиши лозим. Бунда тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларга шарҳлар тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказиш зарур.

11. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган мақсадли давлат грантларини жорий этиш, унинг натижаларидан амалиётда кенг фойдаланишини йўлга қўйиш.

12. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараённада содир этган ҳуқуқбузарлик учун

оммавийхуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир ҳукуқбузарлик учун бир жавобгарлик чораси тамойилини қатъий равишда қўллаш ва буни Жиноят, Солик, Маъмурий жавобгарлик, Божхона кодексларида қатъий белгилаб қўйиш керак.

#### **4.3. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларининг ўзига хослиги ва ҳуқуқий мақоми.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тушунчаси ва мақомини аниқлаш учун авваламбор “ҳуқуқ субъекти” ва “фуқаролик ҳуқуқи субъекти” тушунчаларининг моҳиятини чуқур англаб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқ субъекти кенг ҳуқуқий категория ҳисобланиб, унинг таркибига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ўз субъектлари (давлат ҳуқуқида – сайловчилар ва сайланувчилар, меҳнат ҳуқуқида иш берувчи ва ходим, молия ҳуқуқида солик тўловчи ва солик органи ҳамда бошқалар) бўлганидек, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам ўз субъектлари бор.

**Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари** – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир.

Фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ягона “шахслар” деган умумий ном билан ифодаланади. “Шахслар” ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: **биринчиси**, фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар; **иккинчиси**, юридик шахслар бўлиб, улар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилотлар) ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (қўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин; **учинчиси**, давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий худудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин. [Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2 бўлим]

Жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланиши мумкин. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли

фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”* 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сонли янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Бироқ, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

**Масалан,** қўйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш хуқуқига эга бўлган ўринbosарлари;

давлат таъминот ва савдосотик корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари;

чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, савдо ташкилотларининг, трестларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари, бош мутахассислари, таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслари. *[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартағи “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланган мансабдор шахслар рўйхати тўғрисидағи” 103-сонли Қарори]*

Шахснинг фойда кўриш мақсадида, таваккал қилиб товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиш ихтисослашган фаолиятга айланган тақдирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фуқаро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (вақти-вақти билан) фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай амалга оширган тақдирда, масалан, ўзидағи ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бошқа ашёларни сотиши, ёки ишларни бажарив бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳақ олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайди, чунки бу каби муносабатлар

фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасалариға фоиз олиш мақсадида жамғарма қўйган фуқаролар, қимматли қоғозлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

*Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектига қуидагида тушунча бериши мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил давогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун судга мурожсаат қила оладиган (юридик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган давлат ва унинг ваколатли идоралари ҳисобланади.*

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, қуидагиларни **тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларининг гўзига хос белгилари** ҳисобланади:

- давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- муайян фаолият турлари билан шугулланишлари учун албатта рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлиги;
- ўз молмулкига эга бўлишлиги;
- тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишлиги;
- ўз мол-мулки доирасида мустақил жавобгарлиги;
- ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг **мулкчилик шаклига** (масалан, фуқароларнинг хусусий мулки, жамоа мулки ёки давлат мулкига асосланган), **ваколатларига** (яъни бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ёки бошқарувни амалга оширувчи субъектлар каби), **шахсларга** (жисмоний шахслар ва юридик шахслар) ҳамда **фаолият турига** (тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар) қараб белгиланади.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишидир.[Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"гиқонун (янгитахрир) 2012 йил 6-модда]**

Англияда ЯТТ ягона шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.<sup>123</sup>

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юридик шахслар: **тижоратчи ташкилот** (хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва **тижоратчи бўлмаган ташкилот** (жамоат бирлашмаси,

<sup>123</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.75

ижтимоий фонд ва мулқдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса) турларига бўлинади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни қўйидаги асосий мезонларга қараб таснифлаш мумкин:

- қўшган улушига қараб (маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамият);
- тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қараб (тўлиқ ва коммандит иштирокчилик);
- ўз меҳнати билан шахсан иштирок этишига кўра (ишлаб чиқариш кооперативи, дехқон хўжалиги);
- бошқарувда иштирок этишига кўра (хусусий корхона, фермер хўжаликлари).

Акциядорлик жамиятларининг фаолияти дастлаб 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган 223I-сонли қонуни билан тартибга солинган. 2014 йил 6 майда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги қонун(ЎРҚ 370-сонли) янги таҳрирда қабул қилинди. Унда акциядорлик жамияти тўғрисидаги умумий қоидалар, акциядорлик жамиятини ташкил этиш, устав фонди (устав капитали), жамиятнинг акциялари, корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари, жамиятнинг соғ активлари, акциялар ва қимматли қоғозларни тарқатиш ҳамда жойлаштириш, акциядорлар реестри ва акцияларни сақлаш, дивиденdlар, акциядорлик жамиятини бошқарувчи органлари, жамиятнинг йирик битимлар тузиши, уни қайта ташкил этиш ва тутгатиш, ҳисоб-китоб ва жамият фаолиятини назорат қилиш масалалари ҳукуқий тартибга солинди.

Ушбу қонуннинг 17-моддасига кўра акциядорлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиш учун унинг устав капитали рўйхатдан ўтаётган санадан Марказий банк курси бўйича 400 минг АҚШ долларига teng суммадан кам бўлмаслиги керак. Германияда акциядорлик жамиятнинг устав капитали 50 минг евродан кам бўлиши мумкин эмас.<sup>124</sup>

**Акциядорлик жамияти-** устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳукуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти. (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида”ги Қонун 2014 йил 6 май 370-сон).

**Ҳозирги кунда Республикаизда 680 дан ортиқ акциядорлик жамияти мавжуд.**

<sup>124</sup> Investing in Germany: legal and tax aspects. Beiten Burkhardt, Berlin. 2015, 25 page.

Хозирги даврда мамлакатимизда кенг тарқалган тадбиркорлик субъектларидан бири масъулияти чекланган жамият ташкилий ҳуқуқий шаклда юридик шахслардир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. (*Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси*).

**Масъулияти чекланган жамият** – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.

Англиядда масъулияти чекланган жамият LLP деб номланади, у ҳамма қарзлари учун ўзи жавобгар бўлади, унинг аъзоларида жамият мажбуриятлари учун шахсий жавобгарлик бўлмайди.<sup>125</sup>

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хосхусусияти унинг иштирокчиларини жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги уларнинг устав капиталига қўшган улушлари билан чекланмаганлигидадир, яъни жамиятининг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз молмулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

Хўжалик ширкатининг хўжалик жамиятларидан фарқи шундаки, ширкат шахсларнинг бирлашувини ҳамда уларни ширкат фаолиятида фаол иштирокини талаб қиласа, хўжалик жамиятларида маблағ (капитал) бирлаштирилади ва унда иштирокчиларнинг жамият фаолиятида шахсан иштироқи талаб қилинмайди. Германияда тўлиқ ширкат учун устав капитали талаб этилмайди, коммандит ширкати учун учун ҳар қандай суммада устав капитали шакллантирилиши мумкин.<sup>126</sup>

**Унитар корхона** ўзига бириктириб қўйилган молмулкка нисбатан мулқдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 70-модда*)

**Фермер хўжалиги** ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти ҳисобланади. [“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун 30 апрель 1998 йил 3-модда]

Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий ҳуқуқий шакли бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги N 558 II-сонли қонунига мувофиқ

<sup>125</sup> Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.77.

<sup>126</sup> Investing in Germany: legal and tax aspects. Beiten Burkhardt, Berlin. 2015, 25 page

мулқдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади.

#### **4.4. Тадбиркорлик (бизнес) фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби.**

Фуқаролик қонун хужжатларидан маълумки, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этишдаги якунловчи босқич бўлиб ҳисобланади, аммо, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим. Хўш, тадбиркорлик субъектини ташкил этиш нимадан бошланади?

Аввало, муассислар ўзларининг умумий йиғилишларига тўпланади ва шу йиғилишда улар ўзларининг мулкларини умумлаштиришбирлаштириш асосида якуний мақсадларига эришиш учун барча ҳаракатлар доирасини аниқлаб оладилар ҳамда таъсис хужжатларини ишлаб чиқиб, уни имзолайдилар ва қарор қабул қиласидилар. Шундай қилиб, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектини ташкил этиш деганда, ташкилот ва шартномавий бирлашмаларига ҳуқуқий мақом бериш учун юридик аҳамиятга эга бўлган барча тегишли хужжатларни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақоми белгиланиб, бу юридик факт ҳуқуқий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги хужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза тақдим этиб, унда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги асосий маълумотларни, чунончи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом (устав) жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом (устав) жамғармасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми, шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган 357-сон қарорига асосан “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириши тартиби тўғрисида Низом” билан тартибга солинади.*

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “**бир дарча**” принципи бўйича ва, қоида тарикасида, хабардор қилиш асосида, қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.[“*Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида*”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 13-моддаси]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиши тартибини жорий этиши тўғрисида”ги ПҚ-357-сон Қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарфхаражатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг **хабардор қилиши тартиби** ўрнатилди. Ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

Корхоналар ва ташкилотларнинг **Ягона давлат регистри** жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида **Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси** томонидан юритилади.

2011 йилгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бўлса, 2011 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиши ва давлат рўйхатидан ўтказиши тартибини янада таомиллаштириши чоратадбирлари тўғрисида” 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529 -сонқарори асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам **иши ҳақи миқдорининг бир баравари қилиб** белгиланди.


Англияда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишни назарда тутувчи нормалар 2006-йилдаги “Компаниялар акти”нинг 2-бўлимида ўз аксини топган. 2007 йилдан бошлаб рўйхатга оловчи орган интернет орқали рўйхатга олиш усулини таклиф қиласди. Ҳозирги вақтда, ҳар қандай шахс қонуний мақсадлар йўлида ҳар қандай тадбиркорлик субъектини ташкил қила олади.

### **Рўйхатга олиш учун хужжатлар**

- Ариза, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак
- Компания номи;
- Компания манзили ҳақида маълумот;
- Компаниянинг хусусий ёки оммавий эканлиги масаласи.<sup>127</sup>

---

<sup>127</sup>Keenan and Riches, Business Law, Eleventh edition, 2013, p.p.155-157.



**Қайта ташкил этиш** – илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демакдир.

**Қўшиб юбориш** ўз фаолиятини тутатган икки ёки ундан ортиқ корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ- 406-сон-Қарорига асосан “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш натижасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Шўртсан ГХК” шўйба корхонасига ўтиши.

Яъни бунда, ўз фаолиятини тутатаётган “А” МЧЖ ва “Б” МЧЖларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қўшиб юборилиш натижасида ташкил этилаётган янги корхона “С” Ажнинг вужудга келиши.

**Қўшиб олиш** бир ёки бир неча корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш.

Мисол учун “А” хусусий корхонаси ўз фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фаолият юритаётган “Б” МЧЖга берилиши.

**Бўлиш** юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади.

Мисол учун “А” Акциядорлик жамияти ўз фаолиятини тўхтатди ва бу АЖдан янги “Б” МЧЖ ҳамда “С” МЧЖлар ташкил топди.

**Ажратиб чиқариш** корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш, яъни бунда юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, аввалги юридик

шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

Мисол учун фаолият олиб бораётган “А” АЖдан янги “Б” МЧЖнинг ажралиб чикиши.

**Ўзгартириш** янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳукуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилийҳукуқий шаклини ўзгартириш, яни бунда бир ташкилийҳукуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгарида.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрда қабул қилинган “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги № ПФ-3366-сон Фармонига асосан Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Ўздонмаҳсулот” давлат акциядорлик корпорациясини “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси, “Доридармон” давлат акциядорлик уюшмасини “Дори-дармон” акциядорлик компаниялари сифатида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари юридик шахсларни тугатишнинг фуқароликҳукуқий тартибга солинишини тўлиқ мужассамлаштирган асосий ҳукуқий хужжат бўлса, шу сингари мустақилликка эришганимиздан буён қабул қилинган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга соловчи қонунларда эса юридик шахсни тугатишда мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ҳукуқ нормалари белгиланган.

Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида белгиланган тартибда хабардор этади.

#### **4.5. Тадбиркорлик фаолиятини шартномавий-ҳукуқий тартибга солиш**

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномалар тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларини чукур билиш талаб қилинади. Сабаби тадбиркор иш фаолиятини бошлаш, юритиш ва тўхтатиш жараёнида шартномалар тузишга ҳар доим эҳтиёж сезади. Шартномаларга бериладиган илмий назарий таърифлар, шарнома ҳақидаги қоидаларни белгилашда концептуал ғоя бўлиб хизмат қиласи. Шартномаларга таъриф беришда “тарафларнинг келишуви” деган ғоя етакчилик қиласи. Ушбу келишувда тарафларнинг зиммаларига олган мажбуриятлари шартномадан кутилаётган натижаларга эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: “Бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим”, – дея


таъкидлаган эди<sup>128</sup>. Шунинг учун, бозор муносабатлари шароитида эса шартномалар – фуқаролар, юридик шахслар ўртасидаги фуқаровий-хуқуқий ва иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий хуқуқий хужжат ҳисобланади, дейин мумкин.

Буюк британиялик олим Сер Фредерик Поллокнинг таъбирича, шартнома бу – қонун кучи билан таъминланадиган ваъда ёки ваъдалардир.<sup>129</sup> Бундай шундай гоя тушуниладики, шартномаларнинг тузилишишида тарафларнинг хоҳиш истаги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Бизга маълумки, шартномаларнинг турлари жуда кўп. Уларни фуқаролик хуқуқи, меҳнат хуқуқи ва бошқа фан –модуллари орқали ҳам танишгансиз. Бироқ, шундай шартномаларнинг бир кўриниши бўлган “тадбиркорлик шартномалари” ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадбиркорлик шартномалари ўзининг хуқуқий табиатига кўра, хўжалик шартноманинг алоҳида кўринишидир. Олдинги чоп этилган адабиётларда тадбиркорлик фаолиятидаги шартномалар хўжалик хуқуқи фанининг “хўжалик шартномалари” мавзуси доирасида ўрганилган.

Хозирги	иқтисодий	
муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб		
чиқаришда	фуқаролар	
ташаббускорликка	асосланган	
иштирокининг	ортиши	ва
мамлакатимизда	яратилаётган	ялпи
миллий махсулотларнинг катта улуши		
тадбиркорлик субъектлари иштирокида		
яратилаётганлиги	хўжалик	
шартномаларидан	“Тадбиркорлик	
	шартномалари”ни	
	ажратиб	ўрганишни
		тақозо этмоқда.



Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятларида турли хил шартномаларни тузадилар: таъсис шартномалари, меҳнат шартномалари, тадбиркорлик шартномалари ва ҳ.к. Тадбиркорлик шартномалари дейилганда, бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тадбиркорлик субъектлари (жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар) ва давлат органлари билан тузиладиган шартномалар тушунилади.

**Тадбиркорлик шартномаси** - тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг

<sup>128</sup> Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 90 –бет.

<sup>129</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -р 214

### **ҳақини тұлаш мажбуриятини оладиган келишув.**

Хўжалик шартномалари ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти учраши ва ундан фойда олиш мақсад қилиб қўйилмаслиги мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларда эса албатта фойда олиш мақсади билан бирга ўзига хос иштирокчи – тадбиркорлик субъекти иштирок этиши шарт.

Хўжалик шартномалари каби, тадбиркорлик шартномаси ҳам фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш бўйича умумий тамойилларга бўйсинади.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қўйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

- 1 • Тарафларнинг эркини эркин ифодаланиши
- 2 • Шартноманинг барча шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги
- 3 • Шартноманинг ҳақ эвазига тузулиши
- 4 • Шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги
- 5 • Шартнома ёзма тарзда тузилиши
- 6 • Шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати
- 7 • Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликнинг мавжудлиги

Англиялик олимлар Kenaan and Richенинг фикрича, шартноманинг хусусиятлари қўйидагилар:<sup>130</sup>

<sup>130</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 215

1. Келишув (тарафлар орасида)
2. Инобатга олиш (ўз мажбуриятларини)
3. Мақсад (хуқуқий оқибат)
4. Шакл (га амал қил)
5. Қобилят (шартнома тузга олиш)
6. Розилик (фикрлар тўқнашувида тенглик)
7. Қонунийлик (шартнома қонундан ташқарида бўла

Тадбиркорлик фаолияти шартномаси тўрт қисмдан ташкил топади:

- 1) кириш;
- 2) шартнома предмети, тарафларнинг хуқуқ ва мажбу-риятлари;
- 3) шартноманинг қўшимча шартлари;
- 4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномалари турли мезонларга қўйидаги турларга ажратилади.

#### *A. Шартнома мазмунига кўра:*

ш	→ ТОВАРЛАРНИ СОТИШ (РЕАЛИЗАЦИЯ)НИ НАЗАРДА
а	→ МУЛКНИ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ
р	→ ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ
т	→ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ
н	→ ЎЗГАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗАРДА
о	
м	
а	


**Хуқуқий табиатига қўра:** шартномалар консенсуал ва реал бўлиши мумкин.

1. Кўпгина шартномаларни тузиш учун тарафларнинг розилиги етарли, шунинг учун бундай шартномалар консенсуал шартномалар деб аталади.



2. Реал шартномаларни тузиш учун муайян ҳаракатлар, масалан, банк кафолати, кредит, мулк гарови, мулкдорнинг ёки таъсисчининг розилиги бўлиши лозим.

**В. Шартнома тадбиркорлик субъектининг молиявий имкониятига қўра:**



**Г. Тузилиш шаклига қўра:**



Тадбиркорлик шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта хужжатни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Тадбиркорлик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт.

Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Kenaan and Richenning фикрича, шартноманинг турлари 2 та<sup>131</sup>:

1. МАХСУС  
ШАРТНОМАЛАР  
(SPECIALITY  
CONTRACTS)  
Шарти: имзо,  
печать, гувоҳ,  
нотариус,  
регистрация.


2. ОДДИЙ  
ШАРТНОМАЛАР  
(SIMPLE  
CONTRACTS)  
Белгиси: оғзаки, ёзма,  
харакат.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим тадбирколик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ тадбиркорлик шартномалари (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара ва бошқ.) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик хўжалик шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик шартномаларининг субект (тараф)лари бўлади. Тадбиркорлик шартномасида давлат манфаатларини кўзлаб, давлат органлари ёки у ваколат берган бошқа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-1-сонли Конунига мувофик, хўжалик шартномалари қўйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

<sup>131</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 214



### **Тадбиркорлик шартномаси тарафининг ҳуқуқлари**

- ✓ - шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;
- ✓ - шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хulosаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;
- ✓ - давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;
- ✓ - бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишchanлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;
- ✓ - ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини кўллаш.

Тадбиркорлик шартномасининг тарафларни шартномавий муносабатга киришаётганда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

**Мисол учун** 2009 йил 22 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га қўра, саноат истеъмолчиларига электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

### **Тадбиркорлик шартномаси тарафининг мажбуриятлари**

- ✓ - шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;
- ✓ - қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;
- ✓ - тутилган шартномалар бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.


мажбурияти ҳам юкландади. Ёки Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра, тадбиркорлик субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақлидирлар.

Булардан ташқари, тарафлар шартномавий муносабатга киришишда ўз ҳуқук ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин. Мисол учун шартнома юзасидан тўловларни олдиндан тўлиқ тўлаш мажбурияти белгиланиши мумкин.

### 3.3. Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у оферта, акцепт, юридик экспертизадан ўтказиши ва шартномани имзолаш босқичларидан. Таклиф **оферта**, таклифни киритган шахс эса **оферент** деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши **акцепт**, таклифни қабул қилган шахс эса **акцептант** деб аталади.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар икки турга бўлинади. Булар:



#### Акцептлаши муддати кўрсатилган оферта

Одатда, офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати кўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичida ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда, агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб, бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади.

#### Акцептлаши муддати кўрсатилмаган оферта

Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар орали шартноманинг шартлари шакллантирилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулокот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дархол акцептланса, оферентни «боғлаб» кўяди. Ёзма берилган оферта эса, аввал

унинг матни билан танишиб чиқиши, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қиласди. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан «боғланган» бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни «боғлаб» турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиқкан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартномани тузиш учун берилган таклифда куйидагилар мавжуд бўлсагина **оферта** деб ҳисобланади:

1. Бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари;
2. Оферта юборилаётган шахс аниқ кўрсатилганлиги.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у оферта деб эмас, балки **офертага даъват** деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай даъватга турли жавоблар келиши мумкин. Балки улардан баъзиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага даъват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган акцепт деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий маънодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Шартномавий муносабатларга киришиш учун оферта ва акцептнинг мавжудлиги мажбурий шарт эмас. Уларсиз ҳам шартнома тузиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномаларини **хуқуқий (юридик) экспертиза**дан ўтказиш шартнома тарафларининг юридик хизмати ёхуд шартнома асосида жалб этилган адвокатлар, адвокатлик тузулмалари томонидан амалга оширилади.

Англия қонунчилигига кўра, қуйидаги ҳолларда оферта тугаган (ўз кучини йўқотган) бўлади<sup>132</sup>:

- 
1. Қабул қилинганда
  2. Рад рад қилинганда
  3. Қабулдан олдин қайтариб олиш
  4. Офертанинг вақтини тугаши (агар бўлса)
  5. Офертачининг ўлими
  6. Офертанинг шартларини бажара олмаслик

Тадбиркорлик шартномалари борасида юридик хизмат:

<sup>132</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 218

- тадбиркорлик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қиласди;
- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;
- шартномалари бажарилиш устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қиласди;
- тадбиркорлик субъекти раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган тадбиркорлик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳукуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;
- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳукуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътиrozини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;
- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Тадбиркорлик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни ҳукуқий эксперт имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Kenaan and Richenning фикрича, Англияда қўйидагиларга ҳам, ёзма расмий офертадан ташқари, оферта деб қаралади<sup>133</sup>:

1. Товарларни нархи билан магазин деразасига қўйиш
2. Брошурा, каталог, реклама
3. Компаниянинг ютуқларини қўрсатувчи таништирув китобчаси
4. Ким ошди савдоси
5. Тендер

**Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги тадбиркорлик шартномалари тадбиркорлик субъектлари юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.**

Хулосада қўйидагилар қўрсатилади:

❖ тадбиркорлик шартномасида қўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

<sup>133</sup> Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 216

- ❖ тадбиркорлик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;
- ❖ тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

### **Назорат саволлари**

1. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни илгари сулинг.
2. Тадбиркорлик ташкилий-хуқуқий шаклларининг бир-биридан фарқи, афзаликлари ва камчиликларини қиёсий жадвалда акс эттринг.
3. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларни туркумлаштириб, каталог тузинг.
4. Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlарни ҳимоя қилиш мавзусида казуслар тузинг

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 28- бет.)
2. (Темур тузуклари. //Форсчадан А.Соғуний ва X.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 15 бет.)
3. K. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992
4. Ибраторов Б.И. Тадбиркорлик хуқуқи. -Тошкент: Молия, 2001.-218 б.
5. Тадбиркорлик хуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
6. Хўжалик (тадбиркорлик) хуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида -Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
7. Хозяйственное предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.
8. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 760 p

## **5-мавзу: Корпоратив бошқарув ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.**

Режа:

- 1.1 Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув, унинг аҳамияти ва моделлари.
- 1.2 Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. Корпоратив бошқарув кодекси.
- 1.3 Корхона ва ташкилотларда корпоратив бошқарув органлари.

**Таянч иборалар:** Корпоратив бошқарув тушунчаси, моделлари, корпоратив бошқарув кодекси, акциядор, имтиёзли акция, оддий акция, олтин акция, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи, директор, дирекция, тафтиш комиссияси, ички ва ташқи аудитор, миноритар акциядорлар қўмитаси, корпоратив низолар.


### **5.1. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув, унинг аҳамияти ва моделлари.**

Маълумки сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда ва уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Шу сабабдан, Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бориши мөрбоби. Мамлакатимизда корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Пировардида, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек “...мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида айни пайтда республикамизда 1 минг 100 дан ортиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий устав капитали 11 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, сўнгги ўн йилда 5,3 баробар ўсди.”<sup>134</sup>

Шу билан биргалиқда юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек корпоратив бошқарув тизимидағи принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қиласи. Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардаги ана шундай корхоналар билан таққослаб кўриш зарур. Чунки, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда, айниқса, саноат соҳасида мулкчиликнинг бундай шакли муҳим ўрин тутади. Бугун шуни тан олиш зарурки, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш

<sup>134</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устивор вазифамиздир. /Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь 11 (6194-сон).

кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятидан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда. Бу акциялар пакетларига давлат эгалик қилаётган акциядорлик жамиятларига тааллуқлидир. Бундай жамиятларда акциядорлар, айниқса, миноритарийлар кам ҳажмдаги акцияларга эгалиги ва акциялар пакетларининг тарқоқлиги туфайли бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнидан амалда четда қолмоқда.<sup>135</sup> Корпоратив бошқарувнинг принциплари:



Шу сабабдан ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишда, яъни корпорациялар фаолиятини такомиллаштириш, уларда корпоратив бошқарувнинг замонавий ҳалқаро стандартларини жорий этиш мақсадида бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юртимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларидағи корпоратив бошқарувнинг ролини оширишга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Булар жумласига, 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири), Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сон, 2015 йил 21 июлдаги “Корпоратив бошқарув соҳасида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 201-сон, 2015 йил 27 октябрдаги “Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 305-сон қарорлари, Президентимизнинг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2414-сон қарори ҳамда 2015

<sup>135</sup> Ўша манба. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь 11 (6194-сон).

йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4720 сон ва 2015 йил 15 майда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4725 сонли Фармонлари шулар жумласидандир.

Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармонида кўрсатилган талаблар, ушбу фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатиб ўтилган Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурида ҳам бевосита корпорациялар фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда унификациялашга ва бу билан уларнинг самарали тарзда мақсадида йўналтирилган кўпгина тадбирлар таъкидлаб ўтилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан 2015 йил 31 декабрда мамлакатимизда Корпоратив бошқарув кодексини қабул қилинди ва унда акциядорлик жамиятлар фаолиятининг ошкоралиги, шаффофлигини, халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисботларни чоп этишлари кўрсатиб ўтилганлиги таҳсинга сазовордир. Бундан ташқари 2015 йил 4-чорагида Қимматли қоғозлар Маркази веб-сайти базасида ташкил этиладиган корпоратив маълумот Ягона порталини тузиш ҳам акциядорлик жамиятлар фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг етарли даражада акциядорлар ва бошқаларга етказилиши, ҳамда ахборотни ошкор этиш тамойилига риоя қилиниши йўлида қўйилган бир қадам бўлди.

*Аввало, шуни айтиши жоизки, “Корпоратив бошқарув” иборасининг туб маъноси “гуруҳ аъзолари ўртасидаги интерактив мулокот” деган тушунчани беради. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш учун барча иштирокчи ўртасида фаол мулокотни йўлга қўйиши, миноритар акциядорлар салмогини ошириши орқали мулкни ижтимоийлаштириши, яъни корхона бошқарувига унинг фаолиятидан у ёки бу даражада манфаатдор бўлган ҳар бир шахсни жалб этиши, деганидир.*

Умуман корпоратив бошқарув турли манбаларда турлича талқин қилинсада, умумий қилиб оладиган бўлсак, унга қуйидагича таъриф бериб ўтсак бўлади. Яъни, **корпоратив бошқарув** бошқарув органлари ҳамда корпорациянинг мансабдор шахслари, унинг қимматли қоғозлари эгалари (акциядорлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эгалари),

шунингдек корпорацияни бирор-бир даражада бошқаришга жалб қилинган бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатлар тизимиридан<sup>136</sup>.

Корпоратив бошқарувни унинг хусусиятлари бошқарув объекти сифатида корпорациянинг ўзига хосликлари билан изоҳланадиган алоҳида бир турга ажратиб, акциядорлар манфаатларининг устуворлиги ҳамда уларнинг корпорацияни ривожлантириш ва бошқаришдаги ролига асосланган, акциядорларнинг ўзаро алоқа қилишини қўзда тутадиган (корпоратив коммуникациялар) мулк ҳуқуқининг амалга оширилишини ҳисобга оладиган, бутун корпорацияни ривожлантириш стратегиясига асосланган ва ниҳоят, корпоратив маданиятни, яъни хулқ-автор тамойиллари, умумий анъаналар комплексини вужудга келтирадиган бошқарув сифатида тавсифлаш мумкин.

**Хозирги даврда корпоратив бошқарувнинг Германия (континентал) модели, Англо-американ модели, Япония (тармоқ) моделлари мавжуд. Ушбу корпоратив бошқарувнинг континентал (Германия) моделида бўлгани каби ишчи-хизматчилар ҳамда тармоқ (Япония, Жанубий Корея) моделидаги каби жамиятнинг манфаатдор томонлари (stakeholders) вакилларини кузатув кенгаши таркибиға сайлаш масаласига қараб бўлинган.**<sup>137</sup>

Корпоратив бошқарувнинг оддий моҳияти уни бошқарув ва эгаликка бўлишга асосланади. Юридик шахсларнинг классик шаклида уларни бошқариш ўша шахс ёки шахслар томонидан амалга оширилган, яъни улар бир вақтнинг ўзида юридик шахснинг эгаси ва бошқарувчиси бўлишган. Бунга мисол қилиб хўжалик ширкатларини келтириш мумкин. Лекин юридик шахсларнинг бу тури, улар сонининг кўп бўлишига қарамасдан, дунё иқтисодиётida устун мавқени эгалламайди. Хозирги кунда кўпгина иқтисодий ҳаракатлар йирик мол-мулкка эга бўлган корпорациялар томонидан амалга оширилади. Бошқа томондан инсоният тараққиётининг тез суръатлар билан ривожланиши сезиларли даражада молиявий ресурсларни жалб қилишни назарда тутувчи, йирик қўлламдаги тадбиркорликни юритишни талаб этди, бу эса ўз навбатида ихтисослаштирилган бошқарувни ўрганишни талаб этадиган тадбиркорлик тузилишининг мураккаблашувига олиб келди.

Юридик шахснинг классик шаклидан фарқли равишда корпорациянинг эгалари ва бошқарувчилари мутлақо бир хил эмас. Бу ҳолатда инкорпорация жараёнини икки жиҳат орқали тушунтириш мумкин. Биринчидан, корпорация ўзининг инвесторларидан ажратилган ва инвестиция қилиш жараёнида мулк эгалари акция сотиб олиш орқали ўзларининг мол-мулкларини (кўпинча пул шаклида) киритиш йўли билан корпорациянинг акциядорларига айланади ва шундай қилиб, корпорация акциядорлар мулкининг мулкдори бўлиб қолади. Иккинчидан, бу мулк ҳуқуқининг

<sup>136</sup> John E.Adamson, Basic Law and the Legal Environment of Business, 9<sup>th</sup> edition, 1995. Part VI – 27 – when should you form a corporation, and how do you do so? 364 page.

<sup>137</sup> <http://uk.practicallaw.com/5-501-0628>

бўлинишидир. Классик маънода мулк ҳуқуқи бу эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларидан иборат бўлган мутлақ ҳуқуқдир. Бу ҳар бир мулқдор ушбу учала ҳуқуқнинг ҳар бирига эга бўлишини билдиради. Ҳуқуқларнинг айнан шундай бирлашиши хўжалик ширкатларида мавжуд бўлади. Лекин корпорация учун мутлақ ҳуқуқ концепциясини қўллаб бўлмайди. Гарчи акциядорлар мулк эгалари бўлсаларда, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи акциядорлик жамиятига тегишли бўлади. Шундай қилиб, корпорацияларда мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари мулк эгалари сифатида акциядорлар томонидан ҳам ушбу мулкни бошқарувчилар сифатида бошқарувчилар томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамияти органларининг бўлиниши корпорацияларни бошқаришнинг немис моделига асосланган. Бундай бўлиниш Германияда XIX асрнинг 70 йилларидан бери амал қиласди. У ерда акциядорлар йигилиши (Hauptversammlung), кузатув кенгаши (Aufsichtsrat) ва ижро органи (Vorstand) корпорация органлари бўлиб ҳисобланади. Бунда кузатув кенгаши ва ижро органи корпорациянинг доимий фаолият юритувчи органи бўлиб ҳисобланади. Директорлар кенгашининг асосий вазифаси биринчидан, корпорация бошқарувчиларини тайинлаш; иккинчидан, барча жорий тадбиркорлик операцияларини назорат қилиш, барча жорий тадбиркорлик операцияларини назорат қилиш, акциядорларнинг умумий йигилиши бу масалани фақат директорлар кенгашининг таклифига биноан ҳал этади. Лекин "назорат" термини бу ерда тўлиқ ҳажмда, бошқарувнинг ҳар кунлик фаолиятига бевосита аралашиш сифатида тушунилмаслиги лозим. Фақатгина баъзи турдаги шартномалар олдиндан директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши мумкин.

Корпорацияларни бошқаришнинг ушбу моделини яратишда акциядорлар томонидан корпорацияга ҳақиқий эгалик қилиш тамоилии асос бўлди, чунки, корпорацияларга "ички" ёки "моддий" тарзда уларнинг эгаси ҳисобланган акциядорлар ўртасидаги ўзига хос шартнома сифатида қаралди. Корпорацияларга айнан мана шу нуқтаи назардан қараш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодида юз бераётган қатор жараёнлар корпоратив бошқарувнинг янги стандартларини киритишнинг долзарблигини белгилаб беради. Улар қуйидагилардан иборат:

янги инвестиция манбаларини талаб қилувчи жадал иқтисодий ўсиш;

бошқарувнинг марказлашмаган шаклини киритишга қаратилган ислохотлар ва улар натижаси ўлароқ, иқтисодни бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати;

амалга оширилган хусусийлаштириш ва бунинг натижасида шаклланган корхона, компаниялар устидан назоратнинг мувофиқ шаклига ўтиш;

компанияларнинг кўпчилигини модернизация қилиш ва бунда фирибгарлик ва суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ошкора бошқарув тизимиға ўтиш зарурати.

Ривожланган давлатларнинг корпоратив бошқарув тизимида самарали механизмни шакллантиришнинг асосларидан бири сифатида миллий корпоратив бошқарув кодекслари хизмат қилади.<sup>138</sup>

2012 йил ҳолатига кўра дунёда ўз корпоратив бошқарув кодексига эга бўлган давлатларнинг сони 90 тага ортган. Европа Корпоратив бошқарув институтининг маълумотларига кўра, бундай давлатларнинг айримларида бир неча кодекслар мавжуд.

## **5.2. Корпоратив бошқарувни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.**

### **Корпоратив бошқарув кодекси.**

Юқорида таъкидланганидек корпоратив бошқарув, корпоратив муносабатлар бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда ва ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармонида кўрсатилган талаблар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 марта ГПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан 2015 йил 31 декабрда мамлакатимизда Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинди ва унда акциядорлик жамиятлар фаолиятининг ошкоралиги, шаффофлигини, халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисоботларни чоп этишлари кўрсатиб ўтилганлиги таҳсинга сазовордир.

Корпоратив бошқарув кодекслари нисбатан янги феноменdir. Корпоратив бошқарув кодексларига бериладиган энг оддий таъриф қўйидагича: фирма ёки компаниянинг директорлар кенгаши хулқ-атвори ва тузилишига нисбатан энг яхши тажрибалар йиғиндисидан иборат тавсиялар.

Корпоратив бошқарув кодекслари қаерда ва нима сабабдан пайдо бўлди, деган савол туғилади. Америкалик олимлар Агуилера ва Суерво Сазурранинг таъкидлашларича, дастлаб кодекслар 1989 йил Гонгконгда ва 1991 йил Ирландияда яратилди. Аммо, энг кенг тан олинган миллий кодекс Бирлашган Қиролликда 1992 йилда Адриан Кедбари бошчилигига ишлаб чиқилди. У «Корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари» ёки «Кедбари кодекси» деб ном олди. Кодекс Буюк Британиянинг Молиявий ҳисобот қўмитаси томонидан бир неча марта қайта кўриб чиқилгандан сўнг, «Буюк Британия Корпоратив бошқарув кодекси» номи билан амал қилмоқда.

Дастлабки кенг доирадаги халқаро кодекс Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ОЭСД) томонидан 1999 йилда ишлаб чиқилган. Бугунги кунга келиб дунёning 90 га яқин бозорларида корпоратив бошқарув кодексларини учратиш мумкин.

«Кедбери кодекси» ва бошқа шунга ўхшаган корпоратив бошқарув кодекслари 1990 йиллар бошларида кетма-кет юз берган бир неча компанияларнинг инқирозга учраши натижасида, кейинчалик шундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кодекс яратувчилари бошқарув тажрибасини яхшилаш, инвесторлар ва халқнинг бизнесга бўлган ишончини оширишни мақсад қилиб қўйганлар. Корпоратив бошқарув кодексларининг ишлаб чиқилишига ҳар хил давлатдаги сабаблар бир-биридан фарқ қилсада, умумий жиҳатлар ҳам мавжуд эди. Масалан, одатда, бу жараён мавжуд корпоратив бошқарув режимига бўлган ишончсизликдан бошланган. Шунингдек, манфаатлар билан боғлиқ низолар тез-тез учраб турган.

Кодекс яратувчилари унинг ҳамма учун бир хил ва ўзгармас бўлишини мақсад қилиб қўймаганлар, балки компаниялар учун асосий принципларни белгилаб берган ҳолда, улардан қоидаларга амал қилишни, амал қилинмаган тақдирда эса унинг сабабини тушунтириб беришни талаб қилишни назарда тутганлар. Улар, одатда, Конун билан тартибга солинадиган Қатъий қоидалардан кўра, «бажар ёки тушунтир» («comply or explain») режимига асосланган «юмшоқ стандартлар» («soft standards») сифатида таърифланади.

Энг дастлабки кодекслар фақат корпорациялар учун мўлжалланган эди. Яқин йилларда институцион инвесторлар, воситачилар каби бозорнинг бошқа иштирокчилари учун ҳам кодекслар шакллана бошланди. Инвесторлар учун яратилган кодекслар бошқарув ёки назорат кодекслари («The stewardship codes») деб номланади.

Шу пайтгacha яратилган, энг кўзга кўринарли кодекслар корпоратив бошқарувдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан ёзилган. Масалан, Буюк Британиянинг Кедбери қўмитаси бозорнинг машхур шахслари, компаниялар, инвесторлар, бухгалтерлик фирмалари, банклар, фонд биржалари вакиллари, академиклардан ташкил топган эди.

Корпоратив бошқарув кодекслари давлат органлари томонидан ҳам ишлаб чиқилиши мумкин ва бу анча кенг тарқалган тажриба ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқининг Германия, Нидерландия каби давлатларида ҳукумат томонидан тузилган корпоратив бошқарув кодексларини ёзиш ва қайта кўриб чиқиш учун масъул бўлган комиссиялар мавжуд.

Корпоратив бошқарув кодекслари даврий равища ўзгариб, янгиланиб боради. Бундай ўзgartiriшлар муаллифлар ёки кодексдан фойдаланувчилар томонидан киритилиши мумкин.

Айрим давлатларда инвесторлар учун мўлжалланган кодекслар ҳам ишлаб чиқилган. Бундай кодексларнинг энг ёрқин мисоли сифатида Буюк Британия бошқарув кодексини кўрсатиш мумкин. Бу кодекс инвесторлар амал қилиши керак бўлган еттига асосий тамойилга асосланган:

ўз мажбуриятларини қандай амалга ошириш ҳақидаги сиёсатни ошкор қилиш;

бундай муносабатлар билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича самарали сиёсатга эга бўлиш ва бу сиёсатнинг ошкоралиги;

ўзлари инвестиция киритган компаниялар устидан назорат қилиш;

зарур бўлган ҳолларда бошқа инвесторлар билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр бўлиш;

акцияларнинг баҳосини ошириш ва ҳимоя қилиш услуги сифатида ўз фаолиятини қачон ва қандай шаклда кучайтириш бўйича аниқ кўрсатмалар ўрнатиш;

овоз бериш ва овоз беришнинг ошкоралиги бўйича аниқ сиёсатга эга бўлиш;

ўзларининг бошқаруви ва овоз бериш ҳаракатлари тўғрисида даврий равищда ҳисобот бериш.<sup>139</sup>

Ууман олганда, корпоратив бошқарув кодексларининг мавжудлиги ҳар бир давлатнинг корпоратив бошқарув тизимининг ишончлилигига хизмат қиласди. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, корпоратив бошқарув кодекслари қуидаги талабларга жавоб берганда улар анча самаралироқ ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2015 йил 31 декабрда қабул қилинган Корпоратив бошқарув кодексини янада такомиллаштиришда шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш тавсия қилинади:

биринчидан, корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш учун бу соҳада фаолият юритувчи компаниялар, давлат органлари, инвесторлар, фонд биржалари вакиллари, мутахассислар, юристлардан иборат қўмита ёки комиссия ташкил қилиниши, мазкур қўмита ёки комиссия доимий фаолият юритувчи бўлиб, кодексга мунтазам тегишли ўзгартишлар киритиб бориш лозим;

иккинчидан, корпоратив бошқарув кодекслари ўз табиатига кўра асосан тавсиявий ҳарактердадир. Бироқ, у «бажар ёки тушунтири» моделидаги амалга ошириш механизмига ҳам эга бўлиши керак. Яъни, компаниялар ҳисботида қанчалик корпоратив бошқарув кодексига амал қилинаётгани, бажарилмаган бандлар бўйича сабаблар асослаб берилиши керак.

Корпоратив бошқарув кодексларининг самарали ишлашини таъминловчи яна бир восита оммавий ахборот воситалари орқали компаниялар фаолиятига бўлган жамоатчилик қизиқишини оширишdir.

Чунки, корпоратив бошқарув кодексларига амал қилмаслик ҳолатлари юзасидан оммага изоҳ беришга тўғри келса, бундай ҳолатларнинг олди олинади.

Мамлакат иқтисодиётининг таянч тармоқларида фаолият юритувчи тузилмалар ўз фаолиятини акциядорлик жамиятлари шаклида амалга

<sup>139</sup> Ballantine & Sterling, California Corporation Laws (2014) Publisher: Lexis Nexis Electronic Publications.

оширап экан, улар фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув услубларини ташкил этиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ҳамда инвесторлар учун уларнинг очиқлигини ва жозибадорлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Чунки тўғри ҳамда самарали ташкил этилган корпоратив бошқарув тегишли тузилмаларнинг юқори иқтисодий кўрсатикичларга эришишида, инвестицион салоҳиятнинг ошишига хизмат қиласи. Шу билан биргаликда, республикамиизда шаклланган мулкдорлар синфининг ўз маблағлари ҳамда мол-мулкини фаол молиявий жараёнларга жалб этиш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш тенденцияси амал қилаётган бир даврда мазкур шахсларнинг ҳуқуқларни таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ҳодимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, корпоратив бошқарув иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни хал қилишда ҳуқуқий воситалар тизимини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда корпоратив бошқарувни ривожлантириш ўз ўзидан хусусий мулкчиликни ривожлантиришга, акциядорлик жамиятларига инвестициялар киритилишининг рағбатлантирилишига, корпоратив бошқарув иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, акциядорлар, айниқса, миноритар акциядорларнинг корпорацияларни стратегик бошқаришда бевосита ҳамда билвосита қатнашишлари ҳамда вужудга келадиган корпоратив низоларни хал қилиш механизмини яратишга катта таъсир кўрсатиш билан бирга ривожланган хориж тажрибаси асосида корпоратив бошқарув қонунчилигини такомиллаштириш имконини беради.

### **5.3 Корхона ва ташкилотларда корпоратив бошқарув органлари**

Миллий ва ривожланган давлатлар қонунчилигига асосан корпоратив ҳуқуқ субъектларида бошқарув органлари умумий йиғилиш, кузатув кенгаси ва ижро органларидан иборат бўлади.

## Умумий йиғилиш

Кузатув кенгаши

Ижро органи

Миноритар акциядорлар  
қўмитаси



### *Акциядорларнинг умумий йиғилиши*

Умуман олганда акциядорларнинг умумий йиғилиши барча турдаги корпорацияларнинг олий бошқарув органи бўлиб ҳисобланади. Бу қўйидаги икки сабаб орқали юзага келган:

- биринчидан, бу акциядорлик жамияти эгалари ёки акциядорлар иштирок этадиган орган;
- иккинчидан, бу акциядорлар бевосита корпорацияни бошқариши ва ўзларининг манфаатларини амалга ошириши мумкин бўлган орган.

Фақат умумий мажлисигина жамиятни бошқариш тартибини белгилайди, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, корпорациянинг мол-мулки ва умуман жамиятнинг тақдирини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, акциядорларнинг умумий йиғилиши бу – акциядорлик жамиятини бошқаришнинг анъанавий, тарихий, текширилган олий органидир. Бундай бошқарув органининг мавжудлиги акциядорлик капиталининг моҳияти ва жамият ишларини бошқаришда умумий мажлис орқали иштирок этувчи шахс сифатида акциядорларнинг мақоми билан белгиланган. Бунда акциядор учун муҳими акциядорлик жамиятининг муҳим масалалари, масалан, жамиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, шунингдек вакиллик органини (кузатув кенгаши ёки директорлар кенгашини) танлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ҳисобланади.

Умумий мажлис қонун билан белгиланган мутлақ ваколатга эга бўлади. Унинг мутлақлиги шунда кўринадики, умумий мажлис ўзининг мутлақ ваколатлари доирасига кирган масалаларни бошқа бошқарув органдарига бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунинг устига мутлақ ваколатлар таркибига жамиятнинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ масалалар киритилган. Буларга: жамиятни тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш; жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш; эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; жамиятнинг устав фондини кўпайтириш; жамиятнинг

устав фондини камайтириш; ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш; жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш; жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, баланслари, даромад ва ҳаражат ҳисобкитобларини тасдиқлаш; йирик битимлар тузиш ва бошқалар.

Лекин агар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, умумий мажлиснинг мутлақ ваколатлари доирасига киравчи баъзи масалалар кузатув кенгашига берилиши мумкин. Қонун қўйидаги масалаларни ҳал этишини кузатув кенгаши ихтиёрига берилиши мумкин:

1) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акция чиқариш орқали жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги;

2) жамият уставига унинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги;

3) жамиятнинг ижро органини ташкил этиш ва унинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиши.

Қонунда умумий мажлисларнинг икки тури мустахкамланган: йиллик (ҳисобот) ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорлар ва кузатув кенгаши ўртасидаги барча ўзаро муносабатлардан келиб чиқсан ҳолда бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмасада, бу фикр акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишининг моҳиятини аниқ очиб беради. Шунинг учун акциядорларнинг йиллик йиғилиши бежиз ҳисобот йиғилиши деб аталмайди. Шундай қилиб акциядорларнинг йиллик (ҳисобот) йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисботи, бухгалтерлик баланси, даромад ва ҳаражатлар ҳисоб-китоби, даромад ва зарарларнинг тақсимланиши, жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш масалалари мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак. Йиллик мажлисда киритилган баъзи масалалар, масалан, жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш ва аудиторини тасдиқлаш масаласи навбатдан ташқари мажлисларда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Гарчи жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик йиғилишини ўтказишга мажбур бўлсада, қонунда йиллик мажлисни ўтказиши муддатларини бузганлик ёки бир неча йил уни ўтказмаганлик учун жамият ёки унинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласи белгиланмаган. Бундай жавобгарликни ўрнатиш балки мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки, бундай мажлисларни ўтказиш ва уларда иштирок этиш акциядорларнинг ўзининг мулкий манфаатларига жавоб беради. Акциядорларнинг мунтазам мажлисларини ўтказмаслик ҳодисаси XX асрнинг ўрталарига қадар АҚШ, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилган. Ўша вақтда акциядорларда уларга қонун билан берилган умумий мажлисда иштирок этиш орқали жамиятни бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш истаги бўлмаган деб қараларди ва бу ўша даврнинг кўпгина ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларининг илмий ишларида ўз аксини топган эди. Йирик

компанияларнинг акциялари шу даражада майдаланиб сотилган эдики, кўпгина акциядорлар ушбу жамиятнинг сиёсатини ўзгартириш учун беҳуда вақт, ресурс ва куч сарфларди, чунки сиёсатни ўзгартиришга йўналтирилган уларнинг воситалари уларнинг унча катта бўлмаган қўйилмаларининг даромадларинидан ошиб кетиши мумкин эди деган нуқтаи назар билан ёндашилар эди. Ҳозирги кунчага кенг фойдаланилиб келаётган "акциядорларнинг фаоллиги" (shareholder activism). тушунчаси шу ердан келиб чиқди.<sup>140</sup> Лекин турли омиллар, шу жумладан институционал инвесторларнинг (пенсия жамғармалари ва бошқалар) акциядорлар сифатида фаоллашуви, шунингдек, акциядорлар ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги воситачи сифатида молиявий институтларнинг иштирок этиши туфайли кейинги йилларда бу ҳолат анча ўзгарди.

### ***Кузатув кенгаши (директорлар кенгаши)***

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Миллий қонунчилигимизга кўра овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорларнинг сони ўттиз кишидан кам бўлган жамиятда жамият кузатув кенгашининг вазифалари жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юклатилиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият уставида акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш масаласини ҳал этиш ўз ваколат доирасига киритилган муайян шахс ёки жамиятнинг бошқарув органи кўрсатилиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

## **Кузатув кенгашининг ваколатлари**

- жамият фаолиятининг уступор йўналишларини белгилаш;**
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш; акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;**
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;**
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;**
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;**
- жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставига кўра бундай хуқуқ жамият кузатув кенгашига берилган**

<sup>140</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.62 р

**бўлса;**

**корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;**

**ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшишиб бориш;**

**жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;**

**дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;**

**жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;**

**жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;**

**жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;**

**жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш**

**тўғрисида қарор қабул қилиш.**

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Корпоратив бошқарув тамойиллари” деб номланган ҳужжатида бошқарув (Кузатув) кенгаши вазифалари ҳақида куйидагича бир фикр илгари сурилади: Корпоратив бошқарув тузилиши компаниянинг стратегик йўл-йўригини, кузатув кенгаши томонидан бошқарувни самарали мониторинг қилишни, кузатув кенгашининг компания ва акциядорлар олдида ҳисбдорлигини таъминлаши лозим.<sup>141</sup>

Бу фикрдан, кузатув кенгаши ҳам консультатив ҳам назорат функцияларини бир вақтда таъминлаши лозимлиги келиб чиқади. Бу масъулиятлар кўп жиҳатдан боғлиқ бўлсада, улар тубдан фарқ қиласидан жиҳатлари ҳам бор. Маслаҳатчи сифатида, кузатув кенгаши компания стратегик ва оператив йўналишига маъмул бўлган бошқарув билан маслаҳатлашади. Эътибор хавф ва мукофотни мувозанатда ушлаб турадиган қарорларга қаратилади. Кенгаши аъзолари улар тегишли саноат соҳаси ёки вазифасидаги олдинги тажриба, шу жумладан, бу мақсад учун таклиф маҳорат ва тажриба асосида танланади.

Назоратчи сифатида, кузатув кенгаши бошқарувни назорат қилиши(кузатиб бориши) ва уни акциядорларнинг манфаатларига сидқидилдан фаолият олиб боришини кафолатлаши лозим. Кузатув кенгаши бош ижрочи директорни ишга олади ва ишдан бўшатади, корпоратив иш фаолиятини белгилайди, корпоратив иш фаолиятини амалга ошириш учун бошқарувни хиссасини ва тақдирлашни баҳолайди. Кузатув кенгаши, шунингдек, хуқуқий ва норматив аудит жараёнида, шу жумладан, оммавий компаниялар учун талабларни ва маҳсус саноат қоидаларга риоя этилиши юзасидан ҳисботларни назорат қилиб боради. Бу вазифаларни бажаришда,

<sup>141</sup>Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.67 p

кузатув кенгаши асосан ҳуқуқий маслаҳатчи ва ташқи аудиторлар, ижро этувчи ходимлар, компенсация маслаҳатчилари, инвестиция киритган банкирлар ва солиқ маслаҳатчилар каби бошқа ҳақ тўланадиган профессионал касб эгаларига таянади. Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳам маслаҳат ҳам назорат вазифаларини тўлиқ моҳирлик билан бажара оладиган кузатув кенгаши аъзолари самарали ҳисобланади.<sup>142</sup>

Кузатув кенгаши Директорлари масъулияти бошқарувдан алоҳидадир ва шу хусусияти билан ажралиб туради. Директорлардан корхонанинг корхонанинг узоққа мўлжалланган корпоратив стратегиясини ёки бўлмаса корхонанинг молиявий хисобатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш эмас, балки корпоратив стратегия бўйича асосли маслаҳат, таклифлар бериш, молиявий хисобатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш кутилади. Кузатув кенгаши бошқарувнинг бир кенгайтирилган шакли ёки тузилмаси эмас, балки акциядорларнинг манфаатларини ифода этувчи бошқарув органи ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кузатув кенгаши аъзолари корхона фаолиятида хизмат қилиш борасида ўзларининг ўрнини тўғри тушунади. Хусусан, улардан фойдалилик ва акциядорлар ишончидан сўнг нимага энг кўп эътибор қаратиш керак деб сўралганида, ўз фаолиятларида келажакда ўсиш, хатарлар бошқаруви ва инсон капиталани ривожлантиришни ўзларининг уч устун мақсадлари сифатида кўрсатишган. Эътибор бериладиган бошқа соҳалар маданий ривожланиш, ижроилар компенсацияси ва тартибга бўйсунишни ўз ичига олади. Ҳозирги кунгача баъзи фактлар, асослар кузатув кенгаши дироекторлари назорат қилиш, кузатув функциясига қараганда консультатив функцияни афзал кўришидан далолот бермоқда. Ижтимоий сўровда улардан қайси масалаларни муҳокама қилишга энг кўп вақт сарфлаган бўлиши сўралганида, директорлар стратегик режалаштириш, рақобат ва муқобил вариантлар ичida муваффақиятли режалаштириш деб кўрсатишган. Бунгари қарама-қарши тарзда қўпчилик директорлар ижроилар компенсацияси, ижрони кузатиш, назорат қилиш, тартиб ва риоя масалаларига бир хил ёки камроқ вақт сарфлашни хоҳлашади.

### **Кузатув кенгашининг мустақиллиги**

Консультатив ва назорат функцияси самарали бўлиши учун кузатув кенгаши аъзолари ўз мустақилларини намоён этиши лозим. Тартибга солиш нуқтаи назаридан олиб қараганда директорнинг мустақиллиги унинг фақатгина фирма манфаатида фаолият юритишига таъсир қиласидиган низолардан қай даражада холилиги билан баҳоланади. Мустақиллик жуда муҳим бўлиб, керак бўлганда бошқарувга нисбатан мухолиф мавқеда бўлишни ҳам таъминлаши лозим. АҚШда Нью-Йорк кўчмас мулк биржаси акциядорлик компанияларидан қўпроқ мустақил директорларга, шунингдек,

<sup>142</sup>Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.69 p

ягона мустақил аудит, компенсация, кадр(номзод) ва бошқарув қўмиталарига эга бўлишни талаб қиласи.<sup>143</sup>

Шунга қарамай, тартибга солувчи стандартлар ҳақиқий мустақиллик сингари бир хилдек зарур эмас. Бошқарув билан алоқада узоқ йиллар давомида ишлаган ва у билан ипсиз боғланган директорлар ҳақиқий мустақилликни кўрсатишда қийинчилликка дуч келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мустақиллик даражаси, шунингдек, кузатув кенгаши аъзоларининг ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қимматликлар ориентацияси ва бошқарувга шахсий алоқаси каби индивидуал омилларга боғлиқ равиша куйига тушиши мумкин. Зоро, амалиётда кейинчалик зарарли бўлиб чиқсан бошқарувнинг қарорларига қўшилган жуда салоҳиятли директорлардан ташкил топган кузатув кенгашлари учраб туради. Масалан, ЭНРОН кузатув кенгаши кейинчалик жиной қилмиш сифатида баҳоланган бошқарувнинг ҳаракатларини жиловлашда муваффақиятсизликка учраган. Ўхшаш тарзда, Дисней компанияси кузатув кенгаши акциядорларнинг жиддий танқидига сабаб бўлган ижрочи директор Майл Овицни ишга олишда ва ишдан бўшатишда бошқарувга ожизлик қилган. Бу ҳолатлар кузатув кенгаши аъзоларининг формал мустақиллик стандартлари ҳақиқий мустақилликка тенг деган фикрга ишонмаслигидан гувоҳлик беради. Гарвард Бизнес мактаби профессорлари томонидан ўтказилган норасмий тадқиқот ишга алоқадор тажрибани тартибга солувчи талаблардан кўра директор сифатини белгиловчи муҳим индикатор деб баҳолаган. Тадқиқот қатнашчиларидан бири: “Мен мустақиллик ҳамма жойда одамлар у ҳақда ўйлаган муҳим даражада деб ўйлайман. Бу мақсаддан узоқлашиш”. Шунга қарамай, кўпчилик директорлар мустақилликни таъминлашда лаёқатли эканликларига ишонади.

### **Кузатув кенгаши фаолияти**

Кузатув кенгаши раиси кенгаш йиғилишларига раислик қиласи. Раис кун тартибини, йиғилишлар жадвалини тузиш, учрашувлар режалаштириш ва кузатув кенгаши қўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириш учун маъсул ҳисобланади. Шунингдек, кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаши муҳокамасига масалалар киритилишидан олдин уларнинг мазмуни ва олиб кириш вақтини белгилаш орқали бошқарув устидан кучли таъсирни ушлаб туради.<sup>144</sup>

Анъанага кўра, бош ижрочи директор кўпчилик АҚШ корпорацияларида айни бир вақтда кузатув кенгашининг раиси сифатида хизмат қилган. Сўнгги йилларда, аммо, бошқарув аъзоси ёки ижрочи директор бўлмаган кузатув кенгаши аъзоларининг раис сифатида хизмат қилиши умумий ҳолатга айланди. Кузатув кенгашининг консультатив ва назорат вазифаларини ҳисобга олиб, икки раҳбарлик бош ижрочи директор ва кузатув кенгаши раислигидан бир қанча зиддиятли ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Улар ўртасида кузатув кенгаши раиси бошқарув ва кузатув

<sup>143</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.65 p

<sup>144</sup>Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.71p

кенгашига алоҳида берилган ваколатларни бирлаштириш орқали мустақил ижрочи директорларни ишга олиш, тизимли режалаштириш, компенсация, иш фаолиятини баҳолаш соҳаларида кучсизланган кузатув кенгашининг потенциалини кўрсатиб беради. Айни вақтда икки ҳокимлик: кузатув кенгаши раиси/бош ижрочи директор корхона доирасида аниқ, пухта қарор қабул қилиш борасида якка раҳбарликка нисбатан потенциал устунликлар таклиф қиласиди.

2002 йилги Сарбанес-Охлей қонуни (СОХ) борасидаги мунозораларда АҚШ Конгресси мустақил ижрочи директор кузатув кенгаши раиси сифатида хизмат кўрсатиши керак деган талабларни рад этиб, ушбу қонунда компаниялардан ҳар бир мустақил ижрочи директор кузатув кенгашининг бир йиғилишига “Раислик этувчи директор” сифатида хизмат олиб боришини талаб қилишини белгилаб қўйди. Раислик этувчи директор ҳар бир йиғилишда ёки қайта тайинлангунга қадар давомий тарзда хизмат қилиши учун тайинланиши мумкин. Раҳбарлик этувчи директорнинг ўрни бош ижрочи директор билан муҳокамаларда, сұхбатларда мустақил директорларни вакили ҳисобланishiдан иборат. Бу тузилмадан кўзланган мақсад икки ҳокимликка асосланган компаниялар орасида мустақил назоратни кучайтириш, мустаҳкамлашдир.

Кузатув кенгаши ҳаракатлари кенгаш йиғилишларида ёки ёзма розилиги, келишуви билан ҳам бўлиб ўтади. Кенгаши йиғилишида, қарорлар кенгашга тақдим этилади ва қарор лойиҳаси борасида овоз берилади. Қарор кўпчилик овози билан мақулланганда ҳаракат яқунланган ҳисобланади. Кузатув кенгаши ёзма келишув тузиш орқали фаолияти юритганида ёки бирон бир ҳаракатни бажарганида ёзма қарор лойиҳаси кузатув кенгаши аъзоларига имзо қўйиб тасдиқлаш учун тарқатилади. Директорлар кўпчилиги томонидан ҳужжат имзоланса, процесс яқунланган ҳисобланади. Ёзма келишув йўли билан амалга ошириладиган кенгаш ҳаракатлари олдиндан огоҳлантиришни талаб қилмайди, шу сабабли ёзма келишувлар кенгаш йиғилишларида қабул қилинган хатти-ҳаракатлардан тезроқ содир бўлади.<sup>145</sup>

Тўлиқ таркибдаги кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок этишдан ташқари мустақил ижрочи директорлар йилда камида бир марта бўладиган ижро масалаларига бағищланган ижрочи директорлар иштирок этмайдиган ёпиқ мажлисда ўтказади. Бу амалиёт СОХ акти томонидан жорий қилинган. Бу йиғилишларда расмий бирон-бир ҳаракат амалга оширилмасада ушбу йиғилишлар ташқи директорларга бошқарув фаолиятини, унинг натижаларини, ички назоратни ва узлуксиз режалаштиришни очик-ошкора муҳокама этишга имконият беради. Раислик этувчи мустақил директор бу йиғилишларда мажлисга раҳбарлик қиласиди.

Директорлар кузатув кенгаши масалалари бўйича хабар бериш, маълумот беришга ойига тахминан 20 соат сарфлашади. Одатда, бир йиғилиш/мажлис икки ва олти соат ўртасида давом этади, бироқ айримлари

<sup>145</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.67 р

саккиз соат ҳам давом этади. Сүнгги йилларда ортган норматив талаблар кузатув кенгаши йиғилишларини анча узайишига сабаб бўлган. Шундай бўлсада, кўпчилик директорлар қун тартиби ўз вақтларидан унумли фойдаланиш учун тузилган деб ҳисоблаб, ойига 20 соат ўз вазифаларини бажаришга етарли деб ишонишади.

Ўз қарорларини эълон қилиш, етказиш учун кузатув кенгаши бошқарув томонидан тақдим қилинган материалларга таянади. Сўров натижалари бу ахборот маълумотнинг сифати талаб даражаси, етарли даражада бўлмаслигидан дарак беради. Мисол учун, Делоитте Консалтинг томонидан ўтказилган тадқиқотда гарчи директорларнинг 91 фоизи компаниянинг молиявий натижалар ҳақида яхши ёки аъло маълумот олганликларини билдирган бўлсада, фақат 61 фоизи корхонанинг оператив бошқаруви бўйича бўйича олинган маълумотлардан қониқиши ҳосил қилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, директорларнинг ярмидан камчилиги маҳсулот сифати, инновацион маҳсулотлар, бизнес ҳамкорлар ва хомашё этказиб берувчилар, мижозлар билан ишлаш, ходим вазифаларини ўз ичига олувчи шу каби муҳим бизнес соҳаларда яхши ёки аъло маълумот олишга ишонишган. Кузатув кенгаши аъзолари бу камчиликларни бошқарув менежментидан молиявий ва у билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳисботларни такомиллаштиришни талаб қилиш йўли билан баратараф қилиши мумкин. Шунингдек, директорлар ушбу ҳолатда бошқарув билан кўпроқ тўғридан-тўғри диалогга, алоқага киришса ҳам анча фойдали бўлади. Бир директорнинг фикрига кўра эса “корпоратив бошқарувнинг кейинги даражасини ташкил этувчи турли бўғинлари ва тармоқлари билан бевосита кузатув кенгаши ўртасида ўзаро ташрифлар, фикр алмашишлар ўрнини хеч нима боса олмайди.

### Қўмиталар

Барча корпоратив масалалар тўлиқ кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилмайди. Баъзи масалалар қўмиталарга йўналтирилади. Бу қўмиталар мавзу табиатига қараб, муваққат ёки доимий фаолият юритувчи қўмита бўлиши мумкин. Дириекторлар мутахассисликларига ёки малакасига қараб қўмиталарга бириктирилади. Бошқарувчилар билан компенсация шартномалари лойиҳасини тасдиқлаш, қўмиталарга тавсиялар каби муҳим масалалар кузатув кенашига овозга қўйилишдан олдин қўмитада кўриб чиқилади.<sup>146</sup>



<sup>146</sup>Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.72 p

Тарихан, қўмиталарни ташкил этиш кузатув кенгаши ихтиёрида қолдирилган. Қимматли қоғозлар ва биржা комиссияси 1977 йилда барча акциядорлик компанияларига аудит қўмитаси ташкил этишни мажбурий жорий қилди. 2002 йилда Сарбанес-Охлей қонуни, компенсация қўмитаси, бошқарув қўмитаси, номзодлар қўмитаси каби қўшимча қўмиталар ташкил этишни талаб қилиб қўйди. Қонун ушбу қўмиталар фақат бутунлай мустақил директорлардан ташкил топиши лозимлигини белгилаб қўйди.

Аудит қўмитаси компаниянинг ташқи аудитини назорат учун масъул бўлган ва аудитор ва компания ўртасида асосий алоқачи ҳисобланади. Ҳисботни бу тарзда алмашишидан кўзланган мақсад бошқарув томонидан аудит найрангининг олдини олиш. СОҚ актига кўра, аудит қўмитаси молиявий саводли бўлган камида уч аъзодан иборат бўлиши, раҳбари молиячи эксперт бўлиши лозим. Қўмита кузатув кенгаши олдида бажариши лозим бўлган қўйидаги бурчларни белгилаб берган ўз Низомига эга бўлиб, бу мажбуриятлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Молиявий ҳисбот ва маълумотларни ошкор этиш жараёнини назорат қилиш;
2. Бухгалтерия сиёсати ва тамойилларини танлашни мониторинг қилиш;
3. Ходимларни ишга олишни, иш фаолиятини назорат қилиш ва ташқи аудиторнинг мустақиллиги
4. Тартибга солувчи қоидалар, ахлоқни назорат қилиш ва ҳимоячи ишонч телефоны;
5. Ички назорат жараёнини мониторинги
6. Ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилиш;
7. Таваккалчилик ва хавф-хатарни бошқаришни муҳокама қилиш ва бошқарувда қўллаш.

Компенсация қўмитаси бош ижрочи директор ва бошқа юқори мартабали раҳбарларга мукофот пулларини, компенсация миқдорини тузиш учун маъсул ҳисобланади. Сарбанес-Охлей Қонуни қўмита аъзоларининг минимал миқдорини белгиламаган. Компенсация қўмитаси мажбуриятлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Бош ижрочи директорга тўланадиган компенсация миқдорини белгилаш;
2. Бош ижрочи директор учун иш фаолияти мақсадларини кўриб чиқиш ва белгилаш, тузиш;
3. Иш фаолияти истиқболлари доирасида бош ижрочи директорни рағбатлантиришни, компенсация қилишни тизимини аниқлаш;
4. Бош ижрочи директор фаолиятини юқоридаги мақсадларга мувофиқлигини назорат қилиш;
5. Бош ижрочи директорга бошқарув/ижро ходимларини рағбатлантириш ҳақида маслаҳат бериш ва уни миқдорини белгилаш;
6. Бош ижрочи директорга ижро фаолияти юритиш билан боғлиқ бўлмаган директорларга компенсация тўланиши бўйича маслаҳатлар бериш ва бунга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

7. Кузатув кенгаши компенсацияни белгилаш;
8. Компенсация жараёнига ёрдам бериш учун консультантларни ишга олиш.<sup>147</sup>

Компенсация қўмитаси йилига ўртacha беш марта 2,4 соат давом этадиган йиғилишлар ўтказади. Кузатув кенгаши аъзоларининг етмиш олти фоизи компенсация қўмитаси бош ижрочи директорга тўғри, мақсадга мувофиқ тарзда компенсация белгилашига ишонч билдирган.

Бошқарув қўмитаси компаниянинг бошқарув тузилмаси ва жараёнларини баҳолаш ва тегишли такомиллаштиришни тавсия учун масъулдир. Номзодлар қўмитаси, кузатув кенгаши таркибига номзодларни аниқлаш, улар фаолиятини баҳолаш ва бўш кузатув кенгаши ўрнига номзодни кўрсатиш учун масъул. Номзодлар қўмитаси, шунингдек, одатда бош ижрочи директорга узлуксиз режалаштириш жараёнида етакчи масъул ҳисобланади.

Кўпчилик компанияларда номзодлик ва бошқарув қўмиталари қуидаги ваколатлар билан ягона қўмитага бирлашган:

Кўрсатиб ўтилган ваколатларни шартли равища икки турга бўлиш мумкин. Биринчидан, бу – акциядорларнинг умумий йиғилишига ташкилий ёрдам бериш, иккинчидан эса акциядорлик жамиятини бевосита бошқариш билан боғлиқ бўлган ваколатлардан иборат. Шундан келиб чиқиб, акциядорларни чақириш санасини аниқлаш ёки кун тартибини тайёрлаш каби ваколатларни биринчи турга, устав фондини кўпайтириш ёки йирик битимлар тузиш каби ваколатларни эса иккинчи тур ваколатларига киритиш мумкин.

Кузатув кенгаши томонидан кўпгина масалалар, бусиз кузатув кенгаши ҳал этиш хукуқига эга бўлмаган, акциядорларнинг умумий йиғилишига тақлиф киритиш орқали ҳал этилади. Бунга масалан, жамиятни қайта ташкил этиш, йиллик ҳисботни тасдиқлаш, йиллик дивидендлар миқдорларини белгилаш каби ваколатлар киради.

Овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорлар сони 30 нафардан кам бўлган акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши функцияси акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин. Бунда қонун бундай шахслар тайинланиши мажбурий эмаслигини назарда тутади. Бунда ҳолда акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказиш масаласини ҳал этиш ваколати юклangan шахс ёки орган жамият уставида назарда тутилган бўлиши керак. Конунда кузатув кенгаши ваколатларини амалга ошириши мумкин бўлган шахсларни тайинлаш тартиби, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солишининг бошқа қоидалари назарда тутилмайди. Бу шунга ўхшаш масалалар жамият устави билан тартибга солинишидан далолат беради. Бундай ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажарган шахсларга нисбатан мукофот тўланиши ва (ёки) кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда сарфланган харажатлар қопланиши мумкин. Бундай

<sup>147</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.78 р

мукофотлар ва қопланадиган маблағлар миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари қонун ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар бир неча марта қайта сайланиши мумкин. Қонунчиликда кузатув кенгаши таркибининг фаолият муддати белгиланмаганлиги учун бу муддат жамият уставида назарда тутилиши керак. Масалан, АҚШнинг қўпгина компанияларида кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддати бир неча йилни ташкил этади, ҳар йили эса уларнинг маълум бир қисмигина қайта сайланади. "Директорлар кенгаши аъзоларининг ўзгарувчан ваколат муддати" ҳақидаги юқоридаги қоида жамият акцияларининг назорат пакетига эгалик қилишга қарши йўналтирилган ҳимоя чораси сифатида фойдаланилади, чунки узоқ муддат давомида директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) устидан назоратни амалга ошира олмайдиган инвесторда акцияларининг назорат пакетига эгалик қилишга бўлган хоҳиш пастроқ бўлади.<sup>148</sup> Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятининг бир инвестор қўлига ўтиб қолишига қарши йўналтирилган бўлиб, шу орқали кичик миқдордаги акция эгаларининг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги ҳуқуқларини ҳимоя қиласи.

### **Жамиятнинг ижро органи ва мансабдор шахслари**

Кузатув кенгаши кўпинча бошқарувчиларни, яъни компаниянинг ижро органлари аъзоларини тайинлаш ваколатига эга бўлади. У шунингдек, ҳатто ходимлар нисбатан узоқ муддатга амал қилувчи шартномага бўлсада, узрли ёки узрсиз сабабларга кўра компания бошқарувчиларини лавозимидан озод этиши мумкин. Албатта, бундай шартноманинг компания томонидан бекор қилиниши келгуси етказилган заарларни ундириш бўйича жавобгарликка олиб келиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда хоҳламаган бошқарувчисини ушлаб туришдан кўра, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва тегишли компенсацияни тўлаш компания учун фойдали ҳисобланади.

Фарбда президент ва вице-президент, хазиначи, муайян бўлим бошлиғи ва ҳоказолар, деб номланадиган компания мансабдор шахслар одатда бошқарувчилар ҳисобланади. Лекин ҳуқуқий адабиётларда бошқарувчилар деганда кўпинча расмий тайинланган ижро органи аъзоси сингари қабул қилган қарорлари компания учун стратегик бошқарув аҳамиятига эга бўладиган нисбатан аҳамиятли шахслар доираси тушунилади.

Ижро органи жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиласи. Лекин Фарбда, айниқса англо-американ ҳуқуқ тизимидағи мамлакатларда ижро органини бошқарув ёки "ижрочилар" (officers) деб аташ расм бўлган. Айнан мана шу орган корпорациянинг капиталини бевосита бошқаради ва айнан шунинг учун корпорациянинг гуллаб-яшнаши кўп маънода унинг ваколатлилиги ва виждонлилигига боғлиқ бўлади. Компанияни кундалик бошқариш жараёнида ижро органининг роли агентнинг роли билан деярли бир хил бўлади. Умумий қилиб айтганда, агент ёки вакил деганда бошқа

<sup>148</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.82 р

шахс, яъни хўжайин номидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи шахс тушунилади. Гарчи унга етарли даражада эркин ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсада, лекин барибир у хўжайин назорати остида бўлади (бу ҳолатда хўжайин деганда юридик шахс сифатидаги корпорация назарда тутилмоқда, лекин амалда агент кузатув кенгашининг бевосита назорати остида бўлади). Ушбу тушунча албатта шартли бўлсада, ҳукуқшуносларга корпорациянинг бошқа шахслар билан бўладиган муносабатлари моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акциядорлик жамиятларида фаолият юритиши мумкин бўлган икки турдаги ижро органлари назарда тутилади:

- 1) яккабошчилик асосидаги ижро органи (директор);
- 2) жамиятнинг коллегиал асосдаги ижро органи (бошқарув, дирекция).

Бунда жамият уставида бир пайтнинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиал ижроия органлари бўлиши назарда тутилиши мумкин, лекин бундай ҳолда жамият уставида улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак.

Бундай ҳолларда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Ҳозирги кунда ижро органини ташкил этиш инвестиция фондлари учун назарда тутилган. Тузиладиган шартноманинг шартлари, башарти уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгашини томонидан тасдиқланади.

Бошқарувчи ва бошқарув ташкилотига нисбатан яккабошчилик ва коллегиал асосдаги ижро органи ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли қоидалар қўлланилади. Қолаверса, акциядорлик жамиятларини бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) орқали бошқариш амалиёти кенг татбиқ этилмади.<sup>149</sup>

Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ҳал этилиши акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган қарорларидан ташқари қарорларини ижро этишни ташкил этиши нобатга олган ҳолда, жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар жамиятнинг ижро органи ваколатига киради.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро органи одатда корхонанинг бошлиғига тегишли бўладиган ваколатларга эга бўлади. У жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради. Коллегиал ижро органи мавжуд бўлган

<sup>149</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.85 р

ҳолларда у ушбу органнинг мажлисларини бошқаради ва мажлис баённомаларини имзолайди.

Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади. Агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилмаган бўлса, ижро органи таркибининг сонини акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган маъмурийхўжалик харажатлари сметалари асосида аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи раҳбари ва унинг шахсий таркиби, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият Кузатувчи кенгаши ваколатига тегишли деб топилмаган бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади, ёлланади ва ҳоказо). Жамият уставига мувофиқ ёки тегишли равишда Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамият Кузатувчи кенгашининг қарорига кўра якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, коллегиал ижро этувчи орган раҳбари танлов асосида тайинланиши мумкин.

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Ижро этувчи орган аъзолигига номзод жамиятга ўзи жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт. Ижро этувчи орган аъзолигига номзодлар кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор оддий кўпчилик овоз билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки Кузатувчи кенгаши томонидан қабул қилинади.

Ижро этувчи орган таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатувчи кенгаши раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.<sup>150</sup>

Яккабошчилик асосидаги ижро органи (директорлар), коллегиал ижро этувчи орган (бошқарув дирекция) аъзолари, корхона бошқаруви ёки бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан, шунингдек, жамият билан уларнинг ҳар бири ўртасида тузиладиган шартнома асосида белгиланади. Яккабошчилик асосидаги ижро органи ҳамда коллегиал ижро органининг раҳбари ва ҳар бир аъзоси билан тузиладиган тегишли мансаб бўйича мажбуриятларни бажариш шартномаси ижро органи таркибига таклиф этилган номзодлар жамиятнинг акциядорлари умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин тузилади. Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра бу меҳнат шартномаси ҳисобланади; кўрсатилган мансабдор шахслар билан жамият ўртасидаги муносабатлар меҳнат

<sup>150</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.86 р

қонунчилиги билан тартибга солинади. Лекин меҳнат қонунчилиги бу муносабатларга қисман, яъни Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунга зид бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Ҳар ким маъмурият розилигини олмасдан ўриндошлиқ асосида ишлаш хуқуқига эга деган умумий қоидага қарамасдан, жамият коллегиал ижро органининг директори, бош директори ва аъзолари фақат кузатув кенгашининг розилиги билангина бошқа ташкилотлар бошқарув органларида ишлашлари мумкин. Улар билан тузилган шартнома акциядорлар умумий йиғилишининг, агар жамият уставида назарда тутилган бўлса, кузатув кенгашининг қарорига кўра ҳам хоҳлаган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Яккабошлиқ асосидаги ижро органи ҳамда коллегиал ижро органининг раҳбари билан тузиладиган шартнома бир йил муддатга тузилиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгashi ваколат берган шахс имзолайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам кузатув кенгashi ижро органи тўғрисидаги низомни тасдиқлайди ва акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари, жамият фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш орқали унинг фаолиятини назорат қиласи.

Ижро этувчи орган аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат контракти шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кузатувчи кенгашининг, ижро этувчи органнинг қарорлари ва ижро этувчи орган раҳбарининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

Якка бошчилик қилувчи ижро этувчи органни, жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи раҳбари ва аъзоларини моддий рафбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.<sup>151</sup>

Жамиятнинг коллегиал ижро органи мажлисини ўтказишни жамият номидан барча ҳужжатларни ва коллегиал ижро органи мажлиси баённомасини имзолайдиган, коллегиал ижро органи мажлиси томонидан ўз ваколатлари доирасида чиқарилган қарорларига асосан жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи яккабошлиқ асосидаги ижро органини амалга оширувчи шахс ташкиллаштиради. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органнинг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Ижро этувчи орган томонидан Кузатувчи кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органнинг фикри ҳақида Кузатувчи кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижро этувчи орган раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган ижро этувчи орган аъзоси ахборот беради ва

<sup>151</sup> Lacker.D.F, Tayan.B. Corporate governance matters.FT Press.2011.87 р

ҳимоя қиласи. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлисини ижро этувчи орган раҳбари ёхуд кўриб чиқилётган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринbosарларидан бири олиб боради. Ижро этувчи органи мажлислирида баённомалар юритилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи котиби акциядорлик жамияти ижро этувчи органи мажлислири баёнлари юритилишини ташкил этади. Ижро этувчи орган мажлислири баённомаларидан кўчирмалар:

мажбурий тартибда Кузатувчи кенгаш раҳбарига ва тафтиш комиссияси раҳбарига;

бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат ижро этувчи орган раҳбарининг рухсати бўйича;

амалдаги қонун хужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

Агар ижро этувчи орган аъзоси акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган заарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга заарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган ижро этувчи орган аъзолари жавоб бермайдилар. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида ижро этувчи орган аъзоларига ёки акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

## **Назорат саволлари**

1. Корпоратив бошқарув моделлари таърифланг, уларни қиёсланг ва мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарув тизимини учун фойда жиҳатларини таҳлил қилинг.
2. Акциядорлик жамиятида акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгashi ваколатларини таснифланг .
3. Корпоратив бошқарувда илгор тажрибаларни таҳлил қилинг.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Lacker D.F, Tayan.B, Corporate governance matters. FT Press.2011.658 p.
2. Ҳ.Р.Рахмонқулов, С.С.Гулямов.Корпоратив хуқуқ.  
Хуқуқшунослик олий ўқув юрт-лари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2006. 474 б.
3. Филатов А.А, Совет директоров: Инструкция по применению.-  
М.: Альпина Бизнес букс.2009.174 стр
4. Филатов А.А, Кузнецов М.Е., Методические рекомендации по  
организации работы Совет директоров в акционерном обществе.-М.:  
Издательство ОКДМ 2013. 23стр

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот: Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий истроҳотлар шароитида фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари.**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалаларини ўзлаштиришга қўмаклашиш ҳамда уларда назария ва амалиёт бирлигига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишда интерфаол усулларни амалий мисоллар ёрдамида қўллашдан ҳамда фуқаролик-хуқуқий фанларни ўқитишда кейс-стади дарс ўтиш методининг моҳияти ва афзалликларини кўрсатишдан иборат.

**Ишни бажариш учун намуна:** “Кейс-стади” топширигини бажаришда тингловчи муайян масала, хуқуқий низо, муаммоли хуқуқий вазиятни қонун нормалари асосида ечишга, унинг тўғри ва асосли жавобини топишга ҳаракат қиласи. Дарс ўтишнинг бундай усули замонавий хуқуқий таълимдаги энг самарали усуллардан бири бўлиб, бу орқали тингловчиларни қонун нормаларини амалиётга тўғри қўллай олиш, ностандарт вазиятларда қонун талабларини ўринли татбиқ этиш кўникумларини шакллантиришга ва якунда тингловчининг қонун нормалари қўллаш кўникумлари ошишига хизмат қиласи.

“Кейс-стади методи”ни амалга ошириш босқичлари қўйидагилар ҳисобланади:

- *кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириши.*

Бешкент туманида жойлашган катта сув дамбасининг бўзилиши натижасида шу туманда жойлашган фермерларга тегишли бўлган 500 гектар ерга эқилган қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлди. Туман ҳокими ушбу воқеа сабабчиларидан фермерларга етган зарарнигина қоплаб бериш хақида бўйруқ чиқарди. Фермерлардан бири эса хақиқий зарар билан бирга олинмаган фойдани ҳам ундириб беришни суддан талаб қилди. Суд ҳоким қарорини асос қилиб кўрсатиб фермернинг талабини рад этди.

- *кейсни аниқлаштириши ва ўқув топширигни белгилаши.*

Мазкур кейс бевосита фуқаролик-хуқуқий муносабатларини тартибга солишига қаратилган ҳисобланади. Бунда биз қўйидагича ўқув топширикларини аниқлаштириб олишимиз лозим ҳисобланади:

- ❖ заар ва заар тўғрисидаги умумий қоидаларни билиш;
- ❖ фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирувчи асослар ҳақидаги қоидаларни таҳлил қилиш.
- *кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиши орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиши йўлларини ишлаб чиқиши.*
  - ❖ суднинг харакатига баҳо бериш;
  - ❖ суднинг қарорига ҳокимнинг бўйруғи асос бўлиши мумкин ёки мумкин бўлмаслигини таҳлил қилиш;
  - ❖ ҳокимнинг бўйруғи фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга сола олдиши ёки олмаслигини аниқлаш.
- *кейс ечимини шакллантириши ва асослаш.*

Сўнги тўртинчи босқичда муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш, якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш каби топшириқларга жавоб топиш лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг босқичлари ва уларда қабул қилинган қонунчиликнинг моҳиятини ёритинг.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш” Концепция эълон қилинганидан сўнг шу йўналишда қабул қилинган қонун ҳужжатларидан фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг тегишли институтларида фойдаланишини тавсифланг.
3. Фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ўқитишида қўлланиладиган методлардан самарали фойдаланиш борасидаги ўз ёндашуvingизни асослантиринг.
4. Фуқаролик-ҳуқуқий фанлардан семинар ва амалий машғулотларни олиб боришда қўлланиладиган интерфаол усусларидан энг мақбуллари таҳлил қилинг.
5. Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар бўйича тегишли ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар намуналарини тайёрлашга оид услубий тавсияларни шакллантиринг.

### **Фойданилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

2. Lisisun V.V. Klinicheskoe obrazovanie – effetivnaia model obucheniiia pravu // Sudia. 2008. №10.

3. Иқтисодиётни эркинлаштиришни хуқуқий таъминлаш муаммолари. X-А. Рахмонқулов ва бошқ./ проф. О.Оқюлов ва проф. Ш.Н.Рўзиназаровнинг умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮУ, 2015. 53 б.

4. Имомов Н.Ф. “Фуқаролик хуқуқи”дан “кейс-стади” асосида дарс ўтишнинг айrim масалалари/ Ўзбекистон Республикасида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 63-68.

5. Имомов Н.Ф., Эргашев В.Ё., Ашуррова Н.А. Хусусий мулкнинг хуқуқий режимини такомиллаштириш. Ахборот-таҳлилий материал. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 3-4 б.

6. Юридик фан ва таълимни модернизация қилиш масалалари / Мухамедов Ф.Э., Рўзиназаров Ш.Н., Мамасидиков М.М. – Тошкент: “Komron press”, 2014. – 260 б.

7. Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. 2002. – p 582-597.

8. Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches’ Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 431,442.

## **2-амалий машғулот: Фуқаролик қонун хужжатларини ривожланиши ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён бўлиш хусусиятлари**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда фуқаролик ҳуқуқига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни чукур ўзлаштиришга ёрдамлашишдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларни тавсифлаш. (Масалани жадвал асосида таҳлил қилиш).

**Ишни бажариш учун намуна:** 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги № ЎРҚ—405-сонли Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163—I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256—I-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 191, 605, 615, 626-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

<b>№</b>	<b>Модда</b>	<b>Янги ҳолати</b>	<b>Эски ҳолати</b>
1.	191-модда. Эгасиз ашё	Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.  Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.  Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига оловчи орган томонидан ҳисобга олинади.  Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин <i>бир</i>	Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.  Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.  Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига оловчи орган томонидан ҳисобга олинади.  Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин <i>уч</i> йил муддат ўтгач, давлат мол-

	<p>йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкини бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.</p> <p>Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.</p> <p>Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.</p>	<p>мулкини бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.</p> <p>Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.</p> <p>Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.</p>
2.	...	...

## Назорат саволлари

1. Фуқаролик қонунчилиги тизимида Фуқаролик кодексининг тутган ўрни ҳамда ФК ва қонун ҳужжатларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилинг?
2. ФКга киритилган қўшимча ва ўзгаришларининг тадрижий ривожланишини муайян босқичларга бўлиш асосида илмий-амалий нуқтаи назардан изоҳланг ва бунда жорий қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг ФКга таъсирини аниқланг.
3. ФКнинг интеллектуал мулк ва ворислик хуқуки бўлимларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ФК моддаларининг чиқарилиш ёки унга янги модда киритилишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан ФКнинг

бошқа бўлимларида бундай ўзгариш амалга ошмаганлигини асослаб, ўз фикрларингизни фуқаролик қонунчилиги ва институтларининг ўзига хослигига кўра изоҳланг.

4. Фуқаролик қонун ҳужжатлари ривожланишининг устувор йўналишлари ва бугунги кунда долзарб бўлган институциявий такомиллашув хусусидаги фикрларингизни асослаб беринг.

5. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг устувор йўналишлари ва ҳукуқни қўллаш амалиётининг узвийлиги ва бирлиги борасидаги муроҳазаларингизни шакллантиринг.

### **Фойданилган адабиётлар**

1. Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 19-20 б.
2. Эгамберидева Н.Х. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳукуқий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. – 239 б.
3. Эргашев В.Ё., Имомов Н.Ф. Кўчмас мулк объектлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 18 б.
4. Steven Friedland.Teaching Property Law. Professor of Law, Nova Southeastern University Shepard Broad Law Center, Fort Lauderdale,Florida. 2002. – p 582-597.
5. Catherine Elliott & Frances Quinn. Contract law. Longman (2011). (Elliott & Quinn series).
6. Catherine Elliott & Frances Quinn. Dawsonera-Tort law-Longman (2011) (Elliott & Quinn series).
7. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.

### **3- амалий машғулот: Фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда фуқаролик қонун ҳужжатларини ривожланишининг миллий ва хорижий тенденцияларини ўзлаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларда назария ва амалиёт бирлигига риоя қилиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** муқобил фикр-мулоҳазалари бўйича тегишли юридик терминологиядан фойдаланган ҳолда мулк ҳукуқининг ривожланиш тенденцияларини миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб тавсифлаш. (Масалани жадвал асосида тўлдириш).

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

Мулк ҳукуқи	Миллий тажриба	Хорижий тажриба		
		Англия	Германия	АҚШ

#### **Назорат саволлари**

1. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг муайян соҳалари ва йўналишлар бўйича ривожланишига умумий тавсиф ва уларни ўзаро боғлаб турувчи умумий қонуниятларни изоҳланг.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳукуқининг жаҳон ҳукуқий тизимларига мансублиги ва ўзига хослигини тавсифланг.
3. Англия фуқаролик ҳукуқига хос бўлган жиҳатлар ва ушбу мамлакат фуқаролик қонунчилигининг муайян институтлар бўйича ривожланишини ёритинг.
4. Америка қўшма штатлари фуқаролик қонунчилиги ва фуқаролик ҳукуқи институтларида қитъа ҳуқуқ тизимиға хос жиҳатларининг ифодаланиши таҳлил қилинг.
5. Германия ва Франция фуқаролик қонунчилиги ривожланишининг ўзига хослиги ва Ўзбекистон фуқаролик қонунчилиги шаклланишига таъсири хусусида мулоҳазангизни баён этинг.

## **Фойданилган адабиётлар**

1. Bridge M. G. Personal Property Law. 3rd ed. London, 2002. P. 28 - 29
2. Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2011. -p 346-347
3. Quitmann K. Eigentums - und Besitzschutz im deutschen und englischen Recht. Rechtsvergleichende Analyse des Spannungsverhältnisses zwischen Eigentum und Besitz. Berlin, 2011. – P. 63.
4. Книпер Р. Назначение гражданского права: защита субъективных прав или инструмент товарооборота? // Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства: материалы международного научно-практической конференции. – Ташкент: 2005. – 102 с.
5. Тягай Е.Д.Модели права собственности в современном праве США // Вестник РУДН, серия Юридические науки.2009.- № 4. – С. 41-42, 45
6. Шапп Я. Система германского гражданского права: Учебник / Пер. с нем. С. В. Королева. М.: Международные отношения, 2006. С. 76.
7. Roger Smith. Property Law. Pearson Education Limited. 2014.
8. Annette Kur, Thomas Dreier-European intellectual property law\_ Text, cases and materials-Edward Elgar (2013).
9. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.

### **4- амалий машғулот: Бизнес юритишнинг ташкилий-хуқуқий масалалари. 1-амалий машғулот**

**Ишдан мақсад:** тингловчиларда тадбиркорлик хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив хуқуқий хужжатларни туркум ва тизимлаштириш малакасини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг қўйилиши:** Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар орасидан тадбиркорлик хуқуқий муносабатларни тартибга солувчиларини ажратинг . (Масалани жадвал асосида тўлдириш: фаолиятни бевосита тартибга солади (\*), фаолиятни қисман тартибга солади (+), фаолиятни тартибга солмайди (-) ).

## **Ишни бажариш учун намуна**

<b>Қонун номланиши</b>	<b>Қилинган сана</b>	<b>рақам</b>	<b>Тааллуқлиги</b>
Инвестиция ва пай фондлари түғрисида	25.08.2015	ЎРҚ-392-сон	*
Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш түғрисида	26.05.2015	ЎРҚ-386-сон	+
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари түғрисида	03.12.2014	ЎРҚ-378-сон	+
Ижтимоий шериклик түғрисида	25.09.2014	ЎРҚ-376-сон	-
Тижорат сири түғрисида	11.09.2014	ЎРҚ-374-сон	*

### **Назорат саволлари**

1. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни илгари суринг.
2. Тадбиркорлик ташкилий-хуқуқий шаклларининг бир-биридан фарқи, афзаликлари ва камчиликларини қиёсий жадвалда акс эттринг.
3. Тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларни туркумлаштириб, каталог тузинг.
4. Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlарни ҳимоя қилиш мавзусида казуслар тузинг

### **Фойданилган адабиётлар**

1. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик хуқуқи. -Тошкент: Молия, 2001.-218 б.
2. Тадбиркорлик хуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
3. Хўжалик (тадбиркорлик) хуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида -Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
4. Хозяйственное предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.
5. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 588 p

## **5- амалий машғулот: Шартнома ҳуқуқи.**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга соловчи норматив ҳужжатларга оид билимларини ривожлантириш, уларнинг амалий қўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тадбиркорлик фаолиятида олди-сотди шартномалари қўп қўлланилади. “Нур” хусусий корхонаси ва “Олмос” МЧЖ ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномасининг лойиҳасини тузинг.

### **Ишни бажариш учун намуна**

#### **ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ. № 15.**

**Жиззах ш.**

**2016 йил «18» март**

ХК «Раъно-Дилобар» «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Ф. Шодиева номидан, бир томондан «УзЭксайд» қўшма корхонаси Устави асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади Бош директор Рафиков К.М. номидан, иккинчи томондан қуидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

#### **1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

- 1.1. Сотувчи ўзига тегишли товарни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида кўрсатилган.
- 1.3. № 1

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1					
2					
				<b>Жами:</b>	

- 1.4. Товарнинг умумий баҳоси \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

#### **2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.**

- 2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қўйидаги тартибда амалга оширилади:  
Шартнома икки томон ўртасида имзоланганидан сўнг 10 банк куни ичида Сотувчига олдиндан 100 % миқдорида пул тўлаш.
- 2.2. Тўлов шакли: Пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
- 3.2. Шартноманинг 2.1 банди Сотиб оловчи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни 20 банк кун ичида Сотиб оловчига топшириши шарт.
- 3.3. Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Сотиб оловчига топшириш.
- 3.4. Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган миқдорда ва сифатда, ташиб жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йўқ булиши мумкинлигини истисно қиласидан даражадаги идишларда ва жойлаштирилган ҳолда топшириш.
- 3.5. Сотиб оловчининг мажбуриятлари:
- 3.6. Товарни 5 кунлик муддатда кўздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган такдирда, Сотиб оловчи шу муддатда Сотувчига аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.
- 3.7. Сотувчи сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 20 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган товарни сифатлисига алмаштириш.

### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 4.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи сотиб оловчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.
- 4.2. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгилangan бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи товарларни қабул килиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тураб куйилган булса, туланган суммани белгилangan тартибда кайтаришни талаб

килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,01 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Тарафларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» Конуни буйича амалга оширилади.

## **5. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ.**

5.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар улар ёзма равища расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

## **6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда ҳал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари каноатлантирилмаган тақдирда, хукуки бузилган деб хисобловчи тараф низони ҳал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга деб хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

7.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2016 йил 18 марта 2016 йил 19 майга кадар.

7.3. Кўшимча шартлар: \_\_\_\_\_.

## **8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**Сотувчи:**

**Сотиб оловчи:**

---

---

---

**Рахбар**

---

---

---

**Рахбар**

### **Назорат саволлари**

1. Ижара шартномаси лойиҳасини тузинг
2. Олди-сотди шартномасининг намунавий шакли тайёрланг
3. Курилиш пудрати шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиланг.
4. Лизинг, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларида тарафларнинг шартнома

### **Фойданилган адабиётлар**

1. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, -Т.:Akademiya, 2013. – 114 б.
2. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хайтбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.
3. Қодиров К. Хўжалик шарномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти.-Т.: “Янги аср авлоди”- 2003. – 691 б.
4. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.
5. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 588 p

### **6- амалий машғулот: Корпоратив бошқарув ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларнинг корпоратив бошқарувга оид билимларини ривожлантириш, уларнинг амалий кўнималарини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Корпоратив бошқарувда акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларини ва кузатув кенгаши фойдаланиши мумкин бўлган ваколатлари аниқ билиш муҳим аҳамиятга эга.

## **Ишни бажариш учун намуна**

Жадвалнинг ўнг тарафига умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларини, чап тарафига кузатув кенгашига ўтказилиши мумкин бўлган ваколатлари ёзилади.

жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;	қимматли ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;	қоғозларнинг
жамиятни қайта ташкил этиш;	жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;	

## **Назорат саволлари**

1. Корпоратив бошқарув моделлари таърифланг, уларни қиёсланг ва мамлакатимизда ривожланаётган корпоратив бошқарув тизимини учун фойда жиҳатларини таҳлил қилинг.
2. Акциядорлик жамиятида акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларини таснифланг .
3. “Анор” акциядорлик жамияти учун корпоратив кодекс лойиҳасини ишлаб чиқинг
4. “Акбар рич” акциядорлик жамияти учун мақбул корпоратив бошқарув тузилмасини ишлаб чиқинг.
5. “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув” мавзусида амалий машғулот топшириқларининг тайёрланг

## **Фойданилган адабиётлар**

1. Lacker D.F, Tayan.B, Corporate governance matters. FT Press.2011.658p.
2. Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов.Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўкув юрт-лари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2006. 474 б.
3. Филатов А.А, Совет директоров: Инструкция по применению.-М.: Альпина Бизнес букс.2009.174 стр.
4. Филатов А.А, Кузнецов М.Е., Методические рекомендации по организации работы Совет директоров в акционерном обществе.-М.: Издательство ОКДМ 2013. 23стр

## **7- амалий машғулот: Низоларни муқобил усулда ҳал қилиш.**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларнинг низоларни муқобил усулда ҳал қилишга оид билимларини ривожлантириш, уларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тадбиркорлик фаолиятида низоларни муқобил усулда ҳал этиш соҳа субъектларини учун жуда фойдали. Ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида ушбу усуллардан фойдаланилади. Низоларни муқобил усулда ҳал қилиш шаклларини класстер усулида давом эттиринг.

### **Ишни бажариш учун намуна**



### **Назорат саволлари**

1. Низоларни судгача ҳал этиш усуллари ҳақида таҳлилий маълумотнома шакллантиринг.
2. Хорижий мамлакатларда қўлланиладиган низоларни муқобил ҳал этиш усулларини мамлакатимизда жорий этиш юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланг.
3. Келишув битимининг лойиҳасини тайёрланг.

### **Фойданилган адабиётлар**

1. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, -Т.:Akademiya, 2013. – 114 б.
2. Дўстов У.Н., Юлдошев Ж.И., Исаков Т.У., Хайтбаев М.М. Хўжалик шартномалари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2009. – 158 б.
3. Қодиров К. Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти.-Т.: “Янги аср авлоди”- 2003. – 691 б.

4. Отахонов Ф., Қодиров К., Отахонов С., Хажиев Н. Фуқаролик-хуқуқий шартномалар. -Т.: “Print Media”, 2011. – 560 с.
5. Riches S, Allen V. Keenan and Riches’ business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 588 p



## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### *1-казус*

“Қосимбой” МЧЖ “Робита” супермаркети билан тузилган шартнома асосида Супермаркетга 200 тонна (100 тоннаси 50 килограммлик қолларда, қолган 50 тоннаси 5 кг идишларда, 30 тоннаси 3 кг идишларда ва 20 тоннаси 1 кг идишларда) турли навларда ун етказиб бериш мажбуриятини олди. МЧЖ шартномада келишилган уннинг ярмини 100 тоннасини етказиб берганда, Супермаркет унни қабул қилишни рад этиб, уннинг барчасини топширишни, шартномада маҳсулотни қисмларга бўлиб етказиб бериш назарда тутилмаганлигини, етказиб берилган ун маҳсулотини у ўзининг филиалларига тарқатиши лозимлигини, буюртманинг тўлиқ бажарилмаслиги эса, маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар юзага келишини билдириди. МЧЖ эса уннинг қолган 100 тоннасини бир ойдан сўнг етказиб беришини, ҳозирда тайёр бўлган 100 тонна унни сақлаб туришга эса ўзининг имконияти йўқлигини, шартномада уннинг барчасини бир партияда етказиб бериш назарда тутилган бўлсада, бундай катта ҳажмдаги буюртмани тайёрлаб, тегишли идишларга жойлаш етказиб бериш кўп вақт ва катта меҳнат сарф қилишини, супермаркет етказиб берилган 100 тонна унни сотиб тургунича, қолган 100 тонна унни ҳам етказиб беришини билдириди.

Бироқ супермаркет Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 239-моддаси талабларидан келиб чиқиб, МЧЖнинг талабларини рад этди ва етказиб берилган ун маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортди. МЧЖ эса суд мурожаат қилди ва ўзига етказилган зарарни қоплашни ҳамда етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиш мажбуриятини Супермаркетга юклашни талабни қилди.

Вазиятга талбиркорликнинг мазкур соҳасида шаклланган иш муомаласи одатларидан келиб чиқиб, ҳукуқий баҳо беринг?

### *2-казус*

Комилов Омилжон Ипотека банкнинг Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги филиалидан 150 миллион сўмлик ипотека кредити олган эди. Кредит шартномасининг муддати 15 йил бўлиб, ойлик фоиз тўловлари ва ҳар ойда банкка қайтарилиши керак бўлган сумма миқдори белгиланган эди. Кредит шартномаси тузилиб у амал қилаётганининг 9 йилида Комилов Омилжон кредит суммасини тўлиқ тўлаб ундан тезроқ “қутилмоқчи” бўлди ва банкка тўлаши керак бўлган барча суммани ҳисоблаб, банк маъмуриятига мурожаат қилди. Бироқ банк ундан қолган олти йил учун фоизларни тўлиқ

тўласагина ижрони муддатидан олдин қабул қилиб олиши мумкинлигини билдириди. Бу вазиятда Қобилов Омилжон ФКнинг 243-моддаси талабларига кўра, банк ижрони муддатидан олдин қабул қилиши шартлигини ва бу ҳолатда у пулни қайтаргач ўзи фойдаланмайдиган 6 йил учун қўшимча фоиз тўлаш истаги йўқлигини билдириди.

Банк эса банкда шаклланган иш муомаласи одатларига кўра, кредит шартномалари бўйича қарздор кредит суммасини қайтариш мажбуриятини муддатидан олдин бажарганда у шартнома амал қилишининг барча муддати учун фоизларни тўлаши лозимлигини билдириди ва Комилов Омилжондан ижрони муддатидан олдин қабул қилишни рад этди.

Комилов Омилжон бу вазиятда қандай йўл тутиши бўйича адвокатга мурожаат қилди. Унга хуқуқий маслаҳат беринг?

### **3-казус**

Фарғона шаҳар Махмуд Қосимов кўчаси 3-уйида жойлашган “Лочин” хусусий корхонаси унинг мулқдори Жумабоев Сайёд Адаҳамович (“сотувчи”) томонидан хусусий тадбиркор Азимов Мурод Мамуровичга (“харидор”) олди-сотди шартномаси асосида сотилишга келишиб қўйилди. Шартномага мувофиқ сотувчи шу корхона жойлашган ер участкасига мулқдорлик хуқуқига эга бўлмайди. Сотувчи ушбу шартномага илова тарзда 2000 йил 5 январида ўтказилган инвентаризация далолатномасини, бухгалтерия балансини, аудиторнинг корхона таркиби ва қиймати бўйича хulosасини тақдим этди. Ушбу шартноманинг обьекти сифатида мол-мулк мажмуи сифатидаги корхона белгилаб олинди (мулкий хуқуқлар-бино, мол-мулк, ускуналар ва номулкий хуқуқлар: - фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, муаллифлик хуқуқи, талаб қилиш хуқуқи, патент ва қарзлар).

Шартнома нотариал гувоҳлантирилиши учун нотариусга тақдим этилганда, нотариус шартнома матнини тўлиқсиз деган важ билан шартномани рўйхатдан ўтказишдан бош тортди.

Сизнинг фикрингизча нотариус тўғри ҳаракат қилганми? Сотиб олувчи ушбу мол-мулкни қўлга киритганида, у жойлашган ер участкасидан фойдаланиш тартиби қандай?

Сотувчи кредиторларни хабардор этмагани ҳолати аниқланса, буни сотиб олган олувчи билган ёки билмаган бўлса, кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби кимнинг зиммасида бўлади?

Корхона мол-мулки нобуд бўлиши юзасидан жавобгарлик қайси ҳолларда сотувчининг зиммасида бўлади?

#### **4-казус**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида фаолият юритувчи “Турон” ОАЖ 1998 йил 14 май куни Чилонзор туманида жойлашган Чилонзор туман соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 14-поликлиникага 14 миллион сўмлик касалхона мебел жиҳозларини хайр-эҳсон тарзида берди.

Томонлар ўртасида хайр-эҳсон шартномаси тузилиб, шартнома қонун ҳужжатларига асосан расмийлаштирилган эди. Шартноманинг асосий шарти сифатида мазкур жиҳозлар фақат 14-поликлиника эҳтиёжларига ишлатилиши лозимлиги қўзда тутилган эди.

1999 йил 7 августда 14-поликлиника бош врачи ва поликлиника ҳисобчиси томонидан такдим этилган жиҳозларни ўрнатиш ва фойдаланиш тўғрисидаги рўйхатда мазкур шартноманинг шартлари бажарилмаганлиги қўзга ташланди. Чунки бу рўйхатда турган “Турон” ОАЖ хайр-эҳсон қилган касалхона мебел жиҳозлари йук эди.

Бироқ 1999 йил сентябр ойида поликлиника бош врачи пора олиш ва мол-мулкни талон – тарож қилиш билан айбланиб жиноий жавобгарликка тортилди. Тергов давомида аниқланиши бош врач юқоридаги хайр-эҳсон қилинган мебел жиҳозларни ҳам ўзининг шахсий манфаатлари юзасидан тасарруф қилиб юборилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан “Турон” ОАЖ хайр-эҳсон шартномасини бекор қилишни сўраб судга даъво аризасини билан мурожаат қилиши мумкинми?

Хайр-эҳсон шартномаси юзасидан унинг ижроси ҳисбот териши шартми?

#### **5-казус**

Икки дуродгор Бокиев билан унинг дачасида 1 июнга қадар ёғоч гараж қуриб беришга келишишди. Бажариладиган ишлар ҳаки томонлар тузган меҳнат шартномаси деб аталган ёзма ҳужжатда акс эттирилди. Унда шунингдек бажариладиган қурилишнинг ўзига хос хусусиятларига оид ҳамма шартлари (гараж катталиги, фундаментал материал, металл том ва бошқалар) киритилди. Қурилиш учун материалларни Бокиев 10 майгacha топиб бериши керак эди. Дуродгарлар ишни ўз вақтида бажаришга киришдилар. 28 майда ҳамма ишлар тутатилиш арафасида эди, дуродгорлар Бокиевдан 30 май куни ишларни қабул қилиб олиш учун келишини сўрадилар. 29 май куни фақат дарвозани ўрнатиш керак эди. 28 майдан 29 майга ўтар кечаси чақмоқ чақиб, гараж тўлалигича ёниб кетди. 2 июн куни ишларни қабул қилиб олиш учун келган Бокиев ёнгиндан сақланиб қолган фундамент ва ўрнатилмаган дарвозаларнигина кўрди. Ўзи билан дуродгорлар ўртасида пудрат шартномаси тузилган деб ҳисоблаган Бокиев

бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан бош тортди, дуродгорлардан ўз материаллари ҳисобига янги гараж қуриб беришни талаб қилди.

Дуродгорлар Бокиевнинг талабларини рад қилишди. Уларнинг фикрича, дарвозалар ўрнатилишидан бошқа ҳамма ишлар учун улар ҳақ олишлари кераклигини ва уларни қандай шартнома тузганлиги қизиқтирмаслигини, уларни фақатгина олишлари лозим бўлган ҳақ миқдори қизиқтиришлигини айтишди.

Томонлар даъвосини ҳал қилинг. Агар ёнғин 1 июндан 2-июнга ўтар кечаси содир бўлганда масала қандай ҳал қилинган бўларди?

### **6-казус**

Автомобиль транспорти йиллик юк ташиш шартномасини тузиш пайтида автотранспорт корхонаси билан юк жўнатувчи ўртасида шартнома шартлари юзасидан келишмовчиликлар вужудга келди. Автотранспорт ташқилоти шартнома лойиҳасига қуйидаги шартларни киритди:

1.Юк жўнатувчи юк нотўғри ортилишининг барча оқибатлари учун жавобгарликни шу жумладан ташиш воситаларининг шикастланишини ва ташишнинг хавфсизлигини бўйнига олади. Юк жўнатувчи бу шартлар билан келишмади. Унинг фикрича, юк ташиш қоидасига қўра, юкни автомашинага ортиш автокорхона шофферининг кузатуви асосида амалга оширилади.

2.Агар раҳбар органларининг қарори билан автотраспорт воситалари давлат вазифаларини бажаришга жалб қилинса, автотранспорт корхонаси юк ташиш воситаларини бермаган холлар учун жавобгарликдан озод қилинади. Юк жўнатувчи бу шартни ноқонунийлигини айтади.

Ўз навбатида юк жўнатувчи шартномага қуйидаги шартларни киритишни талаб қилди:

1.Автотранспорт корхонаси юк жўнатувчига, юкни олувчига кечиктириб етказиб берилганда тўланадиган ҳақ миқдоридаги зарарни қопланишини.

2.Юк жўнатувчи агар ташиш воситасини жўнатилишидан икки соатдан олдин автотранспорт корхонасини буюртма бекор бўлиши тўғрисида огоҳлантирмаса, транспорт воситаларининг бекор туриб қолганлиги учун жавобгар бўлади.

Бу низо қандай ҳал қилинади?

### **7-казус**

Chevrolit компанияси ЎзДЭУавто компанияси билан комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасини тузди. Шартнома

шартларига кўра, ЎзДЭУавто компанияси комплекс лицензиат сифатида лицензиар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар савдосини ҳам ташкил қилиши лозим эди. Лицензият томонидан сотиб олувчиларга лицензиарнинг маҳсулотини (товарларини) тайёрловчи сифатида сотган товарларида камчилик бўлганлиги сабабли сотиб олувчилар ЎзДЭУавто компанияси билан бирга, Chevrolit компаниясини ҳам судга беришди.

Chevrolit компанияси адвокати эса суд мажлисида мазкур жараёнга Chevrolit компаниясининг умуман алоқаси йўқлиги, бу ўринда маҳсулотларни сотувчи ЎзДЭУавто компаниясининг ўзи эканилигини ва бунинг учун унинг ўзи жавобгарлигини, шу сабабли Chevrolit компаниясини ишга алоқадор бўлмаган тараф сифатида эътироф этиш зарурлигини билдириди.

Суд бу вазиятда қандай қарор қабул қилиши лозим?

#### **8-казус**

Суғурта ташкилоти банкка қарзни ва тўловни қайтара олмаслик хавфини суғурталади. Банк билан қарздор ўртасида тузилган шартномага кўра, банкка тўланиши лозим бўлган тўловнинг ҳар бир кечиккан куни учун тўлов умумий миқдорининг 2 фоизи миқдорида, лекин умумий миқдорнинг 2 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда неустойка белгиланди. Баъзи бир тўловлар банкка ўз вақтида қайтарилмади ва қарздорлар суғурта ташкилотига суғурта тўловини, яъни нафақат тўловнинг умумий миқдорини, балки фоизлар ва юкорида қайд этилган неустойка тўлашни талаб қилишди. Суғурта ташкилоти фоизлар ва неустойка миқдорини тўлашни рад қилди ва бундай тўлов суғурта шартномасида кўзда тутилмаганлигини билдириди. Баъзи қарздорлар судга суғурталовчидан фоизлар ва неустойка миқдорини ундириб бериш тўғрисида даъво қўзғатди. Ўз талабларини асослаб, улар газетадаги ушбу рекламани судга тақдим этишди.

Банкка тўловларни қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбуриятини ижро этилишини суғурта ташкилоти кафолатлайди.

Ишни ҳал қилинг.

#### **9-казус**

Шахсий машинада кетаётган Баратов тезликни ошириши натижасида машинани бошқара олмай йўл четида турган Очиловнинг машинасига урилиб, уни ҳаракатга келтирди, Очиловнинг машинаси эса олдида турган автопаркга тегишли машинасини тиклаш - 300.000 сўмни ташкил қилди. Баратовнинг машинаси ҳам шикастланиб, уни таъмирлашга 500.000 сўм

кетарди. Автопарк Очилов ва Баратов устидан судга шикоят қилиб, биргаликда келтирилган зарарни тўлашни талаб қилди. Очилов Баратов устидан судга шикоят қилиб, таъмирлашга кетадиган маблагни тўлашни талаб қилди ва автопарк машинасига келтирган зарарни тўлашдан ўзини озод қилишни сўради. Чунки, унинг машинаси Баратовнинг айби билан шикастланганлигини айтади.

Баратов ўзига қўйилган талабларни рад этиб, биринчидан, автопарк машинасига унинг машинаси томонидан эмас, балки Очиловнинг машинаси томонидан шикаст етказилганлигини ва иккинчидан, Очиловнинг ўзи айбдор эканлигини айтади. Сабаби Очилов машинасини машина қўйиш мумкин бўлмаган жойга қўйганлигини таъкидлади. Очилов, эса Баратовнинг шикоятларини ноўрин эканлигини айтади.

Ишни ҳал қилинг.

### **10-казус**

Шартнома бўйича муаллиф 30 босма табоқда тарихий роман ёзиб бериши лозим эди. Шунга қарамай, муаллиф 51 босма табоқ қўлёзма тайёрлади. Шу сабабли нашриёт шартномани бекор қилди ва жавобгар томонидан олинган 2.225.000 сўм аванс пулини ундириб беришни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Жавобгар даъвога қарши чиқиб, қўлёзма нашриёт томонидан кўриб чиқиши учун қабул қилинганлиги, шу сабабли шартномани китобнинг ҳажми кўпайиб кетганлиги асосида бекор қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини билдириди.

Суд муаллиф қўлёзма ҳажмини қасддан кўпайтирган, яъни буютирилган ишларни шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган шаклда бажарган деб топди.

Суд шунингдек, жавобгар кейинчалик қўлёзмани 30 босма табоққа қисқартириб, бошқа нашриёт билан уни нашр қилиш ҳақида шартнома тузганлигини у ердан ҳам 2.225.000 сўм миқдорда аванс олганлигини, яъни бир иш учун амалда икки марта пулли мукофот олганлигини ҳам ҳисобга олиб, нашриёт даъвосини қондирди.

Суднинг ҳаракатлари қонунийми?

### **11-казус**

Чустлик усталар ўzlари тайёрлаётган пичоқларга “Чуст пичоғи” ёзувини киритиш ва шу орқали уни қаерда тайёрланаётганлигини белгилаб қўйишмоқчи бўлишди. Шу билан бирга айнан шу ёзувни киритиш орқали харидорларни жалб этиш ва маҳсулотнинг сифатлилига ишора қилишни

мақсад қилишди. Бирок усталар ўзлари ясаётган пичоқларга айнан шундай ёзув киритишга ҳақлари бор ёки йўқлигига иккиланиб қолишиди ва маслаҳат сўраб адвокатурага мурожаат қилишди.

Усталарга масалаҳат беринг?

### **12-казус**

Беш кишидан иборат Давроновлар оиласи, Давроновларнинг никоҳ тўйидан сўнг сотиб олинган хусусий уйда яшашарди. Давроновлар билан биргаликда унинг қизи, қизининг эри ҳамда уларнинг ўғли ҳам яшашарди. Ўлимидан бир неча ой илгари Давронов ўзининг барча мулкини неварасига мерос этиб қолдирганлиги тўғрисида васиятнома тузиб қолдиради. Давроновнинг ўлимидан сўнг 21 ёшли набираси меросни рад қиласи ва бувиси фойдасига воз кечади. Отасининг ўлимидан уч йил ўтгач қизи вафот этади. Қизининг ўлимидан беш ой ўтгач онаси Давронова вафот этади. Она ва буви ўлимидан сўнг ота ва ўғил мол-мulkни бўлишда келиша олишмайди. Ота фирича бир пайтлар ўғлига тегишли бўлган уй ва бошқа мулк энди унга тегишли эмас, сабаби ўғил меросни бир пайтлар рад этган. Ўғилнинг фикрича, меросда унинг улуши отасиникига нисбатан кўпроқ бўлиши керак.

Ота ва ўғил мулкни бўлиш тўғрисидаги қонун-қоидаларни тушунтириш учун юристга мурожаат қилишади.

Маслаҳат беринг.

### **13-казус**

Фуқаро Қодировдан Мақсудов 900.000 сўм миқдорида 10 кунлик муддат ичида қайтариш шарти билан қарз олди. Умумий қоида бўйича Қодиров Мақсудовга шартномани ёзма равишда ифодалаб қўйишиларини таклиф қилди. Шу ондаёқ Мақсудов: “эй, оғайни, сен нима деб ўйладяпсан, мен айтилган кундаёқ пулни қўлингга тутқазаман”, деб оғзаки розилигини олиб, тарафлар бунга келишгандек бўлдилар. Белгиланган кун ўтди, омма пулдан дарак бўлмади. Қодиров Мақсудовдан пулни талаб қилганида, у бунга ўтакетган эътиборсизлик билан қаради. Қодиров ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилди. Суд терговида Мақсудов шартнома тузилаётганида оғзаки келишишга Қодировнинг ўзи рози бўлганлигини хаспўшлашга уринди.

Иш бўйича фикрингиз қандай? Сукут сақлаш акцепт бўла оладими? Шартноманинг ёзма шакли унинг оғзаки шаклидан қандай афзалликларга эга? Агар келишув ёзма шаклда ифодаланганда жараён қандай кечарди?

### **14-казус**

Кичик 10 ёшдаги Фурқат исмли бола дўкон сотувчisi Н. Турдиевнинг ташаббуси билан дўкондан 2. 000 сўмлик ўйинчоқ сотиб олди. Уйга қайтгач, унинг онаси қайси дўкондан ушбу ўйинчоқни харид қилганини сўраб, сотувчи Н. Турдиевнинг олдига боради ва ўйинчоқни топшириб, пулни қайтариб беришни сўрайди.

Фурқатни онасининг ҳаракатлари тўғрими? Фурқат шартнома тузища мустакил ҳаракат қила оладими? Бу ҳолат бўйича қандай жавобгарлик кўлланилади

### **15-казус**

Хусаинов Жабборов билан шартнома тузади. Унга кўра Хусаинов Жабборовга уйидан ташқарида жойлашган гаражни сотиши, Жабборов эса Хусаиновга гаражнинг белгиланган баҳосини тўлаши ва битимни расмийлаштириш ҳаражатларини ўз зиммасига олиши керак эди. Бир неча кундан сўнг томонлар шартномани расмийлаштиришди ва хисобкитобларни амалга оширишди. Бир қанча вақт Жабборов гараждан фойдаланди. Орадан бир оз вақт ўтгач, у ерга мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома олгач, қурилишга рухсат олди ва ўз гаражини қурди.

Учрашганида Жабборов Хусаиновга унинг гаражидан фойдаланмаётганини гапириб берди. Хусаинов эса ҳозир гаражга муҳтожлиги, ўшанда гаражни сотганлигидан афсусланди. Жабборов Хусаиновга олди-сотди шартномасини бекор қилишни таклиф қилди, бунга кўра Хусаинов Жабборовга олган пулни қайтаришга ваъда берди. Хусаинов ва Жабборов келишилган вақтда учрашиб, нотариусга гаражни олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилишди, бироқ нотариус улардан бўлиб ўтган воқеани тинглаб, битимни бекор қилишдан бош тортди.

Нотариус тўғри йўл тутдими? Мажбуриятнинг бекор қилинишига нима асос бўлади? Мажбуриятнинг бекор бўлиши унинг ўзгаришидан нима билан фарқ қиласи?

### **16-казус**

Фуқаро Қодировдан Мақсадов 900.000 сўм микдорида 10 кунлик муддат ичida қайтариш шарти билан қарз олди. Умумий қоида бўйича Қодиров Мақсадовга шартномани ёзма равишда ифодалаб қўйишларини таклиф қилди. Шу ондаёқ Мақсадов: “Эй, оғайни, сен нима деб ўйлаяпсан,

мен айтилган кундаёқ пулни қўлингга тутқазаман”, деб оғзаки розилигини олиб, тарафлар бунга келишгандек бўлдилар. Белгиланган кун ўтди, омма пулдан дарак бўлмади. Қодиров Мақсудовдан пулни талаб қилганида, у бунга ўтакетган эътиборсизлик билан қаради. Қодиров ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилди. Суд терговида Мақсудов шартнома тузилаётганида оғзаки келишишга Қодировнинг ўзи рози бўлганлигини хаспўшлашга уринди.

Иш бўйича фикрингиз қандай? Сукут сақлаш акцепт бўла оладими? Шартноманинг ёзма шакли унинг оғзаки шаклидан қандай афзалликларга эга? Агар келишув ёзма шаклда ифодаланганда жараён қандай кечарди?

### **17-казус**

Даъвогар Х.Х.Алимов жавобгар Махмудова Ю.С. устидан судга мурожаат этиб, 2008 йил 03 июнь кунидаги ҳадя шартномасига асосан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Мукимий кўчаси, 27-йй унга тегишли эканлигини, ҳозирги кунда жавобгар махмудова Ю.С. низоли уйда доимий рўйхатда турсада, лекин 2012 йилнинг 12 декабрь кунидан буён яшамаслигини, даъвогар эса жавобгар учун ҳам коммунал тўловларни тўлаш оғирлик қилаётганлигини, шу сабабли судга мазкур даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини, бу каби ишлар бундан олдин фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судида кўрилганлигини таъкидлаб, мазкур суднинг ҳал қилув қарорини намуна қилиб, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда суддан жавобгарни низоли хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишини сўраган.

Савол: Ушбу вазиятда суд қандай йўл тутади? Бир суднинг қарори Ўзбекистон худудида иккинчиси учун манба бўладими? Суд прецеденти манба бўладиган давлатлар қайси ҳуқуқ тизимига мансуб?

### **18-казус**

Бешкент туманида жойлашган катта сув дамбасининг бўзилиши натижасида шу туманда жойлашган фермерларга тегишли бўлган 500 гектар ерга эқилган қишлоқ хўжалик экинлари нобуд бўлди. Туман ҳокими ушбу воқеа сабабчиларидан фермерларга етган заарнигина қоплаб бериш хақида бўйруқ чиқарди. Фермерлардан бири эса хақиқий зарар билан бирга олинмаган фойдани ҳам ундириб беришни суддан талаб қилди. Суд ҳоким қарорини асос қилиб кўрсатиб фермернинг талабини рад этди.

**Савол:** Суднинг ҳаракатига баҳо беринг. Суднинг қарорига ҳокимнинг бўйруғи асос бўлиши мумкинми? Ушбу ҳолатда ҳокимнинг бўйруғи фуқаролик ҳуқуқий муносабатни тартибга сола олдими?

### **19-казус**

Даъвогар «Ўзмевасабзавотимпекс» Самарқанд вилоят филиали «Ноёб А» АТ «Тадбиркорбанк» Самарқанд вилоят бошқармасига нисбатан кредит шартномаси ва кафолат хати асосида кредит ва фоиз тўловлари бўйича қарзни солидар тартибда ундиришни сўраган. Биринчи инстанция суди даъвони тўлиқ қаноатлантирган. Кафолат хатига асосланган киредит мажбуриятида суд ФКнинг қайси нормалари талабларини инобатга олган. Бундай ҳолда суд томонидан қарзни субсидиар тартибда ундиришга йўл қўйилиши мумкинми. Фикрингизни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари асосида изоҳлаб беринг.

### **20-казус**

Тошкентдаги уйлардан бирида квартира бўшади. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг уй-жой бошқармаси ва Яшнобод тумани ҳокимияти ўртасида бўш квартирани ким банд қилиши ва бунинг учун ордер бериш тўғрисида низо келиб чиқди. Уй-жой бошқармасининг фикрига кўра, уй шаҳар мулки бўлиб, фақар шу бошқарма уни тасарруф эта олади.

Яшнобод тумани ҳокимияти эса, уйни маҳаллий ҳокимият мулки деб ҳисоблади, уни бериш туман ҳокимияти томонидан бериладиган ордер орқали амалга оширилиши ва уй туман уй-жой ташкилоти балансида турганлигини билдириди.

Иш қандай ҳал қилинади? Давлат ва маҳаллий ҳокимият мулки асосларга кўра бир-биридан фарқланадими?

### **21-казус**

Даъвогар “Барака”ХК судга мурожаат қилиб, жавобгар “Фаравон” ХКдан 4.000.000 сўм ундиришни сўраган. “Барака” ХК ва “Фаравон” ХК ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган, унга кўра “Фаравон” ХК “Барака” ХКга 10 тона қулупнай маҳсулотини музлатгич мосламасига эга бўлган юк машинасида етказиб бериш, “Барака” ХК эса етказиб берилган маҳсулотнинг ҳар бир килограммига 2.0000 сўмдан жами 20.000.000 сўм тўлаб бериш мажбуриятини олган. “Барака” ХК шартноманинг 4.2. бандига асосан маҳсулот учун олдиндан 20 фоиз, яъни

400.000 сўм тўловни амалга оширган, шартномага кўра, маҳсулот Тошкент вилоятидан бир кунлик муддатда Хорамз вилоятига етказиб бериши лозим бўлган. Маҳсулот жўнатилган куни ҳавонинг салқинлиги важи қилиниб, “Фаравон” XK маҳсулотни музлатгич мосламасига эга бўлмаган юк машинасида жўнатган. Маҳсулот шартномада кўрсатилган муддатда етказилган бўлса-да, унинг сифати пасайган. Натижада тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот етказиб берилиши натижасида тарафлар ўртасида низо келиб чиқди.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг? Фуқаролик қонун ҳужжатларида ушибу ҳолатни тартибга соладиган нормалар билан масаланинг ечимини изоҳлаб беринг. Бундай ҳолда суд қандай ҳал қилув қарорини қабул қилишии лозим?*

## 22-казус

Давъогар “ELITA” МЧЖ судга мурожаат этиб, жавобгар “SUPER” XKдан масулот етказиб бериш шартномасига кўра маҳсулот етказиб берилган 20 та “SAMSUNG” маркасидаги компьютерларни 20 та “LG” русумидаги компьютерларга алмаштириб бериш мажбуриятини юклаб беришни сўраган. “ELITA” МЧЖ ва “SUPER” XK ўртасида маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Унга кўра “SUPER” XK ва “ELITA” МЧЖга Корея давлатида ишлаб чиқарилган 100 дона “LG” маркасидаги компьютерларни етказиб бериш, “ELITA” МЧЖ эса етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан 100 фоиз тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган. Кейинчалик тарафлар ўртасида қўшимча келишув тузилиб, дастлабки шартномадаги 100 та “LG” маркасидаги компьютерларни тўла етказиб бериш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли 80 та “LG” ва 20 та SAMSUNG“ маркасидаги компьютерларнинг ҳар бирини 1.100.000 сўмдан етказиб беришга келишилган. “ELITA” МЧЖ товар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган. “SUPER” XK “ELITA” МЧЖга 100 та компьютер етказиб берган бўлса-да, уларнинг 60 таси “LG” маркасидаги, қолган 40 таси “SAMSUNG” маркасидаги компьютерлар бўлган. Бундан норози бўлган “ELITA” МЧЖ “SUPER” XKга талабнома билан мурожаат этиб, қўшимча келишувга мувофиқ, яна 20 та “LG” русумидаги компьютерларни етказиб беришни сўраган. Аммо даъвогарнинг талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган, шу сабабли “ELITA” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

*Вазиятга ҳуқүқий баҳо беринг? Фикрингизни фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида асослаб беринг? Бундай ҳолда суд қандай ҳал қилув қарорини қабул қиласы.*

### **23-казус**

Даъвогар ХФ судга жавобгарлар Банк, АЖ, МЧЖ, ҚҚ, 5сонли ДНИ, муниципал бирлашма маркази, туман ижро департаменти, кадастр бошқармасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этиб, гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Кредитор Банк қарздор АЖга 2010 йил 4 февралга қадар қайтариш шарти билан 189.500.000 сўм кредит берган, кредит шартномасини таъминлаш мақсадида Банк ХФ га тегишли бўлган умумий майдони 2.275 кв.м бўлган 3.711 кв.м ер майдонида жойлашган бир қаватли ишлаб чиқариш биносини ҳамда ҚҚга тегишли ускуналарни гаров шартномаси асосида гаров сифатида қабул қилинган. Гаров шартномасини 5-сонли ДНИнинг нотариуси томонидан давлат рўхатига олинган, қарздор кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун банк судга мурожаат қилган ва суднинг ҳал қилув қарори билан ундирув гаровга олинган мол-мулкка қаратилган, суднинг ҳал қилув қарорига асосан, гаровга қўйиган мол-мулклар жамланиб, аукцион савдосига қўйилган ва МЧЖга сотилган.

*Вазиятга ҳуқүқий баҳо беринг? Суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори асослантирилган ҳолда қабул қилинганми? Фикрингизни асосланг.*

### **24-казус**

Даъвогар МЧЖ жавобгар АЖга нисбатан судга даъво аризаси била мурожаат қилиб, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган, томонлар ўртасида кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси тузилган, унга асосан МЧЖ ўзининг балансида бўлган маъмурий бинони 13.629.818 сўмга сотишни АЖ эса ушбу кўчмас мулк учун олдиндан 10 кун муддат ичида бўнак тўлаши, қолган суммани бир йил ичида бўлиб – бўлиб тўлаш мажбуриятини олган. АЖ тўловни қисман амалга оширгандан сўнг, қабул қилиш далолатномасига асосан бино АЖга топширилган, бино мазкур шартнома нотариал тасдиқланмаган, ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган, АЖ тўловни тўлиқ амалга оширмасдан бинодан фойдаланиб келган.

*Вазиятга ҳуқүқий баҳо беринг? Низо бўйича суд қандай ҳал қилув қарорини қабул қилиши лозим, ўз хulosалангизни фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида ҳал этинг.*

## **25-казус**

Даъвогар МЧЖ судга мурожаат этиб, жавобгар сұғурта агентлигидан 10.013.20 сүм ундиришни сұраган, МЧЖга тегишли “Nexia” автомашинаси МЧЖ ва сұғурта агентлиги ўртасида тузилГан сұғурта шартномасига кўра, МЧЖ сұғурта мукофоти сифатида сұғурта агентлигига 458.468 сүм тўлаган. МЧЖ раҳбари 2010 йил 13 январда Қарши-Касби йўлининг 22-километрида “Нексия” автомашинасини бошқариб келаётган вақтда автомашинанинг шинасига номаълум жисм кириши натижасида бошқарувни йўқотган. Автомашина йўл чети устинига урилган. Натижада автомашинага 10.013.200 сүм миқдорида зарар етган. МЧЖ сұғурта ҳодисаси содир бўлган кундан 1 ой ўтгач, сұғурта агентлигига мурожаат қилиб, сұғурта пулини тўлиб беришни сұраган. Бироқ сұғурта агентлиги МЧЖга сұғурта пулини тўлаб беришдан бош тортган. Шу сабабли МЧЖ судга мурожаат қилиб, сұғурта агентлигидан 10.013.200 сүм сұғурта пулини ундиришни сұраган. Томонлар ўртасида тузилган сұғурта шартномасининг 5.2 бандида сұғурта қилдирувчи сұғурта ҳодисаси содир бўлганда 3 кундан кечиктириб сұурталовчини хабардор қилиши белгиланган.

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг? Низо бўича суднинг хулосаларингизни фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида баён этинг.*

## **26-казус**

“Юлдуз” МЧЖ Ипотека АТИБ Миробод филиалидан 95 млн сўмлик кредит олиш учун гаров сифатида ўзига тегишли бўлган теннис корти биносини гаровга қўйди. Орадан бир ой ўтгач МЧЖ да улушга эга бўлган Фаниев МЧЖ нинг теннис корти биносини гаровга қўйиш масаласи муҳокама қилинган умумий йиғилиши мажлисида қатнашмаганлиги ҳамда юқорида назарда тутилган суммадаги кредит шартномаси йирик битим ҳисобланганлиги туфайли мазкур шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида Тошкент шаҳар Хўжалик судига даъво юилан чиқди. Тошкент шаҳар Хўжалик суди томонидан Юлдуз МЧЖ нинг теннис корти биносини гаровга қўйиш масаласи муҳокама қилинган умумий йиғилиши мажлиси баённомаси ҳақиқий эмас деб топилиб, мазкур теннис корти биносини гаровга қўйиш ҳақидаги банк билан тузилган гаров шартномаси ҳам бекор қилинди. Натижада Юлдуз МЧЖ ва АТИБ Миробод филиали ўртасидаги кредит шартномаси гаров билан таъминланмай қолди.

*Мазкур вазиятда юрист сифатида банкка қандай йўл тутиши мумкинлиги ҳақида маслаҳат беринг.*

*МЧЖда улушларга эга бўлинган шерикларнинг хуқуларига тўхталиб, йирик битимнинг моҳиятини очиб беринг.*

*Мазкур казусга жавоб ёзишида турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **27-казус**

Микрокредит ташкилоти сифатида фаолият юритиш мақсадини кўзлаган Тоиров ва Тошов МЧЖ ташкил этишиб, устав капиталини энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида шакллантиришга келишдилар ҳамда мазкур сумманинг 30 фоизини рўйхатдан ўтиш пайтида дарҳол, қолган қисмини эса бир йил мобайнида шакллантиришга қарор қилдилар. Аммо рўйхатдан ўтказувчи устак капиталига қўйилган тингловчи бажарилмаганини важ қилиб, мазкур МЧЖни рўйхатдан ўтказишаан бош тортди. Ушбу ҳолатда рўйхатдан ўтказувчи органнинг талабларига қонуний баҳо беринг.

*Мазкур казусга жавоб ёзишида турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **28-казус**

“Рушана” МЧЖ га учинчи шахс сифатида қабул қилинаётган Қаххоров ўз ҳиссасини пулсиз шаклда киритишини маълум қилди. “Рушана” МЧЖ нинг умумий йиғилишида 4 та иштиркочидан учтаси Қаҳооровнинг пулсиз ҳиссасининг пул баҳоси 6 ярим имллион қилиб белгиланишига рози бўлди. Бир киши эса қарши чиқди. “Рушана” МЧЖ юрисконсулти бу вазиятда Қаҳооровнинг пулсиз ҳиссасини пул баҳосини белгилаш баҳсли эканини билдириди.

*Қонунчиликдан келиб чиқиб вазиятга баҳо беринг. Мазкур казусга жавоб ёзишида турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.*

### **29-казус**

“Ирода” МЧЖнинг уставида жамият устав капиталини кўпайтириш учун жамият иштирокчиларининг барчасининг розилиги талаб қилиниши белгилаб қўйилди. Икки ой ўтгач “Ирода” МЧЖ устав капиталини кўпайтириш мақсадида умумий йиғилиш чақирди. Йиғилишда

иштирокчиларнинг учдан икки қисми устав капиталини кўпайтириш ҳақидаги қарорга розилик билдириди. Аммо жаият ижро органи раҳбари ва юрисконсулт ўртасида мазкур қарорнинг тўғрилиги борасидабаҳс юзага келди. Юрисконсулт мазкур қарор асосида жамият устав капиталини кўпайтириш мумкин, чунки қонунчиликда шундай тартиб бор деса, ижро органи раҳбари жамият уставига кўра барча бир овоздан маъқуллагандан кейин гина буни амалга ошириш мумкинлигини таъкиллади. Юрисконсулт эса ўз фикрини корпоратив нормалардан кўра қонунчиликнинг устунлмиғи ҳақидаги важ билан тўғри эканлигига қатъий ишонмоқда.

***Вазиятни ҳуқуқ нормалар асосида ҳал этинг. Мазкур казусга жавоб ёзишида турли олимларнинг мулоҳазаларидан иқтибослар келтиринг.***

### **30-казус**

Каримов А. томонидан ягона таъсисчи кўринишидаги “ФАЙЗ” МЧЖ ташкил этилди. Олти ой муддат ўтганидан сўнг жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида янги икки нафар иштирокчи жамиятга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтгач жамиятнинг таъсисчиси бўлган Каримов А. жамиятдан чиқиб кетмоқчи эканлигини маълум қилди.

***Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.***

### **31-казус**

“ТУЛПОР” МЧЖ ўзининг устав фондини кўпайтириш мақсадида ҳуқуқий маслаҳат сўраб ҳуқуқшуносга мурожаат қилди. Ҳуқуқшунос ушбу вазиятда жамият аъзоларига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш учун жамиятга янги иштирокчиларни қабул қилиш керак эканлигини таъкидлаб, бошқа йўллар орқали кўпайтириш мумкин эмаслигини айтиб ўтди.

***Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.***

### **32-казус**

“БАХТ” ҚМЖнинг ташкил қилган З нафар иштирокчилардан бири иккинчи иштирокчининг қўшган улушларини сотиб олди ва учинчи улушчига хабар бермаган ҳолда жамиятнинг фаолият турига қўшимча киритиш ва бошқа жамият билан йирик битим тузишини айтди.

Жамиятнинг учинчи улушчиси бунга нисбатан норозилигини билдириди ва судга мурожаат қилди.

**Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.**

### **33-казус**

“ДЁР” МЧЖнинг мол-мулки қиймати 100 млн. сўмни ташкил қиласди. Жамиятнинг ўтган йиллик активи 40 млн. сўмни ташкил этган. Жамиятнинг Бошқарув органи 2016-йил “ЛИОН” АЖ билан 2та бир-бирини тўлдирувчи битим тузди. Биринчи битимнинг қиймати 40 млн сўмни , иккинчи битим 10. млн сумни ташкил қиласди.

**Ушбу битимларнинг тузилиши қонунийми? Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.**

### **34-казус**

“ТУРОН” МЧЖ Бош дериктори Алиев М.“КАМОЛ” АЖ билан 500 миллион сўмлик олди-сотди шартномасини тузади. Орадан бир оз вақт ўтгач бу шартномадан “ТУРОН” МЧЖнинг иштирокчилари умумий йигилиши бундан хабар топиб, ушбу олди-сотди шартномасини тан олмади.

**Ушбу шартноманинг тузилиши қонунийми? Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топинг.**

### **35-казус**

“Flyhigh” акциядорлик жамияти 2015 йил маълум бир сабабларга кўра тугатилди. Тугатилиш жараёнида жамиятнинг мол-мулки акциядорлар ўртасида тақсимланди. Қонунда берилган тақсимланиш навбатларига риоя қилинди. Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет-эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини жамият тегишли тартибда миллий валютада айирбошлаб берди. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритиб, жамиятни тугатиш тамомланганлигини ҳамда жамият фаолиятини тугатганлигини маълум қилган. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, тугатиш жараёнида қонунбузарлик содир этилган экан.

**Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.**

### **36-казус**

2015 йил 23 феврал куни «Mining Investment group» хорижий фирманинг ваколатхонасида солиқ органи солиқларнинг ҳисобланиши ва тўлаб борилишининг тўғрилиги юзасидан текширув ўтказади ва даромад солиғи бўйича солиқ миқдорига қўшимча суммани қўшиб ҳисоблаб, уни низосиз ундириб олиниши бўйича қарор чиқаради. Ваколатхона Фарғона вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, уни ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб этади. Ваколатхона ўз талабларида мустақил солиқ тўловчи эканлигини, солиқ органида рўйхатдан ўтказилганлигини кўрсатади. Солиқ органи солиқ суммаларини қонунчиликни бузган ҳолда ҳисоблаб чиқарган ва натижада ноҳақ равишда қўшимча суммани ҳисоблаб ёзган. Ваколатхонанинг солиқ тўловчи сифатидаги ҳукуқлари бузилганлиги сабабли, у ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этишга ҳақли деб ҳисоблади. Суд даъвони қабул қилиб оладио, аммо кейинчалик ажрим асосида ишни тўхтатиб қўяди.

**Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.**

### **37-казус**

Фуқаро А.Ахмадов “Paris” АЖнинг акциядори ҳисобланади ҳамда унинг акциядорлик жамиятидаги акцияларининг улуши 14 %ни ташкил этади. Маълум вақтдан сўнг эса худди шу жамиятга А.Ахмадовнинг ўгай укаси ҳисобланган З.Ахмадов ҳам акциядор сифатида қўшилмоқда. Унинг жамиятдаги акцияларининг улуши 10% ташкил этади. Улар бу ҳақда АЖга хабар қилмаганлар. Кейинчалик бу нарса маълум бўлиб, улар аффилланган шахс эканликлари, бу ҳақда АЖга хабар бермаганликлари ва бу сабабли жамиятга зарар етганлиги ҳамда улар ўzlари етказган зарар миқдорида жавобгар эканликлари маълум қилинди.

**Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.**

### **38-казус**

“ОқЙўл”акциядорлик жамиятининг директори АЖнинг ички тузилишидаги Саноқ комиссияси аъзоларидаги айrim масъул шахсларнинг

узрли сабабларга кўра қатнаша олмаслиги сабабли, унинг ўзи мазкур комиссия аъзоси сифтида қатнашди. Бу ҳолатга жамиятнинг бошқа айрим аъзолари эътиroz билдириди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида хукуқий баҳо беринг.*

### **39-казус**

Акциядорлик жамияти акциядори А.Авазов ўз акцияларини чет эллик дўстига сотмоқчи бўлди. Лекин, акциядорлик жамияти раҳбари бунга қонун талабларига зид эканлигини, уни имтиёзли акция эгаси эканлигини маълум қилиб, фақат амалдаги аъзолардан бирига сотиш мумкинлигини билдириди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида хукуқий баҳо беринг.*

### **40-казус**

“Дархон” масъулияти чекланган жамиятига аъзо бўлиб тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида Молия вазирлигида ишлаётган Ф.Санақулов МЧЖнинг устав фондига ўз улушини қўшиш учун МЧЖга ариза билан мурожаат қилди. Аммо жавоб хатида МЧЖ иштирокчилари сони максимал даражада эканлиги ва бирорта ҳам иштирокчини қабул қилолмаслиги ҳақидаги ваъжлар келтирилганди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида хукуқий баҳо беринг.*

### **41-казус**

Фуқаро Раҳимов В. асосан импорт фаолияти билан шуғулланувчи “Мустанг” АЖ акцияларининг маълум миқдорини сотиб олди. Орадан бир йил ўтиб ўзига тегишли акцияларни сотишга қарор қилди ва акциялар учун янги харидор топди. Аммо жамият бундан хабар топиб акциялар фақат жамият аъзоларига сотилиш кераклигини, бошқа шаҳс жамият акциясига эга бўла олмаслигини, билдириди.

Рахимов В. эса “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулқдор хукуқларини кафолатлари тўғрисида”ти қонунга зидлигини важ қилиб кўрсатди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида хукуқий баҳо беринг.*

#### **42-казус**

Фуқаро Шарипов АЖ ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги “ягона дарча” марказига мурожаат қилди. Марказдагилар унинг якка ўзи АЖ ташкил эта олмаслигини, бундан ташқари АЖ ташкил этмоқчи бўлса АЖининг устав фондининг 15%ини чет эл сармояси ташкил қилиши лозимлигини таъкидлашди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **43-казус**

2015 йилда бир неча шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида “Мақсад” МЧЖни ташкил қилишди. Орадан бир йил ўтиб иқтисодий қийинчиликлар туфайли жамият активлари камайиб кетди, натижада аъзолар жамият устав фондини камайтириш тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилишди. Аммо, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият устав фонди миқдорини камайтиришга йўл қўйилмаслигини билдириди. Жамият аъзолари юридик ёрдам олиш мақсадида сизга мурожаат қилди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **44-казус**

2010 йилда “Уголок” умумий овқатланиш корхонаси давлат тасарруфидан чиқарилди ва холдинг сифатида ташкил этилди. Аммо корхона аъзолари ҳуқуқшуносга мурожаат қилишди ва холдинг сифатида ташкил этиши ноқонуний ўтказилганлиги, яъни меҳнат жамоаси аъзоларининг розилиги олинмаганлигини ва шу сабабдан улар юрилик ёрдам олиш учун сизга мурожаат қилишди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **45-казус**

“Авторитет” АЖ 2013 йилда тузилган бўлиб, 2015 йил жамият активлари орта бошлиди. Натижада Вазирлар Маҳкамаси жамиятнинг стратегик аҳамиятини инобатга олиб жамиятга нисбатан “Олтин акция” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жамият аъзолари эса бу қарорни

жамият фаолиятига аралашиш деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **46-казус**

“LOGITECH” МЧЖнинг ижро этувчи органи навбатдаги умумий йиғилишни чақирди. Мазкур йиғилиш молия йили тугагандан кейин еттинчи ойда ўтказилди. Йиғилиш “LOGITECH” МЧЖнинг йиллик ҳисоботи юзасидан чақирилган. Йиғилишга жамият иштирокчиси М.Собиров номидан унинг вакили С.Аҳмадов иштирок этди. Лекин ҳисобот чоғида вакил С.Аҳмадов йиғилишда иштирок этиш ҳукуқини берувчи хужжатни тақдим этмаган. Йиғилиш унинг иштирокини асоссиз деб топди.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **47-казус**

Жамиятнинг умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин. “ICECOOL” МЧЖ жамиятнинг умумий йиғилиши қарори билан бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилди. Жамият кредиторлари Сафаров ва Мелиевлар ушбу ҳолатда моддий зарап кўришди ва улар кўрган заарларни ўрнини қопланишини ёзма равишда талаб қилиб чиқишли.

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **48-казус**

“КАРОМАТ” АЖ жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш билан боғлиқ масалани жамиятнинг бошқарув органи томонидан ҳал қилинди. Аммо жамият аъзолари эътиroz билдириб ушбу масалани жамиятга умумий раҳбарликни амалга оширадиган кузатув кенгаши амалга ошириши кераклигини билдиришди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш?

*Мазкур вазиятга Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ҳуқуқий баҳо беринг.*

#### **49-казус**

“САҲОВАТ” АЖнинг шўъба хўжалик жамияти сифатида қўшимча масулиятли жамият ташкил этилди. “САҲОВАТ” АЖнинг ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги учун ҚМЖ шўъба хўжалик жамияти жавобгар деб топилди. ҚМЖ эътиroz билдириб, шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмаслигини таъкидлади.

**Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг хукуқий ечимини топинг.**

### **50-казус**

Давлат улуши мавжуд бўлган “ДУНЁ” АЖ тугатилаётганда жамиятнинг умумий йиғилишида жамиятнинг тугатиш тўғрисидаги қарорга биноан тугатилди.

Жамиятнинг тугатилиши қонунийми?

**Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик хужжатлари асосида ушбу масаланинг хукуқий ечимини топинг.**

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Кишлоқ жойларида қурилиш пудрати шартномалари муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.
2. Фуқаролик муомаласида иш муомаласи одатларини қўллаш масалалари.
3. Қурилиш пудрати шартномавий мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги.
4. Тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.
5. Оммавий мулк ҳуқуқининг мақоми.
6. Фуқаролик ҳуқуқида вакиллик институтининг ривожланиши.
7. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг ривожланиш тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба.
8. Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалалари.
9. Корхонанинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.
10. Маҳсулот етказиб бериш шартномавий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.
11. Ижтимоий шериклик шартномавий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.
12. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик ва уни қўллаш масалалари.
13. Транспорт ташкилотларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.
14. Тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминланишини ҳуқуқий тартибга солиш.
15. Кишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаровий ҳуқуқий тартибга солиш.
16. Саноат мулки объектларини фуқаролик ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари.

17. Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик.
18. Уй-жой олди-сотдисини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш.
19. Якка тартибда уй-жой қурилишини фуқаролик ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.
20. Эр-хотиннинг биргаликдаги мулк ҳуқуқининг режими.
21. Оила ҳуқуқи бўйича никоҳ муносабатларини тартибга солиш масалалари.
22. Реалторлик фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш.
23. Юридик шахс тўғрисидаги таълимотларни ривожлантириш масалалари.
24. Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиши
25. Ишчанлик обрўси фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида
26. Фуқаролик ҳуқуқида корпоратив мажбуриятлар тизими ва хусусиятлари
27. Фуқаролик муносабатларида урф-одат ва анъаналар: миллий ва хорижий тажриба
28. Романо-герман ҳуқуқий тизимида фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиш тенденциялари
29. Суд қарорлари-юридик факт сифатида
30. Романо-герман ҳуқуқий тизимида тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш ва уни ҳимоя қилиниши
31. Тадбиркорлик субъектларига заарар етказганлиги учун давлатнинг мулкий жавобгарлиги
32. Корпоратив мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усуллари: назарий ва амалий масалалари
33. Электрон пул воситаларининг фуқаролик ҳуқуқий табиати
34. Ахборот- фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида
35. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда интернет тармоғидан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш масалалари
36. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажариш
37. Тадбиркорлик фаолиятида иш муомаласи одатларини қўллаш масалалари
38. Фуқаролик муомаласида электрон тижоратни ҳуқуқий таъминлаш масалалари
39. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳуқук бузилиш ҳаракатларининг олдини олиш йўли билан ҳимоя қилиниши
40. Фуқаролик ҳуқуқини ривожланишида иқтисодий омилларнинг роли ва аҳамияти
41. Фуқаролик ҳуқуқида иш муомаласи одатлари
42. Корпоратив ташкилотлар йиғилиш қарорлари юридик факт сифатида

43. Йиғилиш қарорларини ҳақиқий әмас деб топиш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида
44. Корпоратив ҳуқуқий муносабатларининг элементлари
45. Фуқаролик муомаласида реторсияни қўллаш масалалари
46. Васий ва хомийликни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалалари
47. Хусусий муассасаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми
48. Корпоратив юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақоми
49. Корпоратив шартномавий муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш
50. Тадбиркорлик субъектларини хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалалари
51. Инвестиция ва пай фондларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш
52. Корпоратив хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари фуқаролик ҳуқуқий мақоми
53. Тижорат сирларининг фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиниши
54. Қимматли қоғозлар-фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида
55. Фуқаронинг тасвири ва шахсий ҳаётининг фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиниши
56. Кичик тадбиркорлик субъектлари мулкининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми
57. Турар жой фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг обьекти сифатида
58. Кичик тадбиркорлик субъектларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми
59. Инновация- интеллектуал мулк ҳуқуқининг обьекти сифатида
60. Ташқи иқтисодий битимлар юридик факт сифатида
61. Корпоратив низолар бўйича иш юритишнинг хусусиятлари
62. Маҳсулот тақсимотига оид битимларнинг фуқаролик ҳуқуқий табиати
63. Ташувларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси
64. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги якка тадбиркорликнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми
65. Жисмоний тарбия –спорт ва соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш шартномавий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш
66. Аҳолига санитария ва эпидимиологик хизмат кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий воситалари
67. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни тизимлаштириш ва соддалаштириш тартиби
68. Тадбиркорлик субъектларини адлия органларида рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш масалалари
69. Қишлоқ хўжалик корхоналарини судгача санация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

70. Товар ва молия бозорларида рақобатга қарши ҳаракатларни ҳуқуқий баҳолаш масалалари
71. Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва унинг ҳуқуқий оқибатлари
72. Қишлоқ хўжалик корхоналарини судгача санация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари
73. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шахсийлаштириш воситаси сифатида фирма номлари
74. Инвестиция фаолияти субъектларининг жавобгарлигини ҳуқуқий тартибга солиш
75. Инвестиция фаолиятини суғурталашнинг ҳуқуқий масалалари
76. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг нотижорат ташкилотлари томонидан ҳимоя қилиш масалалари
77. Холдингларни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари
78. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий асослари
79. Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномалар тузишнинг ўзига хос хусусиятлари
80. Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг хусусиятлари
81. Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш масалалари
82. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга соловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари
83. Чет эл инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари
84. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шакли сифатида

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглизтилидагишарҳи</b>
<i>Мулк ҳуқуқи (Right of ownership)</i>	Бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш жараёни.	The right of ownership is the right to possess property, to use and to dispose property.
<i>Эгалик қилиши ҳуқуқи (The right of possession)</i>	Эгалик қилиш мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқукларини амалга оширишга имкон берувчи бирор жойда сақлаб туриши.	The right of possession means that someone currently holds something in hand and this person may be the temporary keeper or the long-term owner of an object.
<i>Битим (Transaction)</i>	Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларир.	Transactions are actions of citizens and legal entities directed at the establishment, change, or termination of civil rights and duties.
<i>Корпоратив мулк (Corporate ownership)</i>	Корпоратив хусусий мулк, бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий мулкнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган мулк. Корпоратив мулк дивиденд келтирувчи мулкдир.	Corporate ownership is one of three broad categories of legal ownership of a business, the other two being sole proprietorship and partnership. In a sole proprietorship, the owner is personally liable for his or her business's debts and losses, there is no distinction made between personal and business income, and the business terminates upon the death of the owner.
<i>Корпорациялар (Corporation)</i>	Корпорациялар-мулкчиликнинг хиссадорлик шаклининг замонавий кўринишларидан бири хисобланади. Унда бир неча мулкдорларнинг манфаатлари бирлашади, ягона мақсад доирасида инвесторлар	A corporation is a legal entity that is separate and distinct from its owners. Corporations enjoy most of the rights and responsibilities that an individual possesses; that is, a corporation has the right to enter into contracts, loan and borrow money, sue and be sued, hire employees,

	капиталлари бирлаштирилади.	own assets and pay taxes.
<i>Хуқуқийи лаёкат (civil legalcapacity)</i>	Барча фуқароларнинг фуқаролик хуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (хуқуқ лаёқати) тенг равища эътироф этилади. Фуқаронинг хуқуқ лаёқати у туғилганда пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.	The capacity to have civil rights and duties (civil legalcapacity) is recognized in equal measure for all citizens.The legal capacity of a citizen arises from the time of his birthand is terminated by death.
<i>Лизинг шартномаси (Leasing contract)</i>	Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижараага оловучи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг оловучи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг оловучи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.	Under a contract of leasing one party, the leaseholder (thelessor) on instructions from another party, the lease recipient (thelessee), shall have the duty to enter into agreement with a third partywith a seller for acquiring property from the latter for the lessee, and the lessee shall have the duty to pay for it to the lessor for leasingpayment.
<i>Деликт мажбуриятлар (Tort obligation)</i>	Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳисобланиб фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш натижасида, нуқсонли товарлар (ишлар, хизматлар) оқибатида етказилган	Tort obligation - an obligation owing to injury in which the person is obliged to fully compensate the damage caused to the person or property of a citizen, legal person property.

	зараарлар ўрнини қоплаш мажбуриятлардан келиб чиқади.	
<i>Интеллектуал мулк (Intellectual property)</i>	Интеллектуал мулк инсоннинг ижодий фаолияти натижасида яратилган адабий, бадиий, санъат асарлари васаноат намунасиdir. Ижодий фаолият, ўз навбатида, инсон тафаккури маҳсули ҳисобланади. Шу боис интеллектуал фаолият иштирокчилари – муаллифлар фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг энг фаол субъектларидир.	Intellectual property is a term referring to creations of the intellect for which a monopoly is assigned to designated owners by law. Some common types of intellectual property rights are trademarks, copyright, patents, industrial design rights, and in some jurisdictions trade secrets: all these cover music, literature, and other artistic works; discoveries and inventions; and words, phrases, symbols, and designs.
<i>Муаллифлик хуқуқи (Copyright)</i>	Муаллифлик хуқуқи — бу муаллифларга адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа яратилган асарлар учун қонун йули билан берилган химоя шаклиdir. Муаллифлик хуқуқи эгаларига бериладиган хуқуклар ўз ишларини чоп эттириш, қайта босиш ва кўпайтириш, сотиш ва нусхаларини тақсимлаш, ўз асарларини ижро этиш ҳамда ёздириш хуқуқларини беради. Муаллифлик хуқуқи билан тартибга солинадиган объектларга компьютерлар учун дастурлар, маълумотлар базаси ва шунингдек, илм-	Copyright is a legal right created by the law of a country that grants the creator of an original work exclusiverights for its use and distribution. This is usually only for a limited time. The exclusive rights are not absolute but limited by limitations and exceptions to copyright law, including fair use. A major limitation on copyright is that copyright protects only the original expression of ideas, and not the underlying ideas themselves.

	фан, адабиёт, санъат асарлари мисол бўла олади.	
<i>Патент (Patent)</i>	Патент - техник ечим ёки давлат томонидан эътироф этилганлигини ва ихтиорининг ўз ихтиросига олган мутлақхуқуқини тасдиқловчи хужжат. Патент олиш жараёни, патент олувчининг маъсулиятлари ва эксклюсив хукуqlари турли мамлакатларда турличадир. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир патент олиш учун ёзилган аризада ихтиронинг бирор-бир янгилик киритаётгани ҳақида маълумот бўлиши керак.	A patent is a set of exclusive rights granted by a sovereign state to an inventor or assignee for a limited period of time in exchange for detailed public disclosure of an invention. An invention is a solution to a specific technological problem and is a product or a process. Patents are a form of intellectual property.
<i>Шартнома (A contract)</i>	икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хукуклари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.	A contract is an agreement of two or several persons on establishing, changing, or terminating civil rights and duties.
<i>Масъулияти чекланган жамият (Limited liability company)</i>	бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис хужжатлари билан белгилаб қўйилган микдорлардаги улушларга бўлинган жамият.	is where a person's financial liability is limited to a fixed sum, most commonly the value of a person's investment in a company or partnership

<i>Тижоратчи бўлмаган ташкилот</i> <i>(Non profit organization)</i>	фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот юридик шахс.	is an organization whose purposes are other than making a profit.
<i>Тижоратчи ташкилот</i> <i>(Business entity)</i>	фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс.	is an organization whose the purpose is making a profit.
<i>Якка тартибдаги тадбиркорлик</i> <i>(Sole proprietorship)</i>	жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш.	is a type of business entity that is owned and run by one natural person and in which there is no legal distinction between the owner and the business.
<i>Банкротлик</i> <i>(Bankruptcy)</i>	қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги.	is a legal status of a person or other entity that cannot repay the debts it owes to creditors
<i>Акциядорлик жамияти</i> <i>(Joint-stock company)</i>	устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан хукуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилот.	is a business entity where different stocks can be bought and owned by shareholders
<i>Умумий тизилии</i> <i>(General meeting)</i>	жамиятнинг юқори бошқарув органи бўлиб, акциядорлардан иборат	is a meeting of the shareholders of the joint-stock company

	бўлади.	
<i>Акция (Share)</i>	Эгасига акциядорлик жамияти фойдасидан дивидент олиш ва уни бошқариш хуқуқини берувчи қимматли қофоз.	A share is an indivisible unit of capital, expressing the ownership relationship between the company and the shareholder
<i>Директор (CEO)</i>	Ижро органига раҳбарлик қилади. Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.	A chief executive officer CEO in American English or managing director (MD) in British English describes the position of the most senior corporate officer, executive, or administrator in charge of managing an organization.
<i>Мустақил директор (Independent director)</i>	Жамият билан иқтисодий манфаатлар билан боғланмаган кузатув кенгаши аъзоси.	also sometimes known as an outside director is a director (member) of a board of directors who does not have a material or pecuniary relationship with company or related persons, except sitting fees.
<i>Олтин акция (Golden share)</i>	қийматга эга бўлмайдиган, бошқа шахсга ўтказилмайдиган, гаровга берилмайдиган, устав фонд миқдорини белгилашдава дивиденdlарни ҳисоблашда инобатга олинмайдиган акция. У давлатнинг маҳсус хуқуки ҳисобланади.	is a nominal share which is able to outvote all other shares in certain specified circumstances, often held by a government organization, in a government company undergoing the process of privatization and transformation into a stock-company
<i>Кузатув кенгаши (Board of directors)</i>	Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи акциядорлар томонидан сайланадиган корпоратив бошқарув органи.	is a body of elected or appointed members who jointly oversee the activities of a company or organization.

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. - 366 б.
2. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т .: Ўзбекистон, 2009. - 280 б.
3. Каримов. И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. – Т .: Ўзбекистон, 2010. - 264 б.
4. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 384 б.
7. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т .: Ўзбекистон, 2015.-302 б.

### **Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №ЎРҚ-328, 02.05.2012 //Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартағи №ПФ-789-сонли “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Фармони

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июля “Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-3897-сонли “Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонларини киритиш мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 355-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 372-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2015-йил 12-июнь.

15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат // Халқ сўзи. 2015 йил 6 декабрь.

16. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисосбидан олдинга юришдир” мавзусидаги маъruzаси. 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси. //Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

### **Махсус адабиётлар.**

1. Абзалов А.А. Мажбуриятда шахслар ўзгаришининг фуқаролик-хуқуқий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2013. – 65 б.
2. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик хуқуқи. – Тошкент: Молия, 2001. -218 б.
3. Иқтисодиётни эркинлаштиришни хуқуқий таъминлаш муаммолари. X-А. Раҳмонқулов ва бошқ./ проф. О.Оқюлов ва проф. Ш.Н.Рўзиназаровнинг умумий таҳрири остида – Т.: ТДЮУ, 2015. 53 б.
4. Имомов Н.Ф. “Фуқаролик хуқуқи”дан “кейс-стади” асосида дарс ўтишнинг айрим масалалари/ Ўзбекистон Республикасида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. - Б. 63-68.
5. Имомов Н.Ф. Нанотехнологияларнинг хуқуқий асослари. Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 8 б
6. Имомов Н.Ф., Эргашев В.Ё., Ашурова Н.А. Хусусий мулкнинг хуқуқий режимини такомиллаштириш. Ахборот-таҳлилий материал. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 3-4 б.
7. Оқюлов О. Интеллектуал мулк хуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 5 б.
8. Оқюлов О., Рўзиназаров Ш.Н., Имомов Н.Ф., Бабаев Ж.И. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – 84 б.
9. Раҳмонқулов X.Р. Мажбурият хуқуқи. Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 8 б.

10. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
11. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. –Т.: Noshir, 2014. -4 б.
12. Хозяйственное предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.
13. Ҳўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
14. Эгамберидева Н.Х. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2014. – 239 б.
15. Эргашев В.Ё., Имомов Н.Ф. Кўчмас мулк объектлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 100 б.
16. Юридик фан ва таълимни модернизация қилиш масалалари / Мухамедов Ф.Э., Рўзиназаров Ш.Н., Мамасидиков М.М. – Тошкент: “Komron press”, 2014. – 260 б.
17. Annette Kur, Thomas Dreier-European intellectual property law\_ Text, cases and materials-Edward Elgar (2013).
18. Catherine Elliott & Frances Quinn. Contract law. Longman (2011). (Elliott & Quinn series).
19. Catherine Elliott & Frances Quinn. Dawsonera-Tort law-Longman (2011) (Elliott & Quinn series).
20. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.
21. Chan M.F., Simester A.P. Equity and the Priority of Property Law // New Zealand Journal of Law and Policy. –1991. –Vol.6.
22. Code Napoleon, or, The French civil code. Washington, D.C. : Beard Books, 1999. -627 p
23. Ernest Joseph Schuster. The principles of German Civil law// Bibliolife, 2015, -754 p
24. Hamilton Robert W. The Law of Corporations. 3-th edition. – St. Paul, Minn., USA: West Publishing Co., 1991.
25. Henry Dyson. French property and inheritance law// Oxford [u.a.] Oxford University Press 2003, - 469 p.
26. Jon W. Bruce, James W. Ely, Jr. Cases and materials on modern property law. Thomson /
27. Joseph William Singer. Introduction to property. Aspen Publishers. — NY, 2005. -13-15,20-22 p.

28. Lacker D.F, Tayan.B.Corporate governance matters. FT Press.2011.658 p.
29. Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law.Pearson Education Limited. 2011.
30. Nicolas Bouche. Intellectual property law in France// Alphen aan den Rijn : Kluwer Law International, cop. 2011, 300 p.
31. Riches S, Allen V. Keenan and Riches' business law, 11 the ed, Ashford Color Press.2013. 760 p
32. Roger Smith. Property Law.Pearson Education Limited. 2014.
33. West. St. Paul. — MN, 2007

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.Gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. [htpp://www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. <http://www.Norma.uz>